

1915
Ш 25
87

ШОЛОМ - АЛЕЙХЕМ

СУТЧИ ТЕВЬЕ





ШОЛОМ-АЛЕЙХЕМ

СУТЧИ ТЕВЬЕ

87 СТЕМПЕНЮ

101580

Яҳудий ёзувчиси Шолом-Алейхем (Шолом Рабинович) ўз асарларида собиқ Россия империяси губерналарида яшаган яҳудийларнинг ҳаётини акс эттиради. Уларга саноат шаҳарларида, қишлоқ жойларда яшашга рухсат этилмасди. Автор чор ҳокимияти томонидан қашшоқ яшашга маҳкум этилган халқнинг аянчли қисматини, урф-одатини зўр маҳорат билан тасвирлайди.

Шолом-Алейхем «Сутчи Тевье» повестида Тевье жонини жабборга бериб ишлаб онласини боқинини, қизларининг турли тақдирини, бойларнинг шафқатсизлигини ёрқин бўёқларда тасвирласа, «Стемпеню» романида ҳавойи, қўли очиқ музикачининг саргузаштига бой ҳаётини тасвирлайди.

Русчадан

АБДУЛЛА УРАЗАЕВ

таржимаси

Шолом-Алейхем.

Сутчи Тевье. Стемпеню. Русчадан А. Уразаев тарж. Т., «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти,

1966.

328 бет.

Тиражи 15000

Шолом-Алейхем. Тевье-молочник. Стемпеню.

СУТЧИ ТЕВЪЕ

ПОВЕСТЬ

«ФАҚИРУЛ ҲАҚИР БАНДАМАН»

(Сутчи Тевьенинг авторга мактуби)

Суюкли ва қадрдон дўстим жаноб Шолом-Алейхем, худо сизга хотин, бола-чақангизга сиҳат-саломатлик ва фаровонлик ато этсин! Бутун умрингизда ва қадамингиз етган ерда шод-хуррамлик ва роҳат сизга ҳамроҳ бўлсин, омин!

Пиримиз ҳазрати Ёқуб Исога қарши юришга тайёрланаётганларида оллоҳи таолога мурожаат қилиб: «Фақирул ҳақир бандаман» деган эканлар, мен ҳам у кишининг гапларини такрорлайман... Эҳтимол, бугагим унчалик ўринли эмасдир, худо ҳақи кечиринг: мен солда одамман, сиз кўп нарсани биласиз, бунга гапириб ўтиришининг ҳожати ҳам йўқ! Ўзинг кечир парвардигор, қишлоқда одам ёввойилашиб кетаркан, китоб очишга ҳам қўли тегмаскан, китоби шарифнинг сураларини такрорлашга ҳам вақт топилмас экан... Хайриятки, ёзда егупецлик бойлар Бойберик чорбоғларига дам олгани келганларида баъзан ўқимишли кишини учратиб қоласан ва доно гаплар эшитасан. Эсингизда бордир, бизнинг қишлоғимизга яқин ўрмонда турганингизда менинг маза-бемаза гапларимни эшитиб ўтирардингиз, ишонинг, ўша дамларни эслаш мен учун ҳар қанақа пул топишдан афзал. Билмадим, мен сизга нима хизмат қилиб қўйибманки, вақт сарф қилиб мендай арзимас

одамга хатлар ёзиб овора бўляпсиз. Яна ҳали сиз менинг номимни китобга киритмоқчисиз, мени худди ширии таомдек одамларга тақдим қилмоқчисиз, кошки мен шунга арзисам! Бор овозим билан ахир: «Фақирул ҳақир бандаман!».. деб айтишим керак эмасми? Мен дарҳақиқат, сизнинг содиқ дўстингизман, сизга тилаган эзгу тилақларимнинг лоақал юздан бирини худо менга ато қилса жон дердим! Сиз катта чорбоғни ижарага олиб турган ўша яхши кунларда мен сизни деб қанчалик жон кўйдирганимни ўзингиз ҳам кўрган бўлсангиз керак, эсингиздами? Мен сизга эллик сўмга битта яхши сигир олиб бермовдимми, унақасини энг камн эллик беш сўмга ҳам олиб бўлмасди. У сигир икки кун туриб, учинчи кунн ўлган экан, бунга мен айбдор эмасман. Ахир, иккинчи олиб берган сигирим ҳам ўлиб қолди-ку!.. Ўзингиз ҳам биласиз, мен бунга қанчалик хуноб бўлиб юрганман, ўшанда калламни йўқотиб қўйганман-а! Сиз нима билан хурсанд бўлсангиз, ҳаммасини муҳайё қилишга тиришганман, келаётган янги йилда худойим сизгаям, менгаям омад берсин, дуода айтилганидек, сиз учун «ўтмиш замондаги каби кунларимиз янги-янги бўлаверсин...» Парвардигор менинг ҳам ишимни ўнгидан келтирсин! Ўзим ҳам соғ бўлай, отим ҳам омон бўлсин, сигирим кўп сут берсин, токи мен бундан кейин ҳам сизга сидқидилдан хизмат қилай, сиз ва егупецлик бойларга суту пишлоқ етказиб турай. Худойим у бойларнинг ҳам ишларини ўнгидан келтирсин. Энди сиз китобингиз билан менга қилган хизмат ва ҳурматингизга келганда, такрор айтишим керакки, мен бундай ҳурматга арзимайдиган «ҳақирул фақир бандаман!» Анатовкага яқин Бойберикнинг нариги томонида сутфуруш Тевье номли бир киши яшаётганлиги бирданига бутун оламга маълум бўлиши мен учун ҳаддан ортиқ шараф бўлмасмикан! Аммо шуни ҳам айтиш керакки, сиз иши-

ишгизни билиб қиладиган одамсиз, менинг сизга ақл ўрғатишимнинг ҳожати йўқ, нима деб ёзишни ўзингиз яхши биласиз, ишнинг бундан бошқа томонларига келганда, тамомила сизнинг фаросатингизга ишонаман: сиз ўша Егупецда ёзаётган китобингиздан менга оз-моз улуш чиқарарсиз деб умид қиламан. Биласизми, ҳозир бу жуда кўнгилдагидек бўларди. Нега десангиз, қизимни узатишим керак, шу муносабат билан мен тезда тўй тарадудини кўрмоқчиман. Сиз айтганингиздек, бош омон бўлса бир йўла опа-сингилни баравар чиқармоқчиман. Ҳозирча хайр. Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман. Энг яқин дўстингиз:

Тевье

Айтгандай, энг муҳими эсимдан чиқипти-я! Китоб тайёр бўлиб, сиз менга пича пул юбормоқчи бўлсангиз. барака топинг, пулни Анатовкага, ўша ерлик қассоб помига юборинг. Қишда менинг иккита маъракам бор: бири кузакда, Покровдан сал олдинроқ, иккинчиси янги йил арафасида бўлади. Ўша кунлари мен шаҳарда бўламан. Қуруқ хат ёзадиган бўлсангиз, тўппа-тўғри Бойберикка, менинг номимга юбораверинг. Бундай деб ёзинг: «Сутфуруш яҳудий Тевел жанобларига тегсин».

1895

КУКДАН ТУШГАН БАХТ

Камбагал, аёлманд сутфуруш Тевьега фавқулодда бир тасодиф туфайли бахт кулиб боққани ҳақида ажойиб воқеа. Буни Тевьеннинг ўзи ҳикоя қилиб берган ва сўз-сўз баён этилган:

«Қашшоқни қабрда тирилтирар у
Мажруҳларга бахш этар мадор...»

(Забур)

Биласизми, жаноб Шолом-Алейхем, дейдиларки, пешанада бўлса, бахт ўзи эшигингиздан кириб келаверди! «Омадинг юришса, унинг ўзи сизни қидириб топади». Бунда ақл ҳам, уқув ҳам керак эмас. Агар, худо сақласин, акси бўлса-чи, ҳеч нима қилолмайсан, биров сенга ёрдам ҳам беролмайди! «Отинг ёмон бўлса, унга на ақл, на қамчи кор қилади» деган гап бор. Киши деганинг ўлиб-тирилиб меҳнат қилади, қанчалик машаққат чекади-ю, ҳеч вақт ёруғ кун кўрмайди! Гоҳо шундай бўлади-ки, тўсатдан билмай ҳам қоласан, омадинг юришиб кетади... «Бани исроилга ҳам енгиллик ва нажот келадил!» Сизга бу гапларни уқтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, аммо бунинг маъноси шуки, танингда жонинг бор экан, биттагина бўлса ҳам томиринг уриб турар экан, ноумид бўлмагин. Мен буни ўзимдан биламан. Дарҳа-

қиқат, мен ҳозирги касбимга қандай қилиб эришганман? Менинг бувим ҳам, катта бувим ҳам ҳеч қачон сут сотган эмас. Йўқ, ҳақиқатан ҳам сиз бу воқеани бошдан-оёқ эшитсангиз арзийди. Мен бирпас мана бу ерга сизнинг ёнгинангизга, кўкат устига ўтирай, отим ҳозирча ўтлаб юрсин, ахир «Тани борнинг жони бор» дейдилар-ку. У ҳам худонинг махлуқи-да!

Хуллас, бу воқеа ёз байрамига яқин, аниқроғи, шу байрамдан ё бир ҳафта ёки икки ҳафта олдин бўлувди... Аммо байрамдан бир ҳафта ёки икки ҳафта кейин бўлган бўлиши ҳам мумкин. Билингки, бу воқеа бир йил бурун бўлган эмас, роса тўққиз йил бурун бўлиб ўтган, агар ўн йил ёки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам ажабмас.

У вақтда мен ҳозирги Тевье эмасдим, яъни ўша Тевье эдим, аммо бошқачароқ эдим, «Аёл ўша-ўшаю, сочи бошқа» дейишадю. Нега бундай деб савол беришингиз мумкин. Шундай: мен у вақтда, худо сизга шу кунни кўрсатмасин, қип-қизил гадо эдим... Тўғриси айтганда, мен ҳозир ҳам бой эмасман. Сиз билан биз шу ёз ичида Бродскийнинг давлатига менинг етинқирамайдиган маблағимча пул топиш тилагида бўлишимиз керак... Аммо мен илгариги вақтдагига қараганда ҳозир бойман дейишим мумкин: ахир, от-аравам, кўз тегмасин, иккита соғин сигирим ва яна бугун-эрта туғадиган бўғоз сигирим бор. Бунақа ҳолатда нолиш гуноҳ бўлади, сигирларим сут беради, ундан ҳар куни қаймоқ, сариёғ олиб турибман, пишлоқ пиширяпман, ахир буларнинг ҳаммаси ўз пешана теримиз билан топилган, негаки, оилада ҳамма ишлайди, бекор одам йўқ. Хотиним сигирларни соғади, қизларим идишларни ювиб, тозалаб, жойлаштириб турадилар, қаймоқдан сариёғ қиладилар, ўзим бўлсам, кўриб турибсизки, ҳар куни эрталаб бозорга жўнайман, Бойберикдаги ҳамма чорбоғларни бир

марта айланиб чиқаман, ҳали униси, ҳали буниси билан, яъни Егупецдан келган энг катта бойлар билан учрашаман... Одам билан гаплашганингда ўзингни ҳам инсон ҳис қиласан, хуллас, халқ айтгандай, итнинг орқа оёғи эмасман... Шанба куни тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади! Шанба куни мен ўзим хон, ўзим бекман: китобхонлик қиламан, панж китобни варақлаб, ундаги «Оталар насихати» деган бобнинг кўраман, зарур оятларидан ўқийман. Қулоқ солинг, жаноб Шолом-Алейхем, сиз ичингизда: «Ҳай-ҳай, бу Тевье унчалик содда одам эмас!..» деб ўйласангиз керак.

Айтмоқчи, мен нимани гапира бошлаган эдим? Ҳа... Мен ўша вақтда, худонинг марҳаматидан бенасиб, бечора камбағал эдим, хотиним, бола-чақаларим билан кун бўйи тўйиб овқат емасдик, очдан ўлаёзгандик. Ҳўкиздай ишлардим, ўрмондан вокзалга хода таширдим; аравага хўп хода юклардим, от зўрға тортарди, уялиб нима қиламан, топганим бор-йўғи бир ярим танга бўларди. Шуям ҳар куни эмас... Ана шу пулга бир уй нонхўрни боқиб кўринг-чи, бунинг устига, худо ёмон кўздан асрасин, отни ҳам боқишим керак, чунки у панди насихат ва доно сўзларингни уқмайди, марҳамат қилиб ҳар куни унинг қорини тўйдир, вассалом!

Аммо худо халлоқ! Ахир «Ҳаммани боқадиган ва тўйдирадиган» худо оламини оқилона бошқаради-да. Бир бурда нон деб чеккан машаққатимни кўриб айтган-да: «Эй Тевье, сен ҳамма нарса тамом бўлди, қиёмат қойим келди, осмон ерга йиқилади, деб ўйлаяпган бўлсанг керак. Аҳмоқсан Тевье, қип-қизил аҳмоқсан! Хоҳласанг тўсатдан бахтинг кулади, рўшноликка чиқасан». Худди оятда айтилганидек: «Биров кўкка кўтарилади, биров юз тубан кетади», биров от миниб юради, биров гиёда судралади. Энг муҳими ишонч бўлуви керак! Умидвор бўлиб, фақат умидвор бўлиб яшамоқ керак!

Агар вақти-соати етгунча машаққат чекишга тўғри келаркан, чидаш керак, шунинг учун ҳам бизлар яҳудий-миз-да, яъни, сара халқмиз... Бутун оламнинг бизга ҳасад билан қараганлиги бежиз эмас... Мен нима учун бу гапларни гапиряпман? Шунинг учунки, оллоҳи таоло мени ҳам ўз марҳаматидан четда қўймади... Оламда қандай мўъжизалар бўлишини бир эшитинг-а.

Ёз кунларидан бирида, кечга яқин, ўрмондан бўш аравада уйга қайтаётган эдим. Бошим қуйи солинган, кўнглим ғаш эди. От бўлса оёқларини аранг судраб босар, қамчи кор қилмас эди...

— Судралавер, шўрлик!— дейман. — Мен билан баб-баравар гўрга кирасан! Тевъенинг оти бўлганингдан кейин ёзнинг узун кунида рўза тутиш қанақа бўлишини билгин-да!

Ҳамма ёқ жимжит. Отга урилган ҳар бир қамчи овози ўрмонда янграйди. Қуёш ботиб, кеч кирмоқда. Дарахтларнинг соялари узайиб кетган, учлари кўринмайди. Қоронғилик босиб келмоқда. Юрак сиқилади. Миямни ҳар хил кўнгилсиз ўйлар чулғаб олган, аллақачон ўлиб кетган кишиларнинг суратлари кўз олдимга келяпти. Уйни ўйласам, ғам босади. Уй зулмат ичида, уни қай-гу-алам босган, болалар, илойим соғ бўлсинлар, оч-яланғоч, улар булка пон бўлмаса, ширмон кўтариб келарми-кан деб молтопар дадаларини зориқиб кутиб турибдилар! Кампирим бўлса, хотин хотинлигини қилади-да, вайсайди: «Мен унга шунча бола туғиб берибман, еттита-я! Худоё, кечир, ҳаммасини тириклайин дарёга ташлаб оқизиб юборсанг осонроқ бўлармиди!»— дейди. Бунақа гапларга чидаб бўладими?

Ахир биз тирик жонмиз. Гапга қорин тўймайди. Тузланган балиқ егандан кейин чой хоҳлаб қоласан, чой қандсиз томоқдан ўтмайди, қанд бўлса Бродскийникида.

— Бир бурда нонни кам есам,— деди хотиним, жи-

гилдоним хафа бўлмайди. Аммо эрталаб бир пиёла чой ичмасам юролмайман. Чақалоқ кечаси билан эмавериб силламини қуритиб қўяди!

Аммо сен бани исроил экаилогингни эсингдан чиқарма, қуёш ботиб боряпти... ибодат эчки эмас, ҳеч қаерга қочмайди-ку, лекин канда қилиб бўлмайди-да... Тўғри, бундай ҳолатда ибодат қилиш осон эмас. Бир тасаввур қилинг-а, қимирламай тикка туриш лозим бўлганда, отингиз атайин аравани олиб қочди. Энди нима қиласиз? Отнинг жиловини қўлингизга олиб, «Иброҳимнинг раббиси, Исҳоқнинг раббиси, Ёқубнинг раббиси...» деб ибодатингизни ўқиб аравангизни кетидан чопаверасиз. Шу ҳам ибодат бўлди-ми? Аммо худди шу чоқ атайин астойдил ибодат қилгингиз келади, кўнгил таскин топармикни деб ўйлайсиз.

Хулласи калом, мен арава кетидан елиб, худди синагогдаги каби дуоларни қироат қилиб бораётгандим: «Барча тирик жонни ўз саховати-ла боқувчи!» Яъни ўзи яратган ҳаммага насиба берувчи... «Гўрда ётганлар олдидаги аҳдини бажарувчи...» Яъни ҳатто ҳаётни қора гўр деб биладиган кишилар олдидаги ваъдасини бажарувчи...

«Чиндан ҳам, ҳаётимизнинг чуқур гўрдан нима фарқи бор?»— деб ўйлайман. Бу дунёда машаққат чекамиз, холос. Егупец бойлари-чи? Улар ёз бўйи Бойберикдаги соя-салқин чорбоғларда ҳордиқ чиқарадилар, еганлари олдида, емаганлари кетида, фароғатда яшайдилар. Ё парвардигор! Гуноҳим нимаки, бошим кулфатдан чиқмайди? Мен бошқалардай одам эмасманми? «Қашшоқ-лигимизга назар сол!» Чекаётган азобимизни кўргин, қанақа меҳнат қилишимизни назарингга ол-да, биз камбағалларга карам қил, сендан бошқа бизнинг ёнимизни олувчи йўқ, ахир! «Малҳам бер бизга, соғ бўлайлик». Шифо бер бизга, ярани бировдан қарзга олмаймиз, ўзи-

мизда тўлиб-тошиб ётибди. «Марҳамат қил бизга...» Баракалп йил бер, мўл-кўл буғдой ҳам, жавдар ҳам, арпаям, хуллас, барча экин сероб бўлсин... Аммо иккинчи томондан қарайдиган бўлсак, бундан мен шўрликка нима фойда? Айтайлик, сули арзон бўладими, қиммат бўладими, отимга барибир эмасми?

Аммо тангрининг ишларига бизнинг дахлимиз йўқ. Яҳудий-ку хусусан, у ҳамма нарсага итоат билан бўйин эгиши ва «Шунга ҳам шукур!» деб қаноат қилиши лозим. Худога шу ёқса керак! Аммо ибодатимда давом этиб дейманки, худо йўқ деб даъво қилувчи даҳрий «ристакратлар» у дунёга борганларида шармисор бўладилар... Қилмишлари учун қаттиқ азобга қоладилар, чунки» душманларни маҳв этувчи» тангри уларнинг адабини бермай қўймайди. Худо билан ўйнашиб бўлмайди, у билан иноқ бўлиш керак, унга ёлвориш керак, ундан илтижо қилиш керак: «Қарами кенг тангрим! Оҳимизга қулоқ сол!» Додимизни эшит! «Бизга шафқат қил! Хотиним ва бола-чақаларимга раҳминг келсин, улар оч ва яланғоч. Ўзингнинг маҳбуб халқингга раҳм айла, бу сенинг эзгулигинг бўлсин, бир замонлар муқаддас ибодатхонада руҳонийлар ва фуқаро... Дуом шу ерга келганда бирданига отим таққа тўхтаб қолди. Чала қолган дуомни юмалоқ-ёстиқ қилиб тамомладим-да, бошимни кўтариб қарасам, кийимлари одам кийимига ўхшамайдиган қандайдир иккита зот дарахтлар орасидан рўпарамга чиқиб келяпти... Бошимга шу он «йўлтўсарлар» деган фикр келди-ю, аммо дарҳол ўзимни тутиб олдим: «Уҳ, Тевье, бориб турган аҳмоқсан-а! Неча йилдирки, эрталаб ҳам, кечлариям шу ўрмонда юриб бирон марта учрамаган йўлтўсарлар энди кўзингга кўриняптими?»

— Чув!— дея қистадим отни ўзимга келиб ва гўё ҳеч нарса сезмагандай, отга қамчи босдим.

— Ҳў, яхши киши! Қулоқ солинг, амакижон!— деди

менга бу зотлардан бири аёллар овози билан қўлидаги дастрўмолнинг силкири экан.— Бирпас тўхтанг, қочманг, шошилманг, биз сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмаймиз!

— Ҳа! Жин-алвасти!— деб ўйладиму, аммо дарҳол ўзимга:—«Хом калла, жин-алвасти қаттан келади бирланга бу ерга?»— дедим-да, отни тўхтатдим. Яхшироқ назар солдим, аёллар экан. Бири кексароқ, бошига ипак рўмол ўраган, бошқа бири ёшроқ, ясама соч кийган. Иккинчиси алвондай қизариб, терга ботган.

— Салом! Учрашганимизни қаранг!— дедим мен баланд овоз билан гўё бу учрашувдан хурсанд бўлгандай.— Хўш, нима дейсиз? Агар бирон нарса сотиб оламиз десангиз, менда қорнимдаги санчиқ ва юрагимдаги бир ҳафтага етгулик дарддан бошқа ҳеч нима йўқ. Яна ғам, ташвиш ва ҳар хил бош оғриғи, керак бўлса ғам-ғусса, мусибату фалокатдан ҳам хоҳлаганингизча топилади. Ҳам чакана, ҳам улгуржи.

— Секин! Тўхтанг!— деди улар.— Гапга тушиб кетганини қаранг, тўхтатиб бўлмайди-я! Аравакашга салом берсанг бўлди, балога қоласан. Биз ҳеч нарса сотиб олмақчи эмасмиз. Сиздан Бойберикка борадиган йўлни сўраб олмақчи эдик, холос.

— Бойберикка борадиган йўлни?— деб жўрттага кулиб қайта савол бердим.— Бу саволингиз: сенинг отиңг Тевье-а, деб менниг ўзимдан сўраш билан барабар.

— Шундайми?— дейишди улар.— Отингиз Тевьеми? Салом, жаноб Тевье! Лекин тушуна олмадик, бунинг куладиган нимаси бор? Биз бу ерлик эмасмиз. Бизлар Егупецдан келганмиз, Бойберикдаги чорбоғда турамыз. Сайр қилгани ўрмонга чиқувдик, эртадан буён мана шу ўрмон ичида адашиб юрибмиз. У ёққа борамиз, бу ёққа келамиз, лекин сира йўлни тополмаймиз. Қулоғимизга кимнингдир ашула айтган овози эшитилди. Бошда биз, худонинг ўзи асрасин, қароқчилар бўлса-я, деб ўйладик.

Яқинроқ келиб сизнинг яҳудий эканлигингизни билгач, енгил тортдик. Тушундингизми?

— Ҳе-ҳе! Қароқчи денг!— дедим мен.— Сиз ўзи йўловчига ҳужум қилиб, ундан бир чимдим носвой талаб қилган қароқчи яҳудий воқеасини эшитганмисиз? Хоҳласаларинг гапириб бераман...

— Бу воқеани бошқа вақт гапириб берасиз. Ундан кўра сиз бизга Бойберикка борадиган йўлни кўрсатиб беринг,— деди улар.

— Бойбериккай? Марҳамат! Мана шу йўл худди Бойберикка олиб боради! Боргингиз келмаган тақдир-даям барибир бу йўл сизни тўппа-тўғри Бойберикка олиб боради!

— Боядан бери шуни айтмайсизми, индамай турибсиз.

— Жар солайми, бўлмаса?

— Ундай бўлса, сиз Бойберикнинг бу ердан қанчалигини ҳам айтиб берарсиз.

— Бойберик бу ердан узоқ эмас,— деб жавоб бердим мен,— бир неча чақирим келади, холос. Яъни бешолти чақирим, етти ёки саккиз чақирим келса ҳам ажаб эмас.

— Саккиз чақирим!— деб иккиси ҳам барабар қичқириб юборди ва қўлларини уқалаб, йиғламоқдан бери бўлдилар.— Кечирасиз! Сиз нима деяпсиз? Билиб, тушуниб гапиряпсизми? Саккиз чақирим йўл юриш ҳазилми!

— Хўш, илож қанча?— дея жавоб бердим.— Агар қўлимдан келса, йўлни қисқартирардим. Одам дунёда ҳамма нарсани бошидан кечириши керак. Йўлда ҳар хил воқеага учрайсан... Баъзан шундай бўладики, лой кечиб доvon ошасан, яна шанба арафасида денг, кўзингни очолмайсан, юзингга ёмғир уради, қўллар совқотади, қорнинг ўлғудай оч, устига яна қарс этиб араванинг ўқиниб кетади...

— Сиз бемаъни гапларни гапиряпсиз!— деди улар.— Ақлингиз жойида бўлмаса керак. Сизнинг «Минг бир кеча»дан эртаклар гапириб беришингизнинг биз учун нима зарурияти бор. Биз оёқ устида аранг турибмиз. Қорнимиз ўлгудай оч. Эрта билан бир стакандан кофе ичиб, биттадан кулча еганмиз, холос. Бутун кун бўйи туз тотганимиз йўқ. Сиз бўлсангиз, бизга қаёқдаги можароларни гапириб ўтирибсиз.

— Мана бу тўғри гап!— дедим мен.— Оч одамга ўйин-кулги ёқмайди. Очликнинг нималигини мен жуда яхши биламан — буни менга гапирмасаларинг ҳам бўлади. Мен кофе билан кулчани кўрганимга бир неча йил...

Шу чоқ сут қуйилган бир стакан иссиққина кофе, иссиқ булка ва бошқа ширин таомлар кўз олдимга келди... «Оббо сабнл, кўнглим тусаган нарсани қаранг,— деб ўйладим мен.— Бу нозик овқатни менга ким қўйибди: булка билан кофе эмиш-а... Бир бурда қора нон билан селёдка бўлса ҳам тешиб чиқмас». Ҳа шайтон, қуриб кетгур васваса қилгани қилган, кофенинг ҳиди буригимга уриб турибди, иссиқ булканинг таъми тилимда, иссиққина-я, қирсиллаб турипти — жудаям мазали!..

— Биласизми, жаноб Тевье?— деб аёллар менга мурожаат қилишди.— Биз тик тургандан кўра аравангизга чиқиб олсагу, сиз бизни уйимизга, Бойберикка обориб қўйсангиз дуруст бўлмайдими? Хўш, нима дейсиз?

— Ана холос!— дедим мен.— Ўзим Бойберикдан келаётган бўлсам, сизлар у ёққа кетяпсиз, бу қанақаси бўлади?

— Ажабо!— дейишди улар.— Қанақа бўлишини билмайсизми? Ўқимишли одам бўлса, аравани орқага буради-да, йўлга тушади. Сиз жаноб Тевье, хотиржам бўлинг. Амин бўлингки, агар сиз бизни эсон-омон Бой-

берикка обориб қўйсангиз, худо ёр бўлиб касал-масал бўлиб қолмасак, сиз бу ишда ҳеч нарсa йўқотмай-сиз...

«Булар мен билан чулчутча гапиришяпти шекилли, деб ўйладим мен.— Қандайдир рамз билан гапиришяпти!» Аллақандай мурдалар, жин-ажиналар, алвасти-шайтонлар кўз олдимга келди. «Қип-қизил аҳмоқсан!— ледим ўзимга.— Ахир, нимага ғўдайиб турибсан. Аравангга ўтириб, отингни қамчилаб қочавермайсанми?» Лекин аксига олиб, истагимга зид:

— Қани, аравага чиқинглар!— деб юборибман.

Улар гапимни эшитишлари биланоқ аравага чиқиб олишди. Мен ҳам уларнинг орқасидан араванинг олди-га ўтириб олдим-да, аравани буриб отга қамчи босдим: «Бир, икки, уч, торт!» Қани энди, от жойидан қимирласа. Қамчи эмас, қилич солсанг ҳам жойидан жилмайди. «Булар қанақа аёллар экани энди аёи бўлди,— деб ўйладим мен. Шайтон васвасасига қолдим шекилли! Йўқ-са сабабсиз-несиз йўлда тўхтаб шу аёллар билан лақиллашиб ўтирармидим!..»

Бир ўйлаб кўринг-а! Ўрмон ичидамиз, ҳамма ёқ жимжит, қоронғи тушиб келяпти, ёнимда аёллар сифатига кирган жинми, шайтонми, билмадим, нималар ўтирипти... Мени мудҳиш хаёл босди! Шундай ўрмонда юз берган бир воқеа эсимга келди. Кунлардан бир кун битта аравакаш ўрмонда ёлғиз кетаётиб, йўл устида ағанаб ётган бир қоп сулини кўриб қопти. Аравакаш эринмасдан аравадан тушиб, қопни базўр елкасига кўтариб олибди-да, аравага аранг солиб кетаверипти. Қоп шу қадар оғир эканки, оз бўлмаса аравакашни босиб қолай дебди. Бир чақиримча йўл юриб, аравакаш бурилиб қоп қўйилган жойга қараса қоп йўқ эмиш. На қоп бор денг, на сули! Аравада соқолини силкитиб эчки ётган эмиш. Аравакаш эчкига қўлини чўзса, эчки бир газ

келадиган тилини чиқариб мазах қилганмишу, қаҳ-қаҳ-лаб кулиб ғойиб бўлганмиш!

— Нега тўхтаб турибсиз?— дейишди менинг йўловчиларим.

— Нега тўхтаб турибманми? Кўриб турибсизлар-ку, от оёқ ўйинини хоҳламаяпти,— дедим мен.

— Сиз уни қаттиқроқ уринг,— дейишди улар.— Қўлингизда қамчингиз бор-ку.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат!— дедим мен.— Яхшики, эсга солдингиз. Аммо гапнинг пўсткалласини айтсам, менинг дулдулим қамчи-памчидан қўрқмайди. Мен қашшоқликка қанча кўникиб қолган бўлсам, уям қамчига шунча кўникиб қолган...

Ҳазиллашгандай бўламону, аммо бутун баданим қалтираб турибди.

Гапни чўзиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, хулласи калом, мен кўнглимдаги аламинни шўрлик отимдан олдим. Қамчи босавердим. Ниҳоят, парвардигор мадад бериб, от жойидан қўзғалди-ю, биз ўрмон ичидан келган йўлимизга қараб жўнаб кетдик.

Боряпмизу, миямга янги фикр келяпти: «Эх Тевье, одаммассан, эшаксан! Сендан тузук одам чиқмайди, гадой эдинг, гадой бўлиб қолаверасан! Шундай учрашишдан фойдаланиб қолсанг-чи. Ахир, бунақа учрашувлар юз йилда бир марта бўлади. Аввал бошданоқ савдолашмайсанми, аҳмоқ! Хизматинг ҳақини, қанча пул олишингни билиб олмайсанми? Нима десанг ҳам инсофданми, одамгарчиликданми, қонуний йўл биланми бунақа ишдан фойдаланиб қолиш гуноҳ эмас-ку! Бас, шундай ҳол юз берган экан, шилмайсанми уларни? Ахир, эшак, дарҳол отингни тўхтатмайсанми, мижғовланиб ўтирмай, шартта: «Фалонча берсангиз айтган жойингизга обориб қўяман, бермасангиз, кечирасизлар, марҳамат қилиб аравадан тушинглар, демайсанми? Ўйлаб қа-

расам, дарҳақиқат, эшак экансан, Тевье! Айиқ териси ўрмонда сотилмайди-ку. Шунини ҳам билмайсанми? Бизда деҳқонлар: «Очилмас омборнинг калити осмонда», дейдилар.

— Отингизни тезроқ ҳайдасангиз-чи!— деб аёллар орқамдан турткилашади.

— Шошилиб нима қиласизлар? «Шошмасанг тез етасан, шошгандан ўзиб кетасан», деган гап ҳам бор, дейман мен уларга кўз қиримни ташлаб.

Кўринишлари чакки эмас... Бинойидек: биттаси ипак рўмол ўраб олган, бошқаси парик кийган. Бир-бирларига қараб пичирлашиб ўтиришибди.

— Узоқми ҳали?— деб сўрашди мендан.

— Яқин эмас, узоқ,— деб жавоб бердим мен.— Мана ҳозир тепаликдан тушамиз-да, кейин яна битта тепаликка чиқамиз. У тепаликдан тушгандай кейин яна битта тепалик келади. У тепаликни ҳам ошгандан кейин яна катта бир тепаликка чиқамиз. Уни ошиб бўлиб тўғри йўлга чиқамиз. Ўша йўл Бойберикка олиб боради.

— Зўр извошчи эканми!— деди биттаси иккинчисига қараб.

— Нимасини айтасан?— деди иккинчиси.

— Эсим пастга ўхшайди!

— Шундан қисилиб турган эдик!— деди биринчиси.

«Рост, эсим паст бўлмаса сарсон бўлиб юрармидим!» деб ўйладим.

— Айтинглари-чи, ҳурматли аёллар, сизларни қаерга ағдариб кетай. Хўш, қаерга?— деб савол бердим уларга.

— «Агдарай» деганингиз нимаси? Буни қандай тушунайлик, маъзини чақиб беринг,— дейишди улар.

— Биз аравакашлар шундай деймиз,— деб тушунтирдим мен.— Ўз тилимизда эса, худо хоҳласа омон-эсон Бойберикка етиб борганимиздан кейин сизларни

қасерга обориб қўйй, дегани бўлади. Ўшни бир марта чалкаштиришдан кўра, икки марта сўраб олган яхши, дейдилар-ку.

— Аҳа, шундай денг!— дейди улар.— Барака топинг, бизни ўрмоннинг нариги томонидаги дарё бўйига жойлашган яшил чорбоққа обориб қўйинг. У жойни биласизми?

— Нега билмас эканман?— дедим мен.— Бойберик менинг ўз уйимдай гап. Қани энди пулим ҳам у ерга ташиб оборган мингларча хода миқдорида бўлса. Мен бултургина яшил чорбоққа бирданига икки саржин ўтин обориб берганман. У чорбоғни Егупецдан келган бир бой ижарага олган эди, у бойнинг юз минг, балки икки юз минг сўм пули бўлса керак.

— Бу йил ҳам чорбоғни ўша бой ижарага олиб ўтирибди,— дейишди аёллар ва бир-бирларига қараб нимадир шивирлаша бошлашди.

— Ундай бўлса, сизлар балки ўша бойнинг бирон яқини кишисидирсизлар,— дедим мен,— агар шундай бўлса эҳтимол, унга менинг ҳақимда бирон яхши гап айтиб қўясизлар. Худо хайрингизни берсин, икки оғиз бир нима деб қўйинг, балки менга қандайдир иши, хизматини қилиб қолиши мумкин. Ҳар ҳолда бирор нарса топилар. Мен бизга яқин жойда турадиган Исроил деган бир ёш йигитни биламан. Ҳеч нарсага арзимайдиган бўлмағур бола эди. Қандайдир йўл билан битта бойга яқинлашиб олди-ю, ҳозир каттақон бўлиб қолди. Ҳафтасига йигирма сўм, балки қирқ сўм туширар!.. Ким билади дейсиз? Омад келса шу-да!.. Ёки масалан, бизнинг қассобнинг куёвини олайлик. Унинг нима камчилиги бор? У Егупецга кетмаганида ҳоли нима кечарди? Тўғри, бошда у роса қийналди, бир неча йил азоб чекди, очидан ўлишига оз қолди. Аммо ҳозир, худо мени ундан кам қилмасин, уйига пул юбориб туради. Хотин, бола-чақалариниям

олиб кетмоқчи бўпди-ю, афсуски, уларга у ёқда туриш-га ижозат йўқ экан. Ўзи у ерда қандай турар экан, деган савол туғилади. Қандай турарди, умри кўп азобда ўтади... Аммо,— дедим мен.— Тўхтагилар-чи! Ҳамма нарсанинг охири бўлади: мана дарё, мана чорбоғ...

Аравани зина олдига шундай усталик билан обордим-ки, шотини уйнинг худди зинапоясига тирадим. Бизни кўришлари билан қичқириқ, қийқириқ ва қувонч садолари бошланди: «Бувижон! Ойи! Хола! Йўқолганлар топилди! Қутлуғ бўлсин! Ё пирим, қаерда эдиларинг? Бунда биз калламизни йўқотиб қўйдик... Қидиргани ҳамма ёққа одам юбордик... Хаёлимизга нималар келмади... Ким билади дейсиз, ҳар бало бўлиши мумкин! Бўрилар... Қароқчилар, худо сақласин... Нима бўлди ўзи?»

— Қизиқ воқеа бўлди: ўрмонда йўлни йўқотиб адашиб қолдик, аллақасерга кетиб қолибмиз, ўн чақиримча нари... Тўсатдан бир кишини... Яна қанақа кишини денг? Шундай, от-аравали бир дардисарни... Зўрға кўндирдик уни...

— Ё пиримай, қандай даҳшат! Якка ўзларинг-а! Йўл бошлаб борадиган кишиям йўқ! Ё парвардигор! Худога шукур қилиш керак...

Хуллас, айвонга чироғ олиб чиқинди, дастурхон ёзиб, шақиллаб қайнаб турган самовар, патнисда чойнак, қанд, қиём олиб чиқинди, тухум қовуриб келинди, стол устида поз-неъматлар, хушбўй ҳиди димоққа уриб турадиган иссиққина ширин булкалар, улар кетидан ҳар хил иссиқ овқатлар: серёғ шўрва, жаркоп, ғоз гўшти, аёловнолар, настойкалар ва бошқа нарсалар пайдо бўлди... Мен Егупец бойларининг дастурхонини томоша қилиб бир чеккада турибман, худо уларни ёмон кўздан сақласин! «Отингни сот, тўннгни сот, бой бўл экан!» деб ўйлайман. Ишонсангиз, назаримда, фақат

дастурхондан ерга тўкилган неъматларнинг ўзи болачакамни ҳафта бўйи, шанбагача боқишга бемалол етарди. Ё карами кенг парвардигор! Ахир, сен улуғсан, марҳаматинг бешиҳоя, ўзинг одилсан! Ахир шуям тартиб бўлдимми, бировларга ҳамма нарсани берибсану, бошқаларга ҳеч нима бермабсан. Бировларга иссиққина ширин булкалар, бошқаларга эса дўзах азоби! Бир ҳисобга қараганда, сен Тевъе, ўтакетган аҳмоқсан!— дейман.— Бу нима қилганинг? Сен худога оламни қандай қилиб идора қилишни ўргатмоқчи бўласанми? Бас, худо шундай бўлишини хоҳлаган экан, демак, шундай бўлиши керак. Чунки бошқача бўлиши лозим бўлса, бошқача бўларди. Дарҳақиқат, бошқача бўлса бўлмайдимми, деган саволга биргина жавоб бўлиши мумкин: «Биз қулмиз, сабр қилишдан бошқа иложимиз йўқ. Шунинг учун ҳам биз бу ёруғ дунёда яҳудийлармиз. Яҳудий ишонч ва умид билан яшамоғи керак: худога ишониш лозим. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши томонга айланиб кетиши мумкинлигига кўз тикиб туриш керак...»

— Тўхтаглар-чи, ана у одам қаерда қолди?— деб сўради кимдир.— Кетиб қолдим ё у тентак?

— Худо сақласин!— дедим мен.— Хайр-маъзур қилмасдан кетишим мумкинми, ахир? Ассалому алайкум! Дастурхон устида ўтирганларнинг бахтини бер, худо! Овқатларнинг ширин бўлсин! Соғ-саломат бўлинглар!

— Буёққа келинг-чи,— дийишди улар менга.— Нимага қоронғида бекиниб турибсиз? Жиллақурмаса кўрайлик, қанақа одам экансиз! Балки бир рюмка ароқ ичарсиз?

— Бир рюмка ароқми? Бош устига!— деб жавоб бердим мен.— Бир рюмкадан бош тортадиган одам бўлар эканми? Китоби шарифда айтилганидай: «Бировга соғлиқ учун, бировга ўлган учун». Аммо бу гапини шундай

тушунмоқ керакки, ароқ ўз йўли билан, худо ўз йўли билан... Леҳайм!— дедиму, рюмкадаги ароқни сипқордим.— Илоҳим, доим бой ва бахтиёр бўлинглар! Яҳудийлар эса яҳудий бўлиб қолаверсинлар. Ҳамма дард-алам ва кулфатни енгмоқ учун худойим уларга омонлик ва тансиҳатлик берсин!

— Отингиз нима?— деди менга хушбичим тақияпамо бош кийими кийган саховатли хўжайиннинг ўзи.— Қаердан бўласиз ўзингиз? Қаерда турасиз? Уйланганмисиз? Бола-чақангиз борми? Кўпми-озми?

— Бола-чақа дейсизми? Шикоят жоиз бўлмас, гуноҳ бўлади. Агар ҳар бир болам, менинг Голдам қатъий ишонтириб айтганидек, миллион турадиган бўлса, Егупецдаги манаман деган бой ҳам меним олдимда ип эшолмайди. Ҳамма бало шундаки, эгри тўғрига мос бўлолмагани каби қашшоқлик ҳам бойликка мос келмайди... Табаррук китобда: «Байрамни оддий кунлардан ажрата оладиган киши» ҳақида гапирилади-ку, пули кўп одамнинг ҳаёти ҳам қувноқ. Аммо пул Бродский қўлида, менда бўлса фақат қизлар. Биласизми, қизлар жуда катта овунчоқ бўлар экан,— улар бор жойда кулгига жой қолмайди! Майли! Бизлар ҳаммамиз худонинг бандаларимиз, яъни у бемалол тспада ўтирибди, бизлар бўлсак пастда азоб чекамиз. Меҳнат қиламиз, хода ташиймиз, ахир, нима ҳам қилардик? Бизнинг китоби шарифда айтилганидек: «Балиқ бўлмаганда қисқичбақа ҳам балиқ ўрнида ейилаверади...» Асосий бало — таом! Менинг бувим, илоҳим жойи жаннатда бўлсин: «Қорин овқат тиламаганда одам бошдан-оёқ олтинга кўмиларди...» дерди. Агар ортиқча гапириб қўйган бўлсам кечирасизлар... Қийшиқ нарвондан ҳам тўғри, ўткир сўздан ҳам ўтмас нарса йўқ... Оч қоринга бир рюмка отиб олгандан кейин киши айниқса сергап бўлиб қолади.

— Бу кишига овқат олиб келинглар!— деди бой.

Дарҳол стол устида турли таомлар: балик, гўшт, жаркоп, товуқ гўшти, жигар, қорин ва бошқалар пайдо бўлди...

— Тамадди қилиб оласизми?— деб савол беришди менга.— Қўлингизни ювинг.

— Касалга сўраб берадилар, — дедим мен, — соғ одамга эса суриштирмай бераверадилар. Бироқ, катта раҳмат сизларга! Бир рюмка ароқнинг йўли бошқа, унинг иши бирпасда ҳал бўлади. Аммо хотин, болачақалар, илоё соғ-саломат бўлсинлар, уйда йўлимга кўз тикиб ўтиришган бир вақтда дастурхон олдида ўтириб зиёфат ейиш тўғри келмайди. Агар марҳамат қилсаларинг...

Хуллас, менинг гапимни тушундилар шекилли, аравамга уни-бунни таший бошладилар: бировлари булка обориб ташлайди, бирови балиқ, бошқа бирови қовурилган гўшт, яна бири товуқ гўшти, бошқаси чой, қанд; яна бири хурмачада ёғ, бошқа бири банкада қиём...

— Буни, — деди улар, — уйга хотин, болачақангизга совга қилиб оборасиз. Энди айтинг-чи, қилган хизматингизга қанча пул тўлайлик.

— Кечирасиз, — дедим. — Мен қандай қилиб айтар эканман? Йўқ, бу сизнинг марҳаматингизга боғлиқ. Келишармиз балки... Бир червон кам ёки ортиқ бўлгани билан гадоё қашшоқроқ бўлиб қолмайди, деган гап бор-ку.

— Йўқ, — деди улар гапимга рози бўлмасдан, — биз жаноб Тевье сизнинг ўз оғзингиздан эшитишни хоҳлаймиз. Қўрқманг, айтаверинг. Сиз айтган билан, худо сақласин, ҳеч ким каллангизни қирқиб олмайди.

«Нима десам экан? — деб ўйлайман. — Чатоқ-ку, бир сўм десам, алам қилади, балки икки сўмга ҳам сўзсиз рози бўлишар. Икки сўм дейиш ҳар ҳолда хавфли, нимасига икки сўм сўрайди, жинни бўпти, — дейишади».

— Уч сўм,— деб оғзимдан чиққанини сезмай ҳам қолдим, ҳамма бирданига қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Шу чоқ ер ёрилса-ю, кириб кетсам дейман.

— Кечиринглар!— дедим мен.— Балки мен нотўғри айтиб қўйгандирман. От оёғи тўртта бўлса ҳам қоқилади, кишининг-ку биттагина тили бор, холос. Адашиши турган гап...

Бу гапларимдан кейин улар баттар кула бошлади-лар. Қоринларини ушлаб кулишади денг.

— Бўлди, кулманглар!— деди хўжайин ва ён чўнтагидан кармонини олиб, ундан битта қоғоз пул чиқарди, масалан, қанча чиқарди деб ўйлайсиз? Қани топинг-чи! Ўн сўм! Ўтдай ёниб турган қип-қизил қоғозни чиқариб берди-я!— Илойим сиз ҳам, мен ҳам соғ бўлайлик! Бу пул менинг номимдан,— деди у,— сиз болалар, ўз номингиздан лозим топганингизча пуллариңгиздан беринглар!..

Қисқаси, гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ! Столга беш сўмлик, уч сўмлик ва бир сўмликлар ёғилиб кетди, қўл-оёқларимни титроқ босди, тоқат қилолмасам керак, ҳушимдан кетиб йиқилиб қолсам керак, деб ўйладим.

— Нимага гўдайнб турибсиз,— деди бой менга қараб.— Пуллариңгизни олинг-да, худо ёр бўлсин, хотин, бола-чақангиз олдиға кетинг.

— Бу ҳурматингизни худо юз бараваар қайтарсин!— дедим мен.— Ўзларингга ўн бараваар, юз бараваар кўпроқ бўлиб қайтиб келсин. Яхши қолинглар, шод-хуррам яшаңглар!

Пуллариңи санамасдан,— санаб бўлармиди дейсиз!— икки қўллаб йиғиштира бошладим, қоғозларни бор чўнтақларимнинг ҳаммасига тикиштирдим.

— Оқшомингиз хайрли бўлсин, тинч ухланглар!— дедим мен.— Соғ-саломат бўлинглар, худо таоло сизга,

болаларингизга, неварачевараларингизга, хуллас, бутун насл-насабингизга бахт-саодат ато этсин!

Эшнқ томон қадам ташладим. Шу чоқ бойнинг хотини, ўша шойи рўмол ўраган аёл ёнимга келиб нима деди денг:

— Шошманг, жаноб Тевье. Мен сизга алоҳида соғ-га бераман. Сиз худо хоҳласа эртага келиб кетинг. Битта кул ранг сигирим бор. Бир вақтлар жуда серсут эди. йингирма тўрт коса сут берарди. Кўз тегди шекилли, сут бермай қўйди. Бутунлай бермай қўйган эмасу, аммо ҳар ҳолда жуда камсут бўлиб қолди...

— Худоё, умрингиз узоқ бўлсин!— деб жавоб бердим мен.— Тинч бўлинг! Сигирингиз менинг қўлимда сут берадиган бўлиб қолади. Менинг хотиним жуда эпчил аёл. Йўқ ундан угра қилади, қуруқ бармоқларидан умоч пиширади, уйда ҳеч нарса йўғидаям шанбани ажойиб байрам қилиб ўтказади, болаларни шақилдоқ билан ухлаганини ётқизади... Кечирасиз,— дейман мен,— агар ортиқча гап гапириб қўйган бўлсам, хайрли кеч сизга, яхши қолинг, донм соғ-саломат ва бахтли бўлинг!

Ҳовлига чиқиб аравам олдига келсам, қуруқ арава турибди, от йўқ! Нима бало бўлди? У ёққа қарайман, бу ёққа қарайман, отимни кўрмайман, йўқ, ҳеч ерда йўқ, вассалом!

«Эй Тевье, балога гирифтор бўлдинг энди» дедим ўзимга. Бир вақтлар қандайдир бир китобда ўқиган воқеа эсимга келди: жинми, шайтонми художўй бир одамни шаҳардан ташқаридаги аллақандай саройга алдаб олиб келипти-да, зиёфат қилиб бўлиб бир хотин билан иккаласини юзма-юз қўйиб чиқиб кетипти. Хотин ваҳший ҳайвонга айланибди, ваҳший ҳайвон мушукка, мушук эса баҳайбат махлуққа айланибди... «Ҳушёр бўл, Тевье!— дейман ўзимга,— сени яна алдаётган бўлмасинлар!»

— Сиз нимага ивирсиб қолдингиз? Нима деб жав-
раяпсиз?— деб савол қилишди менга.

— Ивирсилаяпман?..— дедим мен.— Пешонам шўр
экан! Худо уриб қўйди мени... отим...

— Отингиз отхонада,— дедилар менга.— Отхонага
кириб боқинг-чи!

Отхонага кириб кўрсам, дарҳақиқат, валлоҳи, отим
шу ерда экан. У хўжайиннинг отлари орасида жон-
жаҳди билан сули ғажияпти, ҳатто қулоқлариям қир-
силлаяпти!

— Ҳой, менга қара!— дедим унга.— Ҳайвонгинам,
уйга кетиш керак. Вақт кеч бўлди. Овқатга бунча ёпи-
шиш яхши эмас. Ортиқча ейилган овқат қоринни тешиб
чиқади дейдилар...

Хулласи калом, уни базўр кўндирдим, аравага қў-
шиб, уйга жўнадик, хурсандликдан теримизга сиғмай-
миз. Мен ҳатто байрам ибодатини куйлагани киришдим.
Отимни ҳам таниб бўлмайдим, ўзгариб қолди, чопадим
денг, қамчига ҳам эҳтиёж йўқ. Хийла кеч уйга қайтиб
кирдим-да, хотинни уйғотдим.

— Байрам қутлуғ бўлсин!— дедим мен.— Табриклай-
ман сени, Голда.

— Бу қанақа табриклаш?— деди аччиқланиб хоти-
ним.— Нимага бунчалик хурсандсан, оғзинг қулоғинг-
да-я, азизим? Келин тўйидан келяпсанми ёки ўғил тўйи-
данми, валенеъматим?

— Бирданига ҳаммасидан, ўғил тўйидан ҳам, келин
тўйидан ҳам. Сабр қил, ҳозир сенга хазина кўрсата-
ман!— дедим мен.— Аммо аввало болаларни уйғотгин.
Улар ҳам егупецликларнинг ноз-неъматларидан баҳра-
манд бўлсинлар.

— Сен жинни бўлдингми ёки миянгни еб қўйдингми?
Телбаларча гапирасан, ё парвардигор!— деб жавоб қил-
ди Голда ва хотинлигига бориб мени қарғай бошлади.

— Хотинсан,— дедим унга,— хотин бўлиб қолаверасан!— Сулаймон пайғамбар: мингта хотинимнинг ичидан битта тузугини тополмадим, деб бежиз айтмаган. Хайриятки, ҳозир кўп хотин олиш расм бўлмай қолди...

Ташқарига чиқиб менга берилган нарсаларнинг ҳаммасини уйга олиб кирдим-да, столга териб ташладим. Уйимдаги шўрликлар булка ва гўшт ҳидини сезиб, уларга худди оч бўрилардай ташланди. Овқатни чангаллаб олишарди-да, қўллари қалтираб, оғизларига тиқишарди ва шошиб-пишиб ютишарди.

Китоби шарифда айтилганидай: «Еб битирдилар...» бу демак, хўракка чигирткадай ёпирилдилар. Буни кўриб кўзларим жиққа ёшга тўлди...

— Қани гапир энди,— деди хотиним менга мурожаат қилиб,— бу неъматлар кимдан, қаердан келди? Гадоиларга берилган зиёфатданми ё бирон тўй неъматларинми?.. Нега бунча хурсандсан?

— Шошма Голда,— дедим мен,— ҳаммасини билиб оласан. Сен самоварга ўтин ташла, ҳаммамиз дастурхон атрофига ўтириб олайлик, бирор пиёла чой ичайлик. Ахир, одам боласи дунёга бир марта келади, икки марта эмас. Хусусан, ҳозир кунига йигирма тўрт коса сут берадиган сигиримиз бўлган бир чоғда, ўша сигирни, худо хоҳласа эртага олиб келаман. Қани Голда, дейману, ҳамма чўнтагимдан қоғоз пулларни чиқариб стол устига ташлайман, қани айтгин-чи, ҳаммаси бўлиб қанча пулимиз бор, санамасдан айтиб бероласанми?

Хотинимга разм солдим, ранги оқариб, гапиролмай тошдай қотиб қопти.

— Голда, жонгинам,— дедим мен,— сенга нима бўлди, нимадан қўрқиб кетдинг? Буларнинг ҳаммасини ўғирлаган ёки битта-яримтани талаб олган деб ўйлайсанми? Йўқ, худо сақласин, кўпдан буён менга хотинсан, мени жуда яхши биласан. Наҳотки, сен кўнглингга

шубҳа солсанг? Тентагим сен менинг, буларнинг ҳаммаси ҳалол пул, ўзимнинг ақлим ва меҳнатим билан топилган пуллар. Мен икки кишини жиддий хавфдан қутқаздим,— дедим мен.— Мен бўлмаганимда, худо билсин, уларнинг аҳволи нима кечарди?

Хуллас, мен воқеани бошдан охиригача гапириб бердим, сўнг икковимиз столга тўкиб ташланган пулларни қайта-қайта санай бошладик. Жами тўппа-тўғри икки марта ўн саккиз сўмдан бўлиб яна қўшимча бир сўм пул чиқди, шундай қилиб, ҳаммаси ўттиз етти сўм экан!.. Шундан ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас.

Хотингинам чидай олмай, йиғлаб юборди.

— Нимага йиғлайсан, тентак?— дедим мен.

— Йиғлагим келгандан кейин йиғлайман-да!— деди у.— Кўнглим бузилиб кўзимга ёш келди, ахир. Худо гувоҳки, сенинг хушхабар билан келишингни кўнглим сезган эди. Раҳматлик бувим Цейтлни тушимда қачон кўрганим эсимда ҳам йўқ, кўп вақтлар ўтди. Шу кун ухласам, тушимда сут соғадиган идишни кўрибман. Лиқ тўла денг. Бувим Цейтл, жойи жаннатда бўлсин, ўша идишни ёмон кўздан асраш учун устини фартуги билан ёпиб олиб келаётган эмиш. Болалар: «Ойи, ойи!» деб бақир шармиш.

— Сен жигарим, шошилма!— дедим мен.— Майли, бувинг Цейтл жаннатда маза қилиб юраверсин, аммо ундан бизга бирон фойда бўлиш-бўлмаслиги даргумон. Худо раҳм айлаб бизни сигирли қилган экан, демак у сигирнинг яхши бўлишига ҳам ёрдам берар, ахир. Сен жонгинам, Голда, менга яхши бир маслаҳат бергин, бу пулни нима қилай?

— Яхшиси, Тевье, бу пулларни нима қилмоқчилигингни ўзинг айт,— деди.

— Йўқ,— дедим мен,— сен айт, бунчалик катта пулни нима қилсак дуруст бўларкин!

Биз атрофлича ўйлай обшладик. Ундоқ ҳам ўйладик, бундоқ ҳам ўйладик, оламда бор савдонинг ҳаммасини фикрлашиб кўрдик. Шу кечаси нималарни хаёл қилмадик денг. Бир жуфт от сотиб олиб денг, уларни дарҳол фойдасига сотиб юбордик; Бойберикда баққоллик дўкони очдик, олинган молларнинг ҳаммасини бирпасда сотиб бўлиб, дарҳол газмол магазини очдик; катта фойда билан сотиб, кўчиб кетиш учун ўрмондан жой харид қилдик. Анатовкадаги гўшт солиғини ундиришни ялписига сотиб олишга жазм этдик, судхўрлик қилмоқчи ҳам бўлдик...

— Ақлдан оздингми?— деди хотиним аччиғи келиб.— Пулни исроф қилиб, қамчи дастасини ушлаб, оғзингни очиб қолмоқчимисан?

— Ғаллафурушлик қилиб, синиб кетиш сенингча яхши эканми? Бугдойфурушлар ичида касодга учраганлар оз дейсанми? Одессада нима бўлаётганига назар солиб кўр-чи!— дедим мен.

— Одессагини нима қиламан, бошимга ураманми?— дея жавоб қилди у.— Меннинг буваларим, ҳатто бобокалонларим ҳам Одессада бўлган эмас, мен соғ-саломат яшаб турар эканман, болаларим ҳам у ерга қадам босмайди.

— Хўш, нима дейсан бўлмаса, кўнглингдагини айт,— дедим мен.

— Нима ҳам дейин?— деди у.— Сен аҳмоқ бўлмагин, бемаъни гапларни гапирмагин, меннинг кўнглимдаги гап шу.

— Ҳа, албатта,— дея жавоб бердим мен.— Сен ҳозир ақлли бўлиб қолдинг. Юз сўм пули бор кишининг ақли ҳамманикидан кўп бўлади. Бойлик ҳали кўлга кирганича йўқ, шундай бўлсаям ҳаммадан кўра ақлли бўлиб қолсан... Доим шунақа бўлади!

Хуллас, биз бир неча марта талашдик-тортишдик, аразлашдик, дарҳол ярашдик ва ниҳоят, бизга совға қилинадиган сигир ёнига яна битта соғин сигир сотиб оладиган бўлдик.

— Сиз масалан, нима учун от эмас, сигир сотиб оладиган бўлдингиз?— деб савол беришингиз мумкин, бу саволингизга мен, нега сигир эмас, от сотиб олайин?— деб жавоб бераман. Биласизми, Бойберик шундай жойки, ёзда Егупец бойларининг ҳаммаси ўша ерга келишадиган; гўшт, тухум, товук, пиёз, қалампир ва шу каби нарсаларнинг тайёрини яхши кўрадиган Егупец бойларига бирон киши уларнинг дастурхонига пишлоқ, қаймоқ, сариёғ каби нарсаларни етказиб бериш вазифасини гарданига олса нима бўпти? Егупецликлар яхши овқатланишни хуш кўрадилар, пулни пўчоқча билмайдилар, демак, бунақа молларни уларга сотиш осон, бундан пул ишлаш ҳам чакки бўлмайди. Энг муҳими уларнинг дастурхонига олиб борадиган молнинг сифати яхши бўлмоғи керак. Аммо мендаги молни сиз Егупецдан ҳам қидириб тополмайсиз. Худо сизга ҳам, менга ҳам бахтсаодат берсинки, кўпгина иззатли жаноблар, ҳаттоки, христианлар ҳам мендан янги моллар олиб келишни илтимос қилдилар.

«Сен,— дейдилар улар,— Тевье, гарчи христиан бўлмасанг ҳам ҳалол киши эканлигингни кўп эшитганмиз...» Ўзингникидан бундай ширин сўзларни эшитармидинг? Эшитиб бўлсан! Улардан тузукроқ бирон гап эшитмайсан. Улар ишлари бўлмаган жойга тумшуқларини суқаверадилар. Тевьенинг янги сигири ва янги аравасини кўрар эканлар: «Буларни у қаердан олди экан?»— деб бош қотирадилар. «Қалбаки пул ясаб сотяптимикан? Яширинча спирт қилаётган бўлиши ҳам мумкин!» дейдилар. «Ҳа-ҳа-ҳа! Омон бўлинглар, бошларингни қотираверинглар!» деб ўйлайман мен. Ишонингки, бу воқеа-

ни бошдан-оёқ батафсил фақат сизга гаприб беряпман десам бўлади...

Бироқ мен гапни хийла чўзиб юбордим шекилли. Айбга буюрманг! Энди иш тўғрисида ўйлаш керак. Табаррук китобда айтилганидек: «Ҳар бир қарға ўз уясига...» яъни ҳар ким ўз ишини қилсин. Сиз китобингизга ёпишасиз, мен бўлсам ўз хурмача ва қувачамга ёпишаман... Менинг сиздан биттагина илтимосим бор, жаноб Шолом-Алейхем, сиз китобингизда менинг тўғримда ёзманг. Ёзадиган бўлсангиз ҳам номимни айтманг.

Соғ-саломат бўлинг, сира кам бўлманг!

1895

ХОМ ХАЕЛ

«Кишининг қалбида минг хил наъма бор» — китоби шарифда шундай дейилган чамаси? Бунинг маъносини сизга тушунтириб беришнинг ҳожати бўлмаса керак, жаноб Шолом-Алейхем Аммо бизда бундай мақол бор: «Илдам отга қамчи, доно одамга маслаҳат керак». Бу гапларни мен ким тўғрисида айтяпман? Ўзим тўғримда, албатта. Агар менинг ақлим мукамалроқ бўлиб, олижаноб дўстим олдига борган бўлсам, бор гапни батафсил гаприб берган бўлсам бунчалик бемаъни бир тарзда қўлга тушмаган бўлардим! Аммо «Кишининг ҳаёти ҳам тилидан, ўлими ҳам тилидан», яъни агар худо ўз бандасига жазо бераман деса, ақлдан ҳам маҳрум қилиб қўяверади. Мен кўп ўйлаганманки: «Ахир сен, Тевье, эшак бўлмасанг, ўйлаб кўргин-чи! Одамлар сени аҳмоқ сдам эмас, дейдилар, бўлмаса, қандай қилиб сени лақиллатишди, қандай қилиб бунга йўл қўйиб бердинг? Лақиллатгандаям қанақа қилиб лақиллатишди денг, аҳмоқона! Ҳозирги ҳолатингда, гарчи унча кўп пул топмаганингда ҳам, ҳар ҳолда дурустсан-ку! Ахир, нимадан кам эдинг? Ахир, сенинг ҳамма ерда — Бойберикдаям, Ёгупецдаям сут маҳсулотларингнинг донғи кетган... Агар пулларинг сандиғингнинг энг тагида қимир этмай ётаверса, унинг бор-йўғидан ҳеч ким хабар топмаса, қан-

лай яхши ва қувончли бўларди-я? Ахир, айтинг-чи, Тевъенинг пули борми ёки йўқми, кимнинг нима иши бор? Рост-да! Уша Тевъе чанг, тупроқ ичида ағанаб, кулфат чекиб ётганида, хотин, бола-чақалари билан куни бўйи туз тотмаганида унинг ҳақида ўйлаб бош қотирган одам бўлганмиди? Ахир, кейинчалик худо бир куни Тевъега назар ташлаб, бирданига унга бахт ато қилганидан кейингина Тевъе аранг ўзига кела бошлади, тийинма-тийин тежаб, қора кунга деб бир сўм-икки сўм пул жамғарадиган бўлди, ана шундан кейингина ҳамма жойда унинг ҳақида гапирадиган бўлдилар ва ҳазилмики, у «Жаноб Тевъе» бўлиб қолди. Дўстлар ҳам кўпайиб кетди! Табаррук китобда айтилганидек: «Ҳамма азиз, ҳаммаси равшан», хуллас, «Худо қошиқ билан берса, одамлар қўшқулоқ билан...» Ҳар ким маслаҳат бергани, ақл ўргатгани келади: бири газмол дўконини таклиф қилса, иккинчиси баққолик дўконини таклиф қилади, бири уй таклиф қилса, иккинчиси амлок, учинчиси эса ўрмон, ғалла, ким ошди савдосини таклиф этади...

— Биродарлар,— дедим мен ёлвориб,— азбаройи худо, мени тинч қўйинглар! Сизлар қаттиқ янглишяпсизлар! Мени Бродский деб ўйласаларинг керак. Менинг бойлигим уч юз сўмга, икки юз сўмга, ҳатто бир юз эллик сўмга етиши учун менга қанча керак бўлса, худо ҳаммамизга шунча ато қилсин! Бировнинг нарсасини кўриб, бошқаларнинг оғзининг суви келади,— дедим мен.— Бировнинг кийимидаги ялтироқ нарса бошқанинг кўзига олтин бўлиб кўринади, яқин келиб кўрса оддий мис тугма эканлиги маълум бўлади!

Хуллас, кўзлари тегди балога учрагурларнинг! Худо менга битта қариндошимни рўпара қилди... Қариндош бўлгандаям офтобда қатиқ ичишган қариндош. Оти Менахем-Мендл, енгилтак, хаёлпараст, ишкалчи ва худо

билсин, яна нима! Менга келиб, хом хаёллари, бўлмағуру пуч гаплари билан миямни ачитиб қўйди. Сиз, бу қанақаси бўлди. Сен, Тевье, қандай қилиб Менахем-Мендл қўлига тушиб қолдинг?—деб савол берарсиз. Мен бу саволингизга бундай деб жавоб бераман. Пешонамда бори шу экан. Мана эшитинг:

Қиш бошланган кунларнинг бирида мен Егупецга бордим. У ерга йигирма қадоқдан ортиқроқ сариеғ олиб келдим, зап ёғ эди-да, ўзиям! Катта-катта иккита қопчада сузма, сузма эмас, олтин! Худоё, ҳар иккимизга ҳам шундай ҳаёт берсин! Ўзингизга маълумки, менинг молларимни бирпасда талаб кетишди, заррачаям қолмади. Ёзда Бойберик чорбоғига бориб дам оладиган ва мени бир вакилни кутгандай тўрт кўз билан кутиб турган харидорларимнинг ҳаммасиникида бўлолмадим... Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Ахир, шўринг қурғур Егупец савдогарлари Тевьеникидек мол сота олармидилар? Мен буни сизга гапириб ўтиришимнинг сира ҳожати йўқ. Пайғамбар: «Сени бошқалар мақтасин» деган-ку. Яхши мол бировнинг мақташига муҳтож бўлмайди, у ўз-ўзини мақтайди...

Хуллас, молни пуллаб бўлиб, отимнинг олдига пичан ташладим-да, шаҳарни айлангани кетдим. «Қиши тупроқдан бино бўлган», биз бандалари худо яратган дунёга боқмоқни, ҳаво олмоқни, Егупец магазинларининг ойналарига қўйилган ва гўё: мана кўнглингиз хоҳлаганча кўринглару, аммо қўл тегиза кўрманглар!— дейилган мўъжизаларни томоша қилмоқни истаймиз. Мен тилла ва қоғоз пуллар, кумуш бир сўмликлар териб қўйилган катта ойнанинг олдида ўша бойликни томоша қилиб турибману, кўнглимдан шу гапларни ўтказаман: «Ё парвардигор! Бунда ётган бойликнинг ўндан бири менда бўлса-чи! Шундан ортиғи ортиқча. Шу бўлганида менга ким тенг кела оларди? Аввал бошлаб катта қизимни

совғаларни, кийим-кечаги ва тўй харажатларидан бошқа яна беш юз сўм сепи билан эрга берардим; от-аравам билан сигирларимни сотардим-да, шаҳарга кўчиб келардим. Синагогнинг шарқ томондаги девори ёнидан доимий жой сотиб олардим; хотинимга — худоё, соғ бўлсин, бир-икки шода марварид олиб берардим; энг бой хўжайинга ўхшаб садақа улашардим; лиқиллаб турган синагогнинг усти очиқ томини тунука қилдиардим, болаларга шинам мактаб биноси, камбағалларга атаб дурустроқ шаҳардаги сингари касалхона қурдиардим, шундай қилиб, уларни синагогда қуруқ ерда ағнаб ётишдан қутқазардим; сурбет Янклини дафн шеркатидан ҳайдатардим, жамоат ҳисобидан шунча ароқ ичиб, думба-жигар билан закуска қилгани етар...»

— Салом жаноб Тевье! — деган гап эшитилди орқамдан. — Яхши юрибсизми?

Орқамга қайрилиб қарасам, худо урсин агар, олдимда таниш одам турипти!

— Салом! — дея жавоб бердим. — Сиз қаердан бўласиз?

— Қаердан? Касриловкадан. Қариндошингизман, — деди у. — Лекин унчалик яқин қариндош эмасмиз, хотинингиз Голданинг бувисининг жияни бўламан.

— Шошманг-чи, — дедим мен. — Сиз Лея-Двоясининг эри Борух-Гершнинг куёви эмасмисиз?

— Танидингиз шекилли, — деди у. — Тўғри, Лея-Двоясининг эри Борух-Гершнинг куёвиман. Хотинимнинг оти Шейне-Шейндл, айтганингиздек, Лея-Двоясининг эри Борух-Гершнинг қизи бўлади. Тушундингизми?

— Шошманг, — дедим мен. — Қайнанангизнинг бувиси Соре-Ента билан менинг хотинимнинг аммаси Фруме-Злата бир-бирига аммавачча шекилли. Сиз, агар янглишмасам Лея-Двоясининг эри Борух-Гершнинг ўртанча қизига уйланган бўлсангиз керак. Аммо гап шундаки,

мен отингизни Эсимдан чиқарганман, отингиз миямдан учиб кетган. Асл номингиз нима эди ўзи?

— Менинг отим Менахем-Мендл бўлади. Яъни Лея-Двоянинг эри Борух-Гершнинг куёвимаи. Мени Қасриловкада Менахем-Мендл деб атайдилар.

— Ундай бўлса азизим Менахем-Мендл, сенга алоҳида ҳурмат ва иззатимни билдираман! Энди қадрдон Менахем-Мендл менга айтгин-чи, бу ерда сен нима иш қиласан, қайнанаи ва қайнатаи қалайлар? Ишларинг қандай кетяпти, соғлиғинг қалай?

— Ҳе-е,— деди у жавобида,— соғлик худога шукур, жойида, шикоят қиладиган ўрни йўқ, секин-аста юриб турибмиз. Аммо ишларимиз шу пайтда унча қувонарли эмас.

— Худонинг марҳамати кенг, балки ёрдам бериб қолар,— дедим мен унга разм солиб, унинг кийим-кечаги анча эскиб қолипти, этикларининг десангиз, ҳамма томонидан ғириллаб шамол кириб турипти...— Хафа бўлма! Худо ёрдам берар. Ишларинг юришиб кетар. Биласанми, «Дунё бамисоли ғилдирак, айланаверади» дейдилар. Пул десанг, у ҳам юмалоқ, бугун у ёқда бўлса, эртага бу ёққа юмалаб келаверади. Бош омон бўлса бас! Энг муҳими умид! Ноумид бўлмаслик керак, умид қилмоқ керак. Ғам-алам чекишга тўғри келар экан, унисига ҳам чидаш керак, шунинг учун ҳам бизлар яҳудиймизда! «Бас, сен солдат экансан, дори ҳидига чидайсан!» дейдилар-ку. Умуман олганда, мен сенга айтсам, бизнинг бутун ҳаётимиз — туш... Яхшиси сен менга айт-чи, жигарим, қандай қилиб сен Егупецда пайдо бўлиб қолдинг?

— «Пайдо бўлиб қолдинг» нимаси?— деди у.— Мен бир ярим йилдан бери бу ерда фақир киши панада қабилда яшайман...

— Шундайми ҳали?— дедим мен.— Демак, сен шу ерлик, егупецлик экансан-да?

— Жим-м!— деди у афрофига аланглаб.— Сиз, жаноб Тевье, секинроқ гапиринг. Мен шу ерликману, аммо бу гап иккимизнинг ўртамизда қолсин!

Унга қараб турибману, бир қайнови ичидага ўхшайди дейман.

— Сен нима, қочқинмисан?— дедим унга.— Егупецнинг бозори ичида бекиниб юрибсанми?

— Суриштирманг, жаноб Тевье. Ҳамма гапингиз тўғри. Сиз Егупецдаги қонун ва тартибларни билсангиз керак... Юринг,— деди менга,— бу ерлик бўлиш ва айни замонда бу ерлик бўлмасликнинг қанақалигини мен сизга тушунтириб бераман...

Шу билан у менга бунда одамларнинг қандай сарсон бўлиб юрганликларини ҳикоя қила кетди...

— Менга қулоқ сол-чи, Менахем-Мендл!— дедим унга.— Бир кунга бўлсаям бизнинг қишлоғимизга келгини, ором оласан, ёзиласан. Азиз меҳмонимиз бўласан! Кампир ҳам сени кўриб ўзида йўқ хурсанд бўлади!

Хуллас кўндирдим, борадиган бўлди. Уйга келдик. Ҳамма хурсанд! Меҳмон келди! Яна қанақа меҳмон денг! Бувимизнинг жияни! Ҳазилакам гапми? Бегона эмас, ҳар қалай қариндош-да. Чувур-чувур бошланди: Қасриловкада нима гаплар? Борух-Герш амакимнинг аҳволи қалай? Лея-Двося холамлар нима қияптилар? Иосел-Менаше тоға-чи? Добриш амма-чи? Уларнинг бола-чақалари соғ-саломатми? Ким ўлди? Ким уйланди? Ким ажралди? Ким нима туғди, ўғилми, қизми? Кимнинг хотини иккиқат бўлиб юрипти?

— Бировларнинг тўйи, азалари, туғилиш-ўлишлари билан нима ишинг бор сенинг хотингинам?— дедим мен.— Ундан кўра сен қоринни тўйғазиш чорасини кўргин. «Бўш қоқ тик турмайди». Оч қоринга гап ёқармиди. Қани, боршчинг бўлса келтир, жуда соз, боршчинг бўл-

масā пироғам, қиёмам, сомсайм зарар қилмайди, чүч-
вара ёки қуймоқ, узма ёки гўшткуйди бўлсайм кетава-
ради... Овқатнинг тури қанча кўп бўлса, шунча яхши,
фақат тез бўлсин!

Хуллас, қўлларни ювдик, қоринларни бинойидек тўй-
ғизиб олдик.

— Олиб ўтир, Менахем-Мендл,— дейман мен,— До-
вуд подшо айтганидек «Ҳамма ёқ югур-югур, ҳамма ёқ
оварагарчилик», дунёда ҳақиқат йўқ, нуқул сохталик,
қалбакичилик. Раҳматли бувим Нехама, жони жаннат-
да бўлсин, соғлиқни ва ҳузур-ҳаловатни товоқдан қи-
дир деярди...

Бечора меҳмоннинг қўллари қалтирайди денг, хоти-
нимнинг пазандалигини хўп мақтаб, қасам ичиб бундай
сутлик ва хамир овқатларни, бундай сомсаю гўшткуй-
дини қачон еганилигини эсидан ҳам чиқарганлигини
айтди.

— Шуюм овқатми?— дедим мен.— Сен у тайёрлаган
мева сомса билан уграсини еб кўрсанг, ана шунда сен
жаннат овқати қанақа бўлишини биласан!

Мана энди овқатланиб бўлдик, фотиҳа ўқидик, шун-
дан сўнг ҳар ким ўз аҳволидан гапириб кетди: мен ўз
дардимни гапирдим, у киши ўз дардини гапирди. Мен
ундан, бундан гапирдим, у бўлса, Одессани, Егупецни
ўн марталаб «от миниб ва пиёда» сайр қилганлигини,
бугун бойиб, эртага гадой бўлиб қолганлигини, сўнгра,
кўп пул топиб, кейин яна қашшоқ бўлиб қолганлигини
гапирди... У киши мен умримда эшитмаган ғалати иш-
лар билан, бемаъни касблар билан, қандайдир «гос» ва
«бес» билан, «акция-пакция» билан машғул бўлганлиги-
ни ҳикоя қилди. «Потивилов-Мотивилов», «Мальцев-
Пальцев» худо билсин нималару, кимлар булар! Ун
минг, йигирма минг-ку оғзининг бир чеккасидан чиқиб
кетади. Пул деганинг, чўт эмас!

— Мен сенга, Менахем-Мендл, тўғриси атай.
жияним,— дедим унга,— сен машғул бўлган ғалати иш-
ларни эплаш учун абжирлик, уддабуронлик, уқув керак,
албатта... Аммо мен бир нарсасага яхши тушуниб етол-
ганим йўқ, мен сенинг хотинингни танийман, хулқ-атво-
рини ҳам биламан. Қандай қилиб у сенинг бунақа ово-
ра бўлиб юришингга йўл қўйяпти, нега ёнингга келиб
адабингни бермайди...

— Эй, нимасини айтасиз,— деди у хўрсиниб.— Бу
ҳақда жаноб Тевье, гапирмай қўя қолинг. Эсимга солиб
мени қийнаманг... Ҳали ҳам у мени қўймайпти... тоза
адабимни беряпти... Сиз унинг менга ёзган хатларини
ўқисангиз, мени жуда тақводор, бўш экансиз деярди-
нгиз! Буларнинг ҳечқиси йўқ, гапириб ўтиришга ҳам ар-
зимайди, нега десангиз, хотин кишини ўзингиз биласиз,
унинг нияти гўрга ҳайдаб киритишдир! Ундан бешбат-
тари ҳам бор,— деди у.— Қайнаман бор, биласизми, қай-
наман! Унинг ҳақида гапириб ўтиришимнинг ҳожати
йўқ. Сиз ўзингиз ҳам уни жуда яхши биласиз!

— Умуман олганда,— дедим мен,— ука, табаррук
китобда айтилганидек, ишларингнинг «чипори ҳам, ола-
буласи ҳам, қашқаси ҳам бор...» Яра устида қўтир,
қўтир устида қавариқ!

— Жуда тўғри, жаноб Тевье! Сиз жуда топиб гапир-
лингиз, худди шундай. Яраси-ку, яра, қавариғи ёмон,—
деди у,— ҳар қанақа ярадан ёмон!

Хуллас, биз шу тариқа гаплашиб ўтириб вақт ярим
кечадан ошиб кетганини ҳам сезмабмиз. Бу воқеалар ва
ғалати ишлардан, минг-минглардан, эртақларда айтила-
диган беҳисоб бойликлардан ҳатто миям ачиб, каллам
говлаб кетди. Бутун кечаси билан Егупец, тилла пул-
лар, Бродский, Менахем-Мендл, унинг қайнанаси кўз
олдимдан кетмади... Фақат эртаси кунгина у кўнглидаги
асл мақсадини очиқ-ойдин айтди. Ўзи нима гап денг:

— Ҳозирги вақтда,— деди у,— бизнинг Ёгупецда пул деганинг олтин баравар қиммат, молларнинг нархи эса жуда пастлаб кетганлигидан сиз ҳозир жуда катта фойда қилишингиз, менинг эса жонимга оро кириб, мени почорликдан қутқаришингиз мумкин бўларди!

— Сен худди болаларнинг гапини гапиряпсан!— деб жавоб бердим унга.— Сен менда Ёгупец бойлариникидек пул, тиллалар ачиб ётибди деб ўйлаяпсанми? Тен-таксан, жияним!

— Мен ўзим ҳам бунни тушунаман, албатта,— деди у.— Бунинг учун сиз жуда катта пул талаб қилинади деб ўйлайсизми? Сиз менга юз сўм беринг, мен пулингизни бор-йўғи уч-тўрт кун ичида сизга икки юз, уч юз, олти юз, етти юз, боринг, ана минг сўм қилиб қайтариб бераман...

— Худди китоби шарифда айтилганидек, бўлиб чиқиши жуда мумкин. Яъни: «Фойда кафт тагида-ю, ҳамён Қоф тоғида...» Таваккалига иш қилиш учун бирон нима бўлса яхшику-я! Юз сўм ҳам топилмаса нима қиласиз? Шундай бўладики: «Якка бўлиб келди, якка бўлиб кетади», яъни иситмадан қутулдим, баттарига тутилдим!..

— Қўйинг-э!— деди у.— Сизда юз сўм топилади-ку, жаноб Тевье! Наҳотки, шунча даромадингиз, ақл-ҳушингиз ва яхши номингиз бўла туриб, сизда юз сўм топилмаса? Худо ёмон кўздан сақласин!..

— Менинг яхши номимдан нима фойда?— дедим мен.— Ном яхши нарсаси, албатта. Фақат шуниси ёмонки, яхши номим ўзимда қолаверади-ю, аммо пул десангиз ҳар ҳолда Бродский қўлида... Агар аниғини биламан десангиз менинг юз сўмга етар-етмас пулим бор, холос. Шу пул билан ёпиш зарур бўлган тешик агар билсангиз, мингта: биринчидан қизимни узатишим керак...

— Гапимиз ҳам шунинг устида-да!— деб гапимни бўлди у.— Ахир, яна қачон шундай фурсат туғиладики,

сийз, жаноб Тевье, бу ишга юз сўм қўйиб, бадалига ҳуддининг марҳамати билан, қизингизни узатишга яна ва яна башқа харажатларни қоплашга яна етадиган пул топасиз?

Ана шу мазмундаги гап росмана уч соатга чўзилди. У менга бир сўмни уч сўм, уч сўмни тўрт сўм қилиш йўллариин гапириб берди. Аввал бошлаб,— деди у,— юз сўм пул бериб ўн донасини номи курсин, эсимдан чиқариб қўйдим, сотиб олишни буюрадилар, кейин ўшанинг нархи кўтарилгунча бир неча кун сабр қилиб турадилар... Нархи кўтарилгандан кейин қаергадир телеграмма бериб ўшаларни сотишни ва пулига яна икки барабар кўп ўшандан олишни буюрадилар... Сўнгра уларнинг нархи яна ошади ва яна телеграмма берилади... Хуллас, юз сўм икки юз сўм бўлгунча, икки юз тўрт юз, тўрт юз саккиз юз, саккиз юз ўн олти юз бўлгунча шушлай давом этаверади. Мўъжиза, чинакам мўъжиза. У. Егупецда яқиндагина даллоллик қилган, малай бўлиб, бировларнинг юмушини бажариб югуриб юрган ялангоёқ кишиларни биламан деди... Ҳозир эса уларнинг ўз уйи, ёштдан солинган бутун бошли қасри бор, хотинлари бўлса қорин оғриғи касалига чалиниб чет элларда даволанишади. Ўзлари десангиз, Егупецда қўнғироқли қўш от қўшилган фойтунда юришади, бурун осмонда, ҳеч кимни танимайдиган бўлиб қолишган!

Қисқаси, гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу гаплар менга ҳазилакам таъсир этмади! Дунёда нималар бўлмайди, деб ўйладим мен. Ахир бу қариндошни худо етказган бўлса-чи? Ахир Егупецда кишилар қуруқ қўл билан бойиб олганликларини ўз қулоғим билан эшитиб турибман-ку. Менинг улардан нима кам? Менахем-Мендл ёлғончи одамга ўхшамайди, бу ажойиботларни калласидан ўйлаб чиқариб айтаётгани йўқдир! Дарҳақиқат, бирданига иш ўнгидан келиб, Тевье қариган чоғида бойиб одам қаторига кириб қолса қандай яхши деган

фигр бошимга келди. Чиндан ҳам, токайгача мен ҳолдан тойиб, машаққат чекиб юрар эканман? Кечаю кундуз фақат от-араваю, сут ва пишлоқни биласан, холос. Энди Тевье, дейман, ором олиш пайтинг келди, бошқалар қатори, одамга ўхшаб умр кечиришинг, тез-тез синагokka қатнаб туришинг керак, китоби шарифни кўпроқ мутолаа қилишинг лозим... Аммо бу ишнинг ҳаммаси чиппакка чиқса, унда нима бўлади? Лекин шуниси ҳам борки, ҳаммаси ўнгидан келиб яхши бўлишига нега ишонмаслик керак?

— Хўш? Сен нима дейсан, Голда?— деб хотинга маслаҳат солдим.— Унинг планига сен қандай қарайсан?

— Мен нима ҳам деярдим?— деди у.— Менахем-Мендл бегона одам эмас, у сени алдамас деб ўйлайман. Ахир у, худо сақласин, машиначиям эмас, этикдўз ҳам! Дадаси жуда яхши киши, буваси десанг авлиё одам эди, икки кўзи кўр бўлиб қолгандан кейин ҳам кечаю кундуз забурни қўлидан қўймасди. Бувиси Цейтл ҳам, худо раҳмат қилсин, оддий хотинлардан эмас эди...

— Ана холос, аччиқ ичакдек гапни чўзади энди,— дедим мен.— Гап муҳим иш устида боряпти-ю, у бўлса бувиси Цейтл ҳақида гапиради; тагин ароқ ичиб ўлиб кетган буваси билан пряник пишириб сотадиган Цейтл кампирни... Ҳарна қилсаям, хотин киши хотин-да. Ахир, Сулаймон пайғамбар бутун дунёни кезиб юриб ҳам ақл-ҳуши жойида бирон хотинни тополмаганлиги бежиз эмас...

Қисқаси, шериклик иш қилишга қарор қилинди: пул мендан, фаросат ва уддабуронлик Менахем-Мендлдан бўладиган, даромад ўртада арра қилинадиган бўлди.

— Менга инонинг!— деди Менахем-Мендл.— Сизни алдамайман худо хоҳласа, сиз билан энг виждонли одамдек ҳисоб-китоб қиламан. Ишонаманки, сиз мендан пул, нуқул пул оласиз!

— Омин,— дедим мен.— Сенга ҳам шу насиб бўлсин. Оғзингдан чиққан гап илоё худонинг қулоғига бориб етсин! Аммо мен бир нарсга яхши тушуниб етолмаяпман. мушук қандай қилиб дарёдан кечиб ўтади? Яъни ўзинг биласан... Мен бу ердан, сен бўлсанг у ерда. Пул биласанки, жуда нозик нарса... Сен яна хафа бўлмагин. Ёмон фикр билан гапираётганим йўқ. Эсингдами, Иброҳим пайғамбар: «Йиғлаб эккан, кулиб йиғар» деган. Яъни кейин кўз ёши тўккандан кўра аввал келишиб олган яхши.

Э-ҳа!— деди у гапга тушуниб.— Балки сизга тилхат беришим керакдир? Марҳамат, жоним билан.

— Шошма!— дедим мен.— Агар бу ишга бошқа томондан қарайдиган бўлсак, иккиннинг бири бўлади: агар сен мени қафангадо қиламан десанг, тилхат ёрдам берар эканми? Талмудда айтилганидек: «Сичқон ўғри эмас, иш ўғри»... Ахир, қарзни вексель тўламайди, одам тўлайди. Нима дейиш мумкин? Бир оёқни тузоққа тикқандан кейин, нима бўларди, биратўла иккисини ҳам тика қоламан.

— Худо ҳаққи, ишонинг менга,— деди у яна.— Мен жаноб Тевье ўзимнинг ҳалол номим билан қасам ичаман. Худо сақласин! Мен, жаноб Тевье, сизни ҳеч алдамоқчи эмасман! Мен биргина нарсани — фойдани ҳалоллик, чинакам ҳалоллик ва инсоф билан баравар тақсим қилиш ниятидаман; ярми сизга, ярми менга: менга юз сўм, сизга юз сўм; менга икки юз сўм, сизга икки юз сўм, менга уч юз сўм, сизга уч юз сўм, менга тўрт юз сўм, сизга тўрт юз сўм; менга минг сўм, сизга минг сўм...

Хуллас, мен гувоҳ сифатида хотинимни чақирдим-да, сақлаб қўйган пулларни олиб, қўлларим қалтираб уч марта санадим ва бу пуллар тер тўкиб топилганлигини Менахем-Мендлга яна бир карра уқтириб, қўлига бер-

дим. Йўлда киссабурга олдириб қўймасин учун ён чўнтагига тикиб қўйдик. Кечи билан келгуси ҳафтада ишнинг бориши тўғрисида Менахем-Мендл менга муфассал хат ёзадиган бўлди. Шунга келишди-да, қариндошларга хос чин кўнгилдан ўпишиб хайрлашдик.

У кетди. Якка ўзим қолишим биланоқ мени ҳар хил ўй-фикрлар чулғаб олди, ширин-ширин хаёллар денг, шундай ширинки, у хаёллар абадий давом этса-ю, тугамаса. Хаёлимда шаҳарнинг қоқ ўртасида катта уйим бор эмиш, томи тунука, уйнинг кенг ҳовлисида ҳар хил нарсалар билан лиқ тўла саройлар, омборхоналар, қазноқча ва омборчалар бор эмиш. Калитларни белига осиб олган бека ҳамма ёқни кўриб, айланиб юрган эмиш, бу киши менинг жуфти ҳалолим Голда эмиш. Аммо уни бутунлани таниб бўлмас, афти-башараси ва юриш-туришлари тамомила ўзгарган эмиш. Бағбақаси осилиб тушган, бўйнига марварид таққан бойвучча эмиш. Хизматчиларни қаттиқ койиб, гердайиб юрган эмиш. Болалар байрам кийимларида, ҳеч нарса қилмай, бекор тентираб юрган эмишлар. Ҳовли ичи товуқ, ўрдак, ғоз ва куркаларга тўлиб кетган. Уй ичидаги бутун жиҳоз ялтилаган, печка ёниб турибди, унда кечки овқат тайёрланмоқда, самовар шақиллаб қайнаб ётибди. Тўрда стол орқасида устига халат, бошига тақия кийган хўжайиннинг ўзи, яъни Тевье ўтирипти. Шаҳарнинг энг ҳурматли кишилари уни ўраб олишган ва ҳамма унинг олдида: «Кечирасиз, жаноб Тевье!», «Афв этасиз, жаноб Тевье!» дейишиб хушомад қилиб ўтиришипти. «Эҳ, пул,— деб ўйлайман мен,— қандай кучли нарсасан, номинг қурсин сенинг!»

— Кимни сўқяпсиз?— деб сўради Голда.

— Ҳеч кимни,— деб жавоб бердим унга.— Шундай, хаёл суриб кетибман... Бошимга ҳар қандай бўлмағур ўйлар, пуч фикрлар келди... Сен, Голда азизим, айтгин-

чи, ўша киши сенинг қариндошинг, яъни Менахем-Мендл нима олиб сотишини биласанми?

— Ана холос!— деди у.— Кеча, ўтган куни ва бутун йил бўйи кўрган ёмон тушларимнинг ҳаммаси душманларим бошига тушсин! У билан бир неча кун кечаю кундуз сен гаплашгин-да, нима олиб сотишини энди мендан сўрайсанми? Сиз, ахир, биргалашиб қандайдир иш қилишни мўлжалладиларинг-ку!

— Ҳа,— дедим мен,— мўлжаллашга мўлжалладигу, аммо ўлиб кетай, агар, нима мўлжаллаганимизни билмайман! Мўлжаллаганимизнинг кошки ушлайдиган бирон жойи бўлса... Аммо бунинг ҳечқиси йўқ. Сен ҳам хотингинам, хафа бўлмагин, биз яхшигина пул ишлаб олишимизга ишонаман, буни кўнглим сезиб турипти. Катта пул ишлаб оламиз худо хоҳласа! «Омин» дею, кечки овқатингни тайёрла!

Орадан бир ҳафта, икки ҳафта, ҳатто уч ҳафта ўтиб кетса-да, шеригимдан ҳеч қандай хат-хабар бўлмади. Мен безовтаман. Қалламни йўқотиб қўйдим, нима деб ўйлашни билмайман! У хат ёзишни эсидан чиқаришни мумкин эмас, ахир, бизнинг кўзимиз тўрт бўлиб хабар кутиб ётганимиз унга аён. Шу пайт яна бошимга бир фикр келди: агар у бутун фойдани чўнтагига уриб, менга: «Ҳеч қандай даромад бўлмади» деса, нима қила оламан? Дарҳақиқат, шундай бўлган-бўлмаганини мен қаердан биламан? «Ундай бўлиши сира мумкин эмас.— дейман ўз-ўзимга.— Ахир, нега шундай бўлар экан? Мен у билан энг яқин кишидек, қариндошларча муомалада бўлдим. Мен унга фақат эзгу тилакдаманки, худо менга ҳам шундай бахт берсин! Наҳотки, у менга ёмонлик қилса?» Аммо шу вақт бошимга яна бошқа бир фикр келди. Фойда тўғрисида бош қотиришнинг нима зарурати бор? Фойдаси қуриб кетсин! Бош омон бўлса бас! Ўзимники йўқолмаса, бутун сақланса шунга шукур қилиш керак.

Худо кам қилмасин ишқилиб! Баданим ҳатто қалтираб кетди: «Аҳмоқ чолсан!— дейман ўзимга.— Фойда олиб бўлсан, эшак мия! Ўша юз сўмингга иккита мана ман деган от харид қилишинг ва эски араванг ўрнига рессорли бричка олишинг мумкин эди-ку, ахир!..»

— Тевье, нега сен ҳеч нимани ўйламаяпсан?— деди хотиним.

— Яъни, қандай қилиб мен ҳеч нимани ўйламас эканман? Ўй-хаёлдан бошим ёрилиб кетай деди-ю, у бўлса мендан, нега ҳеч нимани ўйламаяпсан деб сўрайди!..

— Ҳойнаҳой у йўлда бир балога йўлиққан,— деди хотиним.— Ё қароқчилар ҳужум қилиб бор-йўғини шилиб олган, ёки худонинг ўзи асрасин, касал бўлиб қолган ёки, худо кўрсатмасин, ўлган!..

— Нималар деб алжияпсан, хотинжон?— деб жавоб қилдим.— Қароқчилар эмиш...

Хотинга шундай десам ҳам ўзим, одам боласи йўлда ҳар қанақа балога йўлиқиши мумкин!— деб ўйладим.

— Сен хотингинам, доим ишнинг хунук томонини ўйлаб топасан,— дедим унга.

— Ахир, бутун оиласи ўзи шунақа-да,— деди у.— Унинг онаси, илойим, худо қошида паноҳимиз бўлсин!— яқиндагина ёш ўлиб кетди: унинг учта синглиси бор эди, раҳматликлар, учови ҳам дунёдан ўтди. Бири эрга тегмасданоқ, қиз чоғида ўлиб кетди, иккинчиси, аксинча эрга тегиб улгурди-ю, нечукдир, ҳаммомда шамоллаб қолиб шундан ўзига келолмай қазо қилди, учинчиси бўлса, дастлаб бола туғиши билан ақлидан озиб қолди-ю, қийналиб-қийналиб жон берди.

— Хўш, нима демоқчисан?— дедим мен.— Биз, Голда, ҳаммамиз ҳам бу дунёда омонатмиз. Ҳаммамиз ўламиз. Киши дурадгорга ўхшайди: дурадгор яшаб-яшаб, ахир ўлиб кетади-ку, Киши ҳам шундай...

Қисқаси, биз шундай қарорга келдикки, мен Егу-
пецга борадиган бўлдим. Бу ўртада бир қанча мол —
пишлоқ, ёғ, қаймоқ ҳам тўпланиб қолди. Тағин аёло
мол денг! Отини қўшиб «Сукот»ни тарк этдик, яъни Егу-
пецга йўл олдик. Кетиб боряпман денг, аммо биласиз-
ми, кўнглим ғаш, паришонман; ахир, ўйлаб кўринг, ёл-
ғиз ўзим ўрмон ичидан кетиб боряпман, хаёл суриб
кетяпман, бошимда ҳар қандай фикрлар.

Жуда ғалати иш бўларди-да, деб ўйлайман. Егупец-
га бораману, йигитимни суриштира бошлайман, одам-
лар менга: «Менахем-Мендлни сўраяпсизми? Эҳ-ес!
Жуда кўтарилиб кетган! Ҳозир унинг яқинига йўлай ол-
майсиз! Уйини айтинг, уйини! Фақат файтунда юради.
Сиз ҳозир уни танисмайсиз!» деб жавоб беришади. Мана,
кўз олдимга келтиряпманки, юрак ютиб, тўппа-тўғри
уйинга бораман. «Тўхтанг!— дейди дарбон менга ва тир-
сагини кўксимга тирайди.— Шошманг амаки! Қаёққа?
Бу ерга кириш мумкин эмас!»— «Мен, ахир, бегона эмас-
ман,— дейман,— қариндошман. У киши хотинимнинг
бувисининг жияни бўлади!». «Қутлуг бўлсин!— дейиша-
ди менга.— Жуда соз! Аммо ичкарига кирмасдан, даҳ-
лизда турсангиз ҳам бўлади, зарар қилмайди...» Тушу-
наман, дарвозабонга бирон нарса чўзиш керак: ёғла-
масанг арава ҳам юрмайди... Сўнгра уларнинг ҳузурига
чиқаман. «Ассалому алайкум, жаноб Менахем-Мендл!»
дейман. Аммо саломимга жавоб йўқ. Наҳотки, бир
қиё боқса. Мени танисмайди ҳам! «Менда нима ишингиз
бор?» дея савол беради. Мен зўрға ўзимни тутиб туриб-
ман, сал бўлса ҳушимдан кетай дейман. «Яъни қандай
бўлди бу? Ўз қариндошингизни танисмайсизми? Мен
Тевье бўламан». «Қим дейсиз? Тевье дейсизми? Нега-
дир эслолмаяпман...». «Чинданми? Эслаяпсизми? Хотин-
ним сизга пишириб берган қуймоқ, пирог, узмаларни
эсламаяпсизми? Ўйлаб кўринг-чи, балки эсингизга қе-

лар...» Бироқ шу он кўз олдимда бутунлай бошқа ман-
зара пайдо бўлади: Мен Менахем-Мендл ёнига қир-
ман, у бўлса ўзида йўқ хурсанд, очиқ юз билан мени
кутиб олади. Меҳмон! Яна қандай меҳмон денг! Мар-
ҳамат, ўтиринг, жаноб Тевье! Аҳволингиз қалай! Хот-
нингизнинг соғлиғи қалай? Роса кутдим-да сизни, ҳисоб-
китоб қиладиган пайт етди деди-ю, телпагимни тилла
пулларга тўлатиб юборди. «Бу фақат фойда пули,—
деди у.— Асосий капитал ишда қолаверади. Қачонки
фойда кўрсак, арра қилаверамиз, нисби меники, нисби
сизники. Юз сўм менга, юз сўм сизга, икки юз сўм мен-
га, икки юз сўм сизга».

Ўй-хаёл ичида мудраб кетибман, шу ўртада отим
йўлдан четга чиқиб кетганини сезмабман... Арава ғил-
дираги бир дарахтга шу қадар қаттиқ урилдики, кўзла-
римдан ўт чақнаб кетди. «Шунгайм шукур! Хайриятки,
араванинг ўқи синмабди!» дедим ўзимга.

Егупецга келдим. Аввало молларни пулладим, ҳар
қачонгидай ишпи тез ва силлиқ бажариб бўлдим-да,
шеригимни қидириб кетдим. Бир соат, икки соат, уч
соат қидирдим денг, «лекин болалар ҳамиша йўқ»—
кўзга сира чалинмайди! Одамларни тўхтатиб суриш-
тира бошладим:

— Менахем-Мендл деган кишини кўрганларинг,
эшитганларинг борми?

— Менахем-Мендлча, егани тешиккулча,— дейишди
одамлар...— Ер юзида Менахем-Мендллар ачиб ётибди!

— Сиз унинг фамилияси нима демоқчидирсиз эҳти-
мол? Фамилиясини ўзим ҳам билмайман! Унинг ватани-
да, яъни қишлоғи Касриловкада, ҳам билишни истасан-
гиз, уни қайнанасининг номи билан Лея-Довсянинг
Менахем-Мендли деб атайдилар. Уни қўяверинг, ҳатто
анчага бориб қолган кекса қайнатасини ҳам Лея-Двос-
янинг Борух-Герши дейдилар. Лея-Двосянинг ўзини ҳам

Лея-Двоя деб эмас, Лея-Двоя Борух-Гершнининг хотини Лея-Двоя дейдилар... Тушундигизми энди?

— Тушунишга тушундикку-я,— дейишди улар.— Аммо фақат шунинг ўзи кифоя қилмайди. Унинг касби нима, яъни сизнинг Менахем-Мендлингиз нима иш қилади?

— Нима иш қилади, дейсизми?— дедим мен.— У мана бу шаҳарда тилла пулларни, қандайдир «бес-пес» ларни олиб сотади, Петербург, Варшава деган жойларга телеграммалар юборади...

— Э-ҳе, шунини айтмайсизми?— деб қотиб-қотиб кулишди улар,— анави ширилатон Менахем-Мендел эмасми! Ушадир. Шундай бўлса кўчанинг нариги бетига ўтинг, ундай учарлар ўша томонда зир югуриб юрипти, сизнинг Менахем-Мендлингиз ҳам ўшалар орасида...

«Қанча кўп яшасанг, шунча кўп ошайсан,— деб ўйлайман.— Қандайдир учар, ширилатон? Нима дегани экан?»

Кўчанинг нариги бетига ўтдим, унда ғиж-ғиж одам денг, чумоли уясидай, жума бозорнинг ўзгинаси! Тиқилнички, ўтиб бўлмайди! Одамлар жиннига ўхшаб у ёққа-бу ёққа югуришади, бир-бирларининг устига чиқиб кетишади... Ғовур-ғовур, тўс-тўполон авжида, ҳамма гапиради, бақиради, қўлларини силкитади: «Потивилов!», «Аниқ гап, аниқ, гап!», «Сўзингиздан тутиб оламан-а!», «Закалат билан боплади!», «Ҳали бошини қашлайди!», «Менга ширинкома тегади!», «Аблаҳ, ифлос!», «Каллангни янчивораман!», «Тупур башарасига», «Буни кўринг, ўлдиришди-ку!», «Бор-е, чайқовчи бўлмай кет-э!», «Синди!», «Малай!», «Падарингга лаънат!»

Уриш чиқадиган кўринади! Худо сақласин! «Жуфтэки ростлади Еқуб» дедим ўзимга.

— Қоч, бу ердан Тевье! Вақтида жуфтагингни ростламасанг, ҳойнаҳой калтак ейсан! Ана холос,— дедим

ўз-ўзига.— Худо эгам, Шмуел-Шмелькес уига ёрдам-чи, Егупец — шаҳар, Менахем-Мендл бўлса пул топувчи... Шу жойда бахтнинг думидан ушлаб олишар эканлар-да? Тилла пулларми? Мана шу можарони улар иш дейдиларми? Одам бўлмай ўл, Тевье, топган ишинг шу бўлдими?

Жуда кўп шим қўйилган катта ойна олдиға келиб тўхтадим. Ойнада бирданиға азиз қариндошимнинг қлёфаси кўзимға кўринди. Уни кўрдиму юрагим орзиқиб, сал бўлса жоним чиқиб кетай деди. Худоё, сизнинг душманларингиз билан менинг душманларимнинг ба-шараси шундай, Менахем-Мендлникидай бўлсин! Эгни-да пиджаги йўқ! У сафар кўрганим йиртиқ этик ҳам йўқ. Афтини кўрсангиз! Ё худо, тобутға солинган мурда ҳам ундан дурустроқ! «Аттанг, Тевье, дедим ўзимға,— ё бой, ё гадо, ё ҳеч бало! Кафангадо бўлдинг! Пулларнинг қу-лоғини ушлаб кетди! Халқ айтгандай: «Айиғиям йўқ, ўрмониям, молиям йўқ, пулиям, сенға ғам-алами, холос!»

Кўряпманки, у ҳам мени кўриб жуда шошиб қолди, ўзини йўқотиб қўйди. Бир-биримизға тикилишиб қотиб қолибмиз, гапиролмаймиз, хўрозларға ўхшаб бир-бири-мизға кўз тикиб турибмиз, холос, гўё демоқчиманки: «Икковимиз ҳам хароб бўлдик! Икковимизға ҳам халта осиб тиланчилик қилишдан бошқа чора қолмади!»

— Жаноб Тевье!— деди Менахем-Мендл базўр ово-зини чиқариб, ўпқаси тўлган ҳолда.— Жаноб Тевье! Бахтсиз одам дунёға келиб нима қиларди? Биласизми, унинг туғилмагани яхши! Бундай яшагандан кўра... осиб ўлдириш, нимталаб ташлаш керак...

Бошқа лом-мим деёлмай қолди.

— Тўғри,— дедим мен,— шу қилган ишинг учун Менахем-Мендл сени мана шу Егупецнинг ўртасига ёт-қизиб, ҳеч бир аямасдан шундай савалаш керак эдики, нариги дунёға бориб, буving Цейтл билан учрашадиган

бўлгин эди! Ахир, ўйлаб кўр-чи, нима қилдинг сен? Ўйламай-нетмай бутун бир оилани ҳалок қилдинг, шунчалик тирик жонни заррача айби йўқ бахтсиз, бечора одамларни пичоқсиз сўйдинг! Энди мен нима деб, қайси юз билан хотиним ва бола-чақаларим олдига бораман? Йўқ, сен ўзинг айт, қайси юз билан? Қотил, қароқчи, ёвуз!

— Тўғри!— деди у тўнгиллаб, деворга суянганича.— Чин ҳақиқат, жаноб Тевье! Худо ҳаққи, тўғри гап...

— Дўзахда куйгин илоҳим, аҳмоқ, дўзах азоби ҳам камлик қилади сенга!

У:

— Тўғри, жаноб Тевье! Ҳамма гапингиз тўғри... Худо ҳаққи, тўғри... Бундай ҳаётдан кўра, жаноб Тевье... бундай яшашдан кўра...— дея гапларини такрорлаб, ерга тикилди.

Ойна олдида у шўрликка, бошини эгиб деворга суяниб туришига қараб турибман. Бошидаги шапкаси бир томонга қийшайиб кетган, ҳар оҳ тортиши юрак-бағримни эзади.

— Агар,— дедим мен,— бу ишга иккинчи томондан қараб ҳукм қилинадиган бўлса, аниқ равшанки, эҳтимол, бу ишда сенинг заррача айбинг йўқдир. Агар чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, иккиннинг бири бўлиши керак: бунини ёмон ният билан атайин қилдинг деб ўйлаш аҳмоқчилик бўларди. Ахир, сен мен билан баб-баравар шерик эдинг, фойдани ўртада тенг бўлишимиз керак эди. Мендан пул, сендан ақл-фаросат эди. Шўрим қурсин! Албатта сен «мамотни эмас, ҳаётни» кўзда тутгансан. Агар буларнинг ҳаммаси чиппакка чиққан экан, демак пешанага ёзилгани шу экан. Китоби шарифда айтилганидек: «Келажак кун билан мақтанма!» одам назарди тутганини худо назарда тутмайди. Ахир, мисол учун мана менинг касбимни олайлик. Менинг касбимнинг

ғубори йўқдай, тирикчиликни ҳеч сўзсиз таъмин қилиб турадигандек кўринади. Аммо ёзмишдан қутулишнинг иложи бўлмас экан, ўтган кузда сигирим,— илойим сенинг бошингга тушмасин!— ҳаром ўлди, жуда арзон қилиб, сўйиб сотгандаям камида эллик сўм турарди, унинг кетидан қизил бузоқ ҳам ўливорди, уни бўлса йигирма сўмгаям сотмасдим... Нима қиласан, бошингни тошга урасанми? Омадинг юрмагандан кейин ҳеч бало қилолмайсан. Мен сендан: пулларни қаёққа қўйдинг? деб суриштирмайман ҳам. Менинг ҳалол пулларимнинг қаердалигини ўзим ҳам биламан. Шўрим курси-е, шўрим! Қоғоз ичига, бултурги қорга кўмилиб кетган. Айб кимда? Менинг ўзимда эмасми? Сенинг гапларингга учдим. Осонгина нон ейишни, текин фойда топишни истадим... Пулни укажон, қаттиқ меҳнат билан ишлаб топиш керак, тер тўкиб, қон ютиб топиш керак! Сени, Тевъе, савалаш керак, ўлгудай савалаш керак! Энди менинг бақиримдан нима ва кимга фойда? Қитоби шарифда айтилганидек: «Ана, ҳўнграб йиғлади ўспирин»— йиғлайвер, қон йиғла! Ақл билан пушаймон ҳар иккиси ҳам доим кечикиб келади. Бойишни, Тевъе, сенга ким қўйипти? Мақолда айтилганидай: «Микитанинг сариқ чақаси ҳам йўқ эди, бўлмайдиям!» Худо ана шундай ҳукм чиқарган кўринади. «Худонинг ўзи берди ва ўзи олди», бунинг маъносини чақадиган бўлсанг бундай бўлади:— Юр ука,— дедим мен,— қиттак-қиттак отиб олайликл..

Менинг орзуларим, жаноб Шолом-Алейхем, ана шундай пучга чиқди! Пулдан ажраганим учун қаттиқ қайғурди, деб ўйларсиз балки? Йўқ, ҳечам! Қитоби шарифда: «Кумуш ҳам меники, тилла ҳам меники» деб ёзилганини сиз билан мен яхши биламиз, пул қўлнинг кири. Энг муҳими — киши, яъни киши деганинг доим инсон бўлиб қолаверсин! Алам қилгани шу бўлдики, ширин

тушларим тугади. Бой бўлгим, бир дақиқа бўлса ҳам бой бўлиб тургим келганди! Аммо бунинг иложи бўлмади. Айтилган-ку: «Киши ўз эрки билан яшамайди» деб, ҳеч нарса хоҳишингча бўлмайди. Худо бундай дейди: Сен Тевье, пишлоғинг билан сариёғингни билгин, пуч хаёлга берилмагин! Умид-чи? Умид ўз йўли билан. Ғам-ғусса қанчалик кўп бўлса, умид ҳам шунчалик кўп бўлади, қанча кўпроқ қашшоқ бўлсанг, ишончинг шунча кучаяди... Чунки...

Бу сафар гапни жуда чўзиб юбордим, шекилли. Отни қўшиб жўнаш керак, иш қолиб кетди, ҳар кимнинг ўз ташвиши бор дейишадн-ю.

Соғ бўлинг, доим бахтли бўлинг!

1899

ЗАМОН БОЛАЛАРИ

Сиз «Замон болалари» деганингиз учун, шу муносабат билан мен шундай дейман. «Мен болаларимни ўс-тирдим, тарбияладим...» Айтиш осон — бола туғдир, катта қил. Улар деб ўзингни қурбон қил, кечаю кундуз ишла... Нимага шунча ташвиш? Доим ўйлайсан: ҳали ундай, ҳали бундай, доим ўйлайсан — ҳар ким ўз билганича, ҳолига яраша яшайди. Мен Бродский каби бой эмасман, албатта. Аммо шундай бўлса ҳам ўзимни пастга урмайман, чунки менинг ўзим ҳам унча паст табақадан эмасман, бизлар хотиним — илойим соғ бўлсин — айтганидек, машиначидан ҳам, этикдўздан ҳам чиққан эмасмиз... Шунга кўра қизларим менга ёрдам берурлар деб ўйлаган эдим. Нега? Биринчидан, худо таоло менга чиройли қизлар ато қилган. Чирой ўзингиз айтганингиздек, ярим сепдир. Иккинчидан эса, менинг ўзим ҳам ҳозир худонинг раҳмати билан аввалги вақтлардаги Тевье эмасман — ҳаттоки, Егупецдан ҳам мана ман деган куёвларни топиб оламан, шундай эмасми? Аммо дунёда худо бору, раҳм ҳам қилади, жабр ҳам, ўша худо менга ўз ҳунарини кўрсатяпти, гоҳ мени иссиққа ташлаб терлатади, гоҳ совуққа ташлаб қалтиратади, ҳали осмонга ирғитади, ҳали ерга пақиллатиб уради. «Тевье,— деди у,— ҳамма нарсани миянг-

дан чиқариб ташла тентак,— ҳамма нарса ўз оқими билан қандай борадиган бўлса, шундай бораверсин!.. «Мана эшитинг-чи, дунёда нима ҳодисалар бўлар экан. Ҳар хил ҳангамалар кимнинг бошига тушади? Тевъега ўхшаган бахтиёр одамнинг бошига тушади, албатта.

Кўп гап эшакка юк, ахир! Ҳали яқиндагина бошимдан кечирган воқеани эсингиздан чиқармаган бўлсангиз керак, менинг қариндошим, жувонмарг, Менахем-Мендл билан бўлган можарони айтяпман, икковимизнинг Ёгу-пецдаги ажойиб ишларимиз тилла пуллар ва «Потивиллов» акциялари ёдингиздадир. Менинг бошимдан кечирган жафоларни, илойим душманларим ҳам тортмасин! Мен ўшанда куйиб, ғам билан адо бўлганман. Соб бўлдинг Тевъе, сут хўжалигинг тамомила барбод бўлди, деб ўйлаганман!

— Бориб турган тентаксан!— деди бир куни менинг кампирим.— Куйиб нима қиласан, бас энди, бу билан мушкулингни осон қилолмайсан! Ўзингни еб соб қиласан, холос. Айтайлик, қароқчилар сенга ҳужум қилиб, бор-йўғингни шилиб кетишса нима қилардинг?.. Куйиб юргандан кўра Анатовкадаги қассоб Лейзер-Волфникига бор, у сени бир кўришга муштоқман деяётувди.

— Нима иши борикин? Нега унга шунчалик зарур бўлиб қолган эканман? Агар у бизнинг қўнғир сигиримизнинг пайдан бўлса, бу аҳмоқона фикрни дарҳол миясидан чиқариб ташласин.

— Қайтага яхши эмасми?— деди хотиним.— Бу сигир сенга кўп-кўп сут, пишлоқ, ёғ бераётгани йўқ-ку!

— Гап бунда эмас,— дедим мен.— Шунчаки айтяпман-да. Шундай сигирни қассобга сотиш яхшими! Ачинмайсанми? Бизнинг китоби шарифда ҳам айтилганки...

— Бўлди, бас қил Тевъе!— деди у.— Китоби шариф-

ни сув қилиб ичиб юборганингни бутун эл билади. Сен хотинингнинг гапига қулоқ солгин-да, Лейзер-Волфникига боргин. Ҳар пайшанба бизнинг Цейтл унинг дўконига гўшт олгани борганида: даднгга айт, меникига келсин, унга айтадиган жуда зарур гапим бор деб ҳол-жонига қўймас экан.

Хуллас, баъзи-баъзида хотиннинг гапига ҳам қулоқ солиш керак, шундай эмасми? Ниҳоят у мени кўндирди. Анатовкадаги Лейзер-Волфникига келдим, бу қишлоқ биздан атиги уч чақирим келади. Борсам, у уйда йўқ экан, албатта.

— У киши қани?— деб сўрадим уйда ивирсиб юрган пучуқ хотиндан.

— Кушхонада,— деб жавоб берди у.— Эрталабдан бери ўша ёқда, ҳўкиз сўйишяпти. Ҳали замон келиб қолади...

Якка ўзим Лейзер-Волфнинг уйда ўтирибман. Хўжалигига назар ташлайман. Хўжалиги, худо ёмон кўздан сақласин, бут. Илойим, менинг ҳамма дўстларимга шундай уй насиб қилсин, ҳар ҳолда бундан кам бўлмасин. Шкаф десангиз мис идиш-товоққа лиқ тўла. Юз эллик сўмга ҳам сотиб ололмайсан, бир жуфт самовар, мис патнис, яна Варшавадан келтирилган битта мис патнис. Иккита кумуш шамдон, кумуш қадаҳлар ва олтин югуртирилган кумуш рюмкалар, етти шам қўйиладиган катта шамдон, яна бошқа буюмлару ҳар хил лашлушларнинг ҳисоби йўқ! «Ё худо!— деб ўйлайман мен.— Мен болаларимнинг, илойим соғ бўлсинлар, уйларида шунчалик буюмларни кўрай! Бу қассоб омади бор одам экан! Шунча бойлик устига денг, унинг фақат ижкитагина қизи бор, улар ҳам эрга тегиб, турмуш қуриб кетган, қассобнинг ўзи тул...»

Ниҳоят, худонинг раҳми келди-ю, эшик очилиб Лейзер-Волф кириб келди. У жаҳли чиқиб, кушхонадаги

сәйлоҳни бошлаб сўқяпти. Қассобни хароб қилибди у, касофат, шундай баҳайбат, соппа-соғ ҳўкизнинг гўшти-ни яроқсизга чиқарипти, аблаҳ! Упкасидан тўғнағич бошидай қандайдир шикаст топиб чиқитга чиқарипти, ер, юткур!

— Ассалому алайкум, жаноб Тевье!— деди у.— Бу қанақа гап, сизни ҳеч чақириб бўлмайди. Ҳол-аҳволнингиз, турмушингиз қалай, нима қиялпсиз?

— Сизга нима десам бўлади?— деб жавоб бердим мен.— Иш ҳам қилгандай бўламузу, лекин ҳамиша бир ўрнидан жилмаймиз... Китоби шарифда айтилганидек: «Нининг ҳам тегмайди, асалинг ҳам»,— пул ҳам йўқ, соғлик ҳам, бир дақиқа тиңчилик ҳам.

— Бундай деманг, гуноҳкор бўласиз, жаноб Тевье,— деди у.— Аввалги вақтлардаги аҳволингизга солиштирганда сиз ҳозир, кўз тегмасин, бойсиз.

— Менинг ками-кўстимга қанча етмайдиган бўлса, худо иккимизга ҳам шунча давлат берсин! Аммо мен нолимайман, бориға шукур. Талмудда айтилганки: «Аскакурдо — демасканто декурносе дефарсмахто...»¹ Аммо ўзим бундай деб ўйлайман: шўринг қурсин беинсоф, ҳалиги сўзлардек шўринг қурсин! Ундай сўзлар ўзи оламда йўқ...

— Сиз,— деди у,— доим донишмандлик қиласиз. Яхшики, сиз, жаноб Тевье, майда ҳарфлар билан ёзилган хатларнинг маънисига тушунасиз. Аммо донишмандликнинг ва билимдонликнинг нима кераги бор сизга? Ундан кўра ўз ишларимиз тўғрисида суҳбатлашайлик. Утиринг жаноб Тевье!— деди-да,— чой!— дея буйруқ берди.

Шу он ер тагидан чиққандек ҳалиги пучуқ хотин

¹ Бемаъни сўзлар йиғиндиси. Маъноси бўлмаса ҳам оҳанги билан тавротдаги гапларни эслатади.

пайдо бўлиб, бирпасда самоварини олиб кухняга чиқиб кетди.

— Энди,— деди Лейзер-Волф,— икковимиз ёлғиз ўтирганимизда иш тўғрисида гапиришсак ҳам бўлади. Гап нимадалигини биласизми, жаноб Тевье, мен кўпдан бери сиз билан гаплашмоқчи бўлиб юрган эдим, қизингизга бир неча марта тайинладим ва ундан илтимос қилдимки, сиз меникига марҳамат қилсангиз деб... Биласизми, менинг кўзим тушгани...

— Биладан,— дедим унинг сўзини бўлиб,— нимага кўзингиз тушганини биладану, аммо бекор овора бўласиз, бундан ҳеч нарса чиқмайди, жаноб Лейзер-Волф, чиқмайди.

— Нега чиқмайди?— деб савол берди у ва ҳадиксираб менга тикилди.

— Шундай, чиқмайди,— дедим мен.— Шошилиб нима қилардим, ҳали бемалол сабр қилиб турса бўлади, дарёга ўт тушгани йўқ.

— Нега сабр қилиш керак экан, ҳозироқ қилса бўлади-ку.

— Биринчидан бу,— деб сўзимда давом этдим мен,— иккинчидан эса, ачинаман, биласизми, ҳар ҳолда иссиқ жон-да...

— Шуюм гап бўптимиз?— деди кулиб Лейзер-Волф.— Камбағалнинг назокатини қаранг! Четдан бирон киши қулоқ солиб турса, у сизнинг якка-ягона қизингиз экан деб ўйлаши мумкин. Назаримда сизда, жаноб Тевье, уларнинг уруғи сероб-ку...

— Сероб бўлса бўлар,— деб жавоб бердим мен.— бировга оғирликлари тушмайди. Кимнингки ҳасади келса, у ҳечам...

— Ҳасади келса!— деди у.— Бунга ҳасаднинг нима дахли бор? Аксинча, сизда уларнинг ҳаммаси, кўз тегмасин, шундай боп, яхши бўлгани учун ҳам мен хоҳлаган

эдимки... Сиз меннинг нима демоқчи бўлганимни тушунасаниз, албатта. Шуни ҳам эсингиздан чиқармангки, жаноб Тевье, сиз бир нимали бўлиб қоласиз.

— Ҳа, тўғри гапиряпсиз,— дедим мен,— сизнинг марҳаматингиздан бош тошга айланиши мумкин... Сиз қишда аямасдан қор совға қилаверасиз... Сизнинг бундай хайр-саховатингиз бизга кўпдан маълум...

— Ҳе-е!— деди у оҳиста.— Нимага сиз жаноб Тевье, у даврларни ҳозирги пайт билан тенглаштирасиз. У вақтда бошқа гап эди, ҳозир бутунлай бошқа гап. Ҳозир биз қариндош бўлиш ниятидамиз, тўғри эмасми?

— Қандай қилиб қариндош бўларканмиз?

— Шундай-да,— деди у,— қариндош бўлмоқчимизда.

— Шошманг-чи, жаноб Лейзер-Волф, сиз нима деяпсиз, биз ўзи нима тўғрисида гапиряпмиз?

— Қани, сиз ўзингиз айтинг-чи, жаноб Тевье, биз нима ҳақида гапиряшадиган эдик?

— Нима ҳақида бўларди?— дедим мен.— Қўнғир сигир ҳақида. Сиз уни мендан сотиб олмоқчисиз-ку!

— Хо-хо-хо!— қотиб-қотиб кулди у.— Сигир ҳақида денг, яна қўнғир сигир ҳақида-я! Хо-хо-хо!

— Ахир ким ҳақида гап кетаётганини айтиб беринг, жаноб Лейзер-Волф! Мен ҳам сизга қўшилиб кулай.

— Сизнинг қизингиз ҳақида,— деди у.— Боядан бери сизнинг Цейтлингиз ҳақида гапиряпмиз! Сиз, жаноб Тевье, биласизки, илойим сизнинг бошингизга тушмасин, тул қолганман. Мен кўп ўйлаганман: бахтни четдан қидиришнинг нима ҳожати бор, ҳар хил совчи-повчилар билан, шайтон-иблислар билан овора бўлишнинг нима зарурати бор? Биз икковимиз бир жойликмиз, мен сизни биламан, сиз мени биласиз, қизингиз менга ёқади, мен уни ҳар пайшанба куни дўконда кўраман, уни гапга солиб ҳам кўрдим; дуруст, босиққина, мўмингина кўринади...

Мен ўзим бўлсам, сизга маълумки, бадавлатман, кўз тегмасин, уй-жойим, иккита омборим бор, хўжалигим қанақалигини кўриб турибсиз — нолисам гуноҳ бўлади. Чордоқда терилар тахланиб ётибди, сандиқда оз-моз пул ҳам бор... Лўлиларнинг ишини қилиш — шайтонлик, найранг ишлатишнинг нима ҳожати бор! Қани қўл беришиб, ишни тамом, вассалом қилиб қўя қоламиз. Гапларим тушунарли бўлдими, йўқми?

У бу гапларни айтгандан кейин, мен беҳосдан ғалати хабар эшитиб довдираб қолган кишига ўхшаб лол бўлиб, қотиб қолдим. Дуруст, бошимга дарҳол шу фикр келди:... Цейтл... Лейзер-Волф қассобнинг қизлариям Цейтл тенги бўлиб қолган, балки ундан кўра каттароқ ҳам... Бироқ шу он ўз-ўзимга эътироз билдирдим: кечир, шундай бахт турса-я! Шундай бахт! Ахир, қизимга яхши бўлади! Дуруст, қассоб унча сахий эмас, зиқна. Аммо ҳозирги даврда бунни, яхши фазилат деб билмоқ керак! Айтганларича: «Кишига ўзидан яқин йўқ». Бировларга раҳмдил олам ўзига раҳмдил бўлолмайди. Тўғри, унинг жуда ҳам содда бўлиши яхши эмас, албатта... Аммо бу нуқсонни ҳеч қандай қилиб тузатиб бўлмайди! Ҳаммаям билимдон бўлавермайди! Анатовкада, Мазеповкада ва ҳатто Егупецда ҳам ўқиш, ёзишни билмайдиган, лекин ҳамманинг ҳурмат ва иззатига сазовор бойлар оз дейсизми? Ҳар ҳолда менга худо уларга кўрсатиладиган ҳурматча бахт берса бўларди. Китоби шарифда айтилганидек: «Нон бўлмаса, илм ҳам бўлмайди», яъни илм деганингиз сандиқда бўлади, донолик эса чўнтакда...

— Хўш, жаноб Тевье,— деди у,— нега индамай ўтирибсиз?

— Нима, бақирим керакми?— деб жавоб бердим мен дудмалроқ қилиб.— Биласизми, жаноб, Лейзер-Волф, бу шундай масалаки, уни жуда диққат билан, айт-

рофлича ўйлаб кўриш керак. Бу ҳазилакам иш эмас, менинг тўнғич болам-да, ахир.

— Шунинг учун ҳам,— деди у,— тўнғич болаңгиз бўлганидан бу ишни кейинга суриб бўлмайди. Ундан кейин худонинг марҳамати билан иккинчи қизингизни, сўнгра учинчисини ҳам узатишингиз мумкин. Тушундингизми?

— Омин!— дедим мен.— Сиз ҳам шу кунларга етинг. Эрга бериш қийин гап эмас. Худо фақат ҳар кимга ўз қайлиғини берсин...

— Йўқ,— деди у,— мен, жаноб Тевье, ундай деётганим йўқ, мен бутунлай бошқа нарса ҳақида гапиряпман. Мен сеп талаб қилмайман, қизга нима керак бўлса, ҳаммасини ўзим тайёрлайман, бунисини мен ўз гардашимга оламан, бундан ташқари, сизга ҳам бирон нарса тегар, ахир...

— Be-e!— дедим мен.— Сиз мен билан, кечирасиз, худди гўшт дўконингизда гапиришгандай гапиряпсиз. «Бирон нарса тегар» деганингиз нимаси? Be-e! Менинг Цейтлим, худо сақласин, пулга сотадиган мол эмас. Be!

— Нима деймиз энди,— деди у.— «Be!» бўлса «бе»-да. Мен, аксинча, мумкин қадар яхшироқ бўлишини истаган эдим... Сиз «бе» деяр экансиз, майли, «бе» бўлаверсин. Сизга шу манзур экан, менга ҳам манзур. Энг муҳими, бека тезроқ уйга келиши керак, бу иш кейинга сурилмасин! Тушундингизми?

— Мен туфайли иш тўхталиб қолмайди,— деб жавоб бердим мен.— Аммо кампир билан ҳам маслаҳатлашиш керак. Бунақа масалаларда у киши руйкорчи, иш унинг маслаҳати билан битади. Бу ахир, ҳазил гап эмас, табаррук китобда айтилганидек: «Раҳим ўғилларига аза тутади», бу она — ҳаммадан устун туради, демакдир! Ниҳоят, унинг ўзидан ҳам, яъни Цейтлдан ҳам сўралса ёмон бўлмайди... Бундай гап ҳам бор: «бутун қавм-

қариндош тўйга кетипти-ю, куёв уй пойлаб қопти...» иш шунақа бўлмасин!

— Бекор гап — деди у.— Сўраш дейсизми? Йўқ, унга фақат айтиш керак, холос, жаноб Тевье! Уйга бориш керак-да, иш мана шундай-шундай дейиш керак-да, дарҳол бошига никоҳ рўмолини ташлаб «тамом вассалом» қилиш керак.

— Ундай деманг, жаноб Лейзер-Волф, ундай деманг! Қиз бола у, тул хотин эмас...

— Албатта, албатта,— деб жавоб берди у.— Қиз бола тул хотин эмас... Шунинг учун ҳам ҳамма нарсани олдиндан келишиб қўйиш керак. Бунда, биласизми кўйлагиям, ҳар хил лаш-лушлари ҳам бор... Ҳозирча, жаноб Тевье, жиндай-жиндай тортайлик, ё керак эмасми?

— Нега керак эмас экан, бўлади,— дедим мен.— Ҳар нарса ўз йўли билан, бири иккинчисига ҳалал бермайди. Айтадилар-ку: «Одамнинг йўли бошқа, вишонинг йўли бошқа» деб. Бизнинг талмудда шундай оят бор...

Гўё талмуддан олган бўлиб, оятлар келтира бошладим. Қалламга нима келса, ўшани бирич-кетин айтавердим: «Қўшиқлар қўшиғи»дан, «Пасха қиссалари»дан шеърлар айтдим...

Қисқаси, заҳар-заққумдан тортдик; кўнгилдагидек худди худо буюрганча ичдик. Шу орада пучуқ хотин самовар олиб кирди, биз ўзимизга бир стакандаи пушш тайёрладик. Дўстона суҳбатлашдик, бир-биримизга яхши истаклар билдирдик, тўй ҳақида гаплашдик, у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтириб, яна тўй масаласига қайтдик.

— Сиз биласизми, жаноб Лейзер-Волф,— дедим мен,— бу қанақа гавҳар?

— Биладан,— деб жавоб берди у.— Ишонинг менга; биладан. Билмаганда, мен бу тўғрида гапириб ўтирмаган ҳам бўлардим.

Биз иккимиз ҳам барала гапирдик. Мен:

— Гавҳар! Олмос!— деб бақирдим.— Сиз унинг қадрига ета олармикансиз? Қассоблигингизни ичингизга ютиб туринг...

У бўлса:

— Хавотир олманг, хотиржам бўлинг, жаноб Тевье! Қизингиз уйингизда байрам кунлари ҳам емаган овқатларини менинг уйимда ҳар кун ейдиган бўлади...— деди.

— Беҳуда гап!— дедим мен.— Топган гапингизни қаранг-а — овқат эмиш! Бойлар червон ютмайди, камбағаллар тош ғажимайди. Сиз авомсиз, унинг қадрига ета олармикансиз! Унинг пазандалигини айтинг! Балиқ қовуришни унга чиқарган, жаноб Лейзер-Волф! У қовурган балиқнинг таъмини татиб кўришга ҳам муносиб бўлмоқ керак...

У бўлса:

— Сиз, жаноб Тевье, кечирасиз, бемаза бўлиб қопсиз. Одам танимайдиган бўпсиз, жаноб Тевье, мени билмас экансиз...— деб қолди-ку.

Мен бўлсам ўзимнинг гапимни маъқуллайвердим:

— Тарозининг бир палласига олтин қўйилса, иккинчи палласига Цейтл қўйилади. Яхши билингки, жаноб Лейзер-Волф, икки юз мингга қурбингиз етгандаям, сиз унинг ҳатто тирноғига арзимайсиз.

У яна ўзиникини маъқуллади:

— Сиз ишонинг менга, жаноб Тевье, мендан катта бўлсангиз ҳам қип-қизил тентак бўп қопсиз...

Хуллас, биз кайфимиз ошиб шу тариқа анчагина бақириб-чақирган бўлсамиз керак, чунки мен уйга қайтиб келганимда хийла кеч бўлиб, қолган, оёқларим чапишиб кетар эди... Хотиним Голда, илойим соғ бўлсин, менинг кайф қилиб келганлигимни дарҳол пайқади шекилли, тоза адабимни берди.

— Секироқ гапир, Голда, аччиғланма!— дедим мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб,— бақирма азизим, бизни табрикласа бўлади.

— Табрикласа дейсанми? Нима билан?— деди у.— Қўнғир сигирни қўлдан берганинг, Лейзер-Волфга сотиб юборганинг учунми?

— Ундан ҳам баттари учун,— дедим мен.

— Бошқасига айирбош қилдингми? Лейзер-Волфни алдадингми? У бечоранинг меҳрибон одами ҳам йўқ-да.

— Ундан ҳам баттар!

— Айтсанг-чи энди!— дея бақирди у.— Одамга ўхшаб гапирсанг-чи! Уни қара-я, ундан гап олиш ўлимдан қийин-а!

— Қутлайман, табриклайман, сени, Голда!— дедим мен яна.— Сен мени табрикла, мен сени! Цейтлимизни фотиҳа қилиб қўйдик!

— Ундай дейдиган бўлсанг,— деди у— эсингни еб қўйибсан! Қандайдир бемаъни гапларни гапиряпсан. Хурмачангдан ортиқ, ичганга ўхшайсан!

— Дарҳақиқат, биз Лейзер-Волф билан икковимиз бир рюмкадан отдик,— дедим мен,— кейин бир стакан-дан пунш ичдик, аммо ақлимни ичганим йўқ, миям жойида. Сенга маълум бўлсинки, қадрдоним Голда, Цейтлимизни Лейзер-Волфга унашдик, яъни фотиҳа қилиб қўйдик.

Шундан кейин мен қандай бўлгани, нима учун шундай бўлганини ипидан игнасиғача гапириб бердим.

— Биласанми, Тевье,— деди хотиним,— чиндан ҳам шундай бўлишини кўнглим сезган эди, худойим менга ёр бўлсин, Лейзер-Волфнинг сени бекорга чақирмаганлигини билган эдим! Аммо менинг бу ҳақда ўйлашга юрагим бетламаган эди, фақат пуч хаёл бўлиб чиқишидан қўрққан эдим. Э худойим, ҳазар бор шукур марҳама-

тингга! Чиндан ҳам бу нарса хайрли соатда рўёбга чиқсин! Илоҳим улар қўшақарисинлар, фаровонликда, иззат-ҳурматда яшасинлар, нега десанг Лейзер-Волфнинг раҳматлик хотини Фруме-Сора:— жойи жаннатда бўлсин!— у билан айтарли бахтли бўлиб тотув яшаган эмас. У раҳматли — ўлганни ёмонлаш бўлмасину, хийла заҳар хотин эди, тўғрисини айтганда,— илойим мени арвоҳи кечирсин — ҳеч ким билан чиқишмасди, бизнинг Цейтлга мутлақо ўхшамас эди. Худойим, ўзингга, минг шукур! Хўш, Тевье! Мен сенга нима девдим, доно эргинам! Одамнинг бекорга ғам еб ўтириши шартми? Пешанангга ёзилгани бўлмай қолмайди.

— Тўғри гап!— деб жавоб бердим мен.— Ахир китоби шарифда бундай шеър бор...

— Сенинг шеърларингдан нима фойда чиқарди?— деди у.— Тўйга тайёрланиш керак. Аввало тўйгача Цейтлимизга зарур нарсаларнинг рўйхатини тузиб, Лейзер-Волфга топшириш даркор. Унинг ички кўйлақлозимням, ҳатто пайпоғиям йўқ. Сўнгра кўйлақлардан: битта никоҳ кунига шойи кўйлақ, битта ёзги ва битта қишки шерст кўйлақ, яна ип газламадан иккита кўйлақ, юбкалар тиктириш керак, пўстин ҳам зарур,— деди.— Менимча, унга иккита пўстин керак. Биттаси мушук терисидан бўлсин, униси ҳар кун кийиш учун керак бўлади, яна битта пўстин тулки терисидан тиктириш керак. унисини шанба кунлари кияди, сўнгра баланд пошнапи этик, корсет, қўлқоп, дастурўмоллар, зонтик, хуллас, ҳозирги замон қизларига зарур бўлган бошқа ҳар хил нарсалар тайёрлаши керак.

— Сен жонгинам, бунақа майда-чуйда нарсалар зарурлигини қаердан ўрганиб олгансан?— дедим мен.

— Нима деб ўйлайсан,— деди у,— мен одамлар орасида бўлмас эканманми? Ёки сен бизнинг Касриловкада кишихарнинг қандай кийиниб юришини хотиним кўрма-

гап деб ўйлайсанми? Бунни сен менга қўйиб бер! У билан мен ўзим гапиришаман. Лейзер-Волф, худога шукур, бой одам. Унинг ўзиям бировларнинг гапига қолиб уялишни истамасдир. Ахир, чўчқа гўшти ейдиган бўлсанг ёғи соқолингдан оқиб турсин-да!¹

Хуллас, биз шу тариқа саҳаргача гаплашиб чиқдик.

— Пишлоқ ва ёғларни тайёрлаб қўйгин, хотин,— дедим мен.— Уни-бунни қилгунча Бойберикка бориб келиш керак. Бу гапларнинг ҳаммаси яхши, аммо ишниям қўйиб бўлмайди. Айтишади-ку: «Жон худодан бўлса-да, гардан эгасиники» деб. Бу, «Ишниям эсдан чиқариш ярамайди», дегани бўлади.

Мен барвақт тонг ёриши биланоқ отни қўшдим-да, Бойберикка жўнадим. Бозорга келсам, ҳайрон қолдим. Биз сир сақлашни билмайдиган халқмиз. Ҳамма гап барчага аён бўлипти, одамлар ҳар томондан мени табриклай бошлади:

— Худо бахт берсин, жаноб Тевье! Худо хоҳласа, тўй қачон бўлмоқчи?

— Раҳмат!— деб жавоб бердим табрикловчиларга.— Сизгаям тилагим шу. «Дадаси туғилмасдан ўғли томда катта бўлган», деган гап бор, ахир...

— Бўлмаган гапни гапирманг,— деб қичқиришди улар,— ҳеч қандай гап билан қутулолмайсиз, жаноб Тевье! Бу ишни ювиш керак. Худо шундай бахт бериптики, кўз тегмасин! Чинакам олтин кони-ку!

— Гапиринглар-а,— дедим мен.— Ҳали буниси осмондаги гап: олтини учиб кетиб қуруқ коннинг ўзи қоладими ҳали?.. Аммо ҳар қалай шериклардан четда қолиб бўлмайди, ахир, тўнғиз қабилида иш қилиш уят!

¹ Яъни гуноҳ қиладиган бўлсанг арзийдиган иш учун гуноҳ қилгин демакдир, яҳудийлар динида чўчқа гўшти ейиш маъ қилинган, гуноҳ ҳисобланади.

Мана Ёгупец купослари билан бўладиган савдодан қутулиб олайчи, ана ундан кейин арағиям, закускасиам бўлади... Яша, ғам чекма! «Қувонгин, хурсандчилик бўлсин!» деган гап бор-ку, базмдан қолма камбағал!..

Хуллас, мен савдо-сотиқни одатдагидек тезгина элаштириб бўлдим-да, оғайинлар билан бир рюмкадан отиб олдик, расм-одат бўйича, бир-бирларимизга яхши иниятлар тиладик, сўнгра мен ширакайф бўлиб аравага чиқдим-да, шод-хуррам уйга жўнадим.

Ўрмон ичидан кетаётибман денг, ёз маҳали, қуёш иссиқ нурларини сочсаям икки томондан даратхлар соя ташлаб туради, қарағайларнинг хушбўй ҳиди димоғни қитиқлайди, мазза! Ўзим хон, ўзим бек, оёқларимни узатиб, бемалол ётиб олдим, тизгинни бўш қўйдим, отни ўз эркига топширдим: юравер, жонивор, йўлни ўзинг топиб борарсан... Овозимни барала қўйиб ашула бошладим, овозимга ўзим завқ қилиб бораман, денг. Қўнғил хуш, тавба дуоларининг оҳанги эсга келди. Юқорига, осмонга қарайман, аммо фикру зикрим ерда.

«Осмон,— дуодаги сўзларни хотирлайман,— осмон — худонинг «кўшки», «ер-чи» — ерни эса у «одам болаларига», яъни инсон фарзандларига ато қилган,— беҳуда уринаверсинлар, «улуғ зеб-зийнат» учун, обрў ва мансаб талашиб, ит-мушук бўлиб бир-бирлари билан уришаверсинлар деган... «Худони ўликлар қадрламайди» унинг одамзодга берган марҳамати учун шукур қилишни биладими улар, икки дунёдаям билмайди, тушунмайди... «Бизлар-чи...» Биз бечора камбағаллар эса улушимизга биргина ёруғ кун келиб қолганда, худога шукур қиламиз, унга ҳамдлар ўқиймиз ва бизни «севади» деймиз,— менинг овозимни, дуойимни эшитганинг, менга қулоқ солганинг учун сени севаман деймиз...— айтайлик, мени ҳар томондан қашшоқлик, ғам-ғусса, балою кулфат қуршаб турган чоғ: куппа-кундуз сиги-

римиз ҳаром ўлган, касофат уриб Менахем-Мендлдек
ношуд қариндош рўпара келиб охириги тийишларимни
шилиб кетган, мен бўлсам энди соб бўлдим, хароб бўл-
дим, дунё емирилди, «кишиларнинг ҳаммаси қаллоб»
ер юзида ҳақиқат йўқ деган қарорга келганимда... Ана
шунда худо нима қилади? У Лейзер-Волфнинг кўнглига
менинг Цейтлимни сеп талаб қилмасдан хотин қилиб
олиш фикрини солади... Сен Тевъега назар солганинг
учун, менга ёрдамга келганинг учун, болам важдан
менга хурсандлик ато қилганинг учун худоё сенга одат-
дагидан икки баравар ошириб мадҳия ўқийман... Мен
ушикига меҳмон бўлиб бораман, унинг уйида бека
бўлиб туришини кўрарман... Кўйлак-лозимга шкафлар
тўлиб кетган, ғоз ёғи тўлдирилган идишларга омборлар
лиқ тўла, ҳовлини бўлса товуклар, ғозлар, ўрдаклар
босиб кетганки, қадам қўйгани жой йўқ...

Бирданига отим тепаликдан пастга қараб чопиб
кетди-ю, мен бошимни кўтариб, нима бўлаётганини ва
қаердалигимни пайқаганимча бўлмай, бўш хурмача,
кўвачалар билан бирга ерга ағанаб тушдим, арава бўл-
са устимга ағдарилди. Минг азоб билан арава тагидан
тирмашиб чиқиб олдим, қарасам, майиб бўлибман, жаҳ-
лим чиқиб аламинини отдан олдим.

— Қуриб кеткур! Қияликдан чопишга уста эканли-
гининг биров сенга кўрсатгин девдини? сал бўлса мени
балого гирифтор қилардинг, аблах!

Тоза саваладим ўзини. От ҳам қандай элён келтир-
ганини сезиб соғилаётган сигирдай бошини эгиб тура-
верди.

— Ҳай, ер юткур!— дея мен аравани тикладим,
хурмача, кўвачаларни йиғиштириб аравага жойладим.
«Юр ачангникига»— жўнадик уйга қараб. Бу яхшилик-
ка эмас,— дедим мен ичимда.— Уйда бирон хунук иш
бўлса керак?

Худди шундай бўлиб чиқди. Бир-икки чақирим йўл юргач, уйимизга яқинлашиб қолдик, шунда менга қараб келаётган аёл шарпаси кўринди. Яқинроқ келиб қарасам, ўзимнинг Цейтл! Нима учундир уни кўришим билан юрагим «шув» этиб кетди. Аравадан сакраб тушдим.

— Цейтл, сенмисан? Бу ерда нима қилиб юрибсан?

Хўнграб менинг бўйнимга осилди.

— Худо хайр берсин, қизим,— дедим мен,— нега йиғлайсан?

— Оҳ,— деб жавоб берди у,— дадажон, дадажоним!

Кўзидан мўлдир-мўлдир ёш оқади. Кўз олдим қоронғилашди, юрагим эзилиб кетди.

— Сенга нима бўлди, қизгинам, нима бўлди сенга?— дедим мен, қучоқладим, бошини силаб, ўпа бошладим.

У бўлса:

— Дадажоним, азизим, қадрдоним менинг! Уч кунда бир бурда поп берсанг ҳам розиман... Раҳм қил менга, ёш умримни хазон қилма, дадажоним!— деди-да, яна хўнграб йиғлай бошлади, гапини гапиролмай қолди.

«Шўрим қурсин!— деб ўйладим.— Нима гаплигига ақлим етди. Бойберикка бекор борибман-да!»

— Нимага йиғлаяпсан!— дедим мен бошини силаб.— Тентаккинам, нега йиғлайсан? Начора, бўлмаса бўлмас, сени биров мажбур қилаётгани йўқ. Биз ахир, бахтли бўлишнигини хоҳлаган эдик. Кўнглинг бўлмаса, нима қилайлик? Пешанангга битгандан кейин биров нарса деб бўлармиди...

— Раҳмат дадажон сенга,— деди қизим.— Худо сенга узоқ умр берсин!— деди-да яна кўксимга бошини қўйди, йиғлаб-йиғлаб мени ўпа бошлади.

— Кўз ёши тўкиш бас энди, ахир!— дедим мен. «Ташвиш, ташвиш», ҳар кун ош бўлаверса уям кўнглига тегади. Қани, аравага чиқиб ол-чи. Онаг хавотир олиб ўтиргандир.

Гапнинг қисқаси, аравага чиқдик, мен у ёқдан бу ёқдан гапириб Цейтлни юпата бошладим.

— Биласанми, гап нимада, қизим!— дедим мен.— Биз албатта бирон ёмонликни ўйлаганимиз йўқ. Худо гувоҳ, жон болам, биз ўз боламизнинг келажагини дурустроқ таъмин этишни истаганмиз, холос. Агар бу тилагимиздан ҳеч нима чиқмаган экан, демак, худонинг буюргани шу. Демак, сенга тайёрга айёр бўлиб бориш, катта бой рўзғорнинг жиловини қўлга олиш, бизга эса қариган чоғимизда барча қилган меҳнатимизнинг роҳатини кўриш насиб қилмапти-да: ахир кечаю кундуз тиним билмадик, роҳат кўрмадик, қашшоқлик, муҳтожликдан бошимиз чиқмади!..

— Оҳ, дадажон!— деди у ва яна йиғлай бошлади.— Мен бировга чўри тушаман, лой қораман, ер ковлайман!..

— Ахир, нега йиғлайсан, тентак қиз!— дедим мен.— Мен сенга таъна қилаётганим йўқ-ку! Ё мен сендан бирон нарса талаб қиляпманми? Ҳаётимиз аччиқ, кўнгилсизлигидан юрагимни бўшатяпман, у билан, худо билан гаплашяпман, унинг мени қандай кунларга қўйганини унга айтиб беряпман. Унинг марҳамати кенг, у меши шундай аяйдики, менга кучини кўрсатиб мақтаняпти, э, парвардигор бу гапларим учун кечир мени! У қасдини оляпти, лекин иложинг қанча, дол-фарёд қил, барибир фойдаси йўқ! Афтидан, шундай бўлмоғи керак. У тепада, бизлар бўлсак пастда, ер тагида, жуда чуқурдамиз... Шунинг учун ҳам: унинг айтгани донмо тўғри, ҳукми ҳаққоний, дейишимиз керак. Борди-ю, бунга иккинчи томондан қарайдиган бўлсак, мен тентак эмасманми? Ўзи нима гап? Нега мен бунчалик қизишяпман? Бу қанақа гап — мен ерда бир чувалчанг, арзимас жопиворман-ку, агар худо истаса мени кичкинагина шамоли билан бирпасда ер юзидан шипириб ташлаши мум-

кин,— мен бўлсам ўзимнинг аҳмоқона каллам билан яна унга оламни қанақа қилиб идора қилиш кераклигини ўргатишга журъат қиляпман-а! Агар у бир нарсани ундаймас, бундай деб буюрган экан, тамом, унинг айтгани бўлади, бошқача бўлмайди, шикоят ҳам кор қилмайди. Она ҳомиладор бўлиб қолишдан қирқ кун олдин,— дедим мен,— бизнинг китоби шарифда шундай дейилган, қирқ кун олдин фаришта учиб келиб: «Фалоннинг қизи, пистончининг ўғлига!» деб айтиб кетар экан. Тевъеннинг қизи айтайлик, қандайдир Зорахнинг ўғли Гецлга тегади, қассоб Лейзер-Волф эса ўзининг қаллиғини бошқа жойдан қидирсин, деган бўлса керак ўша фаришта. Унинг амри вожиб. Сенга бўлса, худа таоло ўзингга буюрганини юборсин, аммо у дуруст одам бўлсин ишқилиб, тезроқ юборсин. Омин! Худонинг ўзи ёрлақасин. Айтгин-айтгин онанг бақириб-чақирмасин. Роса татъиримни беради ҳали!

Хуллас, уйга келиб, отни аравадан чиқардик. Уй олдида ўсиб турган кўкатга ўтирдик-да, мушкулни осон қилиш тўғрисида фикрлаша бошладик: бу балодан қандай қутулсак экан, хотинимга «Минг бир кеча»дан қандай эртақ топиб, айтиб берсак экан.

Кеч кирди. Куёш ботай деб қолди. Ҳаво дим. Узоқдан қурбақаларнинг вақиллаши эшитилади, тушовланган от кирт-кирт қилиб ўт еб юрибди, эндигина подадан келган сигирлар одатда сут соғадиган жойда соғилишини кутиб туришибди, ўт-ўлан хушбўй ҳид таратади, худди жаннатнинг ўзгинаси. Мана шуларнинг ҳаммасига назар солиб ва худонинг оламни қандай оқилона яратганига ҳайрон қолиб ўтирибман. Ҳар бир тирик жон, одамзоддан тортиб, айтайлик, сигиргача — ҳамма ўз нонини меҳнат билан ейиши керак экан, ҳеч нарса текин топилмас экан! Сен сигирмисан, овқат ейишни хоҳлайсанми? Ундай бўлса қани, сут бер, хўжайиннинг қор-

инин туйғаз, унинг хотинининг ҳам, болаларининг ҳам. Сен отмисан, кавшашни истайсанми? Ундай бўлса ҳар сафар Бойберикка хурмача, кўвачаларни обор ва қайтиб обкел. Киши ҳам шундай: бир бурда пон керак бўлса, марҳамат қилиб ишла, меҳнат қил, сигир соғ, хурмачалару кўвачалар таши, сариёғ қил, пишлоқ, сўнгра отни қўшиб, азонда Бойберик чорбоғларига қараб жўна, Егупец бойларига икки букилиб салом бер, уларни кўрганингда тиржай, хушомад қил, ҳар қайсисининг кўнглига қара, эҳтиёт бўл, хафа бўлишмасин, сендан миннатдор бўлишсин, худо сақласин, уларнинг иззат-нафсига тега кўрма!.. Бунини кўргач, «Фарқ нимада?»— нега бундай тафовут!— деган ўринли савол туғилади. Хўш, ҳали худонинг ўзи ширин ухлаб ётганда, Тевье саҳарлаб ўрнидан турсин-да, Егупец бойларининг хизматини қилсин деб, қаерда айтилган? Нега бундай? Уларнинг эртанги кофелари қайнагунча дастурхонларига сариёғ ва пишлоқ етказиб бериш учун-да... Қаерда айтилганки, Тевье суюқ угра ичиб ва сўк бўтқа еб азоб тортсин, машаққат чексин, Егупец купослари қўлларини совуқ сувга урмасдан, чорбоғда ўзларини офтобга тоблаб, ширин-ширин овқатларни еб, ичиб ётсинлар деб? Мен ҳам уларга ўхшаган одам эмасманми? Агар Тевье ҳам бир йилгина ёзда чорбоғда ётса адолатдан бўлмасмиди? Лекин яна савол туғиладики, у чоғда сариёғ билан пишлоқ қаердан келарди? Сигирни ким соғарди; уларнинг ўзи, Егупец оқсуяклари, яъни... бошимга келган бундай аҳмоқона фикрлардан ўзим ҳам кулиб юбордим. Бу ҳақда: «Худо аҳмоқларнинг гапига қулоқ солса дунё хароб бўларди...» деган мақол ҳам бор.

— Ассалому алайкум, жаноб Тевье!— деди бирданга кимдир номимни айтиб.

Бошимни буриб қарасам, ошнам, Анатовкадаги машиначида ишловчи халфа Мотл Камзил экан.

— Салом, сенгаям салом!— дедим мен.— Зап келдинг-да! Хизирни йўқласак бўларди... Утир, Мотл, худо яратган ерга. Қайси шамол учирди?

— Қайси шамол, дейсизми? Йўқ, ўз оёғим билан келдим!— деди у ва майсага ўтирди-да, атрофга, қизларим хурмачаю, кўвачалар билан овора бўлиб турган томонга кўз ташлай бошлади.

— Мен кўпдан бери сизникига келмоқчи бўлиб юрувдим, жаноб Тевье, аммо вақт тополмаган эдим,— деди у.— Бир буюртмани тамомлашим билан, бошқасини қўлга оламан. Ҳозир ўзим мустақил ишлайдиган бўлиб қолганман, худога шукур, ишлар яхши, етиб турибди. Машиначиларнинг иши бошидан ошиб ётибди. Бу йил бизда шундай ажойиб ёз бўлдики, тўй устига тўй. Берл Фонфач қизини чиқаряпти. Иосл Шейгец тўйга тайёргарлик кўряпти, Мендл Заикада тўй, Янкл Пискачда тўй, Хаим Лошак ҳам Мойша Горгл ҳам, Меер Крапива ҳам, ҳатто Трегубнинг бева хотининикида ҳам тўй бўладиган.

— Бутун дунё тўй ўтказадия,— дедим мен,— меним омадим юрмайди, холос. Худонинг марҳаматига муясар бўлолмадим, ёқмадим шекилли...

— Йўқ,— деди Мотл қизларим турган томонга кўз ташлаб,— сиз хато қияпсиз, жаноб Тевье. Агар хоҳласангиз, сиз ҳам тўйга тайёргарлик кўришингиз мумкин... Бу нарса сизга боғлиқ.

— Нечук менга боғлиқ?— деб сўрадим мен.— Қандай қилиб менга боғлиқ бўлар экан? Ёки менинг Цейтлимга куёв бўладиган бирон йигит борми мўлжалингда?

— Бор, жуда қизилгизбоп!— деб жавоб берди у.

— Арзийдиган одамми ўзи?— деб сўрадим ва: «Агар у қассоб Лейзер-Волфни назарда тутаятган бўлса, ғалати бўлади-да»,— деб ўйладим.

— Бичимиям жойида, тикилишиям!— деб жавоб берди у машиначилар тилида ва ҳамон қизларим ишлаётган томондан кўзини олмай.

— Бўлажак куёв ўзи қаерлик!— деб сўрадим мен.— Қайси ўлкадан? Агар ундан қассобчилик дўконининг ҳиди келадиган бўлса, гапирмай қўя қол, кўргани кўзим йўқ унақасии!

— Худо сақласин!— деб жавоб берди у.— Ундан ҳеч қанақа гўшт дўконининг ҳиди келмайди. Ахир, сиз, жаноб Тевье, уни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

— Ҳар ҳолда, у маъқул бўладиган одамми?

— Маъқул бўлганда қандоқ!— деб жавоб берди у менинг саволимга.— Маъқул билан маъқулнинг фарқи бор-да! Бунинг айтганларидай, ҳеч нари-бериси йўқ!

— Ким экан ўзи? Билайлик, ахир!

— Ким дейсизми?— деб сўради у кўзини қизларимдан олмай.— Куёв, жаноб Тевье, худди мана мен ўзим бўлман.

Шу сўзни айтиши билан, мен устимдан қайноқ сув қуйгандай, ўрнимдан сапчиб туриб кетдим, менинг кетимдан у ҳам ирғиб турди. Шу билан хўрозларга ўхшаб ҳурпайишиб бир-биримизга тикилишиб, қотиб қолдик денг.

— Жинни бўлдингми ёки миянгги еб қўйдингми?— дедим мен.— Сен ўзинг ҳам совчи, ҳам куёвмисан? Тўй ўз сурнайинг билан экан-да? Йигитнинг ўзи учун ўзи совчилик қилишини сира эшитган эмасман.

— Жинни бўлишга келганда, жаноб Тевье,— деди у.— душманларимиз жинни бўлсин. Бемалол ишонишингиз мумкинки, миям, ақл-ҳушим жойида. Сизнинг Цейтлингизга уйланиш учун жинни бўлиш мутлақо шарт эмас. Қишлоғимизнинг энг бадавлат одами Лейзер Волф ҳам Цейтлга уйланмоқчи бўлганлиги бежиз эмас,

албатта... Сиз буни ҳеч ким билмайди деб ўйлайсизми? Бунни бутун қишлоқ билади. Энди сизнинг «совчисиз, ўзинг» деган гапингизга келсак, мен тўғриси айтсам, жаноб Тевье, сизга ҳайронман: сиз ҳар ҳолда кўпни кўрган, пихини ёрган одамсиз... Гапни чўзиб ўтиришнинг нима зарурияти бор, ахир? Гапнинг пўсткалласини айтсам, биз, яъни қизингиз Цейтл ва мен кўпдан, бундан бир йил буруноқ бир-биримизга бир ёстиққа бош қўйишга сўз берганмиз.

Бу гапларни эшитгандан кўра кўксимга пичоқ урилса яхшироқ бўларди. Биринчидан, машиначи Мотл қандай қилиб Тевьега куёв бўла олади? Иккинчидан, бу қандай гап, ахир: «Улар бир ёстиққа бош қўйишга сўз беришган» эмиш!

— Хўш, мен-чи? Мен қаерда қолдим?— деб сўрадим мен.— Менинг ҳам ўз қизимга бирон сўз айтишга ҳаққим бўлса керак деб ўйлайман! Ёки мен билан ҳисоблашмасаям бўлаверадими?

— Нега ундай бўлсин, кечиринг!— деб жавоб берди у.— Ахир мен ҳузурингизга сиз билан гапиришгани келганман-да. Бир йилдан бери мен яхши кўрадиган қизингизга Лейзер-Волф совчилик қилганини эшитишим билан...

— Уни қара-я!— дедим мен.— Тевьенинг Цейтл деган қизи бор, сени Мотл Камзил деб атайдилар, сен бир машиначисан холос, хўш, шундай бўлгач, уни яхши кўрмай нима қилардинг?

— Йўқ,— дея жавоб берди у,— гап унда эмас, сиз менинг гапимни бошқача тушундингиз, мен ундай демоқчи эмасдим. Мен бир йилдан ортиқроқ вақтдан бери қизингизни яхши кўраман, қизингиз мени яхши кўради, биз уйланиш тўғрисида бир-биримизга сўз берганмиз демоқчи эдим. Мен бир неча марта сиз билан гапиришмоқчи бўлувдим, лекин галга солиб келувдим, нега де-

сангиз, аввало, тикув машинасини олиб, озроқ пул жам-фармоқчи ва ўзимга кийим-кечак тайёрламоқчи эдим. Чунки ҳозирги замонда қанақа йигит бўлмасин, кам деганда унинг иккита костюми ва бир неча жилеткаси бўлиши керак...

— Ҳе, каллаварам!— дедим мен.— Худди болаларга ўхшаб гапирасан-а. Ахир, сиз тўйдап кейин нима қилмоқчисиз? Қозонни сувга ташламоқчимисиз ёки хотинингни ўша жилеткалар билан боқмоқчимисан?

— Ҳайронман сизга, жаноб Тевье, шундай гапларни гапирасиз-а? Мен ўйлайманки, сиз ҳам уйланмоқчи бўлганингизда пишиқ гиштдан солинган уйингиз бўлмаган бўлса керак, лекин ҳар ҳолда ҳозир мана бинойи... Нима бўлса бўлар, кишилар сингари мен ҳам... Менинг-ку ҳар ҳолда қўлимда ҳунарим бор.

Хуллас, гапнинг қисқасини айтсам, у мени кўндирди. Зотан, ўз-ўзимни алдашнинг нима ҳожати бор, бошқа ҳамма йигитлар бизда қандай қилиб уйланган? Агар мен айтган нарсаларга эътибор бериладиган бўлса, давлати бизникига тенг одамлар уйланмаслиги керак-ку... Мени биргина нарса афсуслантирар, лекин бунга ҳеч тушунмасдим: улар бир-бирига сўз беришгани нимаси? Қандай одат пайдо бўлди? Йигит қизни учратади-да, унга: «Бир ёстиқча бош қўямиз деб, бир-биримизга сўз берайлик...» дейди. Шунчаки, осонгина битадиган гап экан-да? Аммо мен Мотлга назар солиб, унинг гуноҳкор одамга ўхшаб, бошини эгиб турганини, беғараз ва жиддий гапираётганини кўриб бошқача фикрга келдим. Қани, бу масалага бу томондан ҳам қараб кўрайлик-чи: нега мен тахминий гапларни гапиряпман, ишжиқлик қиляпман? Бу қилиқнинг нима зарурати бор? Мен нима, аслзодалардан эканманми? Ёки қизимга катта сеп тайёрлаб қўйибманми ё бўлмаса зеб-зийнатга кўмиб юборибманми уни? Мотл Қамзил атиги машиначи, албатта,

аммо у жуда яхши, мулоим йигит, ишчан, хотинини боқишга қурби етади, шу билан бирга софдил. Шундан ортиқ яна нима талаб қилишим керак ундан?—Тевье,—дедим мен ўзимга.—Ғурурланмай ўл, китоби шарифла айтилганича: «Айтган гапингга қараб кечираман демайсанми? Худо бахт берсин, демайсанми?»

Хўш, энди кампиримни қандай қилиб унатаман? Ахир, у менга шундай можаро кўтарадики, умрим бўйи унутолмасман! Уни унатиш учун қандай йўл топса бўлар экан?

—Биласанми нима, Мотл?—деб мурожаат қилдим янги куёвга.—Сен уйингга кетавер. Яна кўришгунимизча мен ҳамма нарсани жойига келтириб, тегишли кишиларим билан гапиришиб кўраман. Эсфирь тўғрисида нақлларда айтилганидек: «Ичимлик ҳам лозимича»—бунинг ҳаммасини жиддий ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўриш керак. Айниб қолмасанг худо хоҳласа эртага кўришсак керак.

—Айнимасанг деганингиз нимаси?—дея жавоб берди у.—Мен айнир эканманми? Турган жойимда тил тортмай ўлай агар! Азбаройи худо, тошга айланай!

—Қасамларингнинг менга кераги йўқ!—дедим мен.—Қасам ичмасанг ҳам сенга ишонаман. Омон бўл, хайрли кеч сенга, бор, яхши тушлар кўр...

Ўзим ҳам ухлагани ётдим, аммо ҳеч кўзимга уйқу келмади. Миям шишиб кетди: ҳали бир хил фикр бошимга келади, ҳали бошқаси. Ниҳоят, бир нарса ўйлаб топдим. Тевьенинг бошига қандай ажойиб фикр келиши мумкинлигини эшитинг:

Ярим кеча яқинлашиб қолган эди, уйдагиларнинг ҳаммаси қаттиқ уйқуда, кимдир хуррак тортади, кимдир пишиллайди, ман бўлсам бор овозим билан: «Дод! Дод! Дод!» деб бақира бошладим. Табний бутун уй ичи оёқ-

қа турди. Аввало, Голда сакраб туриб, мени турткилай бошладн:

— Тевье, худо хайр берсин! Кўзингни оч! Нима бўлди? Нега бақиряпсан?— деди у.

Мен кўзимни очиб, кимнидир қидиргандай, ён-атрофимга кўз ташладим-да, қалтироқ овоз билан:

— Қани у?— деб сўрадим.

— Ким? Кимни қидиряпсан?— деди Голда.

— Фрума-Сорани,— деб жавоб бердим мен,— Лейзер-Волфнинг хотини Фрума-Сора ҳозиргина мана шу жойда турган эди...

— Алаҳсираяпсан сен, Тевье!— деди хотиним.— Худо хайр берсин! Лейзер-Волфнинг хотини Фрума-Сора,— илойим бизнинг бошимизга тушмасин,— аллақачон нариги дунёга кетган...

— Биламан,— дея жавоб бердим мен,— аллақачон ўлиб кетган бўлса-да, у ҳозиргина мана шу ерда, худди каравот ёнида мен билан гапиришиб турган эди. Мени бўғмоқчи бўлди...

— Эсингни йиғ, Тевье!— деди хотиним.— Нима деб валдираяпсан ўзинг? Туш кўрибсан-да! Ён-атрофнингга уч марта туфлагин-да, тушингни менга гапириб бер. Мен уни яхшиликка таъбир қилиб бераман...

— Худоё, соғ-саломат бўл, Голда,— дедим мен.— Сен мени ҳушимга келтирдинг. Сен бўлмаганингда, қўрқувдан юрагим ёрилиб ўлиб қолардим... Бир қултум сув бер, ҳозир тушимни гапириб бераман. Аммо сен ҳам қўрқиб қолма, Голда, кўнглингга ёмон ўй келмасин. Бизнинг китоби шарифимизда айтилганки, баъзида тушнинг фақат уч қисмигина тўғри чиқиши мумкин, қолганлари ҳаммаси пуч, аҳмоқона нарсa, турган-битгани беҳуда гап...

— Тушимда,— деб гап бошладим мен,— уйимизда қандайдир таитана — тўйми, унашиш зёфатими бўлаёт-

ган эмиш. Кўп одам тўпланган эмиш: аёллар, эркаклар, раввин, саллоҳ... Созандалар денг!.. Бирданига эшик очилди-ю, сенинг бувинг раҳматлик Цейтл кириб келди...

Бувиси Цейтлнинг номини эшитиши билан хотинининг ранги ўчиб кетди...

— Қандай эди ўзи, ранги қандай?— деб сўради у шошилиб.— Кийими қанақа эди?

— Юзининг рангими?— деб жавоб бердим мен.— Худоё, душманларимизнинг рангиям ундай бўлмасин! худди мумнинг ўзи, сап-сарик, кийими оқ, албатта, кафанга ўралган... «Тўй қутлуг бўлсин!— деди Цейтл буви.— Сиз менинг номимни берган қизингиз Цейтлга шундай андишали куёв топганингиздан хурсандман. Унинг номи Мотл Камзил экан, Мордхе амаким хотираси учун шундай ном берилган экан, гарчи, у машиначи бўлса-да, ғоят софдил. ҳалол йигит...»

— Машиначи қаёқдан бизнинг ичимизга суқулиб қолди?— деди Голда,— бизнинг уруғимиз ичида дин дарси муаллимлари, синагог ашулачилари, синагог хизматчилари, гўрковлар, оддий гадоилар бор, аммо на машиначи бўлган ва на худо сақласин, этикдўз...

— Голда, гапимни бўлма!— дедим мен.— Бувинг Цейтл сендан кўра кўпроқ билса керак... Бундай қутловни эшитгандан кейин мен унга: «Сиз, буви, нега Цейтл қаллиғининг отини Мотл, ўзи машиначи дедингиз? Аслида унинг оти Лейзер-Волф, қассоб-ку!» дедим. «Йўқ,— деди Цейтл буви,— йўқ, Тевье, Цейтлнинг қаллиғининг оти Мотл, у машиначи, улар қўша қарийдилар, Цейтлинг у билан фароғатда яшайди, эрининг иззат-ҳурматиға сазовар бўлади». «Хўп, бувижон,— дедим мен унга,— яхши, аммо Лейзер-Волф нима бўлади? Ахир, мен кечагина унга ваъда бериб келувдим!» Мен гапимни адо қилмасданоқ қарасам, ҳеч ким йўқ. Цейтл буви ғойиб бўпти! Унинг ўрнида эса Лейзер-Волфнинг хоти-

ни Фрума-Сора пайдо бўлиб, бундай сўзлар билан менга мурожаат қилди: «Жаноб Тевье, мен сизни доим андишали, художўй киши деб билардим... Сиз қандай қилиб бунақа ишга рози бўлдингиз: қандай қилиб сиз қизингизнинг менинг ворисам бўлишини, унинг менинг ўйимда туришини, менинг калитларимга эгалик қилишини, менинг кўйлаklarимни кийишини, менинг зеб-зийнатларимни, марваридларимни тақишини хоҳладингиз?»— «Ахир меним айбим нима?— деб жавоб бердим унга.— Ёуни сизнинг Лейзер-Волфингиз хоҳлади-ку!»

— Лейзер-Волф дейсизми?— деди у.— Ахирни бориб Лейзер-Волф балoга учрайди,— сизнинг Цейтлингиз бўлса... афсус! У билан кўпи уч ҳафта умр кўради! Уч ҳафта ўтгандан кейин кечаси мен унинг олдига келаман-да, мана шундай қилиб бўғзидан оламан!..» Ана шунда,— дедим мен,— Фрума-Сора бўғзимдан ушлаб, бор кучи билан бўға бошлади... Сен мени уйғотмаганингда мен аллақачон жойимни топган бўлардим...

— Тфу, тфу, тфу!— деб уч марта туфлади хотиним.— Илоҳима буларнинг ҳаммаси сувга чўкиб ер остига кириб кетсин, чордоқларда сарсон бўлиб юрсин, ўрмонда яшасин, аммо бизга ва болаларимизга зиён етказмасин! Барча бало ва офатлар қассоб бошига, қўл ва оёқларига тушсин! Гарчи, Мотл Қамзил машиначи бўлса-да, унинг бир тола сочидан айланиб кетсин! Чунки, менинг Мордхе амакимнинг номини олган экан, у туғма машиначи бўлмаса керак. Бас, бувимиз жойи жаннатда бўлсин, нариги дунёдан овора бўлиб табриклагани келган экан, демак, биз: оқ фотиҳа бериб, бахт-саодат тилаб қўша қарисинлар дейишимиз керак!

Хуллас, гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уша кечаси кўрпа ичида кулавериб ёрилиб кетмаган экан.

ман, демак мен темирдан маҳкамман... Дуода айтилганича: «Хотин қилиб яратмаганингга шукур» — аёл аёллигинча қолаверади. Маълумки, эртаси кун унашилди. Тезда шариллатиб тўй ҳам ўтказилди! Икки ёш жуфт бўлиб, худога шукур, фароғатда умр кечирмоқдалар. Қуёв машиначилигини қилади, Бойберикка бориб чорбоғма-чорбоғ иш йиғади, қизимиз бўлса кечаю купдўз меҳнат қилади, рўзғорга қарайди: пиширади-куйдирди, ювади, тозалайди, сув ташиydi. Топган-тутганлари аранг бир бурда нонга етади. Баъзида мен сут, сариёз, пишлоқ оборама, баъзида оз-моз пул ташлаб кетаман, шундай қилмасам, аҳволлари мушкулроқ бўлади, албатта. Лекин қизим нима дейди-я: «Худога шукур, бундан яхши бўлиши мумкин эмас, Мотлим омон бўлса бас...» Нима дейсиз энди, ҳозирги болалар шу-да!

Бошда мен сизга нима деган бўлсам, ана шундай бўлиб чиқади: «Болаларимни тарбиялаб катта қилдим, болаларни деб ҳўкиздай ишладим, талашиб-тортишдим, бироқ, улар мени писанд ҳам қилишмади, қаранг-а, биздан кўра яхшироқ тушунар эмишлар. Йўқ, нима десангиз деяверинг, бизнинг болаларимиз ҳаддан ортиқ ақлли бўлиб қолганлар.

Бу сафар миянгизни ҳар вақтдагидан кўра кўпроқ ачитдим шекилли, айбга буюрмайсиз, омон бўлинг сизга энг яхши тилаклар тилайман.

ГОДЛ

Сиз жаноб, Шолом-Алейхем, Тевье анчадан буён кўринмайди, деб ҳайрон бўлсангиз керак. Озиб кетипти, сочлари бирданига оқариб қолипти дерсиз, балки? Э, йўқ! Сиз, Тевьенинг қандай ғам-ғусса ва дард чекиб юрганини билсангиз эди! Бизнинг китоби шарифда айтилган-ку: «Тупроқдан яратилгансан, яна тупроққа айланасан»,— киши чивиндан ҳам заиф, темирдан маҳкам. Меним тўғримда китоб ёзса бўлади, тўппа-тўғри гап! Нимаики бало, нимаики бахтсизлик, нимаики кўргулик бўлса, ҳеч қайсиси менга тегмай ўтмайди! Нега шундай экан? Сиз биласизми? Балки мен кишига ҳаддан ташқари ишонувчан, лақма бўлганлигим учундир: мен ҳар кимнинг виждонига ишонаман. Тевье донишмандларимизнинг: «Уни иззат қил, яна гумонсира ундан деганларини унутиб қўяди, ҳолбуки, яҳудийчасига бу: «Итга ишонма!» дегани бўлади. Лутфан айтинг-чи, нима қилай феълим шундай бўлса? Сизга маълумки, мен умид билан яшайман ва тангридан нолимайман,— у нима қилсаям ҳаммаси тўғри дейман! Чунки бошқа томондан қараб ҳукум қилганда, нолиб кўринг-чи, фойдаси бўлармикин? Бас, биз ибодатимизда доим: «Жонимиз ҳам сеники, танимиз ҳам сеники» деярдик эканмиз, киши нимани билиши мумкин унинг қандай аҳамияти бўлиши мумкин? Мен

лонм бу хусусда кампирим билан гаплашиб тураман:

— Голда, сен гуноҳ иш қиласанми? Бизнинг китоби шарифимизда ёзилганки...

— Китоби шарифингни бошимга урайми?— дея жавоб беради у.— Қизимиз бўйга етиб қолди. Унинг кетидан, худо ёмон кўздан сақласин, яна иккитаси тайёр, улар кетидан тагин учтаси!

— Э-е!— дейман мен.— Буларнинг ҳеч аҳамияти йўқ, Голда! Бизнинг донишмандларимиз бу хусусдаям ўзларининг фикрларини айтганлар. Ибратлар китобида айтилганки...

Аммо у гапимни тугатишга қўймайди.

— Катта бўлиб қолган қизларнинг ўзлари ибрат...— дейди у сўзимни бўлиб.

Ана, гап уқтириб кўр-чи хотин кишига!

Хуллас, сизга равшан бўлса керак, кўз тегмасин, молнинг ўзи яхши, нолиш албатта гуноҳ бўлади! Бири биридан гўзал! Ўз болаларингни ўзинг мақташинг ярамайди, албатта. Аммо кишиларнинг улар ҳақида «Паризодлар!» деганларини эшитаман. Эсингизда бўлса керак, машиначини яхши кўриб қолган Цейтлдан кейингилари ичида энг дилбари иккинчи қизим, Годл, зап чиройли-да. Сизга нима десам экан? Худди Эсфирь тўғрисидаги ривоятда айтилганидек: «Чеҳраси бениҳоя сулув»,— олтиндай ялтиллайди. Бунинг устига қиз яна ақллиям: яҳудийча дейсизми, русча дейсизми ҳам ўқийди, ҳам ёзади, китобларни десангиз чучварадай ютгани ютган. Сиз савол беришингиз мумкин: отаси Тевье бор-йўғи пишлоқ ва сариеғ сотадиган одаму қизи китоб ўқийдиган бўптимиз? Мен улардан, яъни гапим кўпол бўлса кечирасиз, кийгани иштони бўлмаса-да, ўқишни ҳавас қилган ёшлардан худди шуни сўрайман. Пасха тўғрисидаги ривоятда айтилганидек: «Бизлар

ҳаммамиз донишмандлармиз», — ҳамма ўқишни истайди, «бизлар ҳаммамиз билимдонлармиз», ҳамма билимдон, илмли бўлишни истайди... Улардан сўранг-чи: нима-ни ўқиш керак? Нима кераги бор буни? Эчкилар ундан бошқаям бировларнинг полизларига кириб кетишни биллади! Ахир, уларни ҳеч қаерга қўймайдилар-ку! Ахир ривоятда айтилганидек: «Қўлингни чўзма!» — ёғга яқин келма! Лекин ҳар ҳолда сиз уларнинг ўқишини томоша қилсангиз! Яна кимлар ўқийди денг? Ҳунармандлар, машиначилар, этикдўзларнинг болалари, худо ҳаққи! Егупецга ёки Одессага бориб, уйларнинг чордоқларида ётадилар, қоринлари қора нонга тўймайди, ойлаб гўшг кўрмайдилар. Олти киши пул йиғиб битта булка билан битта селёдка оладилар-да, — «Байрам кунингда хурсанд бўласан» қабилида қувонишиб ейдилар, мазза!

Қисқаси, шундай йигитлардан бири бизнинг жойимизга келиб қолибди. Кўримсизгина бола экан, турадиган жойи биздан узоқ эмас. Мен унинг дадасини танирдим, қути кўтариб папирос сотарди, шундай қашшоқ эдики, жойи жаннатда бўлсин, бунақаси дунёда кам топилади! Аммо гап унда эмас. Ҳечқиси йўқ! Бизнинг улуғ олимимиз раби Иоханав-Гасандлер¹ этигини ўзи ямашга уялмаган экан, у ҳам дадаси папирос сотганидан номус қилмаса бўлади деб ўйлайман. Биргина нарсани яхши тушуниб етолмайман: қашшоқлар нима учун ўқишни хоҳлар экан, у илмли бўлиб нима қилади. Тўғри, омон бўлгур ҳалиги бола эсли-хушли ўзи, мияси жойида. У шўрликнинг оти Перчик қалампир эди, биз унга яҳудийчасига «феферл»² деб бошқа ном қўйдик. Ўзиям қалампирга ўхшайди: кўрки йўқ, нимжон, қора-

¹ Раби (олимлик унвони, Иоханав-Гасандлер *этикдўз*) эрамининг II асрида яшаган, талмуднинг ижодкорларидан бири.

² «Феферл» — «Қалампир» сўзининг таржимаси.

чадан келган, худди ажинанинг ўзи, аммо ақл десанг — зўр, тили ўткир!

Шундай қилиб, кунлардан бир кун мана бундай воқеа рўй берди. Арава тўла пишлоқ, сариёғ, қаймоқ ва бошқа ҳар хил сут маҳсулотларини пуллаб Бойберикдан уйга қайтиб келаётган эдим. Аравада қийшайиб, одатдагича ҳар хил ширин хаёллар билан банд бўлиб, уни-буни, яъни Егупец бойларининг, илоҳим кўз тегмасин, доимо омади юргани, мазза қилиб яшаётганлари ҳақида, умр бўйи ташвиш ва азобдан бошлари чиқмаган, толен паст Тевье, унинг оти ва бошқа ҳар хил нарсалар тўғрисида ўйлаб келаётган эдим.

Ёз вақти. Кун иссиқ. Чивинлар чақади. Аммо атрофга қарасангиз ҳузур қиласиз! Дунё бепоён, хоҳласанг қўлларингни ёйиб осмонга қараб уч, хоҳласанг ерга ётиб яйра!..

Қарасам, бир йигитча қум кечиб кетяпти, қўлтиғида тугуни бор, қаро терга ботган, ўлгудай чарчаган, нафасини зўрға оляпти.

— Тўхта, йигитча!— дедим мен унга.— Чиқ аравага, бир оз дамнингни ростлаб ол, барибир арава бўш. Ҳали бизда бир гап бор-ку: «Дўстингнинг эшагини учратсанг ҳам унга ёрдам қил» дейдилар, одамга келганда хусусан...

Жилмайди-ю баччағар, аммо ялинтириб ўтирмади, аравага чиқиб олди.

— Йигитча, масалан, қаердан келяптилар?— деб сўрадим ундан.

— Егупецдан,— деб жавоб берди у.

— Сендай йигитча Егупецда нима иш қилар экан?

— Мендай йигитча, у ерда имтиҳонлар топширяпти.

— Бундай йигитча ўқиб ким бўлмоқчи?

— Бундай йигитча ўқиб ким бўлишини ҳозирча ўзи ҳам билмайди.

— Ундай бўлса йигитча нимага миясини ачитиб юрипти?

— Сиз, жаноб Тевье, хотиржам бўлинг!— деб жавоб берди у.— Мендай йигитча қиляятган ишини билиб қилади.

— Бас, сен мени танир экансан, марҳамат қилиб айтгинчи, сен ўзинг, масалан, кимсан?

— Менми?— деди у.— Мен одамман.

— Кўриб турибман,— дедим мен,— от эмассан. Кимнинг фарзандисан?

— Кимнинг фарзанди дейсизми?— деб жавоб берди у.— Худонинг фарзандиман!

— Худонинг фарзанди эканингни ҳам биламан!— дедим мен.— Бизнинг табаррук китобда ҳам худди шундай: «Ҳар қандай йиртқиш, ҳар қандай ҳайвон худонинг...» деб айтилган. Мен сендан қайси авлоддан ва қайси ерда туғилгансан? Қайси ўлкадансан? Бизнинг жойимизданми? деб сўраяпман. Балки Литвадан келгандирсан?

— Одам алайҳиссалом авлодиданман,— деди у.— Умуман, мен шу ерликман. Сиз мени билсангиз керак.

— Отанг ким? Қани эшитайлик!— дедим мен унга.

— Отам Перчик,— деди у.

— Тфу, шўринг қурсин сенинг! Нега шунчадан буён бошини қотиряпсан? Айта қолсанг бўлмасмиди? Демак, сен папирос сотувчи Перчикнинг ўғли экансан-да!

— Худди шундай, папирос сотувчи Перчикнинг ўғлиман.

— «Синфларда» ҳам ўқийсанми?— деб савол бердим.

— «Синфлар»да ҳам ўқийман,— деб жавоб берди у.

— Дуруст, ундай бўлса! «Гапка ҳам инсон, Юхим ҳам одам!» Қани айт-чи, жигарим, сен, масалан, қандай яшаяпсан?

— Овқат еб яшайман.

— Шундайми? Жуда соз! Нима овқат ейсан?

— Нимаки беришса, шуни ейман.

— Сен овқат танлайдиган ишжиқлардан эмаслигингни тушунаман,— дедим мен.— Нима бўлсаям бори яхши. Ҳеч нарса бўлмаса лабингни тишлаб, оч наҳор ухлайверасан. Бунин сен ўша синфларда ўқиш учун қиласан-а? Егупец бойларига тенглашасан-да, а? Китоби шарифда айтилганидек: «Ҳамма суюкли, ҳамма сара...»

Мен у билан шу тахлитда баҳоли қудрат нақллар, мисоллар, зарбулмасаллар келтириб гапиришдим. У киши, яъни Перчик бўш келди деб ўйлайсизми?

— Бойларга тенглашиб бўлибман!— деди у.— Уларнинг бир пулга ҳам олмайман. Уларга тупураман!

— Сен негадир бойларга тиргилиб қолдинг,— дедим мен.— Отангдан қолган меросни улар билан бўлиша олмаганга ўхшайсан...

— Шуни билиб қўйингки,— деди у,— уларнинг давлатида сизнинг ҳам, менинг ҳам, ҳаммамизнинг ҳам катта улушимиз бор.

— Биласанми нима?— дедим мен.— Яхшиси сен гапини бас қил!.. Бироқ кўриб турибманки, бўш келмайдиган йигитсан, сени гапга солиш учун ялиниб ўтиришнинг ҳожати йўқ... Агар вақт топсанг бугун кечқурун бизни-кига кел, икковимиз ҳангамалашиб ўтирамыз, кечки овқатни бирга еймиз...

Маълумки, йигитчамиз ноз қилмай меҳмон бўлиб келди, тагин боршч энди стол устига қўйилиб, товада пирожки пиширилаётган вақтда эшикдан кирди.

— Қайнананг суйган экан,— дедим мен.— Бор, қўлингни ювиб кел. Хоҳламасанг шундоқ ҳам ўтиравер. Мен худонинг вакили бўлиб хизмат қилаётганим йўқ, сенинг учун мени нарити дунёда дўппосламайдилар.

Биз у билан гаплашиб ўтирибмизу, йигит кўнглимга ҳуш келиб қолганлигини ҳис қиляпман. Нега шунақа —

Ўзим ҳам билмайман, лекин мени ўзига жазб қияпти. Мен чақчақлашиб ўтиришни, баъзан ҳикматли сўзлар, баъзан рамзли гаплар айтишни, ҳар хил муҳим масалалар ҳақида суҳбат очишни, мунозара қилишни яхши кўраман. Тевье шунақа ўзи.

Шу кундан бошлаб йигитчам деярли ҳар куни келадиган бўлиб қолди. Дарслардан бўшагач, дам олгани, мен билан суҳбатлашгани келади. Биласизми, у қандай дарслару, ундан йигитча нима наф кўради? Худо гуноҳимни кечирсин, бизда энг катта бой ойига, айтайлик, кўпи билан уч сўм тўлайди-да, бунинг эвазига ўқитишигина эмас, устига ўзига келган телеграммаларни ўқиб беришни, адреслар ёзишни талаб қилади ёки баъзан бошқа ҳар қандай юмушлар билан югуртиради... Ахир, нега шундай қилмасин? Табаррук китобда аниқ қилиб: «Бутуи жон-дил билан» дейилган-ку, нон еяр экансан. нега еганингни билишинг керак...

Яхшики, унинг овқати меникида ўтарди. Бунинг эвазига у қизларимни оз-моз ўқитарди. Юзма-юз ўтиришиб...» деган гап бор-ку. Шу тариқа у бизнинг яқин одамимиз бўлиб қолди. Болалар унга бир пиёла сут олиб келиб берар, кампир бўлса унинг эгнидаги кўйлаги, оёғидаги пайпоқларини юиб-чатиб турарди. Ана шунда биз уни «Феферл» деб атадик, яъни унга яҳудийча ном бердик. Биз уни ҳаммамиз ўз қариндошимиздек яхши кўриб қолдик. Чунки у, агар билсангиз, феъл-атвори билан ҳақиқатан яхши йигит, айёрлиги, шайтонлиги йўқ: кўнгли очиқ, ҳалол...

Фақат бир феъли менга ёқмас эди: тўсатдан зим-зиё бўлиб кетарди. Қўққисдан жойидан турарди-да, чиқиб кетарди, шу билан унинг изиниям топиб бўлмасди — гум бўларди Перчик! «Қаерда эдинг азизим?» — жим, чурқ этмайди... Сиз қанақасиз, билмадим, аммо мен сир тутадиган одамни яхши кўрмайман! Мен китоби шарифга

амал қиладиган кишини яхши кўраман: «Нимаки бўлса очиқ-очиқ айтавер!» Аммо бошқа томондан унинг жуда катта фазилати ҳам бор эди: бир гапга тушиб кетса,— «Қим сувда уста, қим ўтда»,— алангадай ёниб кетарди, гаплари билан ўйиб оларди. Тили ниҳоятда ўткир эди! Худога қаршиям, подшога қаршиям гапирарди, кўпроқ подшога қарши гапирарди... Режалари десангиз, қандайдир ақлга сиғмайдиган бемаъни, даҳшатли режалар, ҳаммаси пойинтар-сойинтар. Масалан, бой унинг аҳмоқона фикрича, умуман, бир пулга арзимаиди, камбағал бўлса, аксинча, улуг одам, ишчилар десангиз, одамзоднинг гули, чунки меҳнат,— дейди у — энг асосий нарса, ҳамма нарсанинг негизи.

— Ҳар ҳолда,— дедим мен,— уни пул билан тенглаштиролмайсан!

Бу гапимдан у қизишиб кетиб, пул, бутун дунё учун азоб, кулфат деб мени ишонтиришга киришди. Ер юзидаги ҳар қандай аблаҳлик ўша пулдан чиқади,— деди у.— Умуман, шу ёруғ дунёда бўлаётган ҳаққониятсизликларнинг ҳаммаси пул дастидандир. У менга ўз фикрини исбот қилиш учун минг-минг далиллар, мисоллар келтирди, менга бўлса унинг айтганлари деворга гапиргандай.

— Сеннинг ғалати фикрингча, сигирни соғиш ёки аравани тортишга отни мажбур этиш ҳаққониятсизлик бўлиб чиқар экан-да?

Кўпгина ана шундай чалкаш саволлар берардим унга, ҳар қадамда чурқ этмайдиган қилиб қўярдим, Тевьенинг устихони йўқ бунга! Аммо лекин менинг Фёферлим ҳам бўш келмасди, гап билан мот қилишга жуда уста эдики, нарёғи йўқ! Нўноқроқ бўлса қайтага дуруст бўларди. Лекин кўнглидаги гапни яшириб туролмасди, дарров айтаверарди, дилидаги тилида эди.

Бир кунн кечкурун уйимизнинг деразаси оллидаги супачада мана шундай ҳангамалашиб, фалсафа сотиб ўтирган эдик. У, яъни Феферл қўққисидан менга:

— Биласизми, жаноб Тевье? Зап ақлли қизларингиз бор-да!— деди.

— Ростдан-а?— дедим мен унга жавобан.— Хушхабарингиз учун қуллуқ! Кимга ўхшаб туғилишни билганлар, албатта.

— Биттаси,— деди у сўзида давом этиб,— каттаси жуда ҳам оқила! Чин маъноси билан инсон!

— Сен айтмасанг ҳам мен унинг шундай эканлигини биламан!— дедим мен.— Олма меваси тагига тушади.

Мен шундай деяпману, аммо хурсандлигимдан кўнглим эриб кетяпти. Қайси ота болалари мақталса хурсанд бўлмайди?.. Бу мақтовнинг бежиз эмаслигини, ундан, худо сақласин, қизгин муҳаббат қайнаб чиқишини, олдиндан пайқаб бўлармиди? Мана, эшитинг:

Қисқаси, «кеч ҳам бўлади, эрта ҳам»,— бу воқеа Бойберикда кечкурун ғира-ширада бўлган эди. Мен ўз аравамда чорбоғма-чорбағ кезиб юрган эдим, бирданига биров мени чақириб тўхтатди. Қарасам Эфраим совчи экан. Сизга маълум бўлсинки, Эфраим ҳамма совчиларга ўхшаган совчи, яъни касби-кори шу. Демак, у мени Бойберикда кўриб тўхтатди:

— Кечирасиз, жаноб Тевье, сизга бир-икки оғиз гапим бор.

— Маъқул! Лекин фақат кўнглимга ёқадиган гап бўлсин,— деб жавоб бердим ва отнинг жиловини тортдим.

— Сизнинг, жаноб Тевье, қизингиз бор-а?!— деди у.

— Еттита қизим бор,— деб жавоб бердим унга.— Илоҳим соғ бўлсинлар!

— Қизларингиз еттита эканини биламан!— деди у.— Меннинг ҳам етти қизим бор.

— Демак иккимизнинг қизларимизни қўшиб ҳисобласак, роппа-роса ўн тўртта бўлар экан,— дедим мен.

— Хуллас,— дея жавоб берди у,— ҳазилингизни қўйиб турунг. Гап бундай, жаноб Тевье; сизга маълумки, мен совчиман. Сизга куёв топдим. Куёв бўлгандаям жаҳонда битта. Куёвларнинг гули! Унақаси топилмайдилар!

— Масалан! Сизлар «Куёвларнинг гули» деб нимани айтасизлар? Агар,— дедим мен,— айтганинг машиначи, этикдўз ёки дин муаллими бўлса биздан нари юрсин, ўз жойида ўтираверсин. Менга бўлса, Мидрашда¹ айтилганидек: «Шодлик ва нажот бошқа томондан келадилар». Ўзимга тенгини бошқа жойдан топиб оламан.

— Сиз доим ўзингизнинг зарбулмасалларингизни пеш қиласиз!— деди у.— Сиз билан гаплашишдан олдин белни маҳкам боғлаб олиш керак! Ҳар қандай мисол ва ҳикматларни топиб ёғдираверасиз. Ундан кўра сиз Эфраим совчи қандай куёв тавсия қилмоқчи эканлигига қулоқ солинг. Жимгина эшитинг.

У яъни Эфраим, менга шунақа деди-да, гап бошлади:— Хўш, биласизми мен сизга нимани айтмоқчиман? Дарҳақиқат, фавқулодда бир нарсани ҳикоя қилиб бермоқчиман. Биринчидан, йигит ғоят яхши оиладан, ҳурматли ота-онанинг фарзанди, қандайдир насл-насабсиз йигит эмас, бу ҳол менинг учун ҳаммасидан муҳим, нега десангиз, менинг ўзим ҳам жўн одамлардан эмасман. Меним оиламда, «чипориям, ола-буласиям, қашқасиям бор», яъни оддий кишилар ҳам, ишчилар ва хўжайинлар ҳам бор. Сўнгра у, куёв бўладиган йигит, жуда билимдон бола, майда ҳарфларниям шариллатиб

¹ *Мидраш* — муқаддас китобнинг талқинлари, ундан олинган зарбулмасалар, насихатномалар тўплами. Аммо бу гапларнинг Мидрашга алоқаси йўқ, улар тавротга доир «Эсфирь» достонидан олинган. (Ред.)

Ўқиб кетавсеради, унинг бу томони десагиз, мен учун айниқса жуда катта гап — нодонларни кўргани кўзим йўқ. Менинг назаримда нодон киши саёқдан минг марта ёмон. Сиз, майли бош яланг бўлинг, оёқларни осмонга қилиб бошингиз билан юринг. агар Рашини¹ ўқиб олган экансиз, демак, сиз менга яқин кишисиз Тевье ана шундай. «Сўнгра,— деди Эфраим, у бой, пули ачиб ётибди. бир жуфт учқур от қўшилган каретада юради, босган изида чанг бурқирайди...» Бой бўлса нима, деб ўйладим мен, буям унчали катта камчилик эмас. Майли, камбагалдан кўра бой бўлгани тузук. Қитоби шарифда айтилган-ку: «Камбағаллик Исроилга ярашади»,— худонинг ўзи камбағални ёмон кўради. Худо камбағални яхши кўрганида камбағал камбағал бўлмас эди.

— Хўш, эшитайлик, яна нима дейсан?

— Яна дейманки,— деди Эфраим,— у сизга қариндош бўлмоқчи, у киши озинб-қуриб бормоқда, яъни сизни деб эмас, қизингизнинг дардида куйиб кул бўляпти. У чиройли қизга уйланмоқчи.

— Шундай денг!— деб жавоб бердим мен.— Қуйиб кул бўлса менга нима! Ўша сиз топган куёв бола ким ўзи? Бўйдоқми? Тулми? Хотинини қўйиб юборганми? Иблисми, шайтонми?

— Бўйдоқ!— деди Эфраим.— Бўйдоқ. Дуруст, ёши хийла ўтиб қолгану, аммо бўйдоқ.

— Исми шарифлари нима?

Айтмади, без бўлиб тураверди.

— Сиз қизингизни Бойберикка олиб боринг, шундан кейин айтаман!— деди у.

— Олиб боринг деганингиз, нимаси?— дедим мен.— Отни ёки сигирни сотгани бозорга олиб борадилар...

¹ Раши — Таврот ва талмуднинг талқини. (Ред.)

Хуллас, биласизки, совчи йўқни йўндиради. Биз худо хоҳласа келгуси ҳафта қизни Бойберикка олиб борадиган бўлдик. Ширин хаёллар бошимга келди: менинг Годлимнинг учқур отлар қўшилган каретада келаётганини кўз олдимга келтирдим. Унга ҳамманинг ҳасади келади. Мен қизимнинг ҳашаматли каретаси бўлгани учун эмас, унинг бойлиги туфайли эзгу ишлар қиламан, муҳтожларга ёрдам кўрсатаман, кимга йигирма беш сўм, кимга эллик сўм, кимга юз сўм қарз бераман. Сиз айтганингиздай, бошқаларнинг ҳам кўнгли тош эмас-ку...

Кечга яқин уйга қайтиб келар эканман миямга ана шундай фикрлар келди. Мен отимга ора-сира қамчи уриб, у билан ўз тилида гапиришиб кетяпман дегн: «Чул— дейман.— Қани, чаққонроқ юрсанг-чи, жонивор! Жадалроқ юрсанг сули бераман... Ахир, бизда: «Нон-сиз илм ҳам бўлмайди»,— мойламаса юрмайди...» дейдилар.

Шу тариқа отим билан гаплашиб келаётсам, узоқда ўрмон ичида икки соя кўринди: бири эркак, бири аёлга ўхшайди. Улар бир-бирига яқин жипслашиб нима тўғрисидадир қизгин гапиришиб келишяпти. «Шунчалик узоқ жойга, ўрмон ичига адашиб кириб қолган ким экан?» деб ўйлаб, дарахтлар орасидан сочилиб турган қуёш нурлари орқали тикилиб қарасам, эркаги, ўлай агар, Феферл! Шунча кеч ким билан сайр қилиб юрган экан? Кафтимни соябон қилиб диққат билан қарадим: аёли ким бўлса экан? Вой, Годлга ўхшайдими? Ҳа. ўша, худди ўзи... Ана холос! Зўр бериб грамматика билан машғул бўлганликлари ва китоб ўқишларининг боиси шу экан-да! «Эҳ, Тевье! Қип-қизил тентаксан!» деб ўйладим. Яқинлашиб келгач, отимни тўхтатдим-да:

— Хайрли кеч!— дедим.— Уруш тўғрисида бирон янгилик борми? Бу ерга қайси шамол учиб келди сиз-

ларни? Кимни кутиб турибсизлар? Утиб кетган кун-
ними?

Мен шу тахлитда сўрашганимдан кейин улар тал-
мовсираб, орқагаям, олдингаям жилолмай қолишди,
шолғомдек қизариб кетишди... Бошларини эгиб кўзла-
рини ерга тикканларича бирпас индамай туришди.
Сўнгра улар менга қаради, мен уларга қарадим, улар
бир-бирга қарашди.

— Хўш,— дедим мен.— Нимага менга бунча тикилиб
қараяпсизлар? Кўпдан буён кўрганларинг йўқми? Мен
ўша-ўша Тевье бўлсам керак, ҳеч жойим ўзгарган
эмас.

Мен аламимданми ёки уларнинг ғашига тегиш учун-
ми, бу гапларни айтяпман. Қизим бўлса, яъни Годл
яна кўпроқ қизариб:

— Дадажон, бизни табрикланг,— деди.

— Табриклайман! Худо бахт берсин сизларга! Хўш,
нима муносабат билан сизни табриклар эканман? Ўр-
мондан хазина топиб олдиларингми? Ёки шу топда муд-
ҳиш балодан қутулиб қолдиларингми?

— Бизни табриклаш лозим,— деди Феферл,— биз,
келин-куёвмиз!

— Келин-куёв деганинг нимаси?— деб сўрадим мен.

— Сиз,— деди у,— келин билан куёвнинг нима экани-
ни билмайсизми? Келин билан куёв дегани шуки, мен
унинг куёвман, у менинг қаллиғим!

Феферл шундай деди-да, кўзимга тикилиб қолди.
Мен ҳам унга рўй-рост тикилиб савол бердим:

— Унашиш зиёфати қачон бўлган? Нега мени тан-
танага чақирмадингиз? Мен ҳар ҳолда қайлиққа қарин-
дошман-ку... Шундай эмасми?

Ҳазиллашяпману, аммо зардам қайнаб, юрагим пора-
пора бўлиб кетяпти. Майли, зарари йўқ! Тевье хотин
киши эмас. Тевье гапнинг охиригача эшитишни билади.

— Мен тушунолмаймапман,— дедим.— Совчисиз, унаш-масдан уйланиш қанақа бўлди?

— Бизга совчининг нима ҳожати бор?— деб жавоб берди Феферл.— Биз кўпдан бери куёв ва қайлиқмиз.

— Шундайми? Мўъжиза-ку бу! Бўлмаса, нима учун шу топгача индамай юрдиларинг?— дедим мен.

— Жар солишимиз керакмиди?— деди у.— Бугун ҳам буни сизга айтмасдигу, лекин биз яқинда ажрала-миз, шунинг учун ажралишдан олдин никоҳдан ўтишга қарор қилдик.

Гап шу ерга келганда мен чидаёлмадим... Айтганла-ридек, «Жон бўғизга келди»— жонимдан ўтиб кетди. Унинг «келин-куёв» дегани майлику-я!.. Оятда айтил-гандек: «ва шундай қилиб яхши кўриб қолди»,— қиз йи-гитга ёқипти, йигит қизга... Аммо никоҳдан ўтишларини айтинг! Бу нима дегани? Ҳеч ақлим бовар қилмайди... Куёв менинг бу воқеадан жиндек довдираб қолганимни сезди шекилли:

— Биласизми, жаноб Тевье, гап нимада,— деди у.— Мен бу ердан кетмоқчиман.

— Қачон кетасан?— деб сўрадим мен.

— Яқинда,— дея жавоб берди у.

— Қаерга кетасан, масалан?

— Қаерга кетишимни мен сизга айтмайман,— деб жавоб берди у,— қаерга кетишим сир.

Кўряписизми? Сир эмиш! Бу гапга нима дейсиз? Мана шундай пакана, қоп-қора, қандайдир ажинага ўхшаган қалампир келади-да, ўзини куёв деб эълон қилади, ни-коҳдан ўтмоқчи бўлади, кетишга тайёрлик кўради, аммо қаерга кетишини айтмайдиям. Аламингдан ўлиб кети-шинг мумкин.

— Начора, майли!— дедим мен.— Сир бўлса сир-да... Аммо сен, ука, менга бир нарсани тушунтириб бер: ахир сен ҳақиқат учун куршаман дейсан; айтгин-чи, бу

қандай ҳолки, одамларга меҳр-муҳаббати зўр сендек одам бирданига Тевъенинг қизиғи тортиб оласан-да, уни бева қилиб ташлаб кетасан? Сенингча, ҳақиқат шунақа бўлар эканми? Кишиларга муҳаббат шуми? Хайриятки, сен уйимни уриб кетмадинг, унга ўт қўймадинг!

— Дадажон!— деди Годл.— Агар билсанг, биз, у ҳам, мен ҳам ҳамма воқеани сенга гапириб берганимиздан беҳад бахтиёрмиз. Устимиздан тоғ қулагандай бўлди! Дадажон бери кел, ўпишайлик!

Улар узоқ ўйлаб-нетиб турмасдан бири бир томондан, иккинчиси иккинчи томондан қучоқлаб олдилар-да, мени ўпа бошладилар... Улар мени ўпади, мен уларни ўпаман, кейин шошилганларидан бўлса керак, бир-бирлари билан ўпиша кетдилар! Комедия, турган-битгани томоша! Театр...

— Ҳай, ўпишишни бас қилсаларинг ҳам бўларди!— дедим мен.— Иш тўғрисида гаплашиб олайлик.

— Қандай иш тўғрисида?— деб сўради улар.

— Сеп тўғрисида, кўйлақлар тўғрисида, тўй харажатлари тўғрисида, у-бу, ҳоказо ва ҳоказо тўғрисида гаплашайлик.

— Буларингизнинг биттасиям бизга керак эмас!— дейишди улар.— Биттасиям! Унисиям, бунисиям, ҳоказосиям ва ҳоказосиям...

— Сизга, ахир, нима керак?

— Бизга никоҳдан ўтиш керак, холос!— деб жавоб берди улар.

— Эшитдингизми гапларини?

Хуллас, нимасини айтай! Ҳеч гап кор қилмади. Никоҳдан ўтказишга мажбур бўлдик. Никоҳ билан никоҳнинг фарқи бор, албатта! Тўғрисини айтсам, Тевъенинг кўнглидаги никоҳ бўлмади. Шуям никоҳ-да... агар таъбир жоиз бўлса, ими-жиммида тўй... тагин лард устига чипқон дегандек, хотиним денг, жонимга тегди, ёпишиб

олипти денг, нега шунча шошилиш зарур бўлганлигини мен унга тушунтириб беришим керак экан. Хотин кишига иш тифизлиги, тухум оғизга келиб қолганини тушунтириб кўр-чи!.. Шовқин-тўполон бўлмасин учун Егупецда куёвнинг қандайдир бой аммаси мерос қолдиргани тўғрисида эртак тўқишга, мени тинч қўйсин деб бекордан-бекорга ёлғон-яшиқ гаплар айтишга тўғри келди. Ўша куниде, мақтовли тўйдан бир неча соат ўтгандан кейин оқ отни қўшиб, мен, қизим ва куёв учовимиз аравага чиқиб, поездга Бойберик станциясига қараб жўнаб қолдик. Мен аравада ўтириб, четдан куёвим билан қизимга кўз ташлайману, ўйлайман: худо нақадар улуғ-да, унинг оламини қойил қилиб идора қилишини айтмайсизми?! Қанақа бесўнақай махлуқлари, қандай ғалати кишилари йўқ унинг. Мана сизга эндигина никоҳ қилинган эру хотин. Эри худо билсин, қаергадир кетяпти, хотини эса бу ерда қолади, қани энди, одоб юзасидан бўлса-да, кўзларидан заррача ёш чиқарсалар-чи! Лекин чурқ этмай кетяпман. Ахир, Тевье хотин киши эмас. Тевьенинг сабр-тоқати зўр. Қани, кейин нима бўлар экан, деб ўйлаб индамай кетяпман... Қарасам, станцияга куёвим билан хайрлашгани жулдур кийим, эски этик кийган икки йигит келди. Деҳқон йигитга ўхшаб кийинган, кўйлагини, кечирасиз, шими устидан тушириб қўйган биттаси куёвим билан пичирлаша бошлади. «Эҳтиёт бўл, Тевье, сен от ўғрилари, кисавурлар, қулфбузар ўғрилар ёки қалбаки пул ясовчилар ичига тушиб қолмагин яна», дейман ўзимга.

Годл билан Бойберикдан қайтиб келаётганимизда чидай олмай гумонимни очикдан-очик унга айтдим. У гапимга кулди, улар жуда инсофли, андишали, ғоят ажойиб кишилар, бошқаларни бахт-саодатли қилиш йўлида ўзларининг жонлариниям аямайдилар, ўз турмушларини ўйламайдилар, деб мени ишонтиришга тиришди...

— Ана у кўйлакли йигит,— деди у,— жуда бой оиладан! У Егупецдаги отасининг катта давлатини ташлаб чиқиб кетган, улардан бир тийин ҳам ёрдам олмади.

— Уни қара-я! Куракда турмайдиган гап-ку!— дедим мен.— Жуда яхши йигит экан, шими устидан кўйлагини тушириб олгани ва узун сочи устига яна қўлига гармон ёки бўйнидан боғланган итнинг арқонини тутқизиб қўйилса зап томоша бўларди-да!

Шу тариқа мен бутун алаимини қизимдан ва бира-тўла эридан олдим... Қизим-чи? Гапларимни эшитмагандай! «Эсфирь кўнглидагини очмаяпти»— ўзини тушунмаганга соляпти. Мен унга Феферл ҳақида гапирсам, у менга «ишчиларнинг умумий фароғати» тўғрисида йўқ ердаги гапларни гапирди.

— Ҳамма ишларнинг хуфия бўлгандан кейин,— дедим мен,— сизларнинг умумий фароғатингиздану, ишчиларингиздан менга не фойда? «Сир бўлган ерда шубҳа бор» деган масал бор. Менга очигини айтинг-чи, Феферл нега кетди, қаерга кетди?

— Ҳаммасини айтиб бераману бунисини айтмайман!— дея жавоб берди қизим.— Яхшиси, сўрамай қўя қол! Вақти билан ҳаммасини биласан, дадажон! Эҳтимолки, худо хоҳласа тез вақт ичидаёқ жуда кўп янгилик, жуда кўп хушxabарлар эшитасан.

— Омин!— дедим мен.— Шундай бўлсин! Тилингга шакар! Ишқилиб, сиз нималар бўлаётгани ва бу машмашаларнинг маъносини билгунимча ва тушунгунимча душманларимиз омон бўлсин!

— Сен бунини тушунмаяпсан, дадажон,— деди у.— Бутун бало шунда!

— Хўш, айт-чи, нимасини тушунмас эканман,— дедим.— Мен худонинг ёрдамини билан бундан чалкашроқ нарсаларниям тушунаман...

— Йўқ, дадажон,— деди у.— Буни тушунишга ақлинг етмайди, уни ҳис қилиш керак, юракдан туюш керак...

У менга шундай деди, ўзи гапиради-ю, юзлари ўтдай ёнади, кўзлари десанг чақнайди. Тевъенинг қизлари, худоё омон бўлсинлар, бирон нарсага берилсалар, та-мом, жон-жаҳдлари билан астойдил бериладилар!

Мен сизга қисқача гапириб берай: хуллас, орадан оз эмас, кўп эмас етти ҳафта ўтди, лекин на саломни, на каломни бор. «Овозиям, садосиям йўқ», на хати, на хабари.

— Гум бўлиб кетди-ку, Феферл!— дедим мен Годлга ва башарасига назар солдим. Рангида ранг йўқ. Ўзини қаёққа қўйишини билмайди, уй ичида сандироқлаб иш қидиради, шу билан дардини енгиллатмоқчи бўлади... Кошки бир марта уни эсга олиб гапирса! Жим! Гўёки, ҳеч қандай Перчик ҳеч қачон дунёда бўлган эмас!

Аммо кунлардан бир кун мана бундай воқеа рўй берди: уйга кириб, Годлим йиғлаётган кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетганини кўрдим. Суриштирсам яқиндагина узун сочи бир киши келиб, у билан пичирлашганини айтишди. «Ҳа-а! У отасининг давлатини ташлаб кетган сочи узун, деҳқонча кўйлак кийган йигит бўлса керак»,— деб ўйладим мен. Кўп ўйлаб-нетиб турмасдан Годлни чақириб сиқштириб қолдим:

— Қани, қизим, айт-чи, ундан бирон хабар олдингми?

— Ҳа!

— Куёвинг қаерда ахир?

— Олисда!

— Нима иш қиляпти?

— Қамоқда ётибди.

— Ётибди?

— Ҳа, ётибди.

— Қаерда қамоқда ётибди? Нима учун?

Ғиқ этмайди. Менга тикилиб турибди-ю, индамайди.
— Қани, айт-чи, қизгинам,— дедим мен,— назаримда, у ўғирлик қилиб қўлга тушмаган бўлса керак. Бас, шундай экан, бир нарсага ақлим етмаяпти: ўғри бўлмаса, муттаҳам бўлмаса, нима учун қамалади, гуноҳи нима?
Ердан садо чиқади, ундан йўқ. «Индамасанг,— деб ўйладим мен,— индама! Эр сеники, меники эмас! Нима бўлса бўлар!» Аммо юрагим ачишади. Ахир, мен ҳар ҳолда отаман-ку! Оятда айтилганидек: «Ота бўлган киши болаларига ачинади»,— ота оталигича қолаверади.

Гапнинг қисқаси, бу воқеа кузги байрамнинг еттинчи кун кечқурун юз берган эди. Уйнимда, байрам кунларида ўзим ҳам дам оламан, отимга ҳам дам бераман, китоби шарифда айтилганидек: «Сен ва ҳўкизинг ҳам, эшагинг ҳам ва ўзинг ҳам дам ол, хотининг ҳам, отинг ҳам...» Шунинг ҳам айтиш керакки, энди Бойберикда ҳам қиладиган иш қолмади: куз келиши билан чорбоғларда дам олувчи меҳмонлар худди очлик пайтда қочиб кетадиган каламушлар сингари тирқираб қоча бошлайдилар, бу вақтда Бойберик ҳувиллаб қолади. Ана шундай вақтда мен кўчада уйимизнинг деразалари олдидаги супада ўтиришни яхши кўраман. Бу менинг учун энг гўзал пайт. Ҳар бир қуёшли кун — худонинг раҳматидир. Қуёш қаттиқ иситмайди, у эркалайди, жонга ором беради. Ўрмон ҳам ҳали кўм-кўк, қарағайлардан аввалгидек қатрон ҳиди димоғга уриб туради, назаримда ўрмон худонинг чодиридек байрам тусини олади. Худо мана шу ерда байрам қилса керак, деб ўйлайман. Шаҳарда эмас, худди шу ерда. Нега десангиз, шаҳарда шовқин-сурон бўлади, унда одамлар оёғи куйган товукдай зир югуришади, бир бурда нон деб елиб-югуриб тинкалари қурийди, унда ҳамма ерда битта гапни эшитасан: пул! пул! пул! Кечқурун айниқса байрам кунлари,

бу ўрмон худди жаннатнинг ўзи бўлади: осмон кўм-кўк, юлдузлар чарақлайди, товланади, худди одам кўзларидай йилтирайди. Баъзан шундай бўладики, юлдуз ўқдай учиб кетида кўкимтир из қолдиради демак, кимнингдир юлдузи сўнди, кимнингдир бахти учиб кетди. Ахир ҳар кимнинг ўз юлдузи бор... «Менинг лаёқатсиз тақдирим шундай бўла кўрмасин» деб ўйлайману, Годлимни эслайман. Бир неча кундан бери унга жон кириб, руҳи кўтарилиб, тамомила бошқача бўлиб қолди. Кимдир хат олиб келибди, ундан, Перчикдан келган бўлса керак, албатта. Унинг нима ёзганини билгим келади, жудаям билгим келади-ю, сўрамайман. У жим — мен ҳам жим, оғзимда талқоним бордай. Тевье хотин киши эмас, Тевьенинг сабр-тоқати зўр. Бемалол кутаверади у. Шу орада Годлнинг ўзи келиб қолди-да, ёнимга сулпачага ўтирди ва ён-атрофига кўз ташлаб секин гап бошлади:

— Дадажон, биласанми? Сенга айтадиган гапим бор: мен бугун сен билан хайрлашаман... Умрбод...

У жуда секин, эшитилар-эшитилмас гапирди-да, менга шундай ғалати қарадики, бу қараши ўлгунимча кўз олдимдан кетмайди. «Ўзини сувга ташламоқчи» деган фикр келди хаёлимга. Қаердан келди бундай мудҳиш фикр калламга? Гап шундаки, яқинда қўшни-мизнинг уйида шундай ҳодиса юз берди: битта яҳудий қизи қишлоқ йигитини яхши кўриб қопти ва унинг юзидан ўтолмай... бу ёғини тушунсангиз керак, албатта. Онаси қайғусига чидолмай касал бўлиб вафот қилди, отаси бор бисотини исроф қилиб, гадой бўлиб қолди. Йигит аҳдидан қайтиб бошқага уйланди. Шундан кейин қиз ўзини дарёга ташлаб фарқ бўлди...

— Сен умрбод хайрлашаман деганингни қандай тушунай?— деб сўрадим ва рангим ўчганини кўрмасин деб бошимни қуйи солдим.

— Буни шундай тушуниш керакки,— деди у,— мен эртага эрталаб жўнайман... Шундан кейин ҳеч кўриш-маймиз... ҳеч.

Салгина енгил тортдим. «Шунгаям шукур!— деб ўйладим мен.— Ҳар ҳолда яхши, бундан баттар бўлишиям мумкин эди. Ахир, яхшиликнинг ниҳояси йўқ-ку...»

— Масалан, қаерга кетмоқчисан? Айтгин, агар мен уни билишга лойиқ бўлсам...— дедим.

— Мен унинг ёнига кетаман.

— Унинг ёнига-я? У қаерда ҳозир?

— У ҳали қамоқда,— дея жавоб берди у.— Аммо тез кунларда уни сургун қилар эканлар.

— Демак, сен у билан хайрлашгани кетяпсан, шундайми?— деб сўрадим гўё ҳеч нарсани тушунмагандай.

— Йўқ,— деди у,— мен ўша ёққа у билан бирга кетаман.

— Ўша ёғнинг қайда? Қаерга ахир? Ўша ёғнинг оти борми, ўзи?

— Ўша ёғнинг қаерлиги ҳозирча маълум эмас,— деди у,— аммо бу ердан узоқ, жуда олис...

Годл шу гапларни гапирар экан, назаримда ҳар бир сўзни фахр билан айтди, гўё у қандайдир қаҳрамонни иш қилгану бунинг учун бир пуд келадиган медаль билан мукофотласа арзигудай!.. Бунга нима деб жавоб бериш мумкин? Бундай гаплар учун ота аччиқланиши, тарсаки тушириши ёки яхшилаб адабини бериши керак эди! Аммо Тевье хотин киши эмас. Аччиқланишни шайтонга хизмат қилиш деб биламан. Мен одатдагича китоби шарифдан унга шеър ўқиб бердим:

— Кўриб турибсанки, қизим, сен худо буйруғини бажаряпсан: «Сабаб билан кетиб қолаверади...» дейилган унда. Перчик деб сен отанг билан онангни ташлаб, номаълум ўлкаларга, аллақандай чўл-биёбонларга, суви қўриб қолган денгизга, бир замонлар Искандар Зул-

қарнайн кәмаларда кезган ва ёввойи одамларга духоб бўлган олис бир оролга кетяпсан, бунини мен қайсидир бир китобда ўқиган эдим...

Мен бу гапларни ярим ҳазил, ярим жаҳл билан айтсам-да, юрагим эзилиб кетяпти. Аммо Тевье хотини киши эмас. Тевье тоқат қилишни билади. Уям, яъни Годл ҳам руҳини туширмайди. Менинг саволларимга шошилмасдан, ўйлаб туриб, муфассал жавоб беради. Тевьенинг қизлари гапга чечан.

Мен гарчи бошимни қуйи солиб, кўзларимни юмиб ўтирсам-да, уни, ойдек сўниқ юзини кўриб турибман, унинг овози хиралашган, қалтирайди... Бўйнига осилиб, «кетмагин!» деб ялиниб-ёлворайми? Биламанки, бундай қилган билан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Ер юткур, ҳамма қизларим шунақа! Улар бирон кишига хуштор бўлдим, тамом, жон-диллари билан, бутун вужудлари билан хуштор бўладилар!

Хуллас, биз дераза олдидаги супада узоқ, жуда узоқ, деярли бутун кечаси билан ўтириб чиқдик. Кўпроқ жим ўтирдик, кам гаплашдик. Гаплашгандаям бир оғиз гап, луқма ташлашиб ўтиравердик... У луқма ташлар, кейин мен луқма ташлардим... Мен бир нарсани муфассалроқ суриштирдим: қиз бола кейинчалик эри кетидан дунёнинг нариги бурчагига кетиш учун эрга тегиши керак эканми? У нима деди денг:

— У билан дўзахгаям боришга тайёрман!

Мен бу ишнинг оқилона эмаслигини, тентаклик эканини унга уқтиришга тиришдим. Аммо у бунини ўзича талқин қилиб: «Бунини сен тушунмаяпсан» деди. Кейин мен бундай бир мисол келтирдим: товуқ, ўрдак тухумини босиб бола очади. Ўрдак болалари юра бошлаш билан кўл бўйига бориб, сувга тушиб кетади, товуқ бўлса қирғоқда қақиллаганича қолаверади.

— Бунга нима дейсан, қизим?— дедим.

— Нима дейяй?— деди у.— Товуқнинг ҳолига ачийса бўлади, албатта. Аммо товуқ қақиллайди деб ўрдак болалари сувда сузмаслиги, яйрамаслиги керак эканми?

Гапга тушунапсизми? Тевъенинг қизи беҳуда гапни гапирмайди...

Вақт бўлса тўхтамай ўтиб кетяпти. Тонг ота бошлади. Кампирим вайсагани вайсаган. У бизни: «Уйга киришлар!» деб бир неча марта чақирди. Бу уринишлари кор қилмагандан кейин деразадан бошини чиқариб одатдагича менга танбеҳ бера бошлади:

— Тевъе, калланг борми, ўйлаясанми?

— Секин, Голда!— дедим унга.— Китоби шарифда айтилганидек: «Нега шовқин соляпсиз?» Сен бугун қандай байрам эканини эсингдан чиқарган бўлсанг керак. Бугун кечаси осмонда бизнинг тақдиримиз ҳал бўлади. Бу кеча ухлаш ярамайди. Менга қулоқ сол, Голда, самовар қўйиб юборгин, чой ичайлик. Кейин отни қўшиб, Годл билан станцияга чиқамиз.

Шундан кейин мен, одатдагича теша тегмаган янги эртақ тўқидим, Годл Егупецга боради дедим, ундан яна ўша иш билан, яъни мерос масаласида Егупецданам нари кетади, бутун қиши билан ўша ерда қолиши ҳам мумкин, яна ёзни ва ундан кейин яна бир қишни ўтказишам мумкин дедим. Шунинг учун йўлга зарур нарсаларнинг ҳаммасини: ички кўйлақлар, ёстиқ, кўрпа, ёстиқ жилдлари, кўйлақлар ва бошқа ҳар хил майда-чуйда буюмлар тайёрлаш керак, дедим.

Шундай буйруқлар беряпману, яна ҳеч қандай йиғини бўлмасин, деб тайинилайман денг. Ахир, бугун ёрур дунёда байрам бўлиб турибди! «Бугун йиғлаш ярамайди!»— дейман. Қонунда хулди шундай дейилган!» Гапимга қулоқ солишди, қонундан қўрқишди деб ўйлайсизми? Асло! Йиғлайвердилар. Хайрлашиш пайтида ҳаммаси барала ув тортиб йиғлай бошлади, онасиам, болалариям

Ув тортди, ҳатто Годлнинг ўзиям ҳўнграб юборди. Менинг катта қизим Цейтл билан хайрлашиш айниқса оғир бўлди (у ҳар бир байрамда эри Мотл Камзил билан бизникига келишади). Улар қучоқлашиб шундай йиғи кўтардиларки, аранг ажратдик. Фақат мен ўзимни тутиб олиб, маҳкам турдим. Шундай дейману, аммо ичимдан ўтганини фақат ўзим биламан. Лекин сир бой бермадим. Ахир Тевье хотин киши эмас... Бойберикка етиб боргунча бутун йўл бўйи гаплашмадик, фақат станцияга яқинлашганимизда охирги марта унинг, яъни Ферлнинг нима гуноҳ қилганлигини айтиб беришини сўрадим. «Ҳамма нарасада бирон мақсад, маъно бўлади-ку, ахир!» дедим. У қизариб кетди-ю, унинг ҳалоллиги, беғуноҳлиги тўғрисида қасам ича бошлади!

— У шундайки,— деди қизим,— ўзи тўғрисида мутлақо бош қотирмайди. Фақат бошқаларнинг бахт-саодатини, умумий фароғатни, биринчи навбатда ишчилар ва меҳнаткаш халқнинг бахт-саодатини ўйлайди, уларнинг ғамини ейди!

— Демак, у— дедим мен,— дунёдаги ҳамма кишиларнинг ғамини еяр экан-да? Бас, у шундай яхши одам экан, нега одамлар унинг ғамини емайди? Хўп, бўпти, сен ўзингнинг Искандар Зулқарнайнингга мендан салом де! Унга айтгинки, мен унинг виждонли, андишали киши эканлигига ишонаман— у ҳаққоният тарафдори, ишонаманки, менинг қизимни алдамас ва қачон бўлсаям кекса отага мактуб ёзиб юборар.

Мен шундай дегач, у бирданига бўйнимга осилиб ҳўнграб йиғлай бошлади!

— Хайрлашайлик,— деди у.— Соғ саломат бўлгин, дадажон! Худо билсин, биз яна қачон кўришамиз?..

Турган гапки мен ортиқ ўзимни тута олмадим...

Биласизми, шу топда Годлнинг кичкина, митти чоғи эсимга келди... Гўдак вақти... Мен уни қўлимда кўтариб

юрган чоғ... Қўлимда... Сиз кечиринг мени, мен шундай...
бутунлай хотинларга ўхшаб... Аммо сиз Годлнинг қан-
дай қиз эканлигини билсангиз эди! Ажойиб қиз у! У ёз-
ган хатларни ўқиб кўрсангиз! У менинг мана бу еримда...
Теран-теранда... Йўқ уларнинг ҳаммасини мен сиз-
га айтиб беролмайман, ожизман...

Биласизми нима, жаноб Шолом-Алейхем? Бундан
кўра кишини хурсанд қиладиган қувончлироқ нарсалар
тўғрисида гапиришайлик. Одессадаги вабо тўғрисида
нима янги гаплар бор?

1904

Х О В О

«Худога ҳамдулар ўқинг, негаки, у марҳаматлидир»,— худонинг ҳукмига сўзсиз итоат қилмоқ керак, яъни «хўп!» дейишдан бошқа чора йўқ, йўқса, оқил бўлиб ундан яхшироқ иш қилиб кўринг-чи! Мана мен шундай оқил бўлиб худонинг айтганларини ҳар қандай мақомга солиб кўрмоқчи бўлдим... Аммо бундан наф чиқмагандан кейин қўл силтаб ўз-ўзимга: «Ҳой Тевье, сен аҳмоқсан! Ҳар қанча уринганинг билан дунёни ўзгартириш қўлингдан келмайди. «Болалар тарбиялашдек машаққатли худонинг ўзи бизга ато қилган, бу демакки, болалар бизга дилсиёҳлик келтиради, аммо биз уни яхшилик деб, бахт деб қабул қилмоғимиз керак». Мана, масалан, менинг тўнғич қизим Цейтл машиначи Мотл Камзилга хуштор бўлди. Аммо қаршилик қилсам қўлимдан нима келарди? Дуруст, Мотл жуда содда одам. Дурустроқ саводи ҳам йўқ. Нимаям қилардик? Ўзингиз айтгандай, ҳамма олим бўлавермайди! Шундай бўлсада, у тўғри одам, андишали, ишчан, пешана тери тўқиб нон топади. Цейтл билан Мотлнинг уйлари, агар кўрсангиз, иштонсиз чопиб юрган болаларга, кўз тегмасин,— тўлиб кетган, улар эру хотин иккисиям шуларни деб «бойлик ва иззат-ҳурмат» ичида кечаю кундуз ташвишда. Цейтл билан гаплашиб кўринг-чи, у сизга: «Жу-

да яхши яшайман, бундан яхши бўлиши мумкин эмас,»— дейди... Фақат бир хусусда улар тўқис эмас: топганлари нонга етмайди. Биринчи қизимнинг аҳволи шу.

Иккинчи қизим Годл тўғрисида сизга гапиришимнинг ҳожати йўқ: уни ўзингиз биласиз. Мен уни бой бердим, умрбод йўқотдим. Уни ўз кўзларим билан кўриш яна насиб бўладими йўқми, билмайман, буни худо билади. Кўрсам, балки яна юз йигирма йилдан кейин нариги дунёда кўрарман... Унинг ҳақида гап очсам, ҳозиргача ўзимга кела олмайман, ярим умримни қисқартирди у! Унутиш керак дейсизми? Тирик одамни қандай қилиб унутиш мумкин, ахир? Яна Годлдай қизни-я? Унинг менга ёзган хатларини ўқиб кўрсангиз ҳайрон қолардингиз. Қелган жойимда жуда яхши турибман, деб ёзибди. Эри қамоқда, Годл бўлса тирикчилик пайида. Қир ювади, китоб ўқийди ва ҳар ҳафта эри билан кўришиб туради. У, бу кўнгилсизликлар ўтиб кетади, рўшнолик кўрамиз, деб умид қилади. Ана шундан кейин эрини ва унга ўхшаган кўп кишиларни қутқариб юборармишлар, сўнгра улар чинакам иш бошлашармиш, дунёни остинустун қилишармиш. Хўш, бу гаплар ёқадими сизга? Яхши, а, тўғри эмасми? Бутун оламнинг жоловини қўлида ушлаб турган худо нима қилади? Сиз: у, яъни худо шафқатли, марҳаматли дейсиз... Мана эшитинг, у менга нима деди: «Сен Тевье, сабр қилиб тур, мен шундай бир иш қиламанки, бутун ғам ва аламларингни эсингдан чиқарасан!..» Дарҳақиқат, унинг бу гапларига қулоқ солса арзийди. Бошқа бирон кишига мен буни гапириб ўтирмас эдим, нега десангиз алашим зўр, уяти ундан бешбаттар! Айтгандай, ҳалиги китобда нима дебди: «Иброҳимдан бирон нарсани бекитяпманми?»— сиздан сир тутадиган нарса йўқ менда. Кўнглимда нима бўлса ҳаммасини очиқдан-очиқ айтавераман. Биргина

илтимосим бор: Бу гаплар орамизда қолсин. Нега десангиз, яна такрор айтаман, алаим зўр, уяти, номуси десангиз, ундан бешбаттар!

Хуллас, «Оталар насиҳати»да айтилганидек, «Художонни поклашни хоҳлади», яъни худонинг Тевъега марҳамат қилгиси келиб, оиласига қизлар берди, бир-биридан яхши, ақлли, чиройли, соғлом, сарвнинг ўзи! Хунук, бадбуруш туғилганларида, балки уларнинг ўзларигаям, менгаям яхшироқ бўлармиди. Айтинг-чи, ахир отхонага қамаб қўйилган зотли отдан нима фойда? Қишлоқ оқсоқоли Иван Поперило, баланд пошнали этик кийиб юрадиган қишлоқ мирзаси — сочи саватдек дароз Федька Галагану яна, кафангадо бўлғур попдан бошқа пичоққа илинадиган одами йўқ, овлоқ жойда чиройли қизлардан нима фойда. Попни десангиз кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ; мен яҳудий, у эса поп бўлгани учун эмас, албатта. Аксинча, биз у билан кўп йиллардан бери яхши танишимиз, борди-келдимиз бўлмасаям, учрашганимизда ҳол-аҳвол сўрашамиз, ундан-бундан, дунё янгиликларидан гаплашамиз... Аммо у билан узоқ мулоҳаза қилиб ўтиришга сира тоқатим йўқ, чунки салга бўлмағур мунозара бошланиб кетади: сизнинг худо, бизнинг худо... Мен-ку бўш келмайман-а. Мақоллар билан дарров мот қиламан, бизда мана бундай ҳикматли гап бор дейман... Лекин у менга гап бермасдан: «Бунақа ҳикматли гапларни сендан кўп билсам биламанки, оз билмайман,» — деди. У Панж китобимиздан, яна қадимги яҳудий тилида нақлларни шундай ёд ўқийдики, аммо қандайдир ўзига хос тарзда... «Берешит бара элогим...»¹ Ҳар сафар шундан гап бошлайди. Мен яна унинг сўзини бўлиб бизнинг «Мидраш»имиз бор дейман... «Мидрашингиз,—

¹ Тавротнинг биринчи сураси шундай бошланади. «Дастлаб худо шунин яратдики» демакдир. (Ред.)

деб жавоб беради у,— талмуд-ку». У талмудни ёмон кўради, чунки талмуд унингча товламачилик эмиш... Мен энди унинг бу гапига чидай олмайман, ғазабим қайнаб кетади ва оғзимга келган гапни қайтармайман! Менинг гапларим унга таъсир қилади деб ўйлайсизми? Таъсир қилиб бўпти. Менга тикилиб, кулимсираб соқолини бармоқлари билан тараб ўтиради. Бировни сўкиб, расво қилсангиз, у индамай безрайиб тураверса бундан ёмон нарса йўқ, дунёда! Сиз бутун захрингизни сочасизу, у бўлса кулимсираб ўтираверади!

Мен авваллар буни тушунмаган эдим, энди унинг нима учун кулимсираганини билиб олдим...

Кунлардан бир кун кечқурун уйга қайтиб келаётсам, қизим Ховони мирза Федька билан кўчада кўриб қолдим. Хово менинг Годлдан кейинги учинчи қизим. Ёнгит мени кўриши билан мен томон бурилди-да, бошидан шапкасини олиб салом берди ва жўнаб қолди.

— Федька нима қилиб юрипти бу ерда?— деб сўрадим мен Ховодан.

— Ҳеч нарса!— деб жавоб берди у.

— Ҳеч нарса деганинг нимаси?

— Биз гапиришиб турувдик!— дея жавоб берди у.

— Федька билан сенинг қандай гапинг бўлиши мумкин?— деб сўрадим мен.

— Биз у билан анчадан бери танишмиз,— деди Хово.

— Ундай бўлса танишлигингиз билан табриклайман сени,— дедим мен.— Федька сен учун жуда боп улфат!

— Сен уни танийсанми?— деди Хово.— У қанақа одам, биласанми?

— Унинг қанақа одам эканлигини мен билмайман,— дедим,— насл-насабини суриштирган эмасман. Аммо у зодагонлар насли, оқсуяклар насабидан бўлса керак деб биламан: унинг отаси подачи, қоровул ё бўлмаса пияниста бўлган бўлса керак...

Бу гапларимдан кейини у менга:

— Унинг отаси ким бўлиб ўтганини билмайман, билгим ҳам келмайди, мен ҳаммани тенг кўраман. Аммо унинг ажойиб одам эканлигини жуда яхши биламан,— деди.

— Нечук?— деб сўрадим мен.— У қанақа ажойиб одам экан? Қани, тафсиллини эшитайлик...

— Мен гапириб берар эдиму сен барибир тушунайсан. Федька иккинчи Горький.

— Иккинчи Горький? Хўш, биринчи Горькийси ким экан?

— Горький ҳозирги вақтда дунёда энг биринчи одам деса бўлади,— деб жавоб берди у.

— Сенинг ўша донишманднинг қаерда истиқомат қилади?— деб савол бердим унга.— Нима билан шуғулланади, нимани тарғиб қилади?

— Горький — деди Хово,— машҳур ёзувчи, яъни китоб ёзади, шу билан бирга у одамнинг сараси, жуда яхши, ажойиб киши, бениҳоя ҳалол одам, оддий халқ ичидан чиққан, мактаб кўрмаган, ўз-ўзидан ўқиб илм олган... Мана унинг расми!— дея чўнтагидан сурат олиб менга тутди.

— Сенинг пиринг, жаноб Горький шу киши эканларда. Худо ҳаққи, қасам ичишим мумкин, бу кишини мен қаердадир, станцияда вагонга қоп ортаганимни ёки ўрмонда ёғоч ташиганимни кўрганман...

— Одам қўл кучи билан нон топиб еса нима бўпти, ёмоми? Сен ўзинг меҳнат қилмайсанми? Биз-чи, биз меҳнат қилмаймизми?

— Ҳа, ҳа,— деб жавоб бердим мен.— Сен ҳақлисан. албатта! Китоби шарифдаям тўппа-тўғри: «Ўз қўлинг билан топиб ейсан нон» дейилган — ишламасанг, тишламайсан. Бироқ мен ҳали ҳам бўлса бир нарсага тушуниб ета олмайман, Федьканинг бу ерда нима иши бор

экан? Менимча, сен ундан узоқ юрганинг маъқул эди. Мана қара, «Қаердан келдинг ва қаерга борасан»,— сен кимсан ва у ким.

— Худо ҳаммани тенг яратган,— деди Хово.

— Тўғри, тўғри! Худо Одам алайҳиссаломни ўз шакли шамойилида яратган. Аммо ҳар ким ўзига тенгини топиши кераклигини ёддан чиқармаслиги лозим. Табаррук китобдаям: «Кўрпангга қараб оёқ узат» дейилган...

— Ажабо!— деб сўзимни бўлди у.— Сеида дада, ҳар бир масалага доир ҳикматли сўз таппа-тайёр. Аммо одамларнинг яҳудий ва ғайри яҳудийларга, хўжайин ва қулларга, бой ва гадоларга бўлинганликлари тўғрисида сенда китоби шарифдан бирон ҳикматли сўз, оят ёки нақл йўқми?

— Ҳай-ҳай-ҳай! Сен қизим, ҳаддан ошиқ чуқур кетдинг!— дея жавоб бериб, унга олам яратилган биринчи кундан бери ер юзида шундай тартиб жорий бўлиб келаётганлигини тушунтирдим.

— А, нима учун шундай тартиб жорий бўлган?— дея савол берди қизим.

— Чунки худо оламни шундай яратган.

— Худо нега оламни шундай яратган?

— Биласанми,— дедим мен,— агар биз нима учун, нега деб суриштираверсак, саволларимизнинг ниҳояси бўлмайди!

— Бўлмаса нимага худо бизга ақл берган?— деди.— Бас, ақл берган экан, савол бериб тушуниб олиш керак-да!

Унинг бу гапидан кейин мен бундай дедим:

— Бизда бир одат бор: агар товук хўроз бўлиб қичқирадиган бўлса, уни дарров калласини узишади, оятда ҳам айтилган-ку: «Хўрозга ақл ўргатадиганни...»

— Кекирдак чўзишни бас қилсанг бўлмайдими?— дея бирданига гапга аралашди менинг Голдам уйдаг чиқиб.— Дастурхон ёзилиб боршч стол устига қўйилганига бир соат бўлди-ю, у ҳамон гап сотгани сотган.

— Ана холос! Донишмандлар: «Хотинларнинг тўққиз қути сўзи бор» деб бежиз айтмаганлар. Жиддий бир масалани ҳал қилиб ўтирибмизу, у бўлса боршчдан гапирди!

— Боршч сенинг жиддий масалаларингдан жиддийроқ бўлса керак,— деди у.

— Қутлуғ бўлсин!— дедим мен.— Танишинг, тухумдан чиққан янги файласуф! Тевъенинг қизлари жуда ақлли бўлиши устига хотиниям бало чиқиб қолди, осмондан келади-я!

— Осмон тўғрисида гап очилдими? Сен ерга кириб кета қол!

Ана холос! Бундай қутлов кимга ёқади, дейсиз! Айниқса қорин оч бўлса?

Хуллас, китобда айтилганидек, шаҳзоданинг ҳикоясини қўйиб, маликадан гап бошлайлик, яъни попдан...

Кунлардан бир кун кечқурун бўш хурмача ва кувачалар ортиб уйга қайтиб келаётган эдим, худди қишлоққа кираверишда унга дуч келдим. Бричкага ўтириб отини ўзи ҳайдаб кетаётган экан, тарам-тарам соқоли шамолда ҳилпирамоқда. «Оббо, қуриб кеткур, рўпара бўлишини қаранг!»

— Омон-эсон юрибсанми?— деди у.— Нима, мени танимадингми?

— Яқинда бойиб қоласиз, тақсир!— дедим, шапкамни олиб ва отимни чувладим.

— Шошмай тур бир оз, Тевъе,— деди у.— Қаерга шошиляпсан? Сенга икки оғиз гапим бор.

— Шундайми?— дедим.— Яхши гап бўлса, марҳа-

мат, эшитаман! Аммо ёмон гап бўлса ҳозир айтмасангиз ҳам бўлади, бошқа вақт айтарсиз.

— «Бошқа вақтинг» қачон бўлади?

— Бошқа вақт,— дедим мен,— бизнинг хизиримиз Мусо келганда.

— Мусо келди-ку...— деди у.

— Бу гапни биз кўп эшитганмиз. Сиз тақсир, бирон янги гап топсангиз бўларди...

— Худди айтганингдек шу топда янги гап топмоқчи бўлиб турибман!— деди у.— Сен билан ўзинг тўғривда, яъни қизинг хусусида гаплашмоқчи эдим...

Бу гапдан юрагим орзиқиб кетди: менинг қизимда унинг нима иши бор экан?

— Менинг қизларим,— дедим мен,— худо сақласин, шундай қизларки, улар бировнинг ҳомийлигига муҳтож эмаслар. Улар бўш келадиганлардан эмас...

— Аммо, мен гапирмоқчи бўлганим шундай иш-ки, деди у,— уни қизинг ўзи гапиролмайди. Бошқа одам гапириши керак, чунки гап жуда муҳим масала, очигини айтганда қизингнинг тақдири устида боради.

— Менинг қизимнинг тақдирига кимнинг нима алоқаси бор?— дедим мен.— Тақдир устида гап очилган экан, айтишим керакки, мен бир юз йигирма йилгача қизимга оталик қиламан, шундай эмасми?

— Албатта,— деди у,— сен ўз болангнинг отасисан. Аммо кўрсан, болангнинг бошқа дунёга интилаётганини кўрмайпсан, сен уни тушунмаяпсан ёки тушунишни хоҳламайпсан...

— Тушунмаяпманми ёки тушунишни хоҳламайпманми, бу ҳақда гаплашишим мумкин. Аммо бунинг сизга нима дахли бор, тақсир?

— Жуда дахли бор-да,— деди у,— чунки сизнинг қизингиз ҳозир менинг ихтиёримда...

— Сизнинг ихтиёрингизда деган сўзни қандай тушунса бўлади?

— Бунн шундай тушуниш керакки, у киши менинг васийлигимда...— дея жавоб берди поп, менга тикилиб курак соқолини сийпар экан.

— Ким сизнинг васийлигингизда?— дея жойимдан сапчиб турдим.— Менинг қизим сизнинг васийлигингизда эканми? Бунга сизнинг нима ҳақингиз бор?— дедим газабга мишиб.

— Сен, Тевье, қизишма,— деди у вазминлик билан кулимсираб.— Ишни совуққонлик билан муҳокама қилган тузук. Яхши биласанки, сен яҳудий бўлсанг ҳам, худо сақласин, сенга душман эмасман,— деди у,— яҳудийларни ҳурмат қиламан, уларнинг ўжарликларига мен чин кўнглимдан ачинаман, улар ҳеч гапга кирмайдилар, сен уларга яхшилик тилаганингни, хайрихоҳлигини тушунишни хоҳламайдилар.

— Сиз хайрихоҳлик тўғрисида менга гапирмай қўя қолинг, тақсир,— дедим мен,— чунки ҳозир сизнинг ҳар бир сўзингиз меним учун заҳар томчисидай туюляпти. юрагимга наштардек санчиляпти. Агар сиз чиндан ҳам ўзингизни менга дўст деб билсангиз, илтимос қиламан. қизимни тинч қўйинг...

— Сен тентаксан,— деди у.— Сенинг қизингга, худо сақласин, ҳеч ким ёмонлик қилаётгани йўқ. Аксинча, унинг бахти кулиб турибди, у яхши кишига тегяпти. Кошки худо менга шундай бахт ато этса...

— Омин!— дедим гўё ҳазиллашиб, ичимдан деса-нгиз, ғазабдан ёниб кетяпман.— Унинг, масалан, қаллиғи ким экан, билсак бўладими?

— Сен уни билсанг керак. У жуда яхши, инсофли, илмли одам, гарчи мактаб кўрмаган бўлса-да, ўз-ўзидан ўқиб мулла бўлган киши, қизингга хуштор, унга уйланмоқчи-ю, уйлана олмайди, чунки яҳудий эмас.

«Федька» лоп этиб миямга шу фикр келди-ю, устим-га биров қайноқ сув қуйиб юборгандай бўлди. Сўнгра бутун аъзойи баданимни совуқ тер босди, аравада базўр ўтирибман денг. Аммо аҳволимни унга билдиргим келмади Тизгинни силтаб, отимга қамчи босдим-да, хайр-лашмаёқ жўнаб қолдим...

Уйга қайтиб келсам, ё тавба! Ҳамма ёқ остин-устун. Болалар ёстиқларга мук тушиб ҳўнграб йиғлашяпти. Голда чалажон бўлиб қолган... Ховони қидириб қолдим... Хово қани? Хово йўқ! Қаерга кетганлигини сўрашга тилим бормади. Шўрим қуриб қолди-ку, сўраб нима қиламан! Алаиммга чидаб бўлмайди, ғазабим қайнаб тошиб кетяпти, аммо кимга? Буни ўзим ҳам билмайман... Таёқ олиб, ўзимни ўзим савалагудек бўлиб турибман. Болаларга таъна тошлари отяпман, алаиммни хотинимдан оляпман. Ўзимни қўйгани жой тополмаяпман. Отимга хашак солай деб отхонага чиқдим, қарасам, отнинг бир оёғи ўралиб қолиб оғилнинг нариги томонида турибди. Жаҳлим чиқди-да, таёқ олиб отни савалай бошладим: «Ёниб кет-э, ўлакса! Сули егинг келиб қолдими? Ейсан-а, ейсан! Қани энди мен ҳам хўракни сенга ўхшаб ётиб есам! Хоҳласанг дарду алаиммни, ғаму кулфатимни е, ҳа!»

У шўрликни роса сўқдим, хўп саваладим, кейин ўзимга келдим: Хўш, унинг айби нима? Нима қипти у, мен унга азоб беряпман? Олдига қирқилган хашак ташладим. «Шанба куни, худо хоҳласа,— дедим,— бошинг омон бўлса, пичанни ҳам татиб кўрарсан...» Уйга кириб, бошимни ёстиққа тиқиб ётдим. Юрагим қон, бошим ғамгин ўйлар ва ҳар хил чигал саволлардан ёрилиб кетай дейди: «Ахир, бу қанақаси бўлди? Меним айбим нима-ю гуноҳим нима? Мен Тевье, шу ёруғ дунёингда ҳаммадан кўп гуноҳ қилган эканман-да? Нима учун ҳаммадан кўп жазо менга тегяпти? Ё худо, ё парвардигор! Биз киму

ҳаётимиз нима? Мен кимман ўзим, мени доим эслаб турасан, назарингдан сира қочирмайсан, нимаики ғам-алам бўлса, нимаики бало-қазо бўлса, ҳеч қайсисидан камитмай, бошимга ёғдираверасан?»

Чўғ устида ётгандай ўйланиб ётибман, шўрлик хотинимнинг оҳ-фиғони қулоғимга эшитилиб турибди, юрагим эзилиб кетяпти:

— Голда, ухлаяпсанми?— дея сўрадим.

— Йўқ,— деб жавоб берди у,— нима эди?

— Ҳеч нарса,— дедим мен,— иш расво, Голда... Ер ёрилса-ю ерга кириб кетсанг! Балки бирон маслаҳат берарсан, нима қиламиз энди?

— Мендан маслаҳат сўрайсанми?— деди у.— Ала-мим ҳаддан зиёда! Эрта билан болам жойидан соғ-саломат туриб кийинди-да, бирданига бўйнимга осилди. қучоқлаб ўпа бошлади, аммо ҳеч нарса демади. Худо сақласин, жинни бўп қолдим, деб ўйладим. «Нима бўлди сенга, қизим?»— деб сўрадим. Жавоб бермади. Сигирлардан хабар олай деб чиқиб кетди-ю, шу билан ғойиб бўлди. Бир соат кутдим — йўқ, икки соат кутдим — йўқ, уч соат кутдим... Хово қани? Йўқ Хово. Шундан кейин болаларга: «Қани, ғир этиб попникига бориб келинглар-чи!..» дедим.

— Унинг попникида бўлишини қаердан билдинг,— дедим мен.

— Қаердан билдинг, дейсанми?— деди хотиним.— Шўрим қурсин! Кўрманми мен, ахир? Еки она эмасманми?

— Хўш, кўр бўлмасанг, она бўлсанг, нега шу чоққача менга бир оғиз айтмадинг, индамай келдинг?— дедим мен.

— Сенгами? Ахир, сен уйда ўтирасанми? Борди-ю, айтсам, айтган билан, кошки менинг гапимга қулоқ солсанг? Сенга бир гап айтса, дарров оятларни пеш қиласан. Оятларинг билан мияни ачитиб қутуласан.

Голда менга шундай деди. Ўзи қоронғида пиқиллаб йиғлаб ётибди. Қисман у ҳақли, деб ўйлайман, чунки хотин киши нимани тушунади дейсиз? Унга юрагим ачийди, йиғи ва фигонига тоқатим йўқ.

— Сен Голда,— дедим мен,— ҳар бир нарсага оятлар пеш қилишимдан норозисан. Бунгаям мен сенга оят билан жавоб бериб қўя қолай. Китоби шарифда: «Ота болаларига қаттиқ ачинади» дейилган яъни ота болаларини севади. Нега,— дедим мен,— «Она ўз болаларига қаттиқ ачинади!» деб айтилмаган? Чунки она — ота эмас, ота ўз болалари билан бошқача гаплашади. Ҳали кўрасан, эртага худо хоҳласа, у билан учрашаман...

— Илоҳим, шундай бўлсин,— деди у.— Эртага Ховони ҳам кўр, уни ҳам. У поп бўлсаям ёмон одам эмас. Кишиларга раҳмдил. Оёғига бош уриб илтимос қилсанг, балки раҳми келар.

— Кимга?— дедим мен.— Попга-я? Мен унга бош урар эканманми? Жинни бўлдингми ё миянгни еб қўйдингми? «Иблисни шод айлагани оғзингни очма!» дейилган китобда. Душманларимни хурсанд қиладиган ишни қип бўпман!

— Мана кўрдингми, сен яна айтганингни қиласан,— деди у.— Яна мендан маслаҳат сўрайсан.

— Нима деб ўйлайсан,— дедим мен.— Ҳеч вақтда жилашимни хотиннинг қўлига бериб қўяр эканманми? Сенинг калта ақлинг билан иш қилар эканманми?

Кечаси билан шу мазмунда гаплашиб чиқдик. Хўрознинг биринчи чақиришини зўрға кутиб олдим, туриб ибодатимни қилдим, қамчини ушлаб попнинг ҳовлиси-га қараб йўл солдим... Хотин киши хотинлигини қилади. Меним қаерга боришим керак? Гўргами?

Гапнинг қисқаси, попнинг ҳовлисига бордим, киришим билан мени попнинг итлари кутиб олди, чакмоним-га ёпишиб чоклари қапчалик маҳкам эканлигини тек-

Ўирмоқчи, болдиримнинг гўштини татиб кўрмоқчи бўлди...

Хайриятки, қамчи олволган эканман, қамчи билан уларга китоби шарифдаги оятларнинг маъносини тушунтириб бердим: «Ит ирилламасин», яъни «ит бекорга акилламасин...» Итларнинг вовиллашини эшитиб поп билан хотини югуриб чиқишди: улар итларни аранг ҳайдаб, мени уйга таклиф қилишди. Азиз меҳмон қаторида кутиб олишди, ҳатто самовар ҳам қўймоқчи бўлишди. Мен самовар қўйиб овора бўлишнинг ҳожати йўқ, дедим, мен фақат у билан, яъни поп билан юзма-юз ўтириб гаплашишим керак, дедим. У нима мақсад билан келганимни албатта, дарров тушунди ва хотинига чиқиб кет дегандай имо қилди. Мен даромад қилиб ўтирмасдан тўппа-тўғри гап бошладим. Дастлаб: «Худого ишонасизми?» деб сўрадим. Сўнгра: «Отадан севикли боласини ажратиб олишнинг нима эканлигини биладиларми?» деб савол бердим. Кейин: «Яна айтинг-чи, сизнинг фикрингизча савоб иш нима-ю гуноҳ иш нима?» дедим. «Мен яна бир нарсани билмоқчи эдим,— дедим унга.— Бировнинг уйига бостириб кириб, стол, курси ва каравотларни ўзи хоҳлаган жойга кўчирмоқчи бўлган киши ҳақида нима дейсиз?..»

У, табиий шошиб қолди ва деди:

— Тевъе, сен ақлли одамсану, аммо устма-уст шунча савол бериб уларнинг ҳаммасига мендан дарҳол жавоб талаб қиляпсан-а. Сен шошилма, мен ҳамма саволларингга тартиби билан битта-битта жавоб берай.

— Йўқ,— дедим мен.— Сен тақсирим бу саволларга ҳеч қачон жавоб беролмайсан. Биласанми, нега? Чунки мен сенинг фикрингни, нима демоқчи бўлганингни юзингдан билиб тирибман. Яхшиси сен бир нарсани айт: боламни кўришга умид қилсам бўладими, йўқми?

— Ҳумид қилсам деганинг нимаси?— деди у ҳовлий-қиб.— Қизингга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Аксинча...

— Биламан,— дедим унинг гапиши бўлиб.— Уни бахтли қилмоқчи бўлганингизни биламан. Аммо мен бу тўғрида гапирятганим йўқ. У қаерда, мен уни кўра оламанми? Мен шунин билмоқчиман.

— Нима десанг де, аммо уни кўролмайсан,— деб жавоб берди у.

— Аллақачон шундай демайсизми? Қисқа ва равшан! Омон бўлинглар, қилмишларингга яраша худонинг газабига гирифтор бўлинглар!..

Уйга келдим. Голдам каравотда қоп-қора калавага ўхшаб мажолдан кетиб букчайиб ётипти.

— Тур, жойингдан хотингинам,— дедим унга.— Пайпоқларингни ечгин-да, ерга ўтириб олгин — худо буюрганидек аза тутамиз. «Худо берди, худо олди»— бу фақат бизнинг бошимизга тушган кулфат эмас. Уни кўнглимиздан чиқариб ташлайлик. Гўё бизнинг ҳеч қачон Ҳовомиз бўлган эмас... Еки мисол учун Годлни олайлик, ўзинг биласан, у аллақаерга кетиб қолди. Биз уни яна кўрамизми, йўқми, бу худонинг ўзига маълум. Худонинг марҳамати кенг, нима қилаётганини ўзи билади!

Шу гаплар билан мен ўзимга тасалли бермоқчиману, лекин ўпкам тўлиб кўз ёши бўғзимга тикиляпти. Аммо Тевье хотин киши эмас, Тевье ўзини боса олади. Зотан. «Ўзини боса олади» деб тилда айтилади, холос. Нега лесангиз, биринчидан, ўйлаб кўринг-чи, нақадар номус... Иккинчидан, бошқа ҳамма болалардан кўра ота ва она қалбига яқин шундай ажойиб боладан, шундай ажойиб қиздан ажрар экансан, қандай қилиб ўзингни боса оласан? Нега ҳамма боладан уни яхши кўрар эканмиз, ўзим ҳам билмайман. У болалик чоғида тез-тез касал бўлиб турарди, кўп дард тортган эди бечора, балки шунинг учундир. Биз кечалари билан унинг тўшаги ёнида

мишжа қоқмай чиққанмиз, биз уни бир неча марта ўлим чангалидан қутқазиб қолганмиз, мажақланган жўжани парваришлаб тирилтиргандек тирилтирганмиз — худога хуш келса ўлгани ҳам тирилтиради, оятда айтилади-ку. «Ўлмайман, аммо яшайман» — ўлим пешанангга битмаган бўлса, ўлмайсан. Эҳтимол. Хово ёқимтой меҳрибон бўлгани, иккимизни чин қалбдан севгани учун биз ҳам уни яхши кўриб қолгандирмиз. Шундай қиз қандай қилиб бошимизга бундай кулфат солди? Қисматимиз шу бўлса керак. Билмадим, сиз тақдирга ишонасизми йўқми, аммо мен ишонаман. Иккинчидан, бу шайтон васвасаси билан бўлган иш, сеҳрланган бўлиши ҳам мумкин! Сиз мендан кулишингиз мумкин, аммо ишонинг, мен жин-ажина, алвасти каби нарсаларга ишонадиган қип-қизил аҳмоқ эмасман. Лекин биласизми, сеҳрга ишонаман. Йўқса сеҳр бўлмаса, нима бу? Бундан кейин бўлган можароларни эшитинг-чи, меним гапим ростлигига ишонасиз...

Хулласи калом, бас, бизнинг муқаддас китобларимизда: «Киши ўз эрки билан яшамайди» — киши ўз хоҳиши билан жонидан жудо бўлмайди, — деб айтилган экан, бу бежиз эмас: дунёда тузалмайдиган яра ва унутилмайдиган қайғу-ҳасрат йўқ. Яъни бутунлай унутиб бўлмайди-ю, аммо иложинг қанча? «Киши ҳайвонга ўхшайди», — киши бир бурда нон деб меҳнат қилиши, заҳмат чекиши, кулфат тортиши керак. Биз ҳаммамиз иш бошладик: хотиним ва болалар хурмачаларга ёпишдилар, мен от-аравамга, — «дунёда ҳамма нарса ўз тартибида давом этаверади» ҳаёт ўз маромида бораверади. Мен, уйда ҳеч ким Ховонинг номини тилга олмасин, деб тайинладим, — Хово йўқ! Унинг номи ўчган, вассалом! Мен бир оз янги молларни ортиб Бойберикка, харидорларимникига жўнадим.

Бойберикда мени кўриб ҳамма хурсанд бўлди.

— Эсон-омон бормисиз, жаноб Тевье? Аҳволингиз қалай? Нима бўлди, кўринмай қолдингиз?— дейишди улар.

— Аҳволим қандай бўларди?— деб жавоб бердим мен.— «Кунларимиз қадимдагидек янги бўлсин!» дейилган-ку. Илгари қандай бўлса, ўша-ўша толесиз Тевье-ман. Сигирим ҳаром ўлди...

— Бу нима, сизнинг уйингизда донм ҳар хил мўъжизалар юз бериб туради,— дейишди улар.

Уларнинг ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида қайси сигирим ҳаром ўлганини, сигирнинг нарҳини, яна қанча сигирим қолганлигини суриштира бошлашди... Суриштириб ўзлари кулишади, уларга эрмакда... Маълумки, бойлар айниқса қоринларини тўйғазиб олгандан кейин, бечора камбағални мазах қилишни яхши кўрадилар... Чунки ҳаво иссиқ, ҳамма ёқ яшил либосга бурканган бўлади, бундай вақтда одамни уйқу элитади... Аммо Тевье мазах бўладиганлардан эмас. Унинг кўнглидан нималар ўтаётганини билиб бўлмас, боши ёрилса, дўппи остида. Харидорлар билан ишимни тугатиб бўлиб, бўш аравада уйга жўнадим. Ўрмонда боряпман. Отнинг тизгинини қўйиб юбордим. Гоҳ-гоҳ яшириқча ўт чимдилаб, секингина бораверсин... Ўзим бўлсам ўйга чўмиб кетяпман, миямга ҳар қандай фикрлар келади: ҳаёт ва мамот тўғрисида, бу дунё ва охират тўғрисида, худо яратган олам нима-ю одам боласи... нега яшайди?.. деб бош қотиришни, Ховони ўйламаслик учун юрак чигилини ёзишга ҳаркат қиламан... Аммо аксига олиб у миямдан чиқмайди. Гоҳ чиройли чехраси, сарвқомати кўз олдимга келади, ёки аксинча, у кичкина, бетоб, озгин, худди товук жўжасига ўхшаб бошини елкамга қўйган: «Нима хоҳлайсан, Хово жоним? Нон берайми, сутми?» Шунда унинг қилмиши бир дақиқа тамомилла эсимдан чиқиб кетади, у мени ўзига жазб этади, кўнглим ғаш,

диққатман... Аммо эсимга тушиши билан қоним қайнаб кетади, ғазабим қўзғайди, Ховогаям, йигитгаям, бутун дунёга, ҳатто ўзимгаям аччиғим келади: нега мен бир дақиқа бўлсин уни эсимдан чиқаролмайман, нега уни хўнглимдан суғуриб ташлай олмайман? Тевье болаларни катта қиламан деб нега бутун умр бўйи азобда яшаши, машаққат тортиши, ғам чекиши керак? Катта бўлганларидан кейин, дарахт бужури сингари ерга тўкилиб, аллақаерларга шамол учириб кетиши учунми? Мисол учун олсак, деб ўйлайман, ўрмонда эман дарахти ўсади. Бир киши келади-да, ўша дарахтнинг бир шохини кесали, кейин иккинчисини, учинчисини... шохсиз дарахт дарахтми? Дарахтнинг шохларини қирққандан кўра ўзини тагидан қўпориб ағдаравермайсанми? Шохлари кесилиб, қип-яланғоч бўлиб қолган дархтнинг ўрмонда тиккайиб туришидан нима фойда?

Ана шундай ўйга ботиб бораётсам, тўсатдан отим тўхтаб қолганини сездим. Шошма! Нима гап? Бошимни кўтариб қарасам, олдимда Хово турибди! Уша-ўша, аввалги Хово, ҳеч ўзгармабди, эғнидаги кўйлагиям ўша!.. Дастлаб миямга: дарҳол тушиб бағримга босиб ўпай, деган фикр келди-ю, дарров ўзимни тутиб олдим: «Тевье, сен кимсан ўзинг, хотинмисан?» Тизгинни тортидим: «Чу, хайвон!» деб ўнгга қайрилдим. Қарасам, Ховоям шу томонга бурилиб гўё: «Бирпас тўхта, сенга айтадиган гапим бор...» дегандай қўлини силкиди. Ичимда бир нарса узилиб кетгандай бўлди, оёқ-қўлларим бўшашиб кетди... Аравадан сакраб тушай деб турибман! Бироқ яна ўзимни тутиб чапга бурилдим. Уям чапга бурилди, менга ғалати қилиб қаради-ю, ранги ўчиб кетди.

«Нима қилсам экан?— деб ўйладим.— Тўхтайми ё кетаверайми?» Аммо мен фикримни йиғиб олгунча у отнинг жиловидан ушлади-да:

— Отажон, тўхта! Тўхтамай ўтиб кетгандан кўра мени ўлдириб кетганинг яхши! Илтижо қиламанки, отажоним, гапимга қулоқ сол! Дада!

«Э-ҳа!— деб ўйладим.— Ҳали мени зўрлаб йўлга солмоқчимисан? Йўқ, жигарим! Сен отангининг қанақалигини ҳали билмас экансан...» Отга устма-уст қамчи босдим. Жонивор ўрнидан жилиб чопа бошлади-ю, аммо негадир қулоқларини диккайтириб, ҳадеб орқасига қарайверди.

— Йўқ, йўқ!— дедим.— «Идишга тикилаверма»,— пожонз томонга қарама, жонивор!..

У-ку ҳайвон, мен-чи, мен ҳам қайрилиб, қизим туриб қолган жойга кўз қирим билангина бўлса-да, қарашни хоҳламадим дейсизми? Аммо барибир қарамадим, Тевье хотин киши эмас. Васваса қилувчи шайтон билан қандай муомала қилишни билади у.

Хуллас, гапни чўзиб қиммат вақтингизни олмайман. Агар нариги дунёда жазо тортиш пешанамда бўлса, уни бу дунёдаёқ олиб бўлдим. Муқаддас китобларимизда тасвир этилган дўзахнинг, жаҳаннам ўти ва бошқа даҳшатларнинг нималигини мenden сўранг, мен сизга айтиб бераман. Бутун йўл бўйи у: «Дадажоним, гапимни эшит!» дея қичқириб келгандай бўлди. Хаёлимга бир фикр келди: Тевье! Нега бунчалик қайсарлик қиласан? Бирпас тўхтаб унинг гапини эшитсанг, бир еринг камиб қолармиди? Балки у сенга кўнглидаги гапни айтмоқчи бўлгандир. Балки тавбасига таянгандир, қайтиб келмоқчидир? Балки у билан туришга тоқати қолмагандир, ўша дўзахдан қутулиш учун сендан ёрдам сўрамоқчи бўлгандир... балки ундайдир, балки бундайдир... Хуллас, шунга ўхшаш «балкилар» хаёлимдан ўта берди, яна унинг болалиги кўз олдимга келди, яна ўша ҳикматли сўз: «Ота болаларига қаттиқ ачинади»,— отанинг ёмон боласи бўлмайди. Азоб тортяпману, ўзимга ўзим: «ачи-

нишга арзимамайман, ер юзида яшашга арзимамайман, дейман! Нима гап ўзи? Нега қизишяпсан, жинни, қайсар? Нимага тўнингги тескари киясан? Отингнинг бошини қайтар-да, у билан яраш, золим, ахир, у ўз боланг, бировнинг боласи эмас-ку. Қандайдир одатдан ташқари, галати фикрлар хаёлимга келади: «Яҳудий нима-ю, ғайри яҳудий нима? Яҳудий ва ғайри яҳудийларни нимага худо яратган? Хўш, бас, худо уларниям, буларниям яратган экан, нега улар бир-биридан ажралиб, бир-бирига душман бўлиб яшаши керак? Уларнинг бирини худо, бошқасини иблис яратган эмас-ку!» Афсуски, мен нега бошқалар сингари билимдон эмасман, кўп китобхонлик қилган эмасман, нега бу саволларнинг ҳаммасига бамаяни жавоб бера оладиган билимдон эмасман?

Мен ўзимни овутиш учун кечки ибодатни бошлайман: «Чодирларнинг тўрида ўтириб бутун умр сенга ҳамдулар ўқийдиганлар бахтиёрдир!» Бутун қоидасини ўрнига келтириб, қироат билан ибодат қиляпман.

Қалбим тамомла бошқа нарсани такрорлаб турса, яъни «Хово! Хово!» деса ибодатимдан, қироатдан нима фойда? «Бахтиёр» калимасини қанча баланд қилиб ва чўзиб куйласам, қалбимдаги «Хо-во» шунча қаттиқроқ жаранглайди ва мен уни қанча зўр бериб унутишни хоҳласам, у шунчалик равшанроқ кўз олдимга келади, унинг: «Отажон, гапимга қулоқ сол!» деган овози қулогим остида янграб турибди. Овозини эшитмайин деб қулогимни беркитаман, кўрмайин деб кўзимни юмаман, ибодатимни ўқийману, аммо тилим нима деганини қулогим эшитмайди, билмадим, нима учундир муштим билан кўкрагимга ураман... Бутун ҳаётим изидан чиқди, ўзим ҳам ишдан чиқдим, бу учрашув ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса деганим йўқ, унинг ҳақида, яъни Хово ҳақида ҳеч кимдан ҳеч нарса суриштирмайман, аммо унинг ва унисининг қаерда эканлигини, нима қилаётганликлари

рини жуда яхши биламан... Лекин мендан улар ҳақида ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч нарса била олмайди! Бировга шикоят қилиб душманларимни хурсанд қилмайман! Тевье ана шундай одам!

Бир нарсани билсам дейман: ҳамма эркаклар шундаймикин, ёки фақат мен шунақа жинниманми? Масалан, баъзан шундай бўлади... Мендан кулмайсизми? Куларсиз... Баъзан шундай бўлади: Шанбалик тўнимни кийиб станцияга жўнайман... Поездга ўтириб уларникига бормоқчи бўламан,— мен уларнинг қаерда туришларини биламан. Кассанинг олдига келиб билет сўрайман. «Қаерга?» деб сўрайди кассир. «Егупецга» деб жавоб бераман. У бўлса: «Менда бундай шаҳар йўқ...» дейди.—«Бўлмаса айб менда эмас...» дейман-да, уйга жўнаб қоламан. Шанбалик тўнни ечиб, яна ишга киришаман. «Ҳар ким ўз ишига, ҳар ким ўз хизматига» дейилган-ку табаррук китобда,— машиначи қайчисига ёпишади, этикдўз асбобларига... Мендан куляпсизми? Айтмовдимми? Мен сизнинг нима ўйлаётганингизни ҳам биламан. Сиз: «Тевьенинг бир қайнови ичида!» деяпсиз...

Шунинг учун ҳам бу сафар шу билан бас қилсак бўлади. Омон бўлинг. Хат ёзиб турунг. Аммо, азбаройи худо менинг илтимосимни эсингиздан чиқарманг: бу тўғрида ҳеч қаерда оғиз очманг! Яъни бу ҳақда китоб ёза кўрманг! Мабодо, ноилож ёзадиган бўлсангиз ҳам менинг ҳақимда ёзманг, бошқа бирон киши ҳақида ёзинг. Мени эсингиздан чиқаринг. Китоби шарифда айтилганидек: «Сўнг унутдим уни»,— сутчи Тевье йўқ энди!

1906

Ш П Р И Н Ц А

Сизга, жаноб Шолом-Алейхем чин қалбимдан катта салом! Соғ бўлинг, сиз ҳам, бола-чақаларингиз ҳам! Кўришмаганимизга юз йил бўлди. Ё тавба, шунча вақт ўтиб кетди-я! Шу йиллар ичида сиз билан биз, бутун халқ қанчалик оғир кулфатларни бошидан кечирди. Кишинев, «коснетуция», погромлар фалокату, мусибатлар,¹ эҳ, шафқатли эгам! Мен ҳайронман сизга, кечирасиз, тўғриси айтиб қўя қолай, сиз ҳеч ўзгармабсиз, ҳалиям ўша-ўшасиз,— суф-суф, кўз тегмасин! Энди менга қаранг: ҳали олтмишга кирганим йўқ, аммо Тевьеингизнинг соч-соқоли бутунлай оқариб кетди. «Болалар тарбиясининг машаққатлари» ҳазилми, улар дастидан не-не азобга дучор бўлмайсиз. Аммо болалар дастидан ҳеч ким менчалик азоб тортган эмас. Менинг бошимга яна кулфат тушди, қизим Шпринца йўлиққан бало олди-да илгаригилари ҳеч гап эмас. Шундай бўлсаям, мана

¹ Автор бу ерда 1903 йил апрель ойида Кишинев шаҳрида яҳудийларга қарши чор ҳукумати томонидан уюштирилган қонли-погромларни, 1905 йилги революцион ҳаракатларни сусайтириш мақсадида чор ҳукумати ноиллож эълон қилган конституцияни, шу билан бирга умуман, 1905—1906 йилларда контрреволюцион қора гуруҳлар ёрдамида Россиянинг кўпгина жойларида яҳудийларга қарши уюштирилган фожиаи погромларни назарда тутаяди.

кўряпсизки, яшаб турибмиз... Унда айтилганидек: «Киши ўз эрки билан яшамайди», ёрилиб ўлсанг ҳам ашулани қўйма:

Бахтим забун, чўнтагимда эса йўқдир
ҳе мири,
На ҳаёт, на ёруғ дунё — керакмасдир
ҳеч бири.

Хуллас, табаррук китобда айтилганидек: «Худо ўз бандаларидан марҳаматини дариғ тутмайди». Тангри ўзининг яҳудийларига мурувват қилишни хоҳлади-ю, бизнинг бошимизга янги мусибат тушди, янги бахтсизлик келди — коснетуция пайдо бўлди. Коснетуция бўлгандаям қанақа денг! Бирданига бойларимизнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Егупецдан чет элга қоча бошладилар, иссиқ сувлар, асаб, шўр ванна каби йўқ ердаги нарсаларни ўйлаб чиқардилар. Бойлар Егупецдан жуфтакни уриб қолишгач, Бойберик, унинг ажойиб ҳавоси ва соя-салқин чорбоғлари чиппакка чиқди... Аммо худонинг даргоҳи кенг, кўзлари ўткир, у камбагал бандаларининг ёруғ дунёда азобдан маҳрум бўлиб қолмасликларини доим кузатиб туради, бахтимизга, денг, ёзнинг келишини қаранг, зап ёз-да! Бизнинг Бойберикимизга Одессадан, Ростовдан, Екатеринославдан, Могилов ва Кишиневдан минглаб бойлар — ҳамёни катта, миллиончилар ёғилиб келди! Коснетуция дегани у ерларда бизнинг Егупецдагидан баттарроқ бўлган бўлса керак, нега десангиз у ердан орқаларига қарамай тўхтовсиз бу ёққа қочиб келяптилар. Эҳтимол сиз, «улар нега бу ерга қочиб келишяпти?» деб сўрарсиз. Бу саволингизга биттагина жавоб бор: Нега бизникилар у ерларга қочиб кетяптилар? Худога шукур, энди шундай одат бўлиб қолган: погром тўғрисида гап бўлдими, та-мом, яҳудийлар у ёқдан бу ёққа, бир шаҳардан иккинчисига қоча бошлайдилар. Табаррук китобда айтилга-

нидек: «Юрдилару дам олдилар, дам олдилар-да, яна юрдилар»,— бунинг маъниси шуки, сиз бизникига, биз сизникига... Ҳолбуки, Бойберик, билсангиз, катта шаҳарга айланди. Одамларга, аёллару, бола-чақаларга тўлиб кетди. Болалар ширин овқатни яхши кўрадилар, уларга сут, сариёғ бергин... Сутни Тевъедан бошқа кимдан оласиз? Гапнинг қисқаси, Тевъе жуда машҳур бўлиб кетди. Қаёққа қараманг: Тевъе, Тевъе! Жаноб Тевъе, марҳамат қилиб бу ёққа келинг! Жаноб Тевъе, бизникига кириг! Худо берса қўш қўллаб бераркан.

Бир куни мана бундай воқеа рўй берди. Ёз байрами арафаси эди. Мен молларимни олиб харидорларимдан бири — Екатеринославдан келган ёшгина бойвучча бева жувонниқига келдим. У ўғли Арончик билан ёзни ўтказаман деб Бойберикка келган экан. Ўзингизга маълум, ҳаммадан олдин мен билан танишиб қолди.

— Менга сизни тавсия қилдишди,— деди у, яъни бойвучча бева.— Сут-ёғнинг энг яхшисини сиз опкелар экансиз.

— Бўлмасам-чи!— деб жавоб қилдим мен.— Сулаймон пайғамбарнинг, яхши ном карнай овозидай бутун дунёга эшитилади, деб айтган гапи бежиз эмас. Агар хоҳласангиз,— дедим мен,— Мидрашда бу гапнинг қандай талқин қилинганини ҳам айтиб бераман...

Аммо у, яъни бева сўзимни бўлиб:— Мен бева хотинман, бундай гаплардан унчалик хабардор эмасман. Уни нима билан ҳазм қилиш кераклигиниям билмайман... Меним учун энг муҳими сутингиз ёки сузмангиз ширин бўлсин,— деди...— Хотин киши фойдали гапни тушунади дейсизми!

Хуллас, ҳафтада икки марта албатта, душанба ва пайшанба куни ўша екатеринославлик беваникига келадиган бўлдим. Керак-керак эмаслигини суриштирмас-

даноқ, сүт-қатикдан ташлаб кетаверардим. Охири уларнинг яқин кишиси бўлиб қолдим. Одатдагича, уйдаги тартибга кўз ташлай бошладим, кухняларига ҳам тум-шуғимни суқдим, ўзимга маъқул баъзи маслаҳатлар бердим. Аввал бошда чўриси, бировнинг ишига аралашиб нима қиласиз, нари туринг, деб оғзимга урди. Аммо иккинчи сафар айтганимга қулоқ солишди, кейинчалик, ҳатто маслаҳатлашадиган бўлиб қолишди: бева хотин Тевъенинг қанақа одам эканлигини билиб олди. Бориб-бориб бир куни у менга кўнглидагиниям айтиб берди. Унинг Арончиги чатоқроқ экан.

— Ахир, ўйлаб кўринг,— деди бева.— Боланинг ёши йигирмадан ошди, аммо бутун фикру зикри от билан лисапедда, балиқ овиди, шундан бошқа ҳеч нарсани билмайдиям, ўйламайдиям. Иш ҳақида, пул топиш тўғрисида эшитишниям хоҳламайди. Отасидан каттагина мерос қолди, бир миллионга яқин, шу пулни ишга солишга қизиқмайди-я. Сарф қилгани қилган, қўли очиқ.

— Қани ўғлингиз?— деб сўрадим ундан.— Бу ерга чақиринг, у билан гаплашиб кўрайин-чи. Бир оз ақл ўргатиб қўйй, битта-иккита ҳикматли сўзларни айтиб берай.

У бўлса кулди:

— Сиз унга ҳикматли сўзларингиздан кўра от олиб келиб кўрсатинг!

Шу тариқа гаплашиб ўтирар эканмиз, суҳбатимизнинг ўртасида йигитча — Арончикнинг ўзи кириб келди... Қалди-қомати келишган, чинордай норғул йигит, чеҳраси нақш олмадек. Иштони устидан, кечирасиз, шимми устидан кенг камар таққан, чўнтагидаги соат занжири осилиб турибди, енглариин тирсакдан юқори шимарган.

— Қаерда эдинг?— деб сўради ундан опаси.

— Қайиңқда балиқ овладим,— деди у...

— Жуда яхши ҳунар топибсиз,— дедим мен,— сиздек йигитга жуда мос. Бунда уй хароб бўлишиям мумкин, сиз бўлсангиз балиқ ови билан банд-сиз!

Мен бевамга кўз қиримни ташладим — лоладек қизариб, ҳатто юзи ҳам ўзгариб кетди. Балки у ўғлим забардаст қўллари билан бу чолнинг ёқасидан олади-ю, бир уриб суробини тўғрилайди қўяди, деб ўйлаган бўлса керак... Бўлмаган гап! Тевье бунақа парсалардан қўрқмайди. Менинг дилимдаги тилимда!

Нима қилди деб ўйлайсиз? Йигит менинг гапларимни эшитиб бир қадам орқага тисарилди-да, қўлларини орқасига қилиб, ғалати бир тарзда ҳуштак чалди ва менга бошдан-оёқ разм солиб чиқиб бирданига кулиб юборди! Биз ақлдан оздими деб қўрқиб кетдик. Биласизми нима бўлди? Шу дамдан бошлаб биз у билан яқини дўст бўлиб қолдик! Тўғрисини айтишим керак, йигитча ҳар кўрганимда — тобора кўпроқ ёқиб борди. Тўғри, ўзи исрофгар, ҳавойи, такасалтанг, пулнинг ҳисобига бормайди, ақли ҳам унча жойида эмас. Масалан, гадойини кўрса, чўнтагига қўл солади-да, санаб ўтирмай чиққанини бераверади. Ахир, ким шунақа қилади? Ўстидаги янги пальтосиниям ечиб ўтган-кетганга бераверади... Кишининг бир қайнови ичида бўлгандан кейин, нима дейсиз! Шўрлик онасига чин кўнгилдан ачинардим! Баъзан ҳасрат қилиб йиғларди. «Ўзи билан бир гаплашиб кўринг!» деб мендан илтимос қиларди. Менку жоним билан гапиришавераман-а. Гапиришсам, мендан нима кетди? Бир жойим камайиб қолмайди-ку. Унга турли воқеаларни гапирардим, мисоллар, табаррук китобдан оятлар, зарбулмасаллар келтирардим. Бунақаларни Тевье билади. У менинг гапларимни ҳузур қилиб эшитиб ўтирар, ҳол-аҳволимни, уйдаги тартибларини суриштирарди.

— Мен бир сизникига борсам дейман,— деди у бир куни.

— Хоҳласангиз бораверасиз. Тевъеникида бўламан десангиз, бу сизга бир сайр-да. Отларингиз бор, лиса-педларингиз бор. Жилла бўлмаса пиёда юриб айланиб келсангиз ҳам бўлади, бундан оёқсиз қолмайсиз. Қишлоғимиз узоқ эмас, шу ўрмондан ўтсангиз бас...

— Сиз қай маҳал уйда бўласиз?— деб сўради у.

— Мен сиз шанба кунлари ва байрам кунларингизга уйда учратишингиз мумкин,— дедим мен.— Шошманг-чи, биласизми нима? Келгуси жума куни ёз байрами. Хоҳласангиз бизникига бориб томоша қилиб келинг, менинг кампирим сизни қаймоққа қорилган қуймоқ билан меҳмон қилади, қандай қуймоқ денг... Бундай қуймоқни Мисрда бизнинг аждодларимиз ҳам еган эмас,— деб илова қилиб қўйдим қадимги яҳудий тилида...

— Бу нима деганингиз?— деб савол берди у.— Биласиз-ку, қадимги яҳудий тилини мен тушунмайман.

— Биладан,— дедим мен,— қадимги яҳудий тилини сиз тушунмайсиз. Сиз ҳам мендек хедерда ўқиганингизда оз-моз бўлса-да, тушунардингиз...

У кулиб юборди.

— Бўпти!— деди.— Сизникига меҳмонга бораман. Байрамнинг биринчи куни албатта сизникида бўламан, жаноб Тевъе, мен билан бирга қуймоғингизни татиб кўргани битта-иккита ўртоғимни ҳам обораман. Аммо биллиб қўйинг, қуймоқ иссиқ бўлсин!

— Оғиз куядиган бўлса бўладими!— деб жавоб бердим.— Товадан олинади-ю, тўғри оғизга тиқилади.

Уйга келиб, хотинга:

— Голда, байрамда уйга меҳмонлар келади,— дедим.

— Қутлуғ бўлсин!— деди у.— Қимлар экан?

— Кимлигини кейин биласан!— дедим мен.— Сен ту-хумни кўпроқ ғамлаб қўй, пишлоғу сариёғ бизда бема-лол. Уч кишига етадиган қилиб қуймоқ пиширасан. Улар табаррук китобдан ҳеч балони тушунмайдилару, аммо ҳар қанча овқатни кўрдим демайдилар!

— Очлар элидан келган бирон ношуд сизникига меҳ-монга бораман, дегандир-да.

— Тентаксан, Голда!— дедим мен.— Биринчидан, борди-ю, бирор камбағални байрамда қуймоқ билан меҳмон қиладиган бўлсак, катта гуноҳ қилар эканмизми? Иккинчидан, азиз ҳалол жуфтим, диёнатли ва ито-атли Голда хоним, сенга маълум бўлсинки, меҳмонлари-миздан бири анов сенга гапириб берганим бева хотин-нинг ўғли Арончик бўлади.

— Ҳа, шундайми?— деди.— Ундай бўлса бошқа гап. Ана, миллионининг кучини кўринг! Ҳаттоки менини Голдам ҳам бурнига салгина пул ҳиди кирган замон бу-тунлай бошқа одам бўлиб қолади. Дунё шунақа-да, нимасини айтасиз! Дуода айтилганидек: «Қумуш билан олтинини одам топган»,— пул кишини хароб қилади.

Қисқаси, қувончли, гўзал байрам кунин келди. Бу вақт меннинг қўрғоним нақадар кўркамлигини, ҳамма ёқ ям-яшил бўлиб кўкарганлиги ва ҳавонинг майишлигини сиз-га гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шаҳарнинг энг кат-та бойи ҳам ўзида шундай мовий осмон, шундай яшил ўрмон, хушбўй қарағайлар, ажойиб майсазор бўлишини орзу қиларди. Биласизми, бу майса снгирлар учун қан-дай ширин озуқа, улар тикка турганларича кавшайдн-лар ва гўё: «Сиз бизни доим шундай ширин ўт билан боқинг, шундай қилсангиз биз сутни сира аямасдан кўп қилиб берамиз» демоқчи бўладилар.

Сиз нима десангиз ҳам, бошимдан зар қуйсангиз ҳам қишлоқни шаҳарга алмаштирмайман. Шаҳарингиз-де бундай осмон борми? Дуода айтилганидек: «Осмон

худонинг чодиридир»,— бундай осмон фақат худога муносиб! Шаҳарда бошингни кўтарсанг нима кўрасан? Уй, том, мўри. Шаҳарда бундай дарахтлар борми? Мабодо, дарахт учраб қолгандаям, у албатта рўдапога ўралган бўлади.

Хуллас, меҳмонларим қўрғонимга келиб, уни завқ билан томоша қилдилар. Улар тўрт киши бўлиб, от миниб келишди. Отлари бир-биридан яхши. Арончик минган аргумоқни уч юз сўмгаям сотиб ололмайсан.

— Марҳамат, марҳамат, келинглар, азиз меҳмонлар!— деб кутиб олдим уларни.— Байрам шарафига отда сайр қилишга қарор қилибсизлар-да.¹ Майли, нимаюм дердим! Тевье мутаассиб одам эмас, аммо бунинг учун нариги дунёда сизни савалайдиган бўлсалар, меним баданим оғримас...

— Голда! Ҳай, Голдажон! Қуймоқларингни тезлатгин. Столни бу ёққа, ҳовлига олиб чиқишсин, уй ичида, меҳмонлар олдида мақтанарли ҳеч бало йўқ. Ҳай, Шпринца, Тайбл, Бейлка! Қаерга йўқолдиларинг? Чаққонроқ қимирласаларинг-чи!

Шу тариқа кетма-кет берилган буйруқлардан кейин стол, стулларни, дастурхон, тарелка, пичоқ, вилка, туз ва бошқа ҳамма зарур нарсаларни олиб чиқишди, шу маҳал Голдам буғи чиқиб турган иссиқ қуймоқларни кўтариб келди. Қуймоқлар бир ширин бўпти денг! Меҳмонлар мақтаб-мақтаб ейишди...

— Нимага қаққайиб турибсан?— дедим мен хотинимга.— Байрам шарафига яна пиширинч керак! Бугун ёз байрами-ку, бугун «ҳамду сано» сураси икки марта ўқилади!

¹ Яҳудийлар динида шанба куни ва байрам кунларида от миниб ман қилинган. Шунинг назарда тутиб, Тевье бу гапларини меҳмонларга танбеҳ тариқасида кесатиб айтади. (Ред.)

Голда ўйлаб-нетиб турмасдан товоқни яна тўлдирди, Шпринца уни дастурхонга қўйди. Бирданига Арончикка қарасам, у менинг Шпринцамга тикилиб қолипти, ундан ҳеч кўзини олмайди. Ҳайронман, нимага унга шунча тикилиб қолди?

— Олинг!— дедим мен унга.— Нега емаяпсиз?

— Сизнингча, мен емасдан, нима қиляпман?— деди у.

— Сиз менинг қизимга, Шпринцага қараб турибсиз...— дедим мен.

Бир кулги бўлди денг. Ҳамма кулди, Шпринцаям кулиб юборди... Ҳамма хурсанд, ҳамма қувонади... Ажойиб гўзал байрам! Бу хурсандчиликнинг бошимга бало бўлишини, кейин бориб азага айланишини ким билибди дейсиз!.. Нима ҳам деярдингиз? Одам аҳмоқ! Ақлли одам ҳамма нарсани ўзига олавермайди. Ҳар нарсани борица, яъни қандай бўлса шундай тушуниш керак. албатта шундай бўлиш керак, деб билиш керак. Зотан, бошқача бўлиши лозим бўлса, бундай бўлмас эди, албатта бошқача бўларди. Забурда «Худодан умидвор бўлгин» дейилган-ку,— сен унга умид боғлайвер, у жим турмайди, сени ерга букчайтириб қўяди... «Шунгайм шукур!» дейсан яна. Бу ёруғ дунёда нима ҳоллар келиши мумкинлигини эшитинг, аммо илтимос қиламан: диққат билан эшитинг, чунки ҳақиқий воқеа энди бошланади.

«Кеч ҳам бўлади, эрта ҳам бўлади»,— бир кунги кеч-қурун Бойберик чорбоғларида чопиб юриб, терлаб-пишиб, чарчаб уйга қайтиб кирсам, уй олдига боғланган таниш отни кўрдим. Қасам ичаманки, бу — мен биринчи кўришимда уч юз сўм баҳо қўйган, Арончикнинг тойни эди. Мен ёнига келдим-да, биқинига уриб бўйинини қитқалаб, ёлидан сслаб қўйдим. «Жонивор, бу ерда нима қилиб турибсан?» дедим. У ўзининг чиройли бошини бу-

риб, «Нега мендан сўрайсан? Хўжайиндан сўрагин!» дегандай чаросдай кўзлари билан менга тикилди. Уйга кирдим-да, хотинимдан сўрадим:

— Айтгин-чи, Голда, азизим, Арончик бу ерда нима қилиб юрибди?

— Қайдам? — деб жавоб берди у. — Ахир, у сеннинг ошналарингдан-ку.

— Қаерда ўзи?

— Сайр қилиб келамиз деб болалар билан дарахтзор томонга кетди.

— Бекордан бекорга қанақа сайр экан у? — дедим ва дастурхон ёзишни буюриб овқатландим. Аммо безовтаман. Сал туриб ўйладим: «Сен, Тевье, нимага хафа бўлиб ўтирибсан? Ахир, киши уйингга меҳмонга келибди, бундан нега хавотир олиш керак? Аксинча...»

Шу маҳал қарасам йиғитча билан қизларим қайтиб келишяпти, қўлларида гулдасталар, олдинда кичиклар — Тайбл билан Бейлка, орқада Шпринца билан Арончик.

— Салом!

— Салом!

Арончик ёнимга келди, лекин кўриниши ғалати, отини силаб, ўт тишлаб турибди.

— Жаноб Тевье, — деди у, — сиз билан бир ин қилмоқчиман. Отларни айирбош қилсак. Мен сизга ўз отинини берай, сиз менга ўз отингизини.

— Мазох қилгани мендан бошқа одам тополмадингизми? — дедим.

— Йўқ, — деди у, — мен жиддий гапиряпман.

— Шундайми? Жиддийми? Сизнинг отингиз, мисол учун, қанча туради?

— Сизнингча, қанчага бериш мумкин? — деб сўради у.

— Мен нархини айтишгаям қўрқаман, уч юз сўм турса керак, балки ортиқроқдир!

У кулди ва мен айтгандан уч барабар ортиқ туришини айтди. Яна:

— Хўш? Алишамизми? — деб сўради.

Унинг гаплари менга ёқмади: бу нима деган гап ахир, ўзининг учқур отини менинг қирчанғим билан айирбош қилса? Мен бу ишни ҳозирча қўйиб туришни таклиф қилдим ва наҳотки отларни айирбош қилгани атайлаб келган бўлсангиз? — деб ҳазиллашдим. «Агар шундай бўлса, бекор овора бўпсиз...» дедим. У эса менга жиддий суратда:

— Аслини айтганда, мен сизникига бошқа бир юмуш билан келганман. Хоҳласангиз, юринг, бир оз сайр қилиб айланиб келайлик,— деди.

«Бу қанақа сайр экан?» деб ўйладиму, у билан дарахтзор ичига кириб кетдик. Кун аллақачон ботган эди. Дарахтзор ичи ғира-шира, тўғон олдида қурбақалар вакиллайди, майсанинг хуш ҳиди димоққа уради — мазза! Арончик кетяпти, мен ҳам кетяпман; у жим, мен ҳам жим. Ниҳоят, у тўхтади-да, йўталиб:

— Жаноб Тевье, борди-ю, мен сизга қизингиз Шпринцани яхши кўриб қолдим, унга уйланмоқчиман, десам сиз бунга нима деяр эдингиз?

— Нима дердимми? Мен жинпилардан бирини ўчириб, сизни рўйхатга тиркаб қўйиш керак...

У менга тикилди-да сўради:

— Бу нима деганингиз?

— Нима деган бўлсам, шу деганим.

— Тушунмайман.

— Демак фаҳмингиз етмади,— дедим.— Табаррук китобда айтилганидек: «Донишманднинг кўзи мясида бўлади...» Бунини бундай деб тушуниш керак: ақллига имо кифоя, аҳмоққа таёқ ҳам қилмайди...

— Мен сиз билан очик гапиришяпман,— деди у ранжиб,— сиз бўлсангиз ҳазил ва ҳикматлар билан гапни чалкаштиряпсиз...

— Албатта, ҳар бир ашулачи ўзича ашула айтади, ҳар бир воиз ўз манфаатини кўзлаб тарғиб қилади... Агар сиз нимани тарғиб қиятганингизни биламан десангиз, аввало онангиз билан гаплашиб кўринг, у сизга ҳамма нарсани очик-ойдин қилиб айтиб берар...

— Сиз мени ёш бола деб ўйлайсизми, ҳамма ишни онамдан сўраб қилсам?

— Албатта онангиздан сўраб иш қилишингиз керак. Онангиз бўлса сизга ақлингни еб қўйибсан, дейди ва шундай деганда сўзсиз ҳақ бўлади.

— Ҳақ бўлади дейсизми?

— Албатта ҳақ бўлади,— дедим мен. — Ўйлаб кўринг, сиз қандай қилиб менинг Шпринцамга қайлиқ бўла оласиз? У сизга тенг эканми? Энг муҳими ойингиз мен билан қариндош бўлишга қандай қарар экан?

— Сиз қаттиқ янглишяпсиз, жаноб Тевье! — деди у.

— Мен ўн саккиз яшар бола эмасман ва онам учун унга мувофиқ қариндош қидириш ниятида ҳам эмасман. Мен сизнинг ким эканингизни, қизингиз ким эканини яхши биламан... У менга ёқади, мен шуни хоҳлайман, шундай бўладиям!

— Кечирасиз, гапингизни бўламан,— дедим. — Назаримда бир томондан, ишни тўғрилабсиз. Аммо иккинчи томони қандай бўлди?

— Нима гапираётганингизни тушунмаяпман.

— Мен қизимни, Шпринцани айтяпман... У билан гаплашдингизми? У сизга нима деди?

У гапимдан гўё ранжигандай бўлиб:

— Албатта! — деди кулимсираб.— Гапиришганман албатта, бир марта эмас, бир неча марта гапиришганман. Ахир, ҳар куни бу ерга келаман-ку.

Эштяпсизми? У ҳар кунн бу ерга келар экану, мен мутлақо беҳабарман. Эҳ, Тевье, Тевье! Қовоқ калласан! Еган овқатинг ҳаром сенга, олдинга похол солиб қўйиш керак! Ҳар кимнинг лақиллатишига йўл қўйиб берадиган бўлсанг, ахир сени бир чақага сотиб ҳам оладилар, сотиб ҳам юборадилар, ғирт эшаксан!

Шу тариқа ўзимни сўкиб-сўкиб, Арончик билан уйга йўл олдик. Уйга етиб келгач, Арончик уйдагилар билан хайрлашди-да, отига миниб Бойберикка жўнади.

Энди, сиз ўз китобингизда ёзгандай, шаҳзода йўлда кетаверсин, икки оғиз сўзни маликадан, яъни Шпринцадан гапирайлик...

— Менга шуни айт-чи, қизим,— дедим унга,— гапириб бергин-чи. Арончик мендан бекитиқча сен билан нима ҳақда гаплашди?

Тўнкадан жавоб олиб бўладими? Уям тўнкадай гап. Қизариб-бўзарди, кўзини ерга тикди, келинчакка ўхшаб жим тураверди! Майли, деб ўйладим, ҳозир гапиришни хоҳламаяпсан, ҳечқиси йўқ, кейин гапирарсан... Тевье хотин киши эмас, унинг сабри чидайди. Бир қанча вақт фурсат пойлаб юрдим, сўнгра пайти келиб қолиб, юзма-юз икковимиз қолганимизда:

— Айтгин-чи менга Шпринца,— дедим.— Мен сендан сўрамоқчиман: сен Арончикнинг қанақалигини оз бўлсаям биласанми?

— Албатта биламан,— деди у.

— Унинг лой ҳуштак эканлигини биласанми?

— Лой ҳуштак? Нима деганинг у?

— Пуч ёнғоқ,— дедим.— Қурт еган пуч ёнғоқ. Пуфласанг ҳуштак чалади.

— Янглишяпсан, дада!— деб жавоб берди у.— Арнольд яхши одам.

— Э-ҳе, энди у кишим сиз учун Арнольд ҳам бўп қолдими? Арончик ширилатон эмас-а? Арнольд?

— Арнольд ширилатон эмас,— деди қизим.— У жуда кўнгилчан, мулойим йигит. Афсуски, Арнольд пулдан бошқани билмайдиган паст одамлар ичида яшайди.

— Шунақами? — дедим.— Сен ҳам, Шпринца, фалсафа сотадиган бўлиб қолдингми? Сен ҳам пулни ёмон кўрадиган бўлдингми?

Гапларидан фаҳмладимки, иш анча чуқурлашиб кетибди, мен кечроқ сезиб қолибман. Нима дейсиз энди, ўтган ишга салават. Мен ўз болаларимнинг феълларини жуда яхши биламан. Мен сизга бир марта айтган эдим. Тевъенинг қизлари, қуриб кетгурлар, кишига ёпишиб олсалар жон-диллари, бутун вужудлари билан ёпишиб оладилар. Кейин ўйлаб: «Аҳмоқсан! — дедим ўзимга.— Сен дунёда ҳаммадан ақлли бўлмоқчисан. Балки бу иш худодандир? Балки ана шу бўш-баёв Шпринцанинг шарофати билан бошингдан кечирган ҳамма кулфат ва мусибатларнинг роҳатини кўрарсан. Эҳтимол, қариган чонингда ҳузур-ҳаловатда яшаб, ёруғ дунёда фароғатда яшашнинг қандай эканлигини биларсан? Балки қизингга миллионер бўлиш насибдир? Нима? Қизинг миллионер бўлса ярашмайдими сенга? Тевъе умр бўйи қашшоқликда яшаши, от ҳайдаб Егупец бойларининг молдай ейишлари учун ғам чекиб пишлоқ, сариёғ ташиб юриши зарур эканим, бу ишни унга худо баҳолаб берибдими? Ким билади дейсиз, балки худо Тевъе қариган куннда бирон эзгу иш қилсин, саховатли меҳмондўст хўжайин бўлсин дегандир, балки бутунлай илмли кишилар билан бирликда ўтириб олиб муқаддас китоблар билан машғул бўлсин, дегандир?» Бошимга ана шундай ажойиб ширин хаёллар келади... Оятда айтилганидек: «Одамнинг кўнглида орзу-армон кўп», мужиклар таъбири билан айтганда: «Тентак хаёл билан бойийди...» Уйга кирдим-да, кампиримни бир четга чақириб гап бошладим:

— Бизнинг Шпринцамиз, айтайлик, миллиончи хотин бўлса нима бўлибди? — дедим.

— «Миллиончи хотин» деганинг нима ўзи?

— Яъни миллиончи эрнинг хотини дегани бўлади.

— Миллиончи эр қанақа бўлади?

— Миллион сўм пули бўлган киши миллиончи бўлади, — дедим.

— Миллионнинг қанча бўлади? — деди у.

— Сен аҳмоқ, миллионнинг қанча эканлигини билмасанг, сен билан гаплашишдан не фойда? — дедим.

— Мен билан гаплаш деб ялиняпманми? — деди у.

Унинг гапи ҳам тўғри. Хуллас, кун ўтди. Уйга қайтиб келдим.

— Арончик келдими?

— Йўқ, келгани йўқ.

Яна бир кун ўтди.

— Йигит кўринмадими?

— Йўқ, кўринмади...

Бирон нарсани баҳона қилиб бева хотиннинг уйига киришни эп кўрмадим: Тевье қариндош бўлиш пайида юрибди, деб кўнглига келмасин дедим... Бундан ташқари, унинг учун буларнинг ҳаммаси «тикан ичидаги атиргул» дай бир гап эканлигини сездим. Аммо мен нега шундай эканлигини тушуниб ета олмаяпман. Менинг миллион пулим бўлмагани учунми? Лекин қудам миллиончи-ку! Унинг қудаси-чи? Унинг қудаси гадой, қашшоқ, сутчи Тевьеми? Ким мағрурланса бўлади? Уми, менми? Мен сизга кўнглимдаги ҳақиқий гапни айтсам, бу никоҳни мен чин қалбимдан хоҳладим, аммо никоҳнинг ўзи учун эмас, балки кўпроқ қолиб чиқиш учун, қолибликни ҳис қилиш учун хоҳладим. «Ўша мен кўрган Егупец бойлари Тевьенинг қанақа одам эканлигини билсинларда! Ҳозиргача ҳамманинг тилида Бродский эди, ҳамма ўша Бродскийни биларди, гўё бошқалар одам эмас!»

Бир кунн Бойберикдан қайтиб келәтганимда шу ўйлар бошимдан кечди. Уйга келсам, кампирим хушхабар билан кутиб олди: Яқиндагина Бойберикдан чопар келибди, бева хотин Тевье тезда, ярим кечада бўлса ҳам келиб кетсин деб чақирибди. «Барибир, отни қўшиб кставер, у ерда йўлнингга интизор бўлиб ўтиришибди!»

— Нимага уларга шунча зарур бўлиб қолибман? — дедим. — Нимага шунча шошилишяпти?

Шпринцага кўз ташладим. Жим турибди, аммо кўзлари нима гаплигини айтиб турибди... Унинг кўнглидагини ҳеч ким менчалик билмайди... Мен доим хавфсирардим, ҳар нарса бўлиши мумкин, ахир, — бутун иш пучга чиқиб қолса-чи! Арончикни ёмонлаб роса тупроққа қорғаштирдим. Лекин бу гаплар Шпринцага қор қилмади, деворга гапирган билан баб-баравар бўлди, лекин у шамдек эриб кетяпти.

Мен кеч кириб қолган бўлса-да, отни қўшиб Бойберикка жўнадим. Йўлда кетаётиб ҳамон ўйлайман: «Улар нега мени шошилнч чақирншяпти экан? Менинг розилигимни олиш учунми? Ёки унашишгамикин? Ахир, йигит ўзи бизникига кела қолсаям бўлар эди-ку? Мен ҳар ҳолда қаллиқнинг отасиман-ку!» Аммо шу заҳоти кулиб юбордим: ҳеч вақт бой камбағалникига биринчи бўлиб келарканми? Қиёмат қойим бўлдимми? Маҳшар туғилдимми? Ҳозирги ёшлар: «яқинда шундай кун келаднки, бою камбағал тенг бўлиб қолади, сеники меники бўлади, меники сеники деб мени ишонтирмоқчи бўлишадн. Э, бўлганча бўлмайдимми? Халойиқ унча аҳмоқ эмас шекилли, — ундай аҳмоқлар ҳали туғилгани йўқ. Ҳа, шунақа!»

Шу ўй-хаёллар билан Бойберикка келиб етдим ва тўппа-тўғри бева хотиннинг чорбоғига бордим. Отимни боғладим. Қани бева хотин? Ҳеч қандай бева хотин йўқ!

Пигит қани? Ҳеч қанақа йигит йўқ! Бўлмаса, мени ким чақирди?

— Сизни мен чақирдим!— дея жавоб берди сийрак соқолли, қорнида йўғон олтин занжир осиглиқ, думалоқ, семиз киши.

— Сиз ким бўласиз ўзингиз?— деб сўрадим ундан.

— Мен бева хотиннинг акасиман,— деди у,— Аропчикнинг тоғаси бўламан. Мени телеграмма бериб Екатеринбургдан чақириб олишди, мен ҳозиргина бу ерга келиб тушдим...

— Ундай бўлса, хуш келибсиз!

Ўтириб олдим, у мени ўтирганимни кўргач:

— Ўтиринг!— деб таклиф қилди.

— Раҳмат,— дедим,— ўтирибман-ку. Ҳол-аҳволларингиз? Унда косметуция билан қалайсизлар?

Бу гапларимга у жавоб бермади, качалкага ўтириб олиб, қўлларини икки чўнтагига суқди ва олтин занжир осиглиқ қорнини дўппайтириб менга муражаат қилди:

— Исмингиз Тевье шекилли?

— Ҳа,— дедим мен,— мени тора ўрамаси¹ олдиға чақирибганда: «Кел, Шнеер-Залман ўғли, жаноб Тевье!» деб чақирибди...

— Гапимга қулоқ солинг, жаноб Тевье,— деди у.— Гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чўзмасдан тўппатўғри иш тўғрисида гапиришиб қўя қолайлик.

— Бўпти,— дея жавоб бердим мен.— Сулаймон ҳам: «Ҳар нарса ўз фурсати билан» деган. Иш тўғрисида гапириш керак экан, марҳамат, гапиришайлик. Мен ўзим ишчан одамман...

¹ Тора — тавротнинг биринчи қисми. Шу текст ёзилган ва синагогда сақланадиган пергамент ўрама ҳам тора деб аталади. (Ред.)

— Сизнинг ишчанлигингиз кўриниб турибди...— деди у.— Мен ҳам сиз билан купослар тилида гапирншмоқчиман... Аммо сиз менга дангалини айтиб қўя қолинг, бу иш бизга қанчага тушар экан? Аммо дангалини айтинг!

— Дангалини айтсам,— дея жавоб бердим мен,— билмадим, сиз нима тўғрисида гапиряпсиз?

— Жаноб Тевье,— дея яна менга мурожаат қилди у қўлларини чўнтагидан олмасдан,— мен сиздан сўраяман, бу ташвиш қанчага тушар экан?

— Қанчага тушиши тўйни қандай қилиб ўтказишингизга боғлиқ,— деб жавоб бердим мен.— Сиз агар тўйни ўзларингга муносиб тарзда дабдабали қиламиз десаларинг, бунақа тўйга менинг қурбим етмайди.

У менга тикилиб қолди ва деди:

— Сиз ё ўзингизни гўлликка соляпсиз, ёки ҳақиқатан ҳам... Аммо сизни гўл одам деб бўлмайди. Сизлар менинг жиянимни жуда усталик билан тузоққа илинтирибсизлару... Байрам қуймоғига деб алдаб меҳмонга чақириб, унга бир паризодни рўпара қилибсиз, у паризод сизнинг қизингизми, йўқми, мени бу қизиқтирмайди... У паризод жиянимга ёқиб қолипти, яъни у кишим хуштор бўлипти. Аммо йигитнинг қизга ёқиб қолганлиги тўғрисида гапирмай қўя қолай, бу ўз-ўзидан маълум... Мен ёмон фикрда эмасман, эҳтимол, у қиз соф дил, покизадир, бунинг ҳаммасини у бечора жиддий деб билгандир... Аммо сиз билингки, сиз киму, биз ким? Ахир, сиз идрокли одамсиз, танангизга ўйлаб кўринг, пишлоқ, сариёғ ташиб юрадиган сутчи Тевье қандай қилиб бизга қариндош бўла олади? Улар бир-бирларига сўз беришган экан, бунинг ҳечқиси йўқ, сўзларидан қайтишади қўяди. Бу унча оғир иш эмас! Агар йигитни ўз ваъдасидан озод қилиш учун тўлов бериш лозим бўлса, марҳамат, олаверинг! Бунга бизнинг ҳеч қандай қаршилгимиз йўқ. Қиз бола, йигит эмас албатта, у сизнинг қизингиз

бўладими, йўқми, бу тафсилотлар мени қизиқтирмайдими...

«Ё худо, ё парвардигор!— деб ўйладим мен.— Бу кишига нима керак экан мenden?»

У бўлса гапиравериш мнани қоқиб қўлимга берди.

— Сиз жанжал кўтаришни, менинг жияним қизингизга уйланмоқчи бўлганини ҳамма ёққа жар солишни ҳаёлингизга ҳам келтирманг!.. Сиз менинг синглимни бемалол соғиб ичавериш мумкин деб сира ўйламанг!..— деди у.

Ундан кўра яхшиси бежанжал, тинчгина мен садақа тариқасида пича пул олсам бўлар эмиш... Ундан озмоз пул кетса кетаверар эмиш, биз ҳаммамиз инсон эмишмиз, баъзан кишиларга ёрдам кўрсатиш керак эмиш...

Мен унинг бу гапларига нима деб жавоб қилганлигимни билмоқчи бўларсиз? Мен, шўрим қурсин,— унга ҳеч нима демадим. Айтадилару: «Тилим танглайимга ёпишди», гапиролмай қолдим. Ўрнидан турдим-да, эшикка қараб юрдим. Ёнғиндан, турмадан қочгандек қочиб қолдим!

Бошим ғувиллаб кўз олдим қоронғилашиб кетди, қулоғимда унинг сўzlари жаранглайди... Очиғини айтганда... «У сизнинг қизингиз бўладими, йўқми...», «Бевани бемалол соғиб ичавериш мумкин деб ўйлайсизми?...», «Садақа тариқасида пича...»

Отим ёнига келдим-да, бошим билан аравага шўнғиб,— мени масхара қилиб кулмайсизми?— йиғлаб юбордим. Ўзоқ йиғладим. Йиғлаб бўлиб аравага ўтириб олдим-да, кўнглимда тўлиб-тошган аламни шўрлик отимдан олдим. Аюб найғамбар сингари ҳудойи таолога мурожаат қилиб: «Ё худо, бу кекса Тевъе, сенга нима ғуноҳ қилди? Илми учун уни ҳеч тинч қўймайсан? Ахир, бу дунё менга қараб қонгани?»— дедим.

Уйга қайтиб келдим, ҳамма дилхуш, кулишиб, ило-йим кўз тегмасин, кечки овқат еб ўтиришибди. Шпринца кўринмайди.

— Шпринца қани?— деб сўрадим.

Улар бўлса:

— Нима гап экан? Нега чақиринган экан?— дейишади.

— Шпринца қани?— деб яна сўрадим.

Улар яна:

— Нима гап?— дедилар.

— Унчали айтадиган гап йўқ,— дедим мен.— Тинчлик, худога шукур. Погромлар тўғрисидаям ҳеч гап эшитилмайди...

Шу он Шпринца кириб келди. У менга тикилиб қаради-да, ҳеч нарса бўлмагандай, гўё унинг ҳақида гап ҳам йўқдай, стол ёнига келиб ўтирди. Юзидан ҳеч нарса билиб бўлмайди, фақат ҳаддан ташқари ювош тортиб қолди. Унинг ўйчанлиги, кўр-кўрона мутелиги менга ёқмайди. Унга ўтир десанг ўтиради, е десанг ейди, кет десанг кетади. Чақирсанг югуриб келади... Унга қараб юрагим ачишади, кўнглимда билмадим, кимгадир қарши газаб ўти ёнади... Ё, худовандо! Нега шунча азоб беряпсан менга? Кимнинг гуноҳлари учун?

Қисқаси, сиз бу воқеанинг охири нима билан тамом бўлганлигини билишни хоҳлайсизми? Бундай ишни мен энг ёмон душманимга раво кўрмайман, нега десангиз, фарзандларнинг бошига тушган кулфат ота-она учун худонинг лаънати, энг оғир жазосидир.

Ким билади дейсиз, балки ким бўлсаям бировнинг қарғишига қолгандирман? Сиз бундай нарсаларга ишонмайсизми? Бўлмаса, сизнингча бу нима ўзи? Айтинг, эшитайлик... Э, нимасини айтасиз, мулоҳазага ўрин борми? Охири нима бўлганлигини гапириб қўя қолай.

Бир куни одатдагича кечқурун уйга қайтиб келаётган эдим. Кўнглим ғашлигини ўзингиз ҳам тушунаси: ўйлаб кўринг, ахир, қандай алам, қандай номус! Ўз боланг учун ачинганингни айтмайсанми! У бева хотинчи?— деб савол беришингиз мумкин.— Ўғли-чи? Бева хотин қаерда-ю, ўғли қаерда! Хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолишибди. Айтишга уят, ҳатто мендан олган сарийғ ва пишлоқлари учун ҳисоб-китоб ҳам қилишмади. Хайр, бу ҳақда гапириб ўтирмасаям бўлади. Эсларидан чиқарган бўлсалар керак... Мен хайр-маъзур қилмай жўнаб қолганларини айтяпман. Шпринцанинг ҳоли нима кечганлигини мендан бошқа ҳеч ким билгани йўқ, нега десангиз, мен отаман-да, отанинг кўнгли сезади... Сиз ўйламанг, у менга ҳеч нарса айтгани йўқ! Нолиганиям, йиғлаганиям йўқ! Агар шундай деб ўйласангиз, демак, сиз Тевъенинг қизлари қанақалигини билмас экансиз. Чурқ этмайди, бутун ғами ичида, худди шам каби эриб, сўниб боряпти. Аҳён-аҳёнда чуқур хўрсиниб қўяди, хўрсинганда одамнинг юраги пора-пора бўлиб кетади!

Хуллас, ғамли ўйларга чўмиб қайтиб келяпман, худога ҳар хил саволлар бераман ва у саволларга ўзим жавоб қайтараман. Худо энди мени унча безовта қилмай қўйди, бир амаллаб у билан муносабатни ўнглаб олдим, аммо одамлар қўймайди: одамлар нега шунчалик ёвуз-а? Улар бир-бирига яхшилик қилолмайдиларми? Нега улар бошқаларнинг ҳам, ўзларининг ҳам турмушларини бузишлари керак? Ахир, улар ҳам яхши, бахтиёр бўлиб яшашлари мумкин-ку! Худо кишини нима учун яратган? Унинг умри азобда ўтсин учуми? Бушнинг нима кераги бор экан унга?

Ана шундай ўйлар билан қўрғонимга келаётсам, узоқда тўғон ёнида бирталай одам тўпланиб турганини кўрдим: деҳқонлар, қизлар, йигитлар, ўспиринлар, бо-

лалар... Нима бўлди экан? Ёнғин деса кўринмайди. Биронтаси фарқ бўлган бўлса керак. Тўғон ёнида чўмлаётиб фарқ бўлгандир. Дуоларда айтганимиздай, ўлим қаерда ва қачон келишини одам боласи билмайди...

Бирдан қарасам, менинг Голдам қўлочини ёзиб олдимга чопиб келяпти, бошидаги рўмоли шамолда ҳилпирайди... Олдинда болаларим -- Тайба билан Бейлка ув тортиб, энтикиб, йиғлашиб келишяпти:

— Қизим! Опагинам! Шприцца!

Мен сиздан нимани сўрамоқчи эдим? Ҳа! Сиз қачон бўлса-да, чўкиб ўлган кишини кўрганмисиз? Кўрмаганмисиз? Киши одатда ўлганида кўзлари юмуқ ҳолда ётади... Сувга чўкиб ўлган кишининг кўзлари очиқ... Биласизми, нега шундай?

Кечиринг мени, сизнинг жуда кўп вақтингизни олдим. Ўзимнинг ҳам ишим тиз: отимни қўшиб молларни тарқатиш керак. Тирикчилик маълум-ку! Пул топиш тўғрисида ҳам ўйлаш керак, ўтган ишга салавот, унутиш лозим. Чунки, устига тупроқ тортилган ҳамма нарса ёддан кўтарилиши керак, аммо одам тирик экан, у жонини юлиб ташлай олмайди. Бунда ҳеч қандай баҳона, найранг кор қилмайди, хоҳласанг-хоҳламасанг эски ҳақиқатга қайтаверасан: Танингда жонинг бор экан, аравангни тортавер, Тевье!

Соғ бўлинг, мени эсга оладиган бўлсангиз, ёмонлаб ёдламагайсиз.

1907

ТЕВЬЕ ФАЛАСТИНГА ЖУНАЙДИ

(Тевьенинг поездда гапириб бергани)

Оббо, кимни кўряпман! Эсон-омонгина бормисиз, жаноб Шолом-Алейхем? Зап учрашувми, а!— Тушим-гаям кирмаган эди! Салом! Омон бўлинг! Мен бўлсам, биласизми, доим йўқлардим: бу қанақа иш бўлди? У киши нега шунча вақтдан бери Бойберикдаям, Егупец-даям кўринмай қолди? Ҳар нарса бўлиши мумкин, ахир: бирданига бу дунёни тарк қилиб, у дунёга оёқ чўзган бўлса-я, деган хаёлга ҳам келдим. Лекин иккинчи томондан йўғ-э, у ақлли одам, бундай ножўя ишни қилмайди деб ўйлайман! Худога шукурки, эсон-омон кўришдик; анов китобда биласизми, нима деган? «Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан...» Сиз менга таниёлмагандай қараяпсиз. Ахир мен сизнинг эски ошнангиз Тевьеман. «Сиртига қарама»¹. Янги чакмон кийган бўлсаям, у ўша-ўша бахтсиз Тевье, аввал қандай бўлса ҳозир ҳам шундай, ҳеч ўзгарган эмас. Эҳтимол, шанбалик кийимларда кўзга сал тузукроқ, бойга ўхшаб кўринадигандир. Чулки одам кўпчилик ичига тушганда, айниқса, Фаластиндек узоқ жойга кетаётганда башангроқ кийинмаса бўлмайди. Ҳойнаҳой сиз умр бўйи сариеғ билан гишлоқ сотиб юрган Тевьедек оддий, кичик бир одам

¹ Талмуддан олинган сўзлар.

қанда қилиб бунақа катта ишга бел боғлади экан, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Бундай саёҳатга, қариган чоғида Бродскийдек одамнинггина қурби етиши мумкин, ахир! «Бошдан-оёқ жумбоқ», жаноб Шолом-Алейхем, иншонинг, менга ҳамма нарса ойнадек равшан! Сиз, марҳамат қилиб, чамадонингизни сал нарироқ суринг, мен ёнингизга ўтириб олайини ҳамма гапни сизга гапириб берайин. Мана, худонинг ўз бандасининг бошига солган ишларни эшитинг!

Аввало, сизга шуни айтишим керакки, илоҳим сизнинг бошингизга тушмасин, мен тул бўлиб қолдим. Менинг Голдам вафот қилди, худоё, жойи жаннатда бўлсин! У жуда содда, бегараз, аммо гоят тақводор хотин эди. Ишқилиб, у нариги дунёда болаларига ҳомий бўлсин, хотиним бечора болалари дастидан кўп ғам чекди, балки шу болаларнинг қайғу-ҳасрати туфайли бу дунёдан ўтди, чамаси, ҳар томонга «бири боққа, бири тоққа» жуфтакни ростлаб қолганларига бардош беролмади. «Ё худо,— деяр эди у,— бу қандай турмуш бўлди, бола бўлмаса. Бузоқни онасидан ажратилса сизир ҳам боласини қўмсайди...»

Ана шундай деярди-да, менинг Голдам, хунибийрон бўлиб йнғларди. Қарасам, у кундан кунга шамдек эриб, адоин тамом бўляпти, унга юрагим ачишади, кўнглимни очиб:

— Эй, Голда, азизим,— дейман,— ахир, табаррук китобда: «Ё болалардек, ё қуллардек» дейилган-ку, болалар бўлди нима-ю, бўлмади нима. Ахир, бизнинг марҳаматли ва қудратли улугъ худойимиз бор. Қодир худо, менинг бошимга озмунча кўргуликлар солдим! Шу қисмат душманларим бошига тушсин!

Аммо Голда бори-йўғи хотин эди-да... У менга:

— Шаккоклик қилма, Тевье! Гуноҳ бўлади...— деярди.

— Ана холос! Мен бирон ёмон гап гапирдимми? Сен нима деб ўйлайсан, мен худога қаршиманми, унга шак келтираманми? Ахир, худо дунёни шу қадар гўзал қилиб йўқдан бор қилибдики, болалар бўлди нима-ю, бўлмади нима, ота-оналар эса парвойи фалак, демак у нима қилишини билади...

Аммо Голда гапимга тушулмади, мен боғдан келсам у тоғдан келди:

— Мен ўламан Тевье, кечки овқатингни энди ким қилиб беради?

У менга бу гапларни гапиратиб кўзимга шундай қарадики, тош ҳам эриб кетарди. Аммо Тевье хотин киши эмас, унга ҳикматлар билан жавоб бердим.

— Голда,— дедим мен,— сен менга кўп йиллар вафо қилиб яшадиг, энди наҳот мени лақиллатиб кетсанг?

Қарасам мазаси йўқ!

— Сенга нима бўлди, Голда?— дедим.

— Ҳеч нима!— деди у пичирлаб.

Э-ҳе! Иш чатоқ, дарров отни қўшиб, шаҳарга жўнадим ва энг яхши докторни олиб келдим. Уйга қайтиб келсам — тамом! Менинг Голдам ерда ётибди, бошида шам ёниб турибди, устига қора парда тортилган, худди бир уюм тупроқ денг. Бошида турибману ўйлайман: «Одамнинг аҳволи шу-да! Эҳ, яратган парвардигор! Сен ўз банданг Тевьени не кўйга солиб қўйдинг? Энди қариган чоғимда нима қиламан? Шўрим қуриди!» Ерга ўзимни таппа ташладим. Дод де, фарёд қил, аммо нима фойда? Биласизми, мен нима дейман? Олдингда мурдани кўрганингда хоҳласанг-хоҳламасанг шаккоклик қиласан, «Биз нима-ю, ҳаётимиз нима?» деб ҳар хил фикрга келасан,— ўзининг айланаётган сайёралари-ю учиб бораётган поездлари билан, ўзининг бутун шовқин-сурони билан олам нима бўпти? Ҳатто ўзининг миллионлари

билан Бродский ким бўпти? Ҳаммаси беҳудал Дунё югур-югур, сур-сурдан иборат!

Қисқаси, мен Голдага «кадеш» ўқиш учун киши ёлладим ва бир йиллигини олдиндан тўлаб қўйдим. Ахир худо ғазабига олиб менга ўғил ато қилмай, нуқул қиз кетидан қиз берган бўлса, иложим қанча? Билмадим, ҳаммаям қизлари туфайли мен каби машаққат тортармикан, ёки фақат менгина шундай бахтсизмикиман? Яъни мен уларнинг ўзларига ҳеч нарса демайман, бахтни худо беради. Улар менга тилаган бахтнинг худойим ярмини берса-чи! Аксинча, қизларим менга ҳаддан ошиқ содиқ. Ана шу ҳаддан ошиғиям бўлмайди, зарарли. Мисол учун менинг кенжа қизимни олинг, унинг исми Бейлка. Сиз унинг қанақа қизлигини билсангиз эди! Сиз мени бугунгина кўриб турганингиз йўқ, неча-неча йиллардан бери танийсиз ва биласизки, мен бекордан бекор ўз боларини мақташни яхши кўрадиган оталардан эмасман. Бас, Бейлка устида гап очилган экан, мен сизга бир оғиз сўз билан айтишим керакки, худо бейлкаларни ярата бошлагандан буён бошқа бунақасини ҳали яратган эмас. Унинг гўзаллиги ҳақида гапирмасаям бўлади! Тевъенинг қизларини ўзингиз биласиз, гўзалликда улар бутун дунёга машҳур. Аммо Бейлкага келганда, ундан ўтадигани ҳали туғилмаган, у гўзалларнинг гўзали! Унинг ҳақида зарбулмасалда айтилганидек: «Ҳусн бебақо» дейиш мумкин — гап гўзалликда эмас, хулқда. Хулқ десангиз соф олтин! Мен унинг учун онлада доим биринчи кишиман. Аммо менинг Голдам, жони жаннатда бўлсин, ўлгандан кейин менга жуда меҳрибон бўлиб қолди! Гард юқтирмайди. Мен ўзимга шундай дедим, худо оятда айтилганидек: «Ўз ғазабидан олдин марҳаматини юборади», яъни касалликдан олдин шифосини беради. Аммо бир нарсани тушуниш қийин бўляпти: шифоси ёмонми, касалими... Бейлка мени деб ўзини пул-

га сотиб, мени, яъни дадасини қариган кунида Фалас-тинга юборишини қаердан билибман! Юбориши дега-ним, бу — гап. Худо ҳақи, бу ишда сиз қанча айбли бўл-сангиз, у ҳам шунча айбли. Бунда бутун айб у танлаган йиғитда. Мен уни қарғамайман ва унга лаънат ҳам ўқимайман, афти қурсин унинг! Чуқурроқ мулоҳаза қи-лишса, балки ҳаммадан кўп ўзим айблдирман, чунки бизнинг талмудда: «Одам гуноҳкор...» дейилган. Тал-мудда нима дейилганини сизга гапириб ўтиришим ортиқ-ча!

Қисқаси, мен сизнинг вақтингизни узоқ олиб ўтир-майман. Орадан икки йил ўтди. Менинг Бейлкам ўсиб, кўз тегмасин, вояга етди. Тевье бўлса доим ўз иши билан овора: аравасида ёғ, пишлоқ ташийди, ёзда Бойберикка, қишда Егупецга қатнайди, илойим фарқ бўлиб кетишсин улар! Шу шаҳарни кўргани кўзим йўқ, шаҳарниям унча эмас, шаҳарнинг одамларини, одамларнинг ҳам ҳамма-сини эмас, биттасини — Эфраим совчини, ер юткурни ёмон кўраман!

Энди совчининг қўлидан қандай ишлар келиши мум-кинлигини эшитинг.

Бир куни, сентябрь ойининг ўрталари бўлса керак, молларни аравага ортиб Егупецга бордим. Қарасам, рўпарамда Эфраим совчи келяпти! Мен сизга унинг тўғ-рисида бир вақт гапириб берган эдим. Эфраим совчи хийла заҳар одам бўлса-да, узоқдан кўришинг биланоқ, беихтиёр тўхтаб қоласан, ана шундай жозибали киши у...

— Қани дулдул,— дедим қирчанғимга,— энди мана бу ерда бир оз тўхтаб турасан, олдинга пичан ташлай-ман, чайнаб тур...

Эфраимни тўхтатиб сўрашдим-да, даромад қилдим:

— Ишлар қалай?

— Мазаси йўқ,— деб жавоб берди у хўрсиниб.

— Нега мазаси йўқ?— деб сўрадим.
— Иш йўқ,— деди у.
— Ҳеч-а?
— Ҳеч!
— Сабаби нима экан?— деб сўрадим мен.
— Сабаби шуки,— дея жавоб берди у,— ҳозир ни-
коҳ уйда ўқилмайдиган бўлди.
— Қаерда ўқилади бўлмаса?— деб сўрадим ундан.
— Қаердадир олисда, чет элда...
— Ундай бўлса ажодларимиздан биронтаси у ер-
ларда бўлмаган мендақа одам нима қилади?— дедим.
— Сиз учун,— деб жавоб берди у портсигарини менга
узатиб,— сиз учун, жаноб Тевье, шу ернинг ўзидаёқ
яхши нарса бор...
— Масалан?
— Бева хотин,— деб жавоб берди у,— болалари йўқ.
бир юз эллик сўм сепи бор, бообрў оилаларда чўри бў-
либ ишлаб келган...

Унга тикилдим-да, савол бердим:

— Жаноб Эфраим, сиз уни кимга таклиф қияпсиз?
— Кимга бўларди?— деди у,— сизга албатта!
— Тфу, қуриб кеткур! Ақлингизни еб қўйганга ўх-
шайсиз!— дея жавоб бериб, отимга қамчи солдим ва
кетмоқчи бўлдим.

Эфраим йўлимни тўсди.

— Кечиринг мени, жаноб Тевье, агар сизни ранжит-
ган бўлсам. Айтинг-чи, сиз кимни кўзда тутувдингиз?

— Кимни кўзда тутардим,— дедим унга,— кенжам-
ни-да!

Бу гапни эшитиб у ҳатто сакраб кетди ва пешанаси-
га уриб:

— Шошманг-чи!— деди.— Эсимга солганингиз, зап
яхши бўлди, жаноб Тевье! Худо умрингизни узоқ
қилсин!

— Омин!— дея жавоб бердим.— Сизгаям қиёматгача соғлиқ тилайман... Хўш, нега бирданига хурсанд бўлиб кетдингиз?

— Яхши!— деди қўлларини уқалаб.— Жуда соз! Бундан зўри бўлмайди.

— Нима гап ўзи, ахир?

— Сизнинг кенжангиз учун,— деди у,— мен биттасини кўз остига олиб қўйганман, бунақаси бўлмайди, бахт, энг катта ютуқ, бой, пул ачиб ётибди, миллионер, худди Бродскийнинг ўзи. Касби пудратчилик, оти Педоур.

— Педоур?— дедим мен,— оти таниш, панжкитобда учратганман.

— Панжкитоб нима деган нарсаси? Бунга панжкитобнинг нима алоқаси бор? У, яъни Педоур пудратчи, уйлар қуради, кўприклар солади, уруш вақтида Японияда бўлган, у ердан жуда кўп пул олиб келган. У ажойиб отларда, эшиклари олдида хизматчилари ўтирадиган ёпиқ фойтунда юради, уйда ҳаммоми бор, жиҳозлари Париждан келтирилган, қўлларида гавҳар узуклар, ўзи унчалик қари эмас, бўйдоқ, қип-қизил бўйдоқ! Аллақачондан буён чиройли қиз қидирыпти. Ким бўлишидан қатъий назар, очми, яланғочми, унга чиройли бўлса бас!..

— Др-р!— дедим мен.— Агар сиз бунақа тинмай сакрайверсангиз, сиз билан биз жаноб Эфраим, борадиган жойимизниям билмай қоламиз. Агар янглишмасам, сиз ўша қайлиқни менинг иккинчи қизим Годлгаям таклиф қилган эдингиз шекилли.

Бу гапларимни эшитиши билан совчим қорнини ушлаб қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади! Мен учаги узилиб кетмаса гўргайди, деб ўйладим...

— Э-ҳа!— деди у.— Ўшани эсга олиб ўтирипсизми ҳали... У киши урушдан одиноқ синиб, расво бўлиб Америкага қочиб кетди!

— Жойи жаннатда бўлсин!— дедим мен.— Эҳтимол, бунинг ҳам ўша ёққа уриб қолар?

Бу гапни эшитиб совчининг жаҳли чиқиб кетди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, жаноб Тевье? Ананиси одам эмас, ҳайвон эди, қаллоб, исрофгар эди, бу бўлса уруш вақтидан бери пудратчи, катта-катта ишлар қўлидан ўтади, ўзининг махсус контораси, хизматчилари яна... яна... яна...

Хуллас, Эфраимим шу қадар қизишиб кетдики, мени ҳатто аравадан судраб туширди ва ёқамдан ушлаб шунақа тортқилай бошладики, миршаб келиб, икковимизни ҳам авахтага юбормоқчи бўлди. Хайриятки, табаррук китобдаги «ўзгадан олавер» деган гап ёдимга келди, полиция билан тил топа билиш керак...

Хуллас, гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ниҳоят, ўша Педоцур кенжа қизим Бейлканинг қайлиғи бўлиб қолди, «кунлар кўпга чўзилмади», яъни айтмоқчиманки, биз уларнинг никоҳини қилгунча ҳар ҳолда анчагина вақт ўтди. Нега шундай чўзилди? Чунки киши ўлишни хоҳламаганидек, у, яъни Бейлка унга тегишни хоҳламади. Педоцур қанча кўп совға: тилла соат, гавҳар кўзли узук олиб келса, Бейлка шунча кўпроқ жирканаверди. Биласизки, мен хийла сизгир одамман. Буни унинг юзи айтиб турарди, тўкаётган кўз ёшини ҳам кўрардим, аммо бунимендан яширишга ҳаракат қиларди. Бир куни ўйлаб-ўйлаб унга ҳеч нарса бўлмагандай:

— Менга қара, Бейлка, Педоцурнинг мен қанча хуш кўрсам, сен ҳам шунча яхши кўрадиганга ўхшайсан...— дедим.

У лоладек қизариб кетди ва:

— Ким айтди сенга бунимен?— деди.

— Бўлмаса, нега кечалари билан йиғлаб чиқасан?

— Мен йиғлар эканманми?

— Ёўқ, йиғламайсан, ўксиб, энтикиб чиқасан,— дедим.— Сен бошини ёстиққа қўйганим билан кўз ёшимни яшираман деб ўйлайсанми? Сенинг даданг нима, ёш бола эканми, ёки миясини ёб қўйибдими? Сен бу ишни кекса отанг учун қилаётганингни даданг тушунмайдими? Сен отам қариган чоғида уриниб қолмасин, бошини суқадиган паноҳи бўлсин, кўчада қолмасин, худо сақласин, бир бурда нонга муҳтож бўлиб, тентираб, қўл чўзиб юрмасин дейсан-да. Агар сен шундай деб ўйлайдиган бўлсанг,— дедим мен,— тентаклик қиласан, қизгинам! Бизнинг улуғ ва қудратли худомиз бор, аммо Тевье бировларнинг марҳаматига сиғиниб, уларга нонхўр бўлиб яшайдиган кўрнамак эмас. Пул бўлса, табаррук китобда айтилганидек, беҳуда нарсас. Масалан, опанг Годлни олгин. У бечора қандай қийналяпти! Аммо, у олис бир ўлкадан нима деб ёзяпти, дунёнинг бир чеккасида бўлса-да, ўзининг бояқиш Перчиги билан бахтиёр умр кўряпти!..

Қани, ўйлаб топинг-чи, бу гапларимга Бейлка нима деб жавоб берди?

— Сен мени Годл билан тенглаштира,— деди у.— Годл бутун дунё алғов-далғов пайтда вояга етди. У вақтда одамлар бутун инсоният тақдири тўғрисида бош қотиришар, ўзлари ҳақида ўйламас эдилар. Ҳозир бўлса осойишталик, дунё ўз жойида турибди, ҳар ким ўзи тўғрисида бош қотиради, олам, инсоният тақдири эсдан чиқиб кетди...

Бейлка менга ана шундай жавоб берди, унинг бу гаплари тагида нима борлигини ўйлаб топинг энди?

— Хўш, Тевьенинг қизлари тўғрисида нима дейсиз?

Сиз уни никоҳ кийимида кўрсангиз эди — нақ малика! Мен унга завқ билан қараб: «Ажабо, наҳотки, бу Тевьенинг қизи Бейлка бўлса? Бундай сиполикни, юриш-туришни, кийимини қаердан ўрганибди? Кийимлари

ҳам қуйб қўйгандай» деб ўйладим. Аммо қизимни тўйиб томоша қилолмадим, ўша кунидек, никоҳдан кейин кеч-қурун соат олтиларда келин-куёв курьер поездига ўтиришди-ю, бойларга ўхшаб аллақандай Наталияга¹ — шифобахш сувга жўнаб кетишди. Шу кетганларича қишда келишди. Келганлари ҳамоно қандай бўлмасин дарров Егупецга етиб келсин деб, мен Бубекога эмас, деб ўйладим, чакки боришим шарт бўлса, чақириб қўя қолардилар.

«дарров»и нимаси? Демак Бубекога эмас, Аммо нима гап экан? Ана энди ҳаёлимга ҳаёлаверди, яхшисиям, ёмониям. Балки келин-куёв орасидан қора мушук ўтиб, юз кўрмас бўлишди, иш ажралишга тақалиб қолгандир? Аммо шу он узимга эътироз билан: «Телбасан, Тевье! — дедим. — Нимага ҳар нарсани тескарисига айлантираверасан? Нима учун чақираётганларини сен қаердан биласан? Балки улар сени соғиниб қолишгандир? Балки Бейлка дадасини кўрмоқчи бўлгандир. Эҳтимол, бу Педоцур дегани сени хизматга олмоқчидир, ўзининг ишбошиси қилиб қўймоқчидир? Ҳар қалай бориш керак». Ниҳоят, мен аравага ўтирдиму «Харраига жўнадим» — Егупецга кетдим. Йўлда ҳаёл сура бошладим: мен гўё қишлоқни ташлаб, сигирни, от-аравани ва ҳамма лаш-лушларини сотиб бутунлай шаҳарга кўчиб борган эмишман. Мен ўзимнинг Педоцурим қўлида аввал унинг ишончли вакили, сўнг кас-сир бўлиб ишлаб, бора-бора ҳамма пудратларини бошқарадиган бўлибман ва ниҳоят, унинг бутун ишига тенг шерик бўлиб олибман. Бутун даромад арра қилинади: ярми уники, ярми меники. Мен бўлсам, у каби бири саман ва бири жийрон — қўш от қўшилган файтун-

¹ Италия.

дагина юраман, ўз-ўзимга ҳайронман: «Нима бу ва нимага бу?» — мендай кичкина одам бунчалик катта ишларни қандай қилиб тебратади: Бунчалик дабдабанинг менга нима кераги бор? Турган-битгани ғалва, маш-маша-ку! Сиз айтгандай, «Тўралар билан суҳбат» қуриб миллиончилар ўртасида овора бўлиб юришни менга ким қўйибди? Қўйинглар мени, қариган чоғимда тинчгина умр кечирай, баъзан табаррук китобни варақлашни забурдан суралар ўқишни хоҳлаб қолади киши. Ахир қачон бўлса-да, руҳий озиқ тўғрисидаям ўйлаш керак, шундай эмасми? Сулаймон пайғамбар айтгандек: Киши бамисоли ҳайвон, қанча умр кўрмасин, барибир ўлишини унутади...

Ана шундай ўй-фикрларга чўмиб, худонинг мадади билан Егупецга келиб, тўппа-тўғри Педоцурникига бордим... Унинг улуғворлиги ва бойлигини, яъни унинг уй ва уй ичидаги жиҳозларини сизга мақтаб гапиришга тилим ожизлик қилади. Мен умримда Бродскийнинг уйини кўришга муяссар бўлган эмасман, аммо назаримда Педоцурнинг уйидан яхши ва гўзал уй бўлиши мумкин эмас! Подшоларнинг уйлариям ундан гўзал бўлмаса керак, масалан, эшик олдида турган, кийимларига кумуш тугмалар таққан дароз қоровулини айтмайсизми? Мени ичкарига қўймади, йўлимда девор бўлиб туриб олди. Нима гап ўзи? Эшик ойнаванд бўлганидан ер юткур, ўша дарознинг қаққайиб турганини кўриб турибман. Кийимини тозалаяпти. Мен унга бошимни силкиб, мени қўйиб юборинг дегандай қўлим билан имо қиламан, хўжайиннинг хотини менинг қизим бўлади дегандай бўламан... Аммо у эшакмия менинг имо-ишораларимга тушунмасдан: «Бор, жўна, йўқол!» дегандай қўли билан ишорат қилади! Бу кўргилик ҳам бор экан пешанамда! Ўз қизинг ёнига ҳам қуруқ қўл билан кириб бўлмас экан-да! Ўз-ўзимга: «Шўринг қурсин, сенинг Тевье,

сочларинг оқарган пайтда қандай аҳволга тушиб қолдинг!»— деб ойнаванд эшикка тикилдим. Қарасам, қандайдир бир қиз шу ерда айланиб юрган экан, «уй ходимаси бўлса керак» деб ўйладим, чунки кўзлари бежо кўринди. Ҳамма оқсочларнинг кўзлари шунақа бўлади. Мен, биласиз бойларнинг уйларига кўп келиб-кетиб юрганман, оқсочларнинг ҳаммаси билан таниш бўлиб қолганман... Мен унга: «Эшикни оч, қўзичоғим!» дегандай имо қилдим. Қизча эшикни очиб, ажабо, яҳудийча:

— Сизга ким керак?— деб савол берди.

— Педоцур шу уйда турадимми?— дедим.

— Ахир, сизга ким керак?— дея овозини баландроқ қилиб сўради у.

Мен ундан ҳам баландроқ қилиб:

— Мен сендан сўраяпман, саволимга тўғри жавоб бер! Педоцур шу ерда турадимми?— дедим.

— Шу ерда туради.

— Ундай бўлса сен билан мен бегона эмас эканмиз,— дедим.— Бор, Педоцур хонимга меҳмон келди дегин, дадангиз Тевье меҳмон бўлиб келиб, қачондан бери кўчада, гадойга ўхшаб эшик олдида турибди дегин. Нега десанг, анов ер юткур, тирноғингга арзимайдиган кумуш тугмали, серрайган бадбахтнинг назар-этибори ва илтифотига арзимабман!

Менинг нутқимни эшитиб қиз бола — яхшигина муғамбир кўринади,— хоҳолаб кулди-да, тумшугим олдида эшикни тарс этиб ёпиб, юқорига чиқиб кетди. Кўп ўтмади, югуриб пастга тушди ва мени шунақа бир қасрга бошлаб кирдики, бунақаси боболаримнинг тушигаям кирмаган бўлса керак. Ипак, бахмал, тилла, биллур... Юрсангиз қадамингизнинг овози эшитилмайди, чунки сиз ўзингизнинг гуноҳкор оёқларингиз билан қимматбаҳо ва момикдай юмшоқ гиламлар устида юрасиз. Соатларни айтнинг, соатларни! Деворларда соатлар,

столларда соатлар, сон-саноғи йўқ. «Ё парвардигор, бу нақалари дунёда кўпмикин? Шунча соатнинг нима кераги бор?» деб ўйладим. Қўлларимни орқага чалмаштириб боравердим. Ён-атрофга қарасам бирданига ҳамма томондан бир неча Тевье менга қараб келяпти. Бири у томон, бошқаси бу томон, бири рўпарамга, яна бири мендан нари кетяпти. Тфу, қуриб кеткур! Бутун атроф ойна экан!.. Фақат бу доғули пудратчигина шунчали соат ва шунчали ойнани ўзига раво кўриши мумкин!.. Шунда Педоур, семизгина, думалоққина, ялтироқ бош, бақириб гапирадиган ва қиҳ-қиҳ куладиган ўша Педоур кўз олдимга келди... У биринчи марта ўз дулдулларида қишлоғимизга, менинг уйимга келиб, худди ўз уйидагидек, бемалол ўтириб олгани эсимда. Менинг Бейлкам билан танишди-да, шу дамдаёқ мени бир чеккага чақириб олиб, гуё ҳеч ким эшитмасин деб, аммо Егупецнинг нариги бурчагигача эшитиладиган баланд овоз билан қулогимга, қиз унга маъқул бўлганлигини айтди ва пайсалга солмай ҳаш-паш дегунча никоҳ ўқитамиз деди! Қизим унга ёқиб қолганлиги тушунарли, албатта, аммо «пайсалга солмай, ҳаш-паш дегунча»си худди юрагимга ўтмас пичоқдек санчилди! «Пайсалга солмай, ҳаш-паш дегунча никоҳ» эмиш! Мен-чи, меним фикрим-чи? Бейлканинг фикри-чи? Шунда мен умри бўйи унутмайдиган қилиб, табаррук китобдан бир-иккита ҳикматдан айтиб бергим келди-ю, аммо иккинчи томондан: «Аралашиб нима қиласан, Тевье? Сен катта қизларингга маслаҳат бермоқчи бўлганингда улар қулоқ солдими маслаҳатларингга? Юз қоп гап гапирдинг, бисотингдаги илмингнинг барини сарф қилдинг, охирида ким лақиллаб, аҳмоқ бўлиб қолди, Тевье!»— дедим.

Хуллас, сизнинг китобингизда ёзилгандай, шаҳзода бу ёқда тура турсин, эндиги гапни маликадан эшитинг, Шундай қилиб, мен уларнинг гапи билан Егупецга кел-

дим: «Ассалому алайкум, ваайайкум ассалом! Омонмисиз? Яхшимисиз, ишлар қалай? Утиринг!» «Раҳмат, тик турсам ҳам бўлаверади!»— хуллас, одатдаги удумларнинг ҳаммасини бажо келтирдик.

Элбурутдан: «Бугунги кун бошқаларидан нима билан фарқ қилади» қабилидан, яъни, сизларнинг чақиришларингнн нима деб тушунсак экан, нима зарурат туғилиб қолди экан? деб савол берсам ноқулай бўлади, албатта. Майли, Тевье хотин киши эмас, унинг тоқати етади. Шу орада қўлига оппоқ қўлқоп кийган бир одам кириб овқат тайёр бўлиб дастурхон ёзилганлигидан хабар қилди. Ўқовимиз жойимиздан туриб, ҳамма ёғи эман: столи эман, курсилари эман, деворлари эман, шифти эман хонага кирдик. Буларнинг бари ўйиб ишлаган, безалган, нақш солинган... Дастурхонни кўрсангиз шоҳона! Чой, кофе дейсизми, шоколад дейсизми, вино, коньяку, ажойиб закускалар дейсизми, ҳар қандай иссиқ, совуқ овқатлар дейсизми, мева-чева ва сабзавот дейсизми, ҳаммаси муҳайё! Уят бўлсаям тан олмай илож йўқки, менинг Бейлкамга дадасининг уйида бунақаларни ейиш эмас, кўриш ҳам насиб бўлмаган. Менга бир рюмка қуйиб беришди, яна битта қуйишди, меничяпман, унга, яъни Бейлкага қараб ўйлайман: «Ниҳоят, Тевьенинг қизига табаррук китобда айтилганидек: «Галойга чанг-тупроқдан қутулиш» насиб бўпти,— худо камбағалга мадад берса уни таниб ҳам бўлмайди. Бейлка ҳар ҳолда илгариги Бейлка эмас!» Мен аввалги Бейлкани эслаб, уни ҳозиргиси билан солиштириб кўряпман, борди-ю, меровлик қилиб иш бериб турган отимни битта қулунга, келгусида қандай от бўлиши, номаълум тойчоққа айирбошлаб аҳмоқчилик қилсам алам қилмасмиди, ачинмасмидим?— деб ўйлайман.

«Эй, Бейлка, Бейлка, деб ўйладим. Нима бўлди сенга? Эсингдами, кечқурунлари жинчироғ ёнида иш ти-

киб хиргойи қилиб ўтирардинг, ҳаш-паш дегунча икки сигирни соғиб ҳам бўлардинг, ёки енгларингни шимариб менга сутли боршч, ёки ловия солиб хамир овқат ё бўл-маса пишлоқ сомса, баъзан эса кўкнори уруғи солинган сомса пишириб: «Дада, боринг, қўлингизни ювиб келинг!» деярдинг. Ахир, бу гапинг қулоққа ҳамма ашуладан кўра кўпроқ ёқарди!» Ҳозир бўлса, у ўзининг Педоцури билан стол орқасида, маликага ўхшаб ўтирибди, икки киши овқат ташийди, идиш-тавоқларни жириинглатишди. Бейлка-чи? Бир оғиз гапирса-чи! Аммо униси, яъни Педокур икки кишининг улушини туширяпти, бир лаҳза оғзи тинмайди. Эзма, маҳмадоналарни жуда кўп кўрганману, аммо бунақасини умримда кўрган эмасман, алланималарни вайсаб-вайсаб қиқирлаб кулади. Бизда бунди: «Ўзи аския қилиб ўзи кулади» дейдилар... Стол ёнида учовимиздан бошқа яна қип-қизил юзли бир кимса ўтирибди. Унинг кимлигини билмайман, аммо жуда зўр экан! Чунки Педокур қиқирлаб кула-кула гапирганда у лунжини тўлдириб овқатни ураверади, табаррук китобда айтилганидай: «Уч одам еганини...» яъни бемалол уч киши тўйиб ейдиган овқатни уриб бўлди. У кишим еяр экан Педокур қаёқдаги бўлмағур, кўнгилини айништадиган тузсиз гапларни гапираверди: пудрат борми, губерна бошқармаси борми, вилоят маҳкамаси, хазинахонаси борми, Япония борми, биттасиям қолмади, валдирайверди... Шу гаплардан мени қизиқтиргани фақат Япония бўлди, нега десангиз, Японияда оз-моз қасдим бор эди. Уруш вақтида, билсангиз керак, отларнинг қадри жуда ошиб кетган эди, отларни кундуз кун чироғ ёқиб излар эдилар... Менгайм рўпара келиб, отимни текшириб чиқишди: газлаб кўришди, у ёқ-бу ёққа югуртиришди-ю, оқ билет беришди. Мен уларга: «Сизларнинг бекорга овора бўлишингизни мен олдинданок билган эдим. Табаррук китобда айтилганки: «Тақводор

Ўз жониворининг феълени биледи»,— Тевъенинг қирчангиси урушда иш берармиди?...» Бироқ жаноб Шолом-Алейхем, сиз мени кечиринг, гапни чалғитиб қўйдим, бу аҳволда издан чиқиб кетини ҳеч гап эмас. Қани, сиз айтганингиздай, «Иш тўғрисида гапирайлик»— воқеага қайтайлик.

Хуллас, биз кўнгилдагидек ичиб олдик, қоидага мос закуска қилдик, жойимиздан турганимиздан кейин у, Педоур мени қўлтиқлаб, кабинетига олиб кирди. Кабинетиям подшолар кабинетига ўхшатиб жиҳозланган, депорда милтиқлар, ханжарлар осиб қўйилган, стол устида замбарак турипти... У мени момиқдай юмшоқ диванга ўтқизди, олтин қутидан иккита йўғон, узун хушбўй сигара олиб бирини менга узатди, иккинчисини ўзи ёндирди. Рўпарамга ўтириб оёқларини узатди-да, гап бошлади:

— Биласизми, нима учун сизни чақиртирдим?

«А-ҳа!— дедим ўзимга.— Ҳалиги, ўша нарса тўғрисида гапирмоқчи шекилли». Аммо ўзимни анқовликка солиб:

— «Мен акамга қоровулманми?»— Қаёқдан билман буни?— дедим.

— Мен,— деди у,— шахсан сизнинг тўғрингизда гаплашмоқчи эдим.

«Хизмат!» бўлса керак деб ўйладим-да, жавоб бердим:

— Бўпти, бирон яхши гап демоқчи бўлсангиз, марҳамат! Эшитайлик.

Шундан кейин у оғзидан сигарасини олиб менга мурожаат қилди:

— Сиз,— деди у,— ақлли одамсиз, очиқ гаплашадиган бўлсам, хафа бўлмасиз. Сиз билишингиз керакки, мен катта-катта ишларни бошқараман. Бундай катта ишлар олиб борганда...

«Ҳа! — дедим ўзимга, — мени назарда тутяпти! Унинг гапини бўлиб:

— Талмудда ҳам: «Бойлик қанча кўп бўлса, ташвиш ҳам шунча кўп бўлади» дейилган. Биласизми буни қандай тушуниш керак?

У менга очикдан очик жавоб берди:

— Сизга чин кўнгилдан очигини айтайин. Мен ҳеч қачон талмудни ўқиган эмасман, ҳатто юзини ҳам кўрмаганман!

Шундай деди-ю, қиқирлаб кулди. Хўш, бунга нима дейсиз энди? Бас, сен худонинг ғазабига гирифтор бўлиб, илмсиз, нодон қолган экансан, ёпиқлик қозон ёпиқлик қолавермайдими? Жим ўтирмайсанми? Топган гапини-ю, мақташишини қаранг!

— Мен бошқача бўлар деб ўйлаганим ҳам йўқ, — дедим. — Сизнинг бундай нарсаларга алоқангиз йўқлигини биламан... Хўш, эшитайлик, яна нима гап?

— Яна, — дея жавоб берди у, — мен сизга шуни айтмоқчи эдимки, меним ишимни, меним номимни, меним мавқеимни назарга олганда сизни — «сутчи Тевье, деб аташлари менинг шаънимга тўғри келмайди, мен уяламан. Эсингизда бўлсинки, мен губернатор билан шахсан танишман. У кишим... Бродский, Поляков¹ балки, эҳтимол, Ротшильднинг ўзиям менинг уйимга ташриф буюриши мумкин!... Ажаб эмас, шундай бўлиши жуда мумкин!

У киши, яъни Педоцур валдираяпти, мен бўлсам унинг ялтироқ бошига қараб ўйлаб ўтирибман: «Эҳтимол, сен губернатор билан шахсан танишдирсан, Ротшильд ҳам уйингга келиши мумкиндир, аммо ҳар қалай сен бўлмағур аҳмоқона гаплар гапиряпсан!»

¹ Поляков — ўша даврдаги темир йўл қурилишларини пудрат олган йирик капиталистлардан бири.

Кейини унга афсусланиброқ мўрожаат қилдим:

— Қалай бўлар экан, дарҳақиқат, Ротшильднинг ўзи уйингизга келиб қолса?

У менинг пичингимни тушуниди деб ўйлаймизми? Тушуниб бўпти! «На ўрмон, на айиқ!» Ҳеч нарсага фаҳми етмади!

— Мен,— деди у,— сиз сутчиликни ташласангиз ва бошқа бирон иш билан машғул бўлсангиз, дейман.

— Масалаи? Нима билан?

— Нимани хоҳласангиз, шуни қилинг!— деди у.— Дунёда ишдан кўпи йўқ. Қанча пул зарур бўлса мендан олаверинг, фақат сиз сутчиликни ташланг ёки шошманг-чи, биласизми нима? Балки сиз пайсалга солмасдан Америкага жўнарсиз? Нима дедингиз?

Бу гапларни айтар экан, синарасини лабига қистирди ва менга тикилиб қолди, боши бўлса ялтиллайдди... Хўш, бунақа тарбиясиз дағал одамга нима дейиш мумкин, ахир? Бошда мен: «Сен Тевье, нимага тошдек қотиб ўтирибсан? Жойингдан туриб, хайр-маъзурни ҳам пасия қилиб, эшикни тарақлатиб чиқиб кетавермайсанми? деб ўйладим. Ахир, жопим чиқиб кетди! Пудратчининг қилган ишини қара-я! Қандай юзсизлик! Демак, сен менга пешана терим билан топадиган нонимни, шарафли ва ҳалол меҳнатимни ташлаб Америкага кетишини таклиф қиляпсан? Унинг уйига Ротшильд келиши мумкин эмиш, шунинг учун сутчи Тевье аллақерга қочиб кетиши керак экан?!»

Ғазабим қайнаб кетди, олдин ҳам сал ғашим келиб турувди, Бейлкадан ҳам жаҳлим чиқди: «Отангни қувгинга солишяпти-ю, сен бўлсанг, пинагингни бузмай юзлаб соат, минглаб ойнак ичида маликага ўхшаб ўтирибсан?!»

«Опанг Годл нақадар яхши иш қилди? Тўғри, унинг бундай ҳашаматли уйи ва ҳар хил зеб-зийнатлари йўқ,

аммо унинг эри — Перчик бор... Ахир у чинакам инсон. Шундай инсонки, ўз манфаатини ўйламайди, бутун оламнинг тақдирини ўйлайди, унинг ғамини ейди. Бунинг устига унинг калласини айтнинг, тилла, ялтироқ посковоқ эмас. Перчикнинг тили-чи? Соф олтин! Сен унга битта ҳикматли сўз айтсанг, у учтасини айтади! Шошмай тур пудратчи, мен сенга шундай ҳикматларни айтайки, ўтиргани жой тополмай қолгин!»

Шунақа деб ўйладим-да, унга мурожаат қилдим:

— Сиз талмуддан узоқсиз, талмуд сиздан узоқ, буниси майлику-я! Бас, сиз Егупецда яшар экансиз, номингиз Педоцур экан ва пудрат билан машғул экансиз, талмуд чордоқда бемалол ётаверади. Аммо бир омабоп шеър бор, буни ялангоёқ мужик ҳам тушунади. Бизнинг табаррук китобда Лаван Орамий тўғрисида: «Мечкайнинг думи телпакка ярамас» деб ёзилганлигини билсангиз керак, албатта.

У менга довдираб қаради-да:

— Бу нима дегани бўлади?— деб сўради.

— Бу,— деб жавоб бердим мен,— тўнғиз боласининг думидан телпак тикиб бўлмайди дегани бўлади!

— Сиз буни нима муносабат билан айтяпсиз?— дея яна савол берди.

— Сизнинг менга Америкага кетишни таклиф қилишингиз муносабати билан!— дедим мен.

У яна қиқирлаб кулди ва:

— Америкага кетишни хоҳламайсизми? Ундай бўлса балки Фаластинга борарсиз? Ҳамма кекса яҳудийлар ўша томонга кетишади-ю...!— деди.

¹ Художўй яҳудийлар Фаластинда ўлиб шу «муқаддас тупроқда» дафи қилинишни катта савоб иш деб билганлар, шунинг учун ҳам якка қолган кексалар ўша ерда ўлишни орзу қилиб, иложи бўлса Фаластинга жўнаганлар.

Бу гапи қалбимга жо бўлиб қолди: «Шошманг-чи, балки бу таклиф унча ёмон эмасдир, хўш, Тевье, нима дейсан? Дарҳақиқат... худо менга ато қилган шодликлардан энг мувофиқи балки Фаластиндир? Тентак! Борсанг нима йўқотасан, бу ерда кимнинг қолади? Голданг бўлса, жойин жаннатда бўлсин, аллақачон гўрда ётибди, ўзинг бўлсанг худо кечирсин, озмунча азоб тортяпсанми? Ахир, бу дунёда яна қачонгача тентираб юрасан?»

Бундан ташқари, шуниям билиб қўйишингиз керакки, жаноб Шолом-Алейхем, мен кўпдан бери «йиғи девори»ни¹, аждодларимизнинг мақбараларини, Рохила онамизнинг қабрини зиёрат қилишни, Иордан, Синай, Қора денгиз, Питом, Рамзес² каби муқаддас жойларни ўз кўзим билан кўришни орзу қилиб юрардим... Кўпдан бери фикр-хаёлим «сут ва асал дарё бўлиб оқадиган...» обод Ханаан ерларида юрарди.

Аммо Педоцур хаёлимни бўлди:

— Хўш? Нимага шунча узоқ ўйлаб қолдингиз? Кўз очиб юмгунча...

— Сизнингча ҳамма иш «кўз очиб юмгунча», худди табаррук китобда битилгандек: «Ҳамма нарса барабар: дон бўлди нима-ю, осмон бўлди нима...» Меним учун бу нарса, биласизми, осон эмас, нега десангиз Фаластинга кетиш учун пул керак...

У яна қиқирлаб кулди-да, стол ёнига келиб яшигини очди ва ҳамёнини олиб, ундаи бир ҳовуч қоғоз пул чиқариб менга узатди, билсангиз, бу катта пул эди. Мен ҳам ялинтириб ўтирмадим, олдимда, (пулнинг кучини қаранг-а!) чўнтагимга суқдим. Шу муносабат билан мен

¹ Қулдус харобаларидан бири. Яҳудийлар бунинг эрамининг 70-йилда римликлар вайрон қилган Қулдус ибодатхонасининг «гарбий девори» деб ҳисоблайдилар.

² Тавротда тилга олинган қадимги Миср шаҳарлари.

унга бир-иккита ҳикмат айтмоқчи бўлувдиму, аммо Педоцур эшитишни хоҳламади.

— Бу пул у ёққа бориб жойлашгунингизча бемалол етади. У ерга борганингиздан кейин пул зарур бўлиб қолганида хабар қиларсиз, кўз очиб юмгунча юборамиз. Қетишингиз ҳақида яна гап очиб ўтирмасак керак, ахир сиз виждонли ва инсофли одамсиз...

Педоцур бу гапларни айтар экан кўнгилни айшитадиган ўша кулишини қилди. «Пулларини юзига отсаммикин, Тевьени пулга сотиб олиб бўлмайди, унга инсоф ва виждон тўғрисида гапирмайдилар, десаммикин?» деган фикр бошимга келди.

Аммо бирор гап айтишга улгурмадим, у кўнғироқ қилиб, Бейлкани чақирди-да унга:

— Биласанми жоним? Даданг бизни ташлаб кетяпти, бутун мулкни сотиб кўз очиб юмгунча Фаластинга жўнайди — деди.

«Туш кўрдиму, ёдимдаям йўқ...— деб ўйладим.— Дарҳақиқат, тушимгаям киргани йўқ, ўнгимдаям кўрганим йўқ...» Бейлкага қарадим, наҳотки, башарасини озгина тириштира! Ҳайкалдай қотиб турибди, башарасидан қон қочган, гоҳ менга қарайди, гоҳ унга. Аммо жим. Унга қараб мен ҳам индамайман. Шу тариқа икковимиз ҳам жим турибмиз. Забурда айтилганидек: «Тилим танглайимга ёпишди»— тилсиз қолдик! Юрагим гумуриб кетяпти, бошим айланади, ис теккандагидек чакка томирларим лўқиллайди! «Нима сабабдан шунақа экан?— деб ўйладим.— Менга берган сигарасидан бошим оғрияптимикан?» Ундай десам, Педоцурнинг ўзиям чекапти! Чекади-ю, гапиради, сира чакаги тишмайди, аммо кўзлари юмилиб кетяпти, уйқуси келди шекилли.

— Сиз,— деди у,— бу ердан Одессагача курьер поездида борасиз, Одессадан то Яффагача кемага тушиб

денгизда кетасиз. Шу топда денгизнинг энг яхши вақти, сал кечроқ шамол, қор, бўрон бошланади ва... ва...

Мудраётган одамга ўхшаб тили айланмай қолди, шундай бўлсаям вайсайверди.

— Йўлга тайёр бўлганингиздан кейин бизга хабар қилинг. Эр-хотин сиз билан хайрлашгани вокзалга чиқамиз, чунки биз яна қачон кўришамиз дейсиз.

Ана шунда, кечирасиз, эснаб қўйди-да, Бейлкага қараб:

— Жонгинам, сен бирпас бу ерда ўтира тур, мен пича ором олай,— деди.

«Шунча вақтдан буён биттаям ақлли гап гапирмовдинг,— деб ўйладим,— мана энди оғзингдан дуруст гап чиқди. Энди юрагимни бўшатиб олар эканман!» Мен куни бўйи юрагимда тўпланиб қолган гапларни Бейлкага гапириб бермоқчи бўлиб турганимда у бирданига бўйнимга осилиб йиғлаб юборди! Қизларим, шўрлари қурсин, ҳаммаси шунақа. Тишларини тишларига қўйиб чидаб турадилар-да, ниҳоят, тоқатлари тоқ бўлгандан кейин селдай кўз ёши тўка бошлайдилар. Мисол учун менинг иккинчи қизим Годлни олинг. Перчикнинг сургун жойига, совуқ ўлкага кетиши олдидан озмунча йиғладими? Бейлканинг йиғиси! Унинг йиғиси олдида ҳеч гапмас.

Мен виждонан сизга айтай: биласиз, мен йиғлоқни эмасман. Аммо бир марта Голдам ўлиб, жойи жаннатда бўлсин, уйда ерда ётганда чинакамига йиғлаганман; яна бир марта Годл кетганда, мен отим билан икковимиз вокзалда қолганимиздаям қониб йиғлаганман. Яна қандайдир ҳодисалар бўлганида бир-икки марта кўз ёши тўкканман... Бошқа вақтларда умуман, кўз ёши тўкканим эсимда йўқ. Аммо Бейлка йиғлаб юборганидан кейин юрагим сиқилиб кетди, ўзимни тутиб туролмадим, уни койишга ҳам юрагим бетламади. Мен билан узоқ гаплашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, мени Тевье дейди-

лар. Мен унинг нима учун кўз ёши тўкаётганини дарров пайқадим. У шунчаки йиғлагани йўқ, у отасининг гапига қулоқ солмагани учун пушаймон бўлаётган эди... Мен уни қаттиқ койиш ва Педоцурнинг аламини ундан олиш ўрнига Бейлканни овутиб ҳар хил мисоллар келтира бошладим. Биласиз, Тевье бунақага уста. У гапларимни эшитиб бўлиб шундай деди:

— Йўқ, дада, мен унинг учун йиғлаётганим йўқ. Менинг ҳеч кимга даъвом йўқ. Сен мен туфайли кетяпсан, аммо сени юбормай, олиб қолиш қўлимдан келмайди. Шу мени куйдирыпти, шунинг аламидан йиғлаяпман.

— Қўй гапирма!— дедим мен.— Худди болаларнинг гапини гапирасан. Бизнинг паноҳимиз, қудратли худо борини эсингдан чиқараётганга ўхшайсан. Дадангнинг ақли-ҳуши жойида. Даданг учун Фаластинга бориб келиш нима, оғир иш эканми? Ахир табаррук китобда ҳам: «Бордик ва дам олиб келдик» дейилган-ку,— борасан, келасан, вассалом...

Тилимда шундай дейману, аммо дилим бошқани гапирди: «Елғон гапиряпсан, Тевье! Кетганингдан кейин қайтиш йўқ энди! Тамом, бўлдинг Тевье!»

У худди менинг фикрларимни ўқигандай:

— Йўқ, дада,— деди,— ёш болаларни шунақа деб оутса бўлади. Уларнинг қўлига қўғирчоқ ёки бошқа бирон ўйинчоқ тутқазадилар-да, эртасан айтиб берадилар... Агар эртасан айтиб бериш лозим бўлса, сен менга эмас, мен сенга айтай. Аммо бу эртасани эшитиб кулмайсан, йиғлайсан.

Бейлкам ана шундай деди. Тевьенинг қизлари бекорга сафсата сотмайди. У менга «Минг бир кеча»дан Педоцур ҳақида, унинг қандай қилиб хор-зорликдан қутулиб, бадавлат одам бўлганлигини, ақл ишлатиб шу даражага етганлигини, ҳозир ҳар нима қилиб бўлсаям, Бродскийга ошна бўлиб олиш пайида юрган-

лигини, шу мақсадига эришиш учун минглаб пулларни ҳар томонга совураётганлигини ва катта-катта пулларни хайр-эҳсон қилаётганини гапириб берди. Аммо бунда фақат пулнинг ўзи қор қилмас экан, тагли-тахтли насл-насаби ҳам талаб қилинаркан, шу сабабли ҳозир Педо-цур ўзини ундай-бундай наслдан эмас, гўё машҳур зо-дагон педоцурлар аждодидан эканлигини, дадаси катта пудратчи бўлганини исбот қилиш пайида экан...

— Мен унинг дадаси ким бўлганлигини яхши бил-сам ҳам, шундай қилади,— деди Бейлка.— Унинг дадаси тўйларда най чалиб юрган оддий созанда бўлган. Ун-дан ташқари яна: «Хотинимнинг дадаси ҳам миллионер» деб гапиради.

— Бу гапида у кимни назарда тутди экан?— дедим мен.— Меними? Агар худо қачон бўлсаям менга мил-лион ато қилмоқчи бўлса, мен бу кўргуликни аллақачон бошимдан кечирган ҳисоб қилаверсин.

— Биласанми, дада,— деди Бейлка,— мени таниш-билишларига дадаси, амакилари ва бутун насл-насаби оқсуяклардан, деб лоф уриб таништирганда уялганим-дан ўзимни қўйгани жой тополмай қоламан. У кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёлгон гапларни гапиради. Менинг эса, унинг лофларини эшитиб, жим ўтиришдан бошқа ило-жим йўқ. Чунки у бунақа масалаларда жуда қайсар...

— Сенингча бу қайсарлик бўлса,— дедим мен,— биз-нингча аблаҳлик, расволик!

— Йўқ, дада,— деди у,— сен уни билмайсан. У сен ўйлаганча ёмон одам эмас. У бирпасда ўн хил ўзгаради. У раҳмдил, қўли очиқ одам. Динмоғи чоғ пайтига тўғри келиб нолиброқ бирон нима десангиз жониниям аямай-ди. Меним учун гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, осмондан юлдуз олиб бергин десам олиб беради! Сен унга қизимнинг гапи ўтмайди деб ўйласанми? Мана яқиндагина мен ундан Годл билан эрини ўша узоқ ўл-

кадан қандай бўлсаям қутқазини сўровдим, бунинг учун қанча пул кетсаям қиламан деб қаттиқ ваъда берди, у буни қилади, албатта. Аммо битта шарт қўйди, улар ўша ердан Японияга кетишлари керак эмиш.

— Нега Японияга?— деб савол бердим.— Нега Хиндистонга эмас ёки масалан, Падан-Арамга¹ малика Савская² олдига эмас.

— Чунки Японияда унинг ишлари бор,— деб жавоб берди қизим.— У бутун дунё билан алоқа қилади. У бир кун ичида ҳар хил телеграммаларга тўлайдиган пулига биз ярим йил бемалол яшашимиз мумкин. Аммо бундан менга нима фойда, ахир мен эркимдан маҳрумман, ўзимга ўхшамайман...

— Бизнинг табаррук китобда айтилганидек бўлиб чиқар экан-да: «Мен ўз ёнимни ўзим олмасам, ким меним ёнимни олади?»— мен ҳам ўзимга ўхшамайман, сен ҳам...

Ҳар хил гапларни гапираман, ҳазиллашаман, ҳикматли сўзларни келтираману, аммо болагинамнинг «бойлик, ҳурмат ва иззат ичида» қийналаётганини кўриб ачинаман, куяман.

— Опанг Годл сенинг ўрнингда бўлса, бошқача иш қиларди,— дедим.

— Мени Годл билан тенглаштира дедим-ку сенга,— деди у.— Годлнинг даври бошқа, менинг даврим бошқа... Бу ердан Япония қанча узоқ бўлса, Годл яшаган давр ҳам ҳозирги даврдан шунча узоқ...

Бу ғалати гапларнинг маъносини тушуяпсизми?

Сиз шошилаётганга ўхшайсиз. Икки оғиз гап билан воқеанинг баёни тамом бўлади. Бахтиёр қизимнинг азоб-уқубати ва алам-ситамларини тўйгунча эшитиб,

¹ Тавротда тилга олинган жой.

² Тавротда тилга олинган афсонавий шахс.

уникидан дилим сиёҳ бўлиб, мадорим қуриб чиқиб кетдим! Иси бошимни оғритган сигарани отиб юбордим-да, унга қараб:

— Қуриб кет-э, бадбахт!— дедим.

— Кимни сўқяпсан, жаноб Тевье?— деди кимдир орқамда.

Орқамга қайрилиб қарасам Эфраим совчи экан, ер юткур!

— Марҳамат, келсинлар!— дедим.— Нима қилиб юрибсиз бу ерда?

— Ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

— Болаларимникига меҳмонга келувдим.

— Омон-эсонми улар? Аҳволлари қалай?

— Қалай бўларди?— дедим мен.— Ҳар ҳолда бизникидан ёмонмас.

— Агар янглишмасам, сиз мен топган куёвдан хурсандсиз.

— Хурсанд бўлганда қандоқ! Худо сизга юз баравар қилиб қайтарсин!

— Яхши гапларингиз учун қуллуқ!— деди у.— Балки сиз шу яхши гапнинг устига бирон нарса совға қилармикинсиз менга?

— Сиз совчиллик қилганингиз учун ҳақ олмаганмисиз?— деб сўрадим мен.

— Олганману...

— Нега бўлмаса бундай дейсиз! Озроқ берганми?

— Оз деб бўлмайди-ю, аммо кўнгилдан рози бўлиб берилганда яна яхшироқ бўлармиди!

— Чунончи?

— Чунончи... бир пақириям қолгани йўқ.

— Дарров-а? Қаерга сарф бўлиб кетди?

— Қизимни узатдим,— деди у.

— Табриклайман ундай бўлса,— дедим мен,— худоё

бахтли бўлсинлар, ўйнаб-кулиб, хурсандчиликда умр кечирсинлар!

— Хурсандчилик дейсиз-а!— деди у.— Бир ширилатон куёвга учрапман дег. Қизимни уриб, минг азобга солиб, бор пулларини олиб Америкага қочиб кетибди.

— Нега сиз шунчалик узоқ жойга қочишга йўл қўйдингиз?— деб сўрадим ундан.

— Мен нима қила олардим?

— Юзига қора суришингиз керак эди,— дедим.— Одамлар олдида уялтирсангиз бўларди...

— Сизнинг хотирингиз жам-да, жаноб Тевье!— деди у.

— Жилла бўлмаса мендаги хотиржамликнинг ярминини худо сизга ато қилсин...

— Шунақамн?— деди у.— Мен сизни бой деб ўйловдим... Ундай бўлса мана, носдан отиб олинг.

Мен носдан отиб, совчидан қутулиб олдим.

Уйга қайтиб келиб, кўп йиллардан бери тўплаб келган рўзгоримни сота бошладим. Айтиш осону, аммо қилиш қийин. Ҳар бир чўп пешана тери билан топилган. Рўзгордаги баъзи нарсалар менга, жойи жаннатда бўлсин, Голдамни, бошқалари болаларни эслатади... Аммо отни сотиш менга жуда қийин бўлди. Мен унинг олдида ўзимни қандайдир гуноҳкор ҳис қилдим... Ўйлаб кўринг, ахир, биз у билан шунча йил бирга хизмат қилдик, турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тотдик, бирга қийналдик, бирга азоб чекдик. Ана энди уни бирпасда сотдим, қўйдим! Уни мен сув ташувчига сотдим, извошчига сотмадим, нега десангиз, улардан таҳқирлашдан бошқа ҳеч нарса эшитмайсиз. Улар олдида бориб отимни сотаман, десам:

— Худодан қўрқинг, жаноб Тевье, шуям отми?— дедилар.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, от бўлмаса шамдон эканми?— дедим.

— Йўқ, шамдон эмас, авлиё,— деб жавоб бердилар:

— Нега авлиё?

— Чунки отингиз қирққа кириб қопти. Оғзида тиши йўқ, лаблари халтадек осилиб тушибди, кўрмайсизми, совуқда қолган яланғоч кампирдай бутун бадани билан қалтираяпти...

Извошчиларнинг шунақа гаплари сизга ёқадими? Худо номи билан қасам ичиншим мумкинки, шўрлик отим уларнинг ҳар бир сўзини тушуниб турибди: «Хўкиз харидорини билади» деб табаррук китобда айтилган,— ҳайвон уни сотмоқчи бўлганларини сезади. Бунинг исботи десангиз, сувчи билан қўл уришиб, «бор барака!» деганимда от бирданига мулойим бошини ўгирди-да, гўё: «Шунча қилган меҳнатим учун берилган мукофот шу экан-да, сенга қилган хизматимга ташаккурнинг шу бўлди-ми?..» дегандай кўзларини менга тикди. Сув ташиувчи жиловидан ушлаб адабни бера бошлаганда мен отимга охирги марта қараб ўйладим: «Ё парвардигор! Зап чиройли ишлар қиляпсан-да! Мана Тевъени яратибсан, яна айтайлик, унинг отиниям яратибсан, буни қарангки, бу дунёда уларнинг ҳар иккисининг қисмати бир... Қишининг афзаллиги шуки, унга тил берибсан, биров билан дардлашиб кўнглини ёза олади, юрагини бўшата олади; от-чи, от нима қилади? Тилсиз, соқов жонивор!...» Сиз «Ана кишининг ҳайвондан устунлиги...» дейсиз-ку.

Сиз, жаноб Шолом-Алейхем, кўзимда ёшимни кўриб ҳайрон қолсангиз керак, отини соғинибди, деб ўйларсиз балки? Қизиқ одамсиз-а, нега отни соғинар эканман? Йўқ, ҳаммани соғинаман, ҳаммага ачинаман! Отниям, қишлоқниям, қишлоқ оқсоқолнини ва миршаб-ниям, Бойберик чорбоғлари ва Егупец бойлариниям, ҳат-

токи, ўлат теккур, Эфраим совчиниям соғинаман ҳали...
Ахир бундоқ ўйлаб кўрилса, у тирнқчилик пайида юр-
ган бечора бир камбағал-ку.

Омон-эсон, худо хоҳласа, у жойга етиб борсам нима қилишимни ҳали билмайману, аммо даставвал Роҳила онанинг қабрини зиёрат қиламан. У ерда ҳамма бола-ларим учун ибодат қиламан, мен энди бундан кейин бироптасини ҳам кўролмасам керак, Эфраим совчи учун ҳам ибодат қиламан, сизнинг учун ҳам, хуллас, бани Исроил учун ибодат қиламан. Мен сизга ваъда бераман, мана ушланг қўлимни! Илоҳи, соғ бўлинг, сизга оқ йўл тилайман, ҳаммага ва ҳар кимга алоҳида-алоҳида са-ломимни етказинг.

1909

ИҶҚОЛІ

Оташин салом сизга, жаноб Шолом-Алейхем! Ўзингиз ҳам, бола-чақаларингиз ҳам омон бўлинглар. Сизни кўришга анчадан бери муштоқман, менда анчагина янгилик тўпланиб қолди, гапирадиган гапларим кўп. Доим: «Мақон қерда?— нега кўринмайди», деб суриштираман сизни. Менга сизни турли узоқ мамлакатларда, Эсфирь достонида айтилганидек: «Бир юз йигирма етти годшоликда...» жаҳонгашталик қилиб юрибди дейишадил... Лекин сиз меига негадир бошқача қараяпсиз... Ўшами, бошқами, деб шубҳаланаётган бўлсангиз керак. Ўша, жаноб Шолом-Алейхем, ўшанинг ўзиман! Эски ошингиз Тевье, мана олдингизда турибди, сутчи Тевье, ўша-ўша Тевье-ю, аммо энди сутчи эмас, шунчаки ҳамма қатори одамман, ёшига қараганда унчалик кекса бўлмаса-да, пасха достонида айтилганидек: «Мана мен етмиш яшарман»— лекин етмишгача ҳали анча бор. Сочларинг оқариб кетибди дейсизми? Ҳа, амин бўлинг, азиз дўстим, хурсандчиликдан оқарган эмас бу сочлар... Очиғини айта қолайлик, ўзингиздаям қайғу-ҳасрат етарли бўлса керак, а? Зотан, у нарса бутун халқимизда етиб ортади, четдан қарз истаб юришга эҳтиёж йўқ! Расво замон келди! Бу йил биз учун жудаям оғир йил бўлди! Сиз нима ўйлаётганингизни биламан. Сиз бошқа нар-

сани ўйлаяпсиз: бир вақт мен Фаластинга кетмоқчи бўлиб турганимда, сиз билан хайрлашганимни хотирлаётган бўлсангиз керак, энди сиз мени у ёқдан, яъни Фаластиндан қайтиб келибди, деб ўйлайсиз шекилли, ундаги янгиликлардан гапиришнинг кутиб ўтирибсиз. Роҳила онанинг мақбарасидан, Даран шарифдан ва бошқа шундай муқаддас жойлардан салом олиб келгандир, деган умид билан ўтирган бўлсангиз керак, албатта. Хотиржам бўлинг. Агар фурсатингиз бўлса, дунёда қандай ажойиб ҳоллар содир бўлганлигини билишни хоҳласангиз гапларимга диққат билан қулоқ солинг, ана шунда сиз киши бефаросат махлуқ, худонинг қудрати зўр ва дунёда ҳамма нарса унинг ихтиёри, унинг хоҳиши билан бўлади, дейсиз.

Ҳозир панжкитобнинг қайси бобини ўқийдилар? «Мурожаат» бобиними? Мен ўқиётганим бутунлай бошқа боб: «Йўқол!» деган боби.¹ «Йўқол!» дедилар менга. Сен, Тевье «ўз мамлакатингдан, туғилиб ўсган элингдан», яъни туғилиб ўсган қишлоғингдан йўқол, «Мен кўрсатган жойга»,— бошинг оққан томонга туёғингни шиқиллат дедилар. Панжкитобнинг ана шу сатрларини Тевье қариб, нимжон бўлиб, якка ўзи қолганидан кейин менга ўқиб бердилар, ахир ибодатимиздаям: «Қариб қолганимизда бизни ташлаб қўйма» деб ўқиймиз-ку.

Бироқ мен ҳатлаб кетибман. Ҳикоя бошланишигача ҳали анча гап борлиги эсимдан чиқаёзибди, ҳали мен сизга Фаластинни гапириб берганим йўқ. Унда нима гаплар борлигини эшитишни хоҳларсиз, азиз дўстим? Нимасини айтасиз, ажойиб мамлакат! Бизнинг табар-

¹ «Йўқол» панжкитобнинг бир бўлими, у одатда куз фаслида ўқилади. Бу бўлимда гўё худо Иброҳим алайҳиссаломга: «Йўқол, ўз мамлакатингдан, туғилиб ўсган элингдан!» деб айтганлиги ҳикоя қилинади. Қадимги яҳудий тилида «Лэх-Лэхо» яъни «қоч» ёки «йўқол» сўзи қувғин ва дарбадарлик синонимини бўлиб қолган. (Рер.)

рук китобда: «Сут ва асал дарё бўлиб оқадиган ер» дейилади-ку. Афсуски, Фаластин Фаластинда турибди, мен бўлсам, кўриб турибсиз, ҳалиям бу ерданман... Эс-фиръ достонида: «Хароб бўлиш пешанамда бор экан, хароб бўламан-да» деб меним ҳақимда айтилган бўлса керак. Толесиз туғилганман, толесиз ўламан. Бир оёғим ўша томонда эди, яъни обод ерга қадам босай деб турган эдим, билет олиб кемага чиқиш қолувди, холос! Аммо одам хоҳлаганини худо хоҳламайди. Мана эшитинг энди можарони. Катта куёвим, ўша Анатовкадаги машиначи Мотл Қамзил худди ўша пайтни мўлжаллаб ўлиб қопти, илоҳим сизнинг бошингизга тушмасин! Соппа-соғ ётибди-ю, шу ётганча турмай қўя қолибди! Яъни у ҳеч маҳал катта полвон бўлган эмас. Ахир, ундай одамга соғлиқ қаердан келади дейсиз. Ишчи-да, кечаю кундуз қўлига игна ушлаб табаррук китобда ай-тилганидек: «Ё ақлга эришган, ёки худога ибодат қил-ган», кечирасиз, шим чоклаган, тикаверган-тикаверган, секин-аста силга чалиниб қолган, йўтал тутта бошлаган. Уҳў-ўҳўлайвериб ўпкаси галвир бўлиб кетган. Унга на доктор, на табиб, на эчки сути ва на шоколад билан асал ёрдам берган. Ўзи содда бўлсаям яхши йнгит эди, слим бўлмаса-да, ҳалол, беғараз киши эди, қизимни жо-нидан ортиқ яхши кўрарди. Болалар деб ҳеч нарсани — жониниям аямас эди. Меним учун ўтга десам ўтга, сувга десам сувга ташлашга тайёр эди!

Хуллас, тавротда айтилганидек: «Мусо ўлди»,— Мотл қазо қилди-ю, менга катта ташвиш юклаб кетди. Шу пайтда Фаластин кўнгилга сиғармиди? Уйим шун-дай Фаластинга айландики, асти қўйинг! Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен бева қолган қизимни, отасидан ажраган, бир бурда нонга зор майда болалари билан ташлаб кета олармидим. Бошқа томондан ўйлаб кўрилса, мен уларга қандай ва нима билан ёрдам қилардим, бола-

ларига оталарини нариги дунёдан қайтариб беролмасдим... Мен ҳам одамман ахир. Қариганингда суякларингга ором бергинг келади, ўзингни ҳайвон эмас, ақлли одам деб ҳис қилишинг керак. Кўп ғовур қилдинг, бас энди! Бу дунёда анча яшадинг, етар энди! Охиратини ўйлаш вақтням келиб қолди! Хусусан, рўзгорни тугатиб бўлдим. Ўзингизга маълум, сигирларни аллақачон жой-жойига жўнатганман, сотиб бўлганман, иккита новвос қолган, яхшилаб боқилса улардан балки бирон наф чиқарди. Бунни қарангки, кутилмаганда қариган чоғимда етимларга ота бўлиб, майда болаларни боқиш пешанамда бор экан! Шу билан гап тамом деб ўйлайсизми? Шошилманг ҳали! Энг муҳимини энди эшитасиз. Чунки Тевье бир балога йўлиқса, кетидан иккинчисиям, албатта эргашиб келаверади! Бир вақт, масалан, бошимга кулфат тушди, сигирим ҳаром ўлди, унинг кетиданоқ иккинчиси ўлиб қолди... Худо дунёсини ана шундай яратган, шундай бўлаверади, қўлингиздан ҳеч нарса келмайди.

Хуллас, менинг кенжа қизим Бейлканинг тарихи эсингизда бўлса керак, албатта, биласиз, у қандай бахтга эришган, қандай хазинага учраган эди, ўзингизга маълум ўша Педоцур, енгилтак, ҳарбийлар билан иш кўрадигап пудратчи Егупецга бир қоп пул билан келиб қизимга хуштор бўлган эди; у чиройли хотин оламан деб менга бетинг қурғур Эфраим совчини юборганди. Ахир, ялпиниб-ёлвориб, енгимдан кириб, қўйнимдан чиқиб қизимни сепсиз-несиз хотин қилиб олди, кейин бошдан-оёқ совға, гавҳару олмосга кўмиб юборди... Бахтини қаранг, камини кўсти йўқ, шундай эмасми? Аммо кўп ўтмай мақтовли бахтнинг кули кўкка совурилди! Яна қанақа совурилди денг? Бунни ҳеч кимга кўрсатмасин, худо ўзинг раҳм қил! Нега десангиз, худо ғилдиракнинг тескари айланшини хоҳлар экан, ҳаммаси пучга чиқиб кетади,

пастга думалайди; оятда: «Чанг-тупроққа ботиб ётган гадойни кўтариб олди» деб ёзилганини биласиз, аммо шунинг кетиданоқ «баландда туриб осмон ва ерни кузатувчи» деб ёзилган, яъни бутун лаш-лушлари билан чуқурга «гуп» этиб ташлайди!.. Худо кишини қўғирчоқ қилишини яхши кўради. Яхши кўргандаям қанақа денг! Тевъени неча марта қўғирчоқ қилиб ўйнади: «Гоҳ чиқади, гоҳ тушади»,— гоҳ осмонга чиқаради, гоҳ ерга пақиллатиб уради! Менинг пудратчим Педоцурниям худди шундай қилди. Унинг Егупецдаги бир тўда хизматкорлару, ойна, соатлару, ҳар хил жиҳозга тўлган ўйи эсингизда бўлса керак, албатта? Ҳаммаси совурилди! Едингиздадир, сизга гапирган бўлсам керак, мен Бейлкага, эрингга айт, ўйини сотиб олсин ва албатта, сенинг номингга ўтказиб қўйсин девдим, ҳатто ялиниб сўровдим. Менинг гапимга қулоқ солишмади. Қулоқ солармиди улар? Чол отаси нимани билади? Ҳеч нимани билмайди. Оқибат нима бўлди денг? Бундай оқибат илоҳим душманларимнинг бошига ҳам тушмасин! Педоцур шу ҳашам ва дабдабалардан кейин синиб, ойналари-ю, соатларини ва хотинининг олмосу гавҳарларини сотибди. Бунинг устига қандайдир бемаза ишга аралашиб қолиб, борса келмас жойга, яъни Америкага қочиб кетишга мажбур бўлибди. Ахир, абгор бўлганларнинг ҳаммаси ўша ерга боради, улар ҳам ўша ёққа жўнашди. Бошда хўп қийналишибди, қўлларидаги оз-моз пулларини сарфлаб бўлганларидан кейин, шўринг қурғурлар ишлашга мажбур бўлишибди. Жуда қаттиқ машаққат чекишибди, ишлари ажодларимизнинг Мисрдаги ишларидан ҳам оғир бўлибди.¹ Эру хотин иккисиям шунақа азобда қолибди!

¹ Тавротда ёзиллишича, қадимги Мисрда яҳудийларнинг қадимги ажодлари кул қилинган ва уларни қалъалар, шаҳарлар қуришга мажбур этганлар. (Ред.)

Бейлканнинг ёзишича ҳозир ишлари сал ўнгланибди, машинада пайпоқ тўқиб кун кўрар эканлар, Америкада шунақа дейишар экан. Бизнингча айтсак: топганлари нон билан сувга бемалол етиб туради. Қизим: «Хайрият ки, фақат икки кишимиз, бола-чақа йўқ, бўлмаса аҳволимиз вой бўларди!» деб ёзади.

Мана энди менда савол туғилади: у шайтондан туғилган эмасмикан? Мен Эфраимни айтяпман... Қизимга топиб берган кишисини қарангу менинг бошимга келтирган савдони қаранг! Кенжам Цейтлга ўхшаб бирон касб эгасига ёки Годл каби муаллимга тегса ёмон бўлармиди? Дуруст, уларнинг ҳам омади унча юрмади... Биттаси ёшлигидан тул қолди, иккинчиси дунёнинг бир бурчагида эри билан сургунда... Аммо нима ҳам қилардик? Худонинг хоҳиши шу! Киши эртага нима бўлишини олдиндан билолмайди. Биласизми, мен нима демоқчиман? Менинг Голдам, жойи жаннатда бўлсин, ақлли хотин эди: ўз вақтида ишнинг олдини олиб, бу бемаза дунё билан хайр-маъзур қилиб, боболаримиз олдига жўнади. Нега десангиз, ўзингиз айтинг-чи, болалар деб ўлгудай машаққат чеккандан кўра, салқин гўрда ётиш минг марта яхши эмасми? Анов китобда нима дейилади: «Киши ўз ихтиёри билан яшамайди»,— бизнинг тақдиримиз ўз қўлимизда эмас, ўз қўлимга оламан деб уриниб кўринг-чи! Олиб бўпсиз! Шатта ейсиз!

Бироқ биз йўлдан четга чиқиб кетдик. Қани ўша йўлимизга тушайлик. Сизнинг китобингизда айтилганидай, шаҳзода бу ёқда турсин эндиги гапни маликадан эшитайлик. Нимани гапираётган эдик ўзи? «Йўқол!» деган бўлим ҳақида эди гапимиз. Бу бўлимга киришишдан олдин, илтимос қиламан, тоқат қилиб туринг, бошқасига пича тўхталиб ўтайлик. Аслида-ку, буни у бўлим кетгидан эмас, олдидан ўқишади, аммо бу бўлимларни менга тескари ўқиб беришди. Воқеа қизиқ, эшитишингиз мум-

кин, менимча, у сизнинг бирон ишингизга яраб қолса керак.

Бу воқеа урушдан кейиноқ, коснетуция айни авжга чиққанида, яҳудийлар бошига аввал катта шаҳарларда, кейин кичикларида худонинг «марҳамати» ёғилиб турган пайтда бўлган эди... Аммо бу кўргиликлар менинг бошимга тушмади, тушини ҳам сира мумкин эмас эди! Нега? Шундай! Неча йиллардан бери деҳқонлар орасида яшасанг, қўшнилари билан иноқ бўлиб кетсанг ҳамма сени ҳурмат қилади, «Азиз дўстим, ҳурматли ота», «Отахон, Тевль» дейди, қишлоқнинг энг бообрў кишиси. Бирон маслаҳат керак бўлса: «Тевль нима деса шу», иситма дориси керак бўлса: «Югур Тевлга», бировга пул зарур бўлиб қолса, яна: «Тевлга бор»... Шундай бўлгач, погромдан хавфсизрармидим? Ҳеч! Хаёлимга ҳам келган эмас! Деҳқонларнинг ўзлари менга, ҳеч қўрқадиган жойи йўқ, биз йўл қўймаймиз, деб қайта-қайта айтишган. Дарҳақиқат... Мана энди эшитинг.

Бир куни Бойберикдан уйга қайтиб келдим. У вақтда бақувват эдим, сут маҳсулоти — пишлоқ, сариёғ ва бошқа шундай моллар билан савдо қилар эдим. Отни аравадан чиқариб, олдига пичан, сули ташладим-да, овқатланиш олдидан қўлимни ювмоқчи бўлсам, ҳовлимга деҳқонлар кириб келишди, бир тўда денг, элнинг ҳамма катталари — оқсоқол Иван Поперилодан тортиб подачи Трохимгача шу ерда. Уларнинг ҳаммасининг ранги ўзгача, ҳамма байрамча кийинган... Бошда юрагим орқага тортиб кетди: бу қанақа байрам экан? Уларнинг келиши яна... Аммо дарров ундай ёмон фикрдан қайтдим. Қизиқсан, Тевье! Уят эмасми сенга: «Шунча йилдан бери бу қишлоқда яшаб турибсан, шунча деҳқон орасида биттаю битта яҳудийсан, ҳамма билан иноқ бўлиб, тотув яшаб келгансан, биров сенга ҳеч қачон қўл теккизган эмас!»

Мен уларнинг олдига чиқиб қоидага мувофиқ сўрашдим:

— Салом, сизларга азиз тўралар!— дедим мен.— Хуш келибсизлар. Қандай хушхабар олиб келдиларинг? Қандай янгиликлар бор?

Оқсоқол Иван Поперило олдинга чиқиб, ҳеч қандай даромад қилмасдан тўппа-тўғри очикдан очик:

— Биз, Тевье олдинга... Дўппослагани келдик!— деди.

Бу гапга нима дейсиз? Бизнингча бу шама бўлади... Бу гапларнинг менга қандай таъсир қилганлигини тасаввур қилишингиз мумкин. Аммо сир бой бермадим! Аксинча... ахир, Тевье ёш бола эмас...

— Яхши ўйлабсизлар!— деб жавоб бердим, гўё ҳеч нарса бўлмагандай.— Бу қанақа иш бўлди, болаларим, кечикиб қолибсизлар-да! Бошқа жойларда бу ишлар эсдан чиқиб кетди деса бўлади!

Кейин Иван Поперило оқсоқол чўрт кесиб бундай деди:

— Биласанми, Тевье, бизлар сени урайликми, йўқми деб жуда кўп ўйладик. Бошқа ҳамма ерда сизларни савалашибди, биз қандай қилиб сени бир четда қолдирар эканмиз? Мана, олдинда турган халойиқ ҳар ҳолда сени савалашга қарор қилди... Аммо биласанми, Тевье, бунга қандай қилишга ҳали ақлимиз етмай турибди: ойналарингни синдириб, тўшак, ёстиқларингни йиртайликми, ёки уйингга, омбор-помборларингнинг ҳаммасига ўт қўяйликми?..

Ана энди бу гаплардан кейин жоним бўғзимга келди. Мен меҳмонларимга кўз ташладим, улар қўлларидаги ҳассаларига таянганларича нима тўғрисидадир шивир-лашаётган эдилар. Авзойилари бузуқ, иш ҳазилга ўхшамайди.

«Бундай бўлса,— деб ўйладим,— худди забур оятларидан бирида айтилганидай: «Сув бўғзимга келиб етди»,— тоза адабингни берадилар энди, Тевье! Агар...— худо сақласин!.. ҳамма нарсани кутиш мумкин. Кўнгилларида нима борлигини ким билади: Йўқ, ўлим билан ҳазиллашиб бўлмайди! Уларга бирон нима дейиш керак.»

Узундан узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, азиз дўстим, мўъжиза рўй берди... Худо менга ўзимни йўқотиб қўймаслигимга, руҳимни туширмаслигимга куч берди! Юрак ютиб деҳқонларга бундай дедим:

— Гапимга қулоқ солинглар, азиз тўраларим! Халойиқ қарор қилган экан ўйлаб-нетиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Тевье хўжалигини расво қилишга арзийдиган бирор гуноҳ қилган-қилмаганини мендан кўра ўзларинг яхши биласизлар. Аммо оламда сизнинг тўдангиздан кўра улугроқ кимса борлигини биласизларми? Оламда худо борлигини биласизларми? Мен сизнинг худойингиз, менинг худойим деётганим йўқ, мен бизларнинг умумий худойимиз тўғрисида, баландда туриб, бунда пастда бўлаётган разиллик, аблаҳликларни кўриб турган худо ҳақида гапиряпман... Балки мени, бекордан бекорга сизлар, энг яхши дўстларим жазоласин деб худонинг ўзи қарор қилиб қўйгандир; эҳтимол, Тевьега ёмонлик қилинишини у мутлақо хоҳламайдигандир... Худонинг хоҳишини ким билади дейсиз? Қани, балки сизларнинг ўрталарингда буни ажирим қила оладиган бирон кимса топилиб қолар?

Хуллас, улар ўйлаб кўриш кераклигини, Тевьени гап билан енгиб бўлмаслигини билдилар. Шундан кейин оқсоқол Иван Поперило бундай деди:

— Биласанми, гап нимада? Ростини айтсам, Тевье, сенга бизнинг ҳеч қандай ёмонлигимиз йўқ. Сен жуҳуд бўлсанг-да, ёмон одам эмассан. Аммо бирининг иккинчисига алоқаси йўқ. Сени дўппослаш керак. Халойиқ

шундай қарор қилгандан кейин, тамом! Жилла бўлмаса биз сенинг ойналарингнинг синдирамиз. Буни биз, албатта қилишимиз керак. Замонанинг қандайлигини ўзинг биласан, биронтаси ўтиб қолса сени дўппослаганимизни кўрсин, йўқса бизга жарима солишлари мумкин...

Худди шундай деди, худоё, ҳамма ишимда мададкор бўлгин! Хўш, мана энди мен сизга савол бераман, жа-ноб Шолом-Алейхем, сиз кўпни кўрган одамсиз, айтинг, худонинг қудрати кенг дейишда Тевье ҳақлими, йўқми?

Демак, биз бир воқеанинг ҳикоясини тамомладик. Энди тавротдаги «Йўқол!» бўлимига келайлик. Бу бўлимни мен яқиндагина ўтдим, ўтгандаям қандай денг, чи-накамига. Энди бу сафар, биласизми, ҳеч қандай нутқ ва насиҳат кор қилмади! Воқеа мана бундай бўлди. Буни сизга миридан сиригача батафсил гапириб бери-шим керак, айтгандай, сиз шунақасини яхши кўрасиз.

Бу воқеа Бейлис кунларида,¹ бировлар қилган жи-ноятнинг азобини айбсиз Мендель Бейлис чекаётган ва бутун дунё алғов-далғов бўлган кунларда содир бўлган эди. Шу кунлардан бирида мен дераза олдидаги супа-чада ўйга чўмиб ўтирган эдим. Ёз, қуёш иссиқ нурлари-ни сочмоқда, бошим бўлса ўй-фикрлардан ёрнай деб турибди. Бу қанақа иш бўлди? Бунақа ишнинг бўлиши мумкинми? Ҳозирги замонда-я? Бундай қараб турсанг, ажойиб замон! Ғоят улуғ одамлар дунёга келган. Лекин худо қани? Яҳудийларнинг эски худоси қани? У нега жим ўтирибди? Нега бунақа ишга йўл қўйиб беряпти? Бу нима деган гап, қанақа бўлди? Худо тўғрисида шун-дай мулоҳаза қилганингда беихтиёр чуқур фикрларга

¹ 1911 йилда подшо ҳукумати Мендель Бейлис деган яҳудийни христиан боласи Андрей Юшчинскийни ўлдиришда нотўғри айблаган эди. «Бейлис (1911—1913) воқеаси» бутун Россияда катта поро-зилик туғдирганидан кейин Бейлис оқланган эди.

чўмиб кетасан, ҳаёт нима-ю париги дунё нима эканлиги тўғрисида бош қотира бошлайсан. Ниҳоят, нега Мусо келмаяпти экан?!

«Эҳ, ҳозир у ўзининг оқ дулдулини миниб келиб қолса қандай ақлли иш қилган бўларди!— деб ўйладим.— Нақадар яхши иш бўларди-я! У бизга ҳеч қачон ҳозиргидай зарур бўлган эмас! Билмадим, бойларнинг, чунончи, Егупецда Бродский, Парижда Ротшильднинг аҳволни қанақа экан? Балки уларга Мусонинг ҳеч қанақа зарурати йўқдир, улар унинг тўғрисида мутлақо ўйламаётгандирлар ҳам. Аммо биз билан Одесса, Касриловка, Мазеповка, Злодеевка ва ҳатто Егупец камбағаллари уни интизорлик билан кутяпмиз, қани энди келиб қолса! Термилиб кўзларимиз тешилди! Бизнинг бутун умидимиз ҳозир фақат худонинг мўъжизасига, Мусонинг келишига боғлиқ бўлиб қолди!»

Ана шундай ўйлар билан банд бўлиб турганимда тўсатдан бировнинг оқ от миниб тўппа-тўғри менинг дарвозамга қараб келаётганини кўрдим! Др-р! Тўхтади, эгардан тушиб, отни боғлади-да, менга қараб:

— Салом, Тевль!— деди.

— Салом, салом, жаноблари!— дедим очик чеҳра билан, аммо ичимда: «Буни қаранг-а, хизирни йўқласам, ўрнига миршаб келиб турибди!» деб ўйладим.

Жойимдан туриб унинг ёнига юрдим.

— Марҳамат, келсинлар, азиз меҳмон! Оламда нима гаплар, қандай хушхабарлар олиб келдингиз, бошлиқ жаноблари?

Юрагим қинидан чиқай деб гупиллаб уряпти, унинг нима учун келганлигини тезроқ билмоқчиман. Аммо миршаб шошилмаяпти. Папиросини олиб гугурт чақди-

¹ Яҳудийлар динида яҳуд халқини озод қилишга келади деб кўтилган зот.

да, бурқиратиб тутун чиқара бошлади. Кейин туфлаб, савол берди:

— Қани айтгин-чи, Тевль, ҳовлингни ва лаш-луш-ларингни сотиб бўлгунингча қанча вақт керак сенга?

Мен бу гапларга ҳайрон бўлиб унга қарадим.

— Нега ҳовлимни сотишим керак экан? У кимга халақит берапти?

— Ҳовлинг-ку ҳеч кимга халақит бераётгани йўқ-а,— дея жавоб берди у.— Аммо мен сени қишлоқдан ҳайдаб юборгани келдим.

— Бор-йўғи шуми?— дедим.— Қайси яхшилигим учун? Қандай ишим билан сизнинг бунақа мурувватингизга муяссар бўлдим?

— Сени мен ҳайдаётганим йўқ,— деди у,— губерния ҳайдаяпти.

— Губерния?— Менинг қанақа гуноҳларимни топган экан у?

— Битта сени эмас,— дея жавоб берди у,— фақат бу қишлоқдан эмас, ҳамма қишлоқлардан: Злодеевка, Грабиловка, Костоломовка ва ҳатто илгари кичик қишлоқ ҳисобланган Анатовкадан ҳам. Сизникиларнинг ҳаммасини ҳайдаб чиқаряптилар...

— Қассоб Лейзер-Волфниямми? Нафтоле-Герцниямми? Саллоҳниямми? Уернинг раввиниямми?

— Ҳаммасини, ҳаммасини!— деб жавоб берди у ва худди пичоқ билан қирққандай қўлини силтаб қўйди...

Сал енгил тортгандай бўлдим. Ҳар ҳолда кўпчиликнинг қайғу-ҳасрати ярим тасалли-да. Бироқ хўрлигим келяпти, ичимдан куйиб-ёниб кетяпман, аламимга чидай олмай миршабга қараб бундай дедим:

— Сен ҳурматли жаноб, биласанми, мен бу ерда алмисоқдан бери яшаяпман? Биласанми, бу ерда жойларини жаннатда бўлсин, менинг раҳматли дадам, раҳматли бувам, раҳматли бувим яшаганлар!

Мен эринмасдан бутун оилани битта-битта санаб, номма-ном айтиб чиқдим, кимнинг қаерда турганини, қаерда ўлганини муфассал гапириб бердим... У ҳамма гапимни эшитиб бўлгач:

— Қизиқ одамсан-да, Тевль,— деди,— гапинг ҳеч ту-гамайди. Сенинг бувангу бувингининг менга нима кераги бор? Жойлари жаннатда бўлсин! Аммо сен Тевль, лаш-лушларингни йиғин-да, Бердичевга қараб туёғингни шиқиллатгин!

Бу гапдан жоним чиқиб кетди, хунук хабар олиб келганлиги, устига яна масхара қилишини айтмайсиз-ми? «Бердичевга қараб туёғингни шиқиллат!» эмиш. Қани бўлмаса, мен юрагимда тўлиб-тошиб турган гапларни айтиб ташлай ўзига!

— Ҳурматли жаноб!— дедим.— Сен мана бир қанча вақтдан бери бизда бошлиқ бўлиб турибсан. Қўшниларимдан биронтаси устимдан шикоят қилганини, Тевье менинг бирон нарсамни ўғирлади, талади ёки алдади деб шикоят қилганини эшитганмисан? Фуқаролардан сўрагин-чи, мен улар билан қанақа жонажон бўлиб яшаган эканман? Мен деҳқонларни ёқлаб, уларни хафа қилмагин, ранжитмагин деб илтимос қилгани озмунча ҳузу-рингга борганманми?..

Бу гапларим унга ёқмади. Жойидан туриб папироси-ни қўли билан босиб ўчирди-да, отиб юбориб деди:

— Сен билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ. Менга қоғоз келган. Шундан бошқаси билан ишим йўқ. Қани, мана бунга қўл қўй! Чиқиб кетишинг учун сенга уч кун муҳлат берилади, шу муддат ичида сота-диганларингни сотиб, йўлга тайёрлигингни кўр!

Иш пачавалигини кўриб мен:

— Уч кун муҳлат берасизларми? Эвазига, илойим, сизлар уч йил роҳатда ва фароғатда яшанглар. Сиз

менга шу хушхабарни келтирганингиз учун, худо яхши-
лигингизни юз барабар қайтарсин...— дедим.

Хуллас, мен юрагимда қайнаб-тошиб турган гаплар-
нинг ҳаммасини унга тўкиб солдим! Дарҳақиқат, нега
энди андиша қилиб турарканман? «Нима кетарди?»
деб ўйладим мен. Бу воқеа йигирма йил олдин рўй бер-
ганда, Голдам ҳаёт бўлганда, ўзим аввалги Тевье бўл-
ганимда сираям ён бермасдим! Бир томчи қоним қол-
гунча курашардим! Ҳозир-чи? «Биз нима-ю, ҳаётимиз
пима? Мен кимману, нимаман? Бир хасман, холос! Ё
парвардигор!— деб ўйладим.— Нимага Тевьенгга бунча
ёпишиб олдинг? Нега сен ҳазил тариқасида бўлса-да,
айтайлик, Бродский ёки Ротшильд билан ҳеч ўйнашмай-
сан? Нега уларга ҳеч ким «Йўқол!» сурасини ўқимайди?
Ахир бу биздан кўра уларга муносиброқ-ку! Биринчидан,
улар яҳудий бўлишнинг нималигини чинакам ҳис қилар-
дилар, иккинчидан, бизнинг ҳамма нарсаса қудрати ета-
диган улугъ худомиз борлигини билардилар...»

Аммо буларнинг ҳаммаси пуч гаплар. Худо билан
мунозара қилишдан фойда чиқмайди, биздан ҳеч ким
маслаҳат ҳам сўрамайди. Бас, у: «Осмон ҳам меники,
ер ҳам меники» деяр экан, демак у хўжайин, унга итоат
қилиш керак. Худо нима деса шу, қандай деса шундай
бўлади!

Уйга кирдим-да, бева қизимга:

— Цейтл, биз шаҳарга кўчиб кетамиз,— дедим.—
Қишлоқда шунча турганимиз етар. Жой алмашиш,
бахт алмашиш дегани бўлади. Ишга кириш. Йўлга тай-
ёрлик кўр, кўрпа-тўшак, самовор ва бошқа лаш-луш-
ларни йиғиштириб қўй, мен уларни обориб сотаман.
Қоғоз келибди, биз бу ердан кетишимиз керак экан, уч
кун ичида биздан ном-нишон ҳам қолмаслиги керак
экан!

Цейтл бу хабарни эшитиб ҳўнграб йиғлаб юборди, уни кўриб болалари ҳам бирданига йиғлай бошлади, уйда худди азадагидай йиғи-сиғи бошланди. Меним аччиғим чиқди, албатта, юрагимда тўлиб-тошиб ётган аламни шўрлик қизимдан ола бошладим: «Мен сизларга нима қилиб бера олардим? Нега энди, тавба қилиш кунларидаги кекса ҳофизларга ўхшаб бирданига йиғлагани тушдиларинг? Худонинг бандаси битта мен эканманми? Яккаю ягона-я? Ҳозир қишлоқлардан ҳайдалаётган яҳудийлар оз дейсанми? Бор, ана миршабнинг гапини эшит, нима деяпти? Ҳатто ҳозиргача кичкина овул бўлиб келган сенинг Анатовканг ҳам худонинг раҳмати билан у ердаги яҳудийлар учун, уларнинг ҳаммасини ундан ҳайдаш учун қишлоққа айланибди... Бас, шундай экан, меним бошқалардан қаерим кам?»

Мен қизимга юрагимдаги ҳамма гапни тўкяпман денг, аммо у бир муштипар-да...

— Биз бирданига қаерга борамиз?— деди у.— Қаердан бошпана қидирамиз?

— Тентаксан!— деб жавоб бердим мен.— Худо бизнинг пиримиз Иброҳимга келиб: «Ўз юртингдан йўқол!» деганида, Иброҳим, «қаерга?»— деб суриштириб ўтирмаган. Худо унга: «Мен айтган жойга борасан...» деган, қўйган. Демак, бу тўрт томонинг қибла дегани бўлади... Бошимиз оққан томонга кетаверамиз. Бошқаларнинг бошига тушганини биз ҳам кўрармиз. Бойбека синглинг Бейлкадан ортиқ эмассан. Биласанми, у ўзининг Педоцури билан ҳозир Америкада «кун кўриш»га кўникипти, нега сен кўнникмас экансан? Худога шукурки, жўнаш учун озми-кўпми дастмоемиз бор. Илгариги пулдан, молларни сотганимиздан оз-моз бор, ҳовлидан ҳам бир оз пул тушар. Ундан бир оз, бундан бир оз, ахир. оздан кўп бўлади-да, тома-тома кўл бўлур, дейишади-ю. Шунга ҳам шукур! Агар ҳеч нимамиз бўлмагандаям

барибир аҳволимиз Мендель Бейлисникидан яхшироқ бўлар эди!

Хуллас, уни базўр унатдим, қайсарлик қилмайдиган бўлди. Унга яхшилаб тушунтириб бердим, бас, миршаб қоғоз келтирган экан, ўжарлик қилиб бўлмайди, кетиш керак... Ўзим ҳовлини бир ёқли қилиш ниятида кўчага чиқиб кетдим. Иван Поперилонинг, яъни оқсоқолнинг уйига келдим. У бели бақувват одам, менинг ҳовлимга-ям кўпдан кўз ташлаб юарди. Мен гапни айлантириб ўтирмай кўнглимдагини шартта айтдим, қўйдим.

— Сенга маълум бўлсинки, Иван азизим, мен сизларни ташлаб кетяпман...

— Нега ундай бўлди?— деб сўради у.

— Шаҳарга кўчиб кетяпман,— дедим,— ўз кишиларим орасида турмоқчиман. Ёшим десанг анчага бориб қолди. Мабодо, бирданига, худо сақласин, ўлиб қолсам...

— Нега энди,— деди у,— бу ерда ўла олмас экансанми? Ким сенга халақит беряпти?

— Ташаккур,— дедим мен,— бу ерда ўзинг бемалол ўлавер. Менинг ўз кишиларим олдига борганим дуруст. Сен Иван, менинг ҳовлим билан томорқамни ола қол. Бошқа кишига сотмасдим, сенга сотаман, ол.

— Қанча сўрайсан?

— Қанча берасан?

Хуллас: «Қанча сўрайсан?»—«Қанча берасан?» деб қўлга қўлни уриб савдолаша бошладик. Ўн сўм ортиқ, ўн сўм кам савдолаша-савдолаша, ниҳоят, бир кесимга келиб тўхтадим. Айниб қолмасин деб ундан каттагина закалат олдим, шундай қилиб, бир кун ичида бутун мулкни сув текин пуллаб бўлдим, бор пулнинг ҳаммасини олтинга айирбошладим ва қолган-қутган қақир-қуқурларни олиб кетиш учун арава кира қилгани кетдим.

Аммо Тевъенинг бошига тушган яна бир савдонн эшитинг. Сиз диққат билан қулоқ солинг, вақтингизни кўп олмайман, икки оғиз гапираман, холос.

Кетиш олдидан уйга кирсам, уй шипшийдам! Деворлар яланғоч, худди йиғлаётгандай туюлди. Ерда сон-саноқсиз бўғчалар... Печкада етимчага ўхшаб мушук ўтирибди, маъюс кўринади бояқиш, шу туришини кўриб юрагим эзилиб кетди, кўзим жиққа ёшга тўлди... Қизимлан уялмаганимда маза қилиб йиғлаган бўлардим... Лекин оила бошиман, уйнинг отасиман!.. Шу ерда ўсдим, бутун умр шу ерда машаққат тортдим, тўсатдан, қарангки, йўқол эмиш! Ҳар нима десаңгиз ҳам осон эмас, оғир, жуда оғир! Аммо Тевье хотин киши эмас, ўзимни тутдим ва қувноқ овоз билан қизимни чақирдим:

— Бу ёққа кел-чи, Цейтл, қаёқда қолдинг?

У ён хонадан чиқиб келди, кўзлари қизарган, бурни шишиб кетган «Ўҳў,— деб ўйладим,— қизим қиёмат кунндаги хотинларга ўхшаб яна роса йиғлаган шекилли. Хотинлар шу-да, салгаям йиғлайиверадилар! Кўз ёшлари сув текин-да...»

— Тентаксан!— дедим мен.— Яна нимага йиғлайсан? Ахир, ўйлаб кўргини, биз билан Мендель Бейлис ўртасида қандай фарқ бор?

Гапларимни эшитгиси ҳам келмади.

— Дада,— деди у,— сен нима учун йиғлаётганимни билмайсан...

— Жуда яхши биламан!— дедим мен.— Нега билмас эканман? Ҳовлидан ажралиб кетиш оғир бўлгани учун йиғлайсан-да... Ахир, сен шу уйда туғилдинг, шу ерда катта бўлдинг, оғир, албатта. Ишон менга, қизим, мен, Тевье бўлмай, бошқа киши бўлганимда шу яланғоч деворларни, бўш тоқчаларни ўпардим... Мен ўзимни ерга ташлаб, унга бағримни босардим. Ҳар бир, ҳатто арзимаган нарсаям ачинамиз, сен ҳам, мен ҳам. Тентак-

кина! Ҳатто мушук ҳам печкада етимчадек Маънос ўтирибди. Тилсиз махлуқ, шундай бўлса-да, унга одамнинг юраги ачишади, эгасиз қоладн, ахир...

— Ачиниш керак бўлган яна бир киши бор,— деди у

— Масалан?

— Масаланми? Биз кетамизу, аммо бир кишимиз якка-ёлғиз қоляпти...

Кимни кўзда тутиб гапирётганини тушунмаяпман.

— Нима деб вайсаяпсан ўзинг? Ким тўғрисида гапиряпсан? Қанақа одам? Якка-ёлғиз?

— Дада,— деди у,— мен вайсаётганим йўқ, нима деётганимни билиб гапиряпман. Мен ўзимизнинг Хово тўғрисида гапиряпман...

Унинг бу гапи, онт ичаманки, устимдан худди қайноқ сув қуйгандай, бошимга тош билан ургандай бўлди.

Унга қаттиқ гапириб, адабни бера бошладим.

— Нимага сен бирданига Ховони тилга олдинг? Ахир, Ховонинг номи тилга олинамасин деб, печка марта айтганман-ку!

Гапим унга таъсир қилди, қўрқди деб ўйлайсизми? Мутлақо. Тевье қизларининг табиати ғалати-да!

— Дада,— деди у,— жаҳлинг чиқмасин. Ундан кўра эслагин-чи, сен ўзинг ҳам табаррук китобда:— Ота ўз боласига қандай ачинса, киши кишига шундай ачинини керак, дейилган деб қайта-қайта айтардинг-ку...

— Эшитдингизми? Мен тутақиб кетдим, албатта бунинг учун қаттиқ койиндим:

— Сен менга ачиниш, аяш тўғрисида гапиряпсанми? — дедим унга.— Мен итга ўхшаб попнинг оёғига бош урганимда, лаънатига ялиниб-ёлворганимда Хово менга ачинганмиди? Ўша вақтда у ҳар бир сўзимни эшитиб, қўшни хонада ўтиргандир балки? Ёки раҳматли онасининг, жойи жаннатда бўлсин, қора парда ёпиғлиқ жасадн мана шу ерда ётганида ачинганмиди? Ўша пайтда

у қаерда эди? Менинг мижджа қоқмай ўтказган тулла-
рим-чи? Унинг қилигини, бизни писанд қилмай, биттаси-
нинг этагини ушлаб кетганини ўйласам, ҳали-ҳали юра-
гим туздек ачишади. Унинг менга ачингани шуми?

Юрагим шу қадар қаттиқ эзилиб кетдики, оғиз очиб
гапиролмай қолдим... Тевъенинг қизи бу билан гап то-
полмай қолди деб ўйлайсизми?

— Ахир сен ўзинг,— деди у,— ҳатто худоям тавба
қилган одамнинг гуноҳидан кечади дейсан-ку...

— Энди тавбами?— дедим мен.— Тавбанинг вақти
аллақачонлар ўтиб кетган! Дарахтдан синиб тушган
шоҳ қуриydi, узилиб тушган барг чирийди. Бундан
кейин бу ҳақда менга гапирма! Бас!

Гап кор қилмаганини, Тевъени гап билан унатиб бўл-
маганини кўриб, у менга ёпишиб қўлларимни ўпа бош-
лади:

— Дада!— деди у.— Агар сен ҳозир ҳам ўша вақтда,
ўрмонда сенга қўлини чўзганида отингин қамчи-
лаб қочиб кетганингдек иш қиладиган бўлсанг, мен тур-
ган жойимда тил тортмай ўлай.

— Нимага менга бунча ёпишиб қолдинг?— дедим
мен.— Нима бало бўляпти ўзи менга?

Аммо у қўймай, қўлларимни ушлаганича гапини маъ-
қул қилаверди:

— Агар уни кечирмасанг мен шу тобда ўлиб кетай.
Мен сенинг қизинг бўлганимдек, уям сенинг қизинг-ку,
ахир!

— Хўш, мен нима қилай?— дедим.— У менинг қи-
зим эмас! У аллақачон ўлиб кетган!..

— Йўқ!— деди Цейтл,— у ўлган эмас, тирик, илга-
ригидек сенинг қизинг. Чунки у бизни ҳайдаётганлари-
ни эшитган замон биз билан бирга кетишга онт ичган.
Бизни ҳайдаш — ҳамма яҳудийларни ҳайдаш, деди у. Хо-
во менга сизлар қаерда бўлсаларинг, мен ҳам ўша ерда

бўламан, деди. Бизнинг қувғинимиз унинг қувғини...
Унинг тугуни ҳам мана шу ерда...

У шошиб-пишиб, шу гапларни гапириб ташлади, менга оғиз очиб бир нима дейишга ҳам имкон бермади, қизил рўмолга тугилган қандайдир тугунни кўрсатди... Шу замон иккинчи хонанинг эшигини очди-да: «Хово!» деб қичқирди. Худди шундай деди-я! Энди азиз дўстим, мен сизга нима десам бўлади? Худди сизнинг китобингизда баён қилинганидек: эшикда Хово кўринди, ўша илгариги Хово: соғлом, бақувват, чиройли, ҳеч ўзгармабди, фақат юзида ташвиш изи бор, кўзлари сал хира. Бошини мағрурона баланд тутиб турибди. Бирпас тўхтаб менга қаради, мен унга қарадим. Сўнгра икки қўлини барала кўтарди-да, бўйнимдан қучоқлаб, биргина сўз, эшитилар-эшитилмас биргина сўз айтди:

— Дада!

Мени кечиринг! Эслаганим замон дарҳол кўзларим жикқа ёшга тўлади. Аммо Тевье, худо сақласин, йиғлаб юборибди, ёш тўкибди деб ўйламанг, унақа бўлмайди! Яъни у пайтда кўнглим тўлиб, меҳрим жўшиб кетди, бу маълум... Ахир сиз ҳам отасиз, болалар учун ачиниб нима эканини мenden кам билмайсиз... Бола қандай гуноҳ қилса-да, ёлвориб: «Дада!» деса, уни ўзингиздан четлатиб қўясизми? Четлатиб кўринг-чи!.. Аммо иккинчи томондан, бошим айланиб қолди, унинг менга қилган қилиқлари эсимга келяпти... Федька Галаган... Поп... Менинг кўз ёшларим... Голдамнинг ўлими... Йўқ! Айтинг-чи ўзингиз, буларнинг ҳаммасини эсдан чиқариб бўладими? Қандай қилиб эсдан чиқарасиз? Аммо жигарингиз, ўз болангиз... «Ота ўз болаларига ачинади». Худонинг ўзи ҳам ўзи тўғрисида, мен ҳамма нарсани кечираман деярдан экан, киши шунақа бағритош бўлиши мумкинми? Айниқса, тавба қилаётган бўлса, ўз отасига, ўз динига

қайтмоқчи бўлса? Сиз нима дейсиз, жаноб Шолом-Алей-хем? Сиз китоб ёзадиган, халққа маслаҳат берадиган кишисиз, айтинг-чи ўзингиз, Тевье нима қилиши керак эди? Ўзининг азиз боласи сифатида уни бағрига босиб, юзларидан ўпиб, оятда айтилганидек: «Сўзингга мувофиқ кечирдим» — кел болагинам, дейиши керак эдими? Ёки бир вақтлар қилганим сингари тескари қараб: «Яхшиликча келган ерингга кета қол!» дейишим керакмиди? Йўқ, ҳақиқатан ҳам, айтайлик, сиз меним ўрнимда бўлсангиз... Менга дўстингиз сифатида очиқ айтаверинг: сиз нима қилардингиз? Агар ҳозир жавоб беролмасангиз, майли, муҳлат бераман, ўйлаб кўринг... Ҳозир кетишим керак: невараларим интизор бўлиб йўлимга қараб ўтиришибди. Агар сизга айтсам, неваралар болаларингиздан кўра минг марта азизроқ. «Болаларингнинг болалариям сенга бола!» Ҳазил гапми бу!

Омон бўлинг, миянгизни ғовлатганим учун мени кечиринг. Ахир ёзиш учун гап топилди-ку. Худо хоҳласа, кўришиб қолармиз. Хайр! Яхши қолинг!

СТЕМПЕНЮ

*ЯХУДИЙЛАР ҲАТИДАН
ЕЗИЛГАН РОМАН*

АЗИЗ ВА ҚАДРДОН ОТАХОН!

Менинг яҳудийлар ҳаётидан ёзиб, Сизга бағишлаган. биринчи «Стемпеню» романим чин маъноси билан Сизнинг романингиздир. У Сизга бағишлангани учунгина эмас, балки мени шу ишга руҳлантирганнингиз учун ҳам Сизникидир.

Сиз менга ёзган мактубларингиздан бирида бундай дегансиз:

«Мен сизга роман ёзишни маслаҳат бермас эдим: Сизнинг жанрингиз, вазифангиз бутунлай бошқа. Умуман олганда, бизнинг халқимиз ҳаётида ишқий можаролар бўлса-да, ўзига хос характерда бўлади, буни назарга олиш керак ва уни бошқача қилиб ёзиш даркор...»

Сизнинг бу гапларингиз қалбимга чуқур ўрнашиб қолди. Мен яҳудийлар ҳаётидан ёзилган роман бошқача бўлишини тушундим; ахир, яҳудийларнинг бутун ҳаёти, айниқса, ишқий муносабатлар пайдо бўладиган вазият бошқа халқларникига сира ўхшамайди-да. Шу билан бирга яҳудий халқининг ўзига хос алоҳида хис-

¹ Шолом-Алейхем бу асарини ҳозирги замон яҳудий адабиётига асос солган, яҳудий адабиётининг «Отахон» деб ном олган классик ёзувчи Менделе-Мойхер-Сфоримга (Ш. Я. Абрамовичнинг тахаллуси (1836—1917) бағишланган.

латлари, туриш-турмуши, урф-одатлари, удумлари бор. Ёзиладиган роман дарҳақиқат ҳаётий чиқсин дейилса, унда ана шу ўзига хос миллий хусусиятлар ўз ифодасини топиши керак.

Сизнинг насиҳатларингиздан чиқариб олган асосий хулосам ана шундай. Бу фикрларни романимнинг қаҳрамони ёш яҳудий аёли гўзал Рохила образида, шунингдек унинг атрофидаги бошқа шахсларнинг образларида ҳам акс эттиришга ҳаракат қилдим. Шу орзумнинг нақадар муваффақиятли чиққан-чиқмаганлигига ўзим баҳо беролмайман, албатта. Аммо Сиз яҳудий романивисидан ҳаққоний талаб қилганингиз, роман яратиш менинг эзгу тилагим эди.

Стемпенюнинг номи ва унинг ғояси, қадрдон отахон, Сизга оид бўлганлиги учун ҳам у Сизникидир. Сизнинг кейинги асарларингиздан бирини ўқиб, унда «ишқ-муҳаббат томчилари» тўлдирилган шишадан маълум мақсадни кўзлаб малай ва ходимларни баҳраманд қилувчи Стемпеню деган номни учратдим... ана шунда болалигимда хедерда¹ ўқиганимда, Стемпеню ҳақида жуда кўп эшитган ажойиб қиссалар дарҳол эсимга келди.

Стемпенюни билмайдиган, ҳатто унинг номи ғалати бўлиб туюладиган жойлар, хусусан, Литвала кўп топилса керак. Шундай бўлса-да, бизнинг Тентаклар округида Мазеповкадан тортиб, то Егупецгача бу ном жуда машҳурдир. Сизнинг Чирикобод, Цвиачица, Текинхўрхона тўғрисида гаприб ҳам ўтирмайман, унда Стемпенюнинг ким экани, қаерда туғилгани ва нима билан шуҳрат қозонганлигини ҳар бир ёш бола ҳам билади.

Аммо гап фақат Стемпенюнинг ўзидагина эмас. Мен ўз романимда учта асосий типни кўрсатмоқчиман ёки одатдаги таъбир билан айтганда учта қаҳрамонни май-

¹ Хедер — яҳудийларнинг бошланғич диний мактаби. (Ред.)

донга олиб чиқмоқчиман: скрипкачи яҳудий артисти Стемпенюни, мўътабар оиладан чиққан яҳудий аёли гўзал Рохилани шу билан бирга унинг оила ор-номуси ҳақидаги тушунчасини ҳамда яҳудий жувони Фрейдлни ва унинг қурумсоқлиги, бачкана манфаатпарастлигини тасвир этиб бермоқчиман. Буларнинг учаласи уч хил дунё. Стемпеню, Рохила ва Фрейдл аравамнинг тўридан жой олган фахрли йўловчиларимдир. Қолган бошқа шахслар эса фақат ҳамроҳлар бўлиб, улар амал-тақал қилиб энг орқада ўтиришган, холос. Шунинг учун ҳам бу шахсларга кам эътибор бериб, ижодий кучимни асосий қаҳрамонларимнинг тасвирига сарф қилганман.

Менимча, яҳудий созандалар алоҳида бир дунё бўлиб, улар менинг романимдагидан кўра кўпроқ жиддий мушоҳадага арзийди. Аммо бу дунёнинг ич-ичига кириш учун, азиз отахон, Сизнинг кўзингиз, Сизнинг қаламингиз керак ва Сиздай меҳнатсевар бўлиш лозим.

Бундай меҳнатсеварлик, ҳар бир сўзни чуқур ўйлаб ишлатиш қобилияти қаерда дейсиз? Бунга сабр-тоқат борми?

«Ҳар бир асар устида, қадрдон неварам,— деб ёзасиз бошқа бир мактубингизда — кўп ва узоқ ишлаш керак, пешана тери тўкиб меҳнат қилиш лозим, ҳар бир сўзни ўткирлаштирмоқ зарур. Менинг насиҳатим: пардозлаш, пардозлаш ва сайқал бериш керак!»

Сайқал бериш керак деб айтиш осон! Ҳамма бало шундаки, биз ёш ёзувчилар доим шошиламиз, ҳар бир образ устида жиддий ўйлаб ўтирмасдан, ҳар бир сўзга сайқал бериб, уни силлиқламасдан, асар устида Сиз ишлагандай пухта ишламасдан бошлапган асаримизни кўз очиб юмгунча тугатишга тиришамиз.

Мен биламан, азиз отахон сезиб турибманки, менинг «Стемпеню»им ёруғ жаҳонга чиқмасдан олдин

уни юз чийриқдан ўтказиш зарур эди. Албатта, «Стемпеню» Сизнинг қаламингиз билан ёзилганида тамомила бошқача бўлиб чиқарди: Сиз яратган «Стемпеню» бутунлай бошқа қиёфада бўларди. Хулласи калом, Сиз мендан минг чандон яхши ёзган бўлардингиз.

«Менимча, суратда чиройли чехранинг чизилиши, фақат шунинг ўзи кифоя қилмайди,— дейсиз Сиз ёзган мактубларингиздан бирида,— унда яна ҳаётий ҳақиқат, худди жонли кишиники сингари ақл ва фикр бўлиши керак. Ҳар бир сурат услуб безакларидан ташқари кишининг ақли ва қалбига ҳам озиқ бериши керак».

Аммо бу сирни фақат Сиз биласиз. Икки томонлама суратни, ташқи ва ички томони бўлган, астари кўзга кўриниб турган образни ва пинҳоний хислатли суратни фақат Сиз чиза оласиз. Отахон, бизнинг адабиётимизда буни Сиздан бошқа ҳеч ким эплолмайди. Сиз билан ким ўзини тенг қўя олади? Биз ёшлар, ҳеч бўлмаса ёзган асаримиз қўлимиздан майиб бўлиб чиқмаса, унда оз бўлса ҳам бадний ижоднинг жонли белгилари кўринса хурсанд бўламиз.

Азизим, қадрдон отахоним, менинг кичкинагина совғам — биринчи романимни қабул қилғайсиз. Илоҳим менинг «Стемпеню»им Сизга манзур бўлғай ва уни ўқиб ҳузур қилғайсиз, ахир бу Сизнинг ҳам айни муддаоингиз-ку.

Содиқ неварангиз.

Автор.

Киев, 1886

I

СТЕМПЕНЮНИНГ АЖДОДИ

Стемпеню лақаби унга ота мерос, отаси Мазеповка яқинидаги Стемпеню қишлоғида туғилиб ўсган. Унинг раҳматли отасиям Стемпеню каби созанда бўлиб, уни Берл-бас ёки степпенюлик Бер деб атардилар. Берл-баснинг ҳунари фақат контрабас чалиш билангина чекланмасди, у ажойиб масхарабоз ва қизиқчи ҳам эди. У тўйларда гоҳ айиқ ўйинига тушар, гоҳ қовоқларини тескари қайтариб гадой бўлар, гоҳ ғалати овоз чиқариб: «Вой бибижон, худо ҳаққи, бундан кейин ҳеч бу иш бўлмайди!» деб туғадиган хотинни тасвир қилиб берарди, ё бўлмаса тўй бўлаётган залга бирданига сув сепиб эркакларни узун тўнларининг этакларини, хотинларни эса юбкаларини кўтаришга мажбур этарди... ё бўлмаса келиннинг онасининг пешанасига бирон бўлмағур нарсани тақиб қўяр ёки шунга ўхшаган бошқа бирон қилиқ қиларди.

Стемпенюнинг созандалик касби ота-боболаридан келарди. Отаси Берл-бас бизга маълумки, контрабас чалар, буваси жаноб Шмулик-карнайчи карнай чалар, катта буваси Файвуш-чангчи чанг чаларди, катта буvasининг отаси Эфраим-файол эса... Хуллас, Стемпенюнинг бутун аждоди созанда бўлган.

Бизнинг Стемпенюга қойил қолмоқ керакки, у баъзи

созандаларга ўхшаб ўз касбинини уят иш деб билмасди. Лекин бунинг ҳайрон қоладиган жойи ҳам йўқ. Негаки, Стемпенюнинг донги фақат Мазеповкагагина эмас, балки бутун оламга кетган эди дейиш мумкин. Стемпеню-я ҳазилми?

Ҳар бир яҳудий Нисон Бельзернинг ашуласини, эрмакбоз Годикнинг қизиқ-қизик қиссалари ва ашулаларини ёки Стемпенюнинг созини эшитишни ўзига шараф деб биларди. Фақат ана шунинг ўзидан ҳукм қилишингиз мумкинки, Стемпеню оддий созанда эмас, балки бошқа ҳамма «улуғлар» қатори шон-шухрат эгаси эди.

Яҳудийлар музикани севадилар ва унинг маънисини биладилар. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди, албатта. Аммо ҳадеб музика эшитиб ўтиришга уларнинг эҳтиёжи йўқ, нега десангиз, музика, ашула қувноқ кўнгилга ёқадди, киши хурсанд бўлмаса, бирданига лапар айтиб ўйинга тушадими, ахир? Лекин нима десангиз деяверингу, аммо яҳудийлар музика, ашула ва санъатнинг турларига баҳо бера биладилар.

Бизнинг овулимизга машҳур ҳофиз келиб қолса, сизини синагокка билетсиз қўймайдилар. Тўйни-ку, гапириб ҳам ўтирмаймиз, маълумки, тўй музикасиз бўлмайди. Тўй зиёфатидаги ҳазин куйларни (шўх куйлар кейин чалинади), эшитиш учун жонимизниям аямаймиз! Халойиқ ҳурмат ва иззат билан эшитиб ўтиради. Созандалар бўлса юрак-бағирни эзалиган ғамгин, ҳазин куйларни чаладилар. Скрипка гоҳ ингичка овоз билан нола қилади, йиғлайди, бошқа асбоблар ҳам унга мунгли жўр бўлади. Эшитиб ўтирганларнинг юзини қора булут қоплагандай бўлади, кўнгилларини ғам босади, ширину, аммо ғам-да. Ҳамма хомуш бўлиб бошини қуйи солади. кўнгилсиз ўйга чўмиб олдидаги тарелкани бармоқлари билан тақиллатиб ёки ноини юмалоқлаб, дилсиёҳ бўлиб

ўтиради. Ҳар кимнинг ўз ташвиши, ғами бор: яҳудий бўлса ғамни бировдан қарз олмайди, ўз ғами ўзига доим етиб ва ҳатто ортиб туради. Ана шу тариқа ҳазин куйлар билан ғамгин уйлар бирга қўшилади-ю скрипканинг ҳар бир нафаси тўйда ўтирган меҳмонларнинг қалбларида алам ва қайғу-ҳасрат туйғуларини уйғотади. Кини қалби, айниқса, яҳудий қалби скрипкадай гап: торларини боссанг хилма-хил, аммо кўпинча ғамгин овоз чиқади... Аммо шундай овозни фақат Стемпеню синари катта созанда, чинакам санъаткор чиқара олади.

Стемпеню ажойиб санъаткор эди-да! У скрипкасини қўлига олиб камончани тортиши билан скрипкани гапиртириб юборарди. Шундай гапирардики!.. Ҳақиқий инсон овози билан. У шундай овозки, унда илтижо ва таъна, юракни эзадиган нола, қалбнинг ич-ичидан чиқадиган ғамгин садо бор... Стемпеню бошини салгина чап томонга эгади. Узун қора сочлари патила-патила бўлиб кенг елкасига тушади. Чарақлаб ёниб турган қоп-қора кўзлари осмонга тикилади, ажойиб равшан юзи бирдангина докадай оқаради... Хиёл ўтмай Стемпеню ғойиб бўлади. Фақат гоҳ юқори кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб турдиган қўлни кўрасану, узлуксиз оқиб турган овозни, хилма-хил куйларни, аммо кўпроқ ҳазин, юракда дард-алам қўзғайдиган ғамгин куйларни эшитасан. Завқланиб эшитиб ўтирганлар қимир этмайди, ҳамма лол. Кўнгил бўшашди, кўзлар жипқа ёшга тўлади. Одамлар оҳ тортади, нола қилади, йиғлайди... Стемпеню-чи? Стемпеню қани? Қанақа Стемпеню? Ўзидан қаердасан, деб сўрагчи, буни ўзи ҳам айтолмайди. У камончасини гоҳ юқори кўтаришни, гоҳ пастга тушишни билади, холос, бошқа ҳеч нимани билмайди. Стемпеню чалиб бўлгандан кейин скрипкасини ташлайди-да, юрагини ушлайди. Кўзлари ўтдай чақнайди. Бежирим юзидан нур ёғилади.

Меҳмонлар ҳазин, аммо ширин уйқудан уйғонгандай бўладилар. Ҳамма барала ўзининг завқини изҳор қила бошлайди: оҳ тортади, хўрсинади, қойил қолганини билдиради, созандани кўкларга кўтариб мақтайди, мақташга сўз тополмайди:

— Яшанг Стемпеню! Баракалла, Стемпеню!

Хотинлар-чи, хотинларни гапирмаса ҳам бўлади? Улар Стемпеню скрипкасини чалганида шундай ув тортиб йиғлардиларки, маҳшар куни энг қадрдон кишиларни эсга олганларида ҳам шунчали қаттиқ йиғламасалар керак. Хотинларнинг йиғиси олдида Сулаймон пайғамбар ибодатхонаси вайрон бўлганда христианларнинг йиғиси ҳеч гап эмас.

— Худо ёрлақаб кенжа қизимнинг тўйига Стемпенюни чақиролсам эдим, ё худовандо!

Хотинлар йиғидан шишган кўзларини, қизарган бурунларини арта-арта ўз-ўзларига шундай деб юракдаги армонларини пичирлаб айтардилар. Шу билан бирга улар бўйинларидаги мунчоқларини кўз-кўз қилиш учун гўё ўйга толгандай бошларини орқага ташлардилар, шунда олтин исирғалар, узуклар, тўғнағичлар, занжирлар ва бошқа зеб-зийнат буюмлари ранг-баранг товланади.

Қизларни десангиз, асти қўяверинг! Улар турган жойларида тошдек қотиб қолардилар ва ҳайрон бўлиб Стемпенюга ҳамда унинг скрипкасига тикилиб турардилар. Биронтаси қимир этмасди, ҳатто қошлари ҳам силкинмасди. Аммо камзул тагида юраклари дук-дук уриб турарди, чуқур нафас олишарди, сирли оҳ тортишарди.

СТЕМПЕНЮ ВА УНИНГ ОРКЕСТРИ

Стемпеню ўз оркестри билан шаҳарчага кириб келганида одамларнинг ҳаяжон ва қувончини тасвир этишга тил ожизлик қилади.

— Ҳой, қаранглар, қаранглар! Ҳўв ана тегирмон орқасидан тўртта от қўшилган фйтон келяпти. Ҳойнаҳой куёвнинг қариндошлари бўлса керак. Нима дейсиз?

— Йўғ-э, менимча созандалар бўлса керак. Ўз оркестри билан Стемпеню келяпти.

— Қим дейсан? Стемпеню дейсанми? Стемпеню келадими? Хаим-Бенцион Глокни қара-я, оббо хумпар-е, зап тўй қилаётган экан-да!

Ёш жувонларнинг юзлари лоладай қизариб кетади. Қизлар узун сочларини тараб, ўргани шошилишади. Болалар бўлса, иштонларини шимариб Стемпенюни кутиб олгани чопиб кетишади. Оила бошлиқлари — серсоқол оталар ҳам қувончларини яшира олмайдилар: улар машҳур созанданинг Хаим-Бенцион Глокникига келишидан мамнун бўладилар. Нега мамнун бўлишмасин? Бунинг учун уларнинг чўнтакларидан пул чиқмайди-ку.

Тўртта от қўшилган фйтон карвон саройга етиб келганида кўчани одам босиб кетган эди. Ҳамманинг Стемпенюни ва унинг шерикларини кўргиси келади, шу вадан ҳар ким бир лаҳза бўлса-да, фйтон олдида тўхтаб ўтади.

— Бунча тиқилишмаса!— деган овозлар эшитилади, ҳамма бир-бирини итариб-туртиб олдинга чиқиб олишга уринади.— Уни қара-я, тирсаги билан турткилашини кўр! Ҳаммадан олдин бўлишни истайди! Нима томоша ўзи? Созандаларни кўрмаганмисизлар? Ўша созандалар-да!

Ҳар томондан одамлар шундай деб қичқиряди-ю, аммо ўзлари ҳам одамларни итариб-туртиб созандалар тушган файтонга яқинлашишга ҳаракат қилишди.

Шу орада созандалар бирин-кетин файтондан чиқишди.

Ҳаммадан олдин қулоқларига пахта тикқан, сержаҳл пучуқ Иокл-контрабас (яъни контрабас чалувчи) тушиб келди. Унинг кетидан ухлайвериб шишинқираган, лаблари дўрдоқ Лейбуш-кларнет тушди. Сўнгра анча машҳур бўлиб қолган қизиқчи букри Хайкл кўринди. Унинг кетидан қорачадан келган, сочлари ҳурпайган, кўрса одам чўчиб кетадиган бароқ қошли, саҳройига ўхшаб ҳамма ёгини жун босган барваста йиғит тушди. У иккинчи скрипка чалувчи Шнеер-Меер бўлади. Улар кетидан бадбуруш, юзлари кўпчиган, кўзлари кўкарган, тишлари куракдай икки-учта ўспирин йиғит, шогирдлар чиқишди, улар ҳали бепул ишлашар, вақти-соати билан созанда бўлиб етишар эдилар. Ниҳоят, ҳаммадан кейин ўзидан анчагина катта ногорасини кўтариб қийшиқ оёқ, сариқ Мехча тушди. Мехчанинг юзида, аммо фақат бир томонида сариқ соқол ўсар, иккинчи томони эса сипсиллиқ бўлиб, унда тук асари кўринмас эди. Ногорачи Мехча, билиб қўйингларки, ўттизга кирганида хотин олди, хотини ҳам одамларнинг гапига қараганда, эркак нусха эмиш.

Степеню оркестри билан шаҳарчага келганида болалар, маълумки, четда қолмайди. Биронта зумраша пусиб келиб, мушти билан ногорани гумбурлатиб уриб кетар ёки контрабаснинг йўғон торини тортиб қўярди. Жаҳли чиққан Иокл-контрабас шўхлик қилган боланинг гарданига туширарди.

Шу орада кўчада одам кўпайиб, шовқин-сурон авжига мина борди. Куёв ҳам келиб қолди, уни кутиб олгани

узoқ жойга, тегирмонлар ёнига борган жуда кўп ёш йигитлар ҳам куёв билан бирга келишди. Хуллас, Ямполь шаҳарчасида қувонч ва тантана.

Фақат Ямполда эмас, Стречда ҳам, хуллас, Стемпеню ташириф буюришни раво кўрган ҳамма жойда шунақа бўлади. Стемпеню туриб қолган Мазеповкада ҳам худди шундай ҳол рўй беради... Дошги кетган созанда ҳамма ерда одамларда катта завқ-шавқ уйғотади.

III

СТЕМПЕНЮНИНГ ТАИЕРГАРЛИГИ

Нима сабабдан Мазеповкада бунчалик тантана?

Жаноб Хаим-Бенцион Глок кенжа қизи Ривкелени узатяпти. Шундай бўлгач, хурсандчилик қилмай бўладими? Бундай тўйда албатта хурсандчилик бўлиши керак. Ахир, нима десангиз ҳам Глок Мазеповканинг биринчи бойларидан. Хаим-Бенцион Глокнинг тўйида одам кўн бўлади: ким дўсти сифатида, ким ҳасад қилиб, ким одоб юзасидан келади, баъзилар эса ярмаркадан эри яқинда олиб берган исирғаси ёки мунчоғини кўз-кўз қилгани келади. Аммо кўпчилик Стемпеню деб келади.

Хулласи калом, халойиқ тўйга ёпирилиб келмоқда. Хаим-Бенцион Глокнинг қизи Ривкеленинг тўйида бутун Мазеповка тантана қилмоқда деса бўлади. Айзик-Нафтоля, хотини ва болалари ҳақида гапирмасаям бўлади. Нега десангиз, Айзик-Нафтоля, биринчидан, Хаим-Бенционнинг ҳам дўконда, ҳам тегирмонда тенг шериги, иккинчидан, улар маълум даражада бир-бирларига қариндош, унча яқин қариндош эмасу, аммо ҳар ҳолда қариндош, унинг хотини Хаим-Бенцион хотинига она то-

монидан қандайдир қуда бўлади, хуллас, уруғининг уруғи...

Бинобарин, Айзик-Нафтолянинг хотини Двоя-Малканинг ҳаммадан кўп елиб-югуриши ва куйманиши бежиз эмас эди. Ахир қариндошларининг тўйида хизмат қилиши лозим-да. Очиғини айтганда, у ҳеч нима қилмасди, фақат қичқирар, уни қил, буни қил, деб буюрар ва ҳадеб қўлларини силкитарди...

Двоя-Малканинг келини маликадай кийинган гўзал Рохила ёш келин ёнида турарди. Рохиланинг шаҳло кўзлари олмосдай ёниб турар, юзлари бўлса эндигина очилиб келаётган атиргулга ўхшарди. У бир қўли билан «Рўмол ташлаш»¹ олдидан хотинлар йиғи-сиғи қилиб ёш келинининг ўраётган сочини ушлаб турса, иккинчи қўли билан ўзининг оппоқ бўйинини силар, аммо ўтдай ёнаётган чаросдай бир жуфт кўз унга тикилиб турганини сезмас эди.

Таитана муносабати билан ёлланган эркак ва аёл хизматчилар оёғи куйган товукдай зир югуриб юрардилар. Қудалар бўлса:

— Епирим-ей! Келинин «ўтқазиб» керак эди. Бечора болаларни қачонгача қийнайсизлар, ахир? Ёзининг шундай иссиқ узун кунда улар рўза тутаверадиларми?²— деб бақаришардилар.

Ҳамма томондан: «Вақт бўлиб қолди, вақт бўлди» деб қичқаришар, аммо бу қичқариқлар ҳеч қандай таъсир қилмас эди.

¹ Яҳудийларнинг қадимги одатига кўра, никоҳ олдидан келини махсус курсига ўтқазиб, хотинлар унинг бошига махсус рўмол ташлайдилар, кейин куёв жўралари ва ўртоқлари ҳамроҳлигида келиб келиннинг бошидаги рўмолни юзига туширади.

² Яҳудийларнинг қадимги одатига кўра, келин билан куёв тўй кунини то никоҳгача овқат емайди.

Духоба шапка кийган Айзик-Нафтоля қўлларини орқасига қилиб у ёқдан бу ёққа елиб юрар, хотини Двоя-Малка бўлса овози борича бақирарди. Куёвнинг қариндошлари ҳам келиннинг қариндошлари сингари нима иш қилишини билмай қўлларини ёйиб чопиб юришарди.

— Нега ҳеч ким ҳеч нарсага қўл урмайди?— деб сўрашарди куёвнинг қариндошлари.

— Нега ишни бошламай, пайсалга соладилар?— деб аччиқланишарди келиннинг қариндошлари.

— Бунақасини сира кўрганмисиз?— деб бақирарди куёвнинг қариндошлари.— Болаларни оч қўйиб шунчаюм қийнайдиларми-я!

— Бунақасини сира эшитганмисиз?— деб дарғазаб бўларди келиннинг қариндошлари.— Ўлгундай оч болаларни шунча қийнаш яхшими?

— Бу қанақа югур-югур?

— Нега улар бекордан бекорга чопиб юришади?

— Ҳамма югуради, ҳамма куйманади, аммо иш ўрнидан бир қарич ҳам жилмайди! Шуям тартиб бўлди-ми?

— Югуришади, бақирарди, аммо ишга келганда қўл урадиган одам топилмайди.

— Ҳой, беҳуда гапларни бас қилмайсизларми? Иш бошлаш керак. Бўлди энди, бекордан бекор чопаверманглар!

— Ахир, қани созандалар?— деб сўрашди куёвнинг қариндошлари.

— Созандалар қани?— деб уларга жўр бўлишди келиннинг қариндошлари.

Созандалар бўлса ўз ишлари билан овора: камончаларини мойлашади, асбобларини созлашади. Иокл-контрабас бир болани қулоғидан ушлаганча секин овоз билан: «Ҳа, валакисаланг! Торни тортишни ҳали сенга

ўргатиб қўяман, баччағар!» деб сўқяпти. Ноғорачи Мехча ҳеч кимга назар солмай юзининг онда-сонда жун чиққан томонини қашилаб ўтирибди. Хайкл-қизиқ бўлса, ешна муаллим билан суҳбатлашяпти, унинг тамакидонидан икки бармоғи билан тамаки олиб ҳазил ва қочирӣқ гаплар билан бурнингга тиқяпти. Бошқа созанда-лар, юзлари кўпчиган, тишлари куракдай ўспирий йигитлар Стемпеню билан қандайдир муҳим иш тўғрисида гапиришяптилар.

— Келиннинг ёнидаги қизча ким?— деб сўради Стемпеню хушрўй Роҳилага имо қилиб.— Раҳмиел, сен бориб билгин-чи,— деди у юзи кўпчиган йигитлардан бирига мурожаат қилиб,— ким экан у? Чаққон бўл, Раҳмиел, чаққон!

Раҳмиел бирпасда бориб келди.

— Қиз эмас,— деб маълум қилди Раҳмиел,— у жувон экан. Айзик-Нафтолянинг келини, Сквирада туғилиб ўсган. Ана у, бошига духоба шапка кийган, хона бўйлаб бўзчининг мокисидай нари-бери юраётган.— Кўряпсизми? Уннинг эри бўлади.

— Ҳа, балосан-да, Раҳмиел!— деди вақти чоғ бўлиб Стемпеню.— Шунча гапни дарров билиб келдингми, а? Ў ҳақиқатан ҳам гўзал жувон экан-да. Ана қара, кўзларини ўйнатишини!

— Хоҳласангиз ҳозир бориб, у билан гаплашиб келаман,— деди юзи кўпчиган Раҳмиел.

— Йўқол-ей! Сени воситачи бўл дедими биров? Ўзим бориб гапиришавераман.

— Қани, камончангни қўлга олиб сайратиб юбор!— деб қўққисдан гапга аралашди Шнеер-Меер.— Халойиқ эшитиб бир йиғласин.

Стемпеню скрипкасини қўлига олиб оркестрга кўзи билан имо қилди. Созандалар асбобларини созлай бошладилар.

СТЕМПЕНЮНИНГ СКРИПКАСИ

Ниҳоят, худонинг ёрдами билан келинни тайёрлаган жойга ўтқазилди.

Стемпеню келинни қандай «муборақбод» қилганини тасвир қилишга қаламим ожиз деб биламан. У одатдаги чалишлардан, скрипкани бекордан бекор ғитиллатишдан иборат эмас, балки олижаноб руҳга тўлиб-тошган ажойиб мўъжиза эди. Стемпеню келиннинг рўпарасида туриб олиб скрипкасида нутқ сўзлади, эрга текканча қиз вақтидаги бахтиёр, эркин ҳаёти тўғрисида, энди бундан кейинги оғир ва ғамгин аёл қисмати ҳақида узундан узун, таъсирли, ғоят чиройли нутқ сўзлади. Яна бир неча лақиқадан кейин қизнинг эркинлиги тамом бўлади! Бошига тўр рўмол ўрайдилар, узун, юмшоқ сочларини абадий ана шу рўмол тагига бекитадилар... Кечир, алвидо, қувноқ ёшлик! Олдинда хотин кишининг тақдирини турибди. Эҳ, нақадар оғир, ўзинг кечир парвардигор!

Стемпенюнинг скрипкаси ана шуларни изҳор этди. Аёллар бу сўзсиз нутқнинг дарду аламли маъносини жуда яхши тушунар ва дув-дув ёш тўкишарди.

«Мен ўзим ҳам яқиндагина келин бўлиб тушувдим,— деб ўйларди ёш жувон ўпкаси тўлиб.— Ҳали яқиндагина мен ҳам худди ана шундай сочларимни тўзғитиб, теппамда оппоқ малаклар парвоз қилиб юрибди, чексиз бахтиёрман деб ўйлаб ўтирган эдим. Ҳозир-чи! Афсус, ҳозир...»

— Раҳм қил, парвардигор!— дея ибодат қилгандагидек пичирлайди, чиқарадиган қизлари уйда қатор бўлиб турган кекса она,— раҳм қилгин худо катта қизимга, тезроқ куёв етказ! Аммо унинг қисмати меникидай бўл-

масин, у бахтли бўлсин, эри билан ҳам мен яшагандай яшамасин, илоҳим кечир мени, кечир гуноҳимни!..

Хотинлар ана шундай фикрлар билан ҳаяжонга келиб турибди. Стемпеню бўлса чалгани чалган, унинг скрипкаси сайрагани сайраган. У ҳазин куйни чалади, бутун оркестр унга жўр бўлади. Ҳамма қотиб қолган, ҳеч ким қимир этмайди. Жимжит. Ҳамма, ҳамма Стемпенюни эшитгиси келиб ўтирибди. Хотинлар маъюс, эркаклар ўйга чўмган, қизлар билан йигитлар ҳам стол ва скамейкалар устига чиқиб олганлар — ҳамма Стемпенюни эшитишни хоҳлайди!

— Тсс!... Жим, овозингизни ўчиринг!

Стемпеню скрипкасини куйлатапти, юраклар шамдай эриб кетяпти. Фақат: Тех, тех, тех деган овоз эшитилиб турибди! Фақат қўлининг гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб тургани кўринади. Жозибадор оҳанглар янграйди, ғамгин, ҳазин, куй юракни эзади, одамни сел қилади. Халойиқ қотиб қолган, нафасларини ютиб туришарди. Юраклар завққа тўлиб-тошган, эриган, кўзлар жикқа ёшга тўлган, одамлар хўрсинади, оҳ тортади, йиғлайди... Стемпеню-чи? Қани Стемпеню? У йўқ! Стемпеню ҳам, скрипкаси ҳам ғойиб бўлибди, фақат овоз, ширин овозгина уйни тўлдирган...

Гўзал Роҳила, шу кунгача Стемпенюни сира кўрмаган, бундай киши борлигини билса-да, унинг ажойиб созини ҳали эшитмаган Роҳила, мафтун қилувчи овоз, ажойиб наъмаларни эшитиб турибди-ю, аммо қалбида нималар бўлаётганини тушунмайди: бу овозлар ҳам зориқтиради, ҳам эркалайди. Нима бўляпти ўзи? Роҳила ширин овозлар оқиб келаётган томонга қараб унга тикилиб турган қоп-қора чиройли кўзларни кўрди. Ўтдай ёнган бу шахло кўзлар унга имлайди, у билан сўзсиз гапиришяпти. Роҳила ундан кўзларини олмоқчи бўлади-ю, ололмайди.

«Э, Стемпеню шунақа экан-ла», деб ўйлади Рохила.

Шу орада «ўтқозиш» маросими тугаб, қариндошларнинг югур-югури бошланди: ёшларни никоҳга олиб бориш вақти келди.

— Шамлар қай гўрда қолдйкин?— деб сўрайди куёвнинг қариндошлари.

— Қай гўрда қолдйкин шамлар?— деб сўрайди келиннинг қариндошлари.

Яна шовқин-сурон, югур-югур бошланди. Ҳамма жонсарак елиб-югуради, туртинади, бир-бирининг оёғини босади, шу тикилинчда баъзиларнинг этаги узилиб кетади, терлаб пишадилар, хизматчиларни бўралаб сўкадилар, хизматчилар ҳам бўш келмайди, келин-куёвнинг қариндошларини боплаб сўкади, қудалар ҳам бир-бирлари билан тортишиб кетишади. Хулласи калом, томоша!

Никоҳ ўқилгандан кейин Стемпеню тўс-тўполондан фойдаланиб жойидан туриб кетди. Ана у хотинлар тўдаси ичида Айзик-Нафтолянинг келини гўзал Рохила ёнида кўриниб қолди. Стемпеню жилмайиб, қўли билан ўзининг ҳурпайган сочини сийпаб гап бошлади. Рохила бир оз қизариб кетди ва ерга тикилганча унинг гапларига қисқа-қисқа жавоб бериб турди. Созанда билан яна ҳамманинг кўзи олдида суҳбатлашгани андиша қилдида!..

V

СТЕМПЕНЮНИНГ РОХИЛА БИЛАН БИРИНЧИ УЧРАШУВИ

Стемпеню ҳақида ҳар хил миш-мишлар юрарди. У гўё жодугарлар, фолбинлар ва шу каби ҳар хил мурдорлар билан алоқа қилармиш, бировнинг қаллигини

Ўзига ром қилиш унинг учун ҳеч гапмасмиш, у бирор қизга бир назар ташласа, унинг юрагида муҳаббат ўти ёниб кетармиш деган овозалар тарқалган эди.

Бу сир кўпгина оналарга маълум, шунинг учун ҳам улар ўзларининг унашилган қизларини авайлаб сақлайдилар. Бирон қиз Стемпеню билан гапиришганда унинг ёнида, албатта, қизнинг опаси, аммаси, холаси, қайини синглиси ёки бегона бўлса-да, эрга теккан биронта хотин бўлади... Очиги, бу Стемпенюга ёқмайди, албатта. Аммо ҳечқиси йўқ! Бу билан унинг шон-шухрати асло камаймайди. Бундай миш-миш гапларнинг музыкага нима алоқаси бор? Стемпенюнинг ўтакетган ҳавойилигини ҳамма билади. Ҳавойи бўлса нима? Ахир, уни қариндош тутиниш учун тўйга чақирмайдилар-ку.

Сиз, яҳудий хотинларнинг тақдирлашга арзигули тақдирингиз бор: эрларингиз сизга ажойиб бир нарса—эркинлик тортиқ қилган, бунинг учун худо эрларингизни ёрлақасин! Эркисизлик занжири билан банд қилинган бечора қизларнинг шўри қурсин! Бошларига никоҳ рўмоли ташланмагунча улар қаттиқ назорат остида яшашга мажбурлар. Бошига никоҳ рўмоли ташлангандан кейингина қиз бола хотинга, эркин, бахтиёр хотинга айланади!

Стемпеню скрипкасини қўлтиғига қисиб, табассум билан Рохиланинг ёнига келганида, унинг Стемпенюдан қочиб кетишига ҳеч қандай асос йўқ эди, чунки Рохила қиз бола эмас, эри бор хотин. У нимадан қўрқади? У кимдан бекинади? Қайнатаси Айзик-Нафтоля тамомила тўй ташвиши билан овора: қўлларини орқасига қилиб у ёқдан бу ёққа елиб, хизматчиларни бўлинг-бўлинг қилиб, қистаб юрибди. Қайнанаси Двося-Малка бўлса югуравериб, бақиравериб шу қадар чарчаганки, бошидан ясама сочини олиб ташласа ҳам билмайди. Тўғри, у Рохила ёнидан ўтиб кета туриб, унинг келинига Стемпенюнинг

нима ишн тушганлигини билмоқчи бўлиб бир лаҳза тўхтади-ю, аммо дарҳол:

«Номаъкулчилик! Бекорчи гаплар! Бир чақага арзи-майдиган гаплар!» деб ўйлади-да, хизматкорларига уни-буни буюргани яна шошилганича кетаверди.

Айзик-Нафтоля ва хотини тўйни жуда усталик билан бошқарардилар. Хизматчилар оёғи куйган товукдек зир югуриб юарди. Келип билан куёвнинг қариндош-уруғлари, одатга кўра, тинмай вағир-вуғур қилардилар. Меҳмонлар қўлларини ювиб, узунасига қўйилган столлар атрофидаги узун скамейкаларга ўтиришга шошилишарди. Бирдан ваҳима кўтарилди: бочкада сув тугаб қолибди.

— Қаердан сув олсак экан?— деб сўрашди куёвнинг қариндошлари.

— Сувни қаердан олсак экан?— деб сўрашди келиннинг қариндошлари.

— Сув!— дея бақирди Двоя-Малка хирллаб қолган овози билан.

— Сув! Сув!— деб бақирди Айзик-Нафтоля жуда ишн кўп одамдек сюртугининг орқа этакларини кўтариб.

Степеню Рохила билан яна бир оз гаплашиб олиш учун бу тўс-тўпалондан фойдаланди. Рохила жиддий ва ўйчан кўринарди. Унинг чиройли кўк кўзлари Степенюга эмас, четга, қаергадир узоққа тикилган эди. Аммо қулоғи Степенюда эди.

Степеню сўзга чечан! Чиройли гапирарди, енгилтак! У суҳбатдошини гаплари билан ўзига мафтун қилар ва тажрибали васвас сингари муттасил унинг кўзларига тикилиб турарди... Йўқ, кўзларига эмас!.. Юрагига қарар, худди юрагига тикиларди!

Степеню гапирар, Рохила унинг гапларини эшитиб турарди. Уйда вағир-вуғур шу қадар кучайиб кетган эдики, уларнинг айрим сўзларигина бошқаларнинг қулоғига ўқтин-ўқтин келиб чалиниши мумкин эди.

— Сизининг Мойице-Мендлингиз ўшамми?— деб сўради Стемпеню, бировнинг сюртуги ёқасидан ушлаб, газаб ва шиддат билан ниманидир уқтираётган ёш кишини кўрсатиб.

— Ҳа, ўша,— деб жавоб берди-да Рохила, хафа бўлгандай ўзини четга олди.

Рохила дарҳақиқат ўзини ҳақоратланган ҳис қилди ва шу пайтдан бошлаб созандалар томонига бир марта бўлсин кўз ташламади. Кейин Стемпеню Рохила атрофида кўп айланди. Аммо фойдаси бўлмади. Стемпеню Рохилага бемаза одам бўлиб кўринди, унинг дағал қилиқлари ва ҳаёсиз кўз қарашлари нафратлантирадиган даражада жирканч туюлди. «Уят, номус! Виждони бор хотинга у билан ёнма-ён туришнинг ўзи шармандалик», деб ўйлади Рохила яна ёш келин ёнига келиб. У Стемпенюни тамомила эсидан чиқарай деган эди.

Бу нима? Нима учун бирданига ҳамма ҳушёр тортди? Стемпеню оркестри жўрлигида «Мунгли куй»ни чала бошлади. Ҳамма жим бўлди, овоз ҳам, тин ҳам чиқмайди. Эркаклар ўйга чўмди, хотинлар мум тишлагандек жим бўлди. Йигитлар ва қизлар стул ва скамейкаларга чиқиб олишди. Ҳамма Стемпенюни эшитишни хоҳлайди.

Айзик-Нафтоля бошини қийшайтириб, гўё музикадан жуда хабардор одамдай скрипка овозига қулоқ солди. Двося-Малка талинка ушлагани ҳолда жойида қотиб қолди. Ҳаттоки хизматчилар ҳам сюртук этакларини ййигштириб олган эркаклар, юбкаларини липаларига қистириб олган аёллар ҳам уй ўртасида қотиб қолишди... Стемпеню бўлса скрипкасида ҳазин куйини шундай олдики, халойиқ нафасини чиқаришга ботинолмай қолди. Ҳамма жим. Юраклар эриб кетди, кўзларга жиққа ёш тўлди. Одамлар оҳ тортади, йиғлайди. Стемпеню-чи? Қани Стемпеню? Йўқ у!.. Стемпенюнинг ўзини ҳам,

скрипкасини ҳам ҳеч ким кўрмайди. Ҳамма бутун хонани тўлдириб турган илоҳий навони эшитади, холос.

Бунгача Стемпенюнинг чалишини сира эшитмаган гўзал Роҳила эса ажойиб, музика овозига маст бўлиб ҳузур қияпти, аммо қалбида бир нима содир бўлаётганини тушунмайди, бу оҳанглар уни эркалайди, юраги тўлиб-тошган... Роҳила ажойиб наволар оқиб келаётган томонга қарайди ва ғоят чиройли қоп-қора кўзларни кўради, бу кўзлар тўғри унга тикилган, улар худди ўткир пайзадай бутун вужудини тешиб ўтган. Ўтдай ярқираб турган у қора кўзлар унга тикилган, уни эркалайди, ниманидир сўзсиз гапиради... Роҳила бошини эгади, ярқираб турган қора кўзларни кўради. У четга бурилади, яна ўша ўтдай ярқираб турган кўзларни кўради...

VI

Тўй зиёфатидан кейин

Тўй зиёфати аллақачон тамом бўлган.

Куёв-келинни, совчи ва қариндошларни муборакбод қилиб чалинадиган куйларнинг бари чалиниб, келин ҳам ўзининг «Маъсум рақси»ни ўйнаб бўлган бўлса-да, базм, ўйин-кулги ҳали давом этарди. Меҳмонларнинг ҳар қайсиси оркестрга рақс куйи буюрарди. Саллоҳ Ионтл «Қазачка» рақсига тушди, унга келиннинг қорни мешдек онаси қўшилди. Халойиқ қарсак чаляпти, аммо тақводор саллоҳ хотин киши билан ўйнаётганидан беҳабар. У ўктамлик билан бир оёқлаб айланиб бўлди-да, кейин чўққайиб ўйнай бошлади. Келиннинг ойсиси икки қўлини бе-лига тираб депсинар ва саллоҳга қараб оғзи қулоғига етиб илжаярди.

Базм қизиб борарди. Эркаклар, хафа бўлмасинлар, фақат кўйлак-иштонда ўйинга тушардилар. Айзик-Нафтоля ҳам сюртугини ечиб ташлаб, оқ кўйлагига ўйин бошлади. Уни сюртугини ечишга унатиш осон бўлмади. Кимдир унинг бошига бировнинг шляпасини кийгизиб қошига босиб қўйди. Ҳамма унга мастона кўзлари билан қараб қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Ҳатто унинг ўғли Мойше-Мендл (Рохиланинг эри) ҳам отасининг енгидан ушлаб допрага тортиб киргизди.

— Оёқларингни аяма!— дея қичқирди Мойше-Мендл отасига, деярли шифтгача сакраб.

Оркестр чалапти, аммо Стемпеню йўқ. Созандалар ҳаяжон ичида. Уларга юзи кўпчиган ўсмир йигитлардан бири саркорлик қиляпти. Хурпайган қорача Шнеер-Меер мудраб ўтирибди; Иокл-контрабас хуррак тортяпти. Ёшлар бўлса астойдил ҳаракат қиляпти. Ҳаммадан кўра ноғорачи Мехча зўр беряпти, у ноғорасини шиддат билан дўпиллатяпти. Унинг сап-сарик боши кўринмайди ҳам, фақат елкаларини учириши, қийшиқ оёқлари билан депсиниши кўринади. Стемпеню-чи? У ёш жувонлар орасида юрибди, секин-аста Рохилага яқинлашяпти.

— Уйга қайтиб кетсакмикин, ойи?— деди Рохила Двоя-Малкага, Двоя-Малка бўлса бутун диққатини бериб, оқ кўйлагининг кенг енгларини ҳилпирайтиб, бошига кимнингдир шляпасини кийиб, ўйин тушаётган Айзик-Нафтоляга тикилиб турган эди.

— Майли, кетсак кета қолайлик, қизим. Эртага бозор, уйкуга қониб олиш керак. Қара, улар қандай яйрашяпти!

Двоя-Малка билан келини қайтиб кетишди. Кўх қорамтир осмоннинг бир чеккаси оқара бошлади. Тонг яқинлашиб қолди. Хўроз чақирди, унга жавобан бошқалари тонгни қўлаб салом берди. Қаердадир, узоқда ит ҳура бошлади. Ҳали уйларнинг ҳаммаси қат-

тиқ уйқуда. Фақат саллоҳ Герш-Бер уйидагина милтиллаб чироқ ёниб турибди: у киши илк саҳар туриб, эртанги жимликда диний китоблар ўқийди...

— Гнесанинг қизига нима дейсан, Рохила? Ё худо, зап ясанибдими? Қалай, ёқдим сенга?

Ўз хаёлига банд бўлиб бораётган Рохила жавоб бермади. Худо билсин, шу топда у кимни ўйлаётгандикин?

— Ойи,— дея бирданига гап бошлади у,— Стемпенюни ҳеч эшитган эмас эдим, бугун биринчи марта эшитдим.

— Наҳстки, эшитмаган бўлсанг, қизим? Нега биринчи марта эшитар экансан? Бойларингиз Лейбца-Авром-Гершникида-чи? Нехемья-ҳўкизникида-чи? Бенцион қизин Соранинг тўйида ҳам эшитмаганмисан? Жуда бўлмаса цадикникида¹ эшитган бўлсанг керак?

— Эсимда йўқ,— деди Рохила.— Ҳамма Стемпеню. Стемпеню дейишарди-ю, аммо уни ҳеч қачон кўрган эмас эдим.

— Тўғри! Эсингда бўлмаслиги ҳам мумкин! Стемпеню Сквира цадиги қизининг тўйида чалганида сен ҳали ёшгина қизалоқ эдинг. Заб тўй бўлган эди-да! Худоё, менинг ҳамма таниш-билиш, дўстларимга шундай тўй насиб бўлсин! Уша вақт мен иккиқат эдим... Қайси ой эди? Июнь бўлса керак... Йўқ, август эди... Қаёққа кетяпсан, Рохила? Мана-ку уйимиз, сен бўлсанг тўғри Гнесаникига кетяпсан. Ё тавба, хо-хо-хо!

— Қандай бемаънилик бу?— деб ўзига ҳайрон қолди Рохила ён-атрофига қараб.— Ғалати-ку, рост, хо-хо-хо!

¹ Ц а д и к — руҳоний, яҳудий динида «Хасидизм» деган мазҳаб мухлисларининг раҳбари. (Ред.)

Қайнана-келин кулиша-кулиша уйга киришди. Бир-икки соат бўлса-да, ухлаб олиш керак эди, Мазеповкада эртадан бошлаб ярмаркадек катта бозор бўлади.

VII

РОХИЛА БЕДОР

Чатоқ бўлди-ку, Рохиланинг ҳеч уйқуси келмайди! Ағдарилгани ағдарилган, кўрпасини ҳали очиб ташлайди, ҳали яна устига тортиб қўяди... уйқу йўқ! Стемпенюни ўйламасликка тиришиб кўрса-да, бўлмаепти, худо билсин нима учундир унинг сиймоси кўз олдидан сира кетмайди. У кўзларини қовоқлари оғригунча қаттиқ юмади-ю, яна унинг олдида ўша Стемпеню, унинг қоп-қора чиройли кўзлари пайдо бўлади: бу кўзлар унга тўғри тикилиб турибди, улар эркалайди, ўзига тортади.

— Худоё, балсга учрагин! — дея пичирлайди Рохила алами ошиб.— Мойше-Мендл тезроқ кела қолсайди.

У кўзини очса яна унинг олдида қўлига скрипкасини ушлаган Стемпеню пайдо бўлади. Қулоғи тагида ҳали ҳам ажойиб музика жаранглагандай туюлади.

— Қандай санъат! Оҳ, қанақа зўр санъат бу! Унинг тўғрисидаги ажойиб гаплар бежиз эмас экан-да...

Рохила қиз бола вақтида, Сквирада туриб «Қизлар муаллими» Мотл Шпрайздан ўқиш-ёзишни ўрганиб юрганида Стемпеню ҳақида эшитган ҳикоясини эслайди. Рохила унда дугоналаридан Стемпеню ҳақида жуда кўп гапларни эшитган эди! Масалан, бундай воқеа бўлган экан: бир вақт Стемпеню қандайдир куёвнинг қаллиғини ўзига оғдириб олибди, қиз номусига чидай олмай ўлибди, кейин уни қора чодир тагида ётган пайтида қайлиққа никоҳлаб беришибди... Яна у бир қиз ширилатон дегани

учун ундан қасдини олган экан... Сўнгра яна бир воқеани дугоналари унга гапириб беришган эди: кунлардан бирида Стемпеню катта бир помешчик графнинг тўйида скрипка чалган экан. Графнинг мисли йўқ, гўзал қизи бор экан, ўша қиз Стемпенюга ғоят хуштор бўлиб қопти-да: «Ўлсам ўламан, аммо Стемпенюга тегаман!» — дебди. Граф қизининг бу гапини эшитиб Стемпенюни уйига чақирибди, бошда дўқ қилиб, кейин яхши гапириб созандани христиан динини қабул қилиб, қизига уйланишга ундабди, қизнинг сепига учта қишлоқни бераман деб ваъда қилибди. Аммо Стемпеню унга французчалаб (Стемпеню ҳам немис, ҳам француз тилини билар экан), ўзининг битта червонини бегонанинг олтин тоғига ҳам айирбош қилмаслигини айтибди. Шундан бери тақводор яҳудийлар Стемпенюни жуда қаттиқ хурмат қиладиган бўлишибди. Графнинг қизи Стемпенюнинг жавобини эшитиб, ўзини дарёга ташлаб гарқ бўлибди.

Рохиланинг дугоналари унга кўпгина ана шундай гаплари ва даҳшатли воқеаларни гапириб берган эдилар.

Дугоналаридан бири, Стемпенюнинг «Муҳаббат шарбати» қуйилган шишаси бор дегани ҳам Рохиланинг эсига келди. «Беҳуда гаплар! — деб ўйлади Рохила. Бунақа шарбатга ва бундай бемаъни муҳаббатга сариқ чақа ҳам бермас эдим! Ўзимнинг Мойше-Мендлим мени муҳаббат шарбатисиз ҳам яхши кўради... Ўзим-чи? Мен Мойше-Мендлни яхши кўраманми?..»

Рохила деворга қараб ётди ва қаттиқ ўйга толди. Унинг миясига биринчи марта бундай фикр келди: «Қандай даҳшатли ўйлар! Беҳуда гап! Севаман-севмаймани нимаси? Ҳар ҳолда ёмон кўрмайман!..»

Ростини айтганда, у эрини нега севмас экан? Мойше-Мендл, худо сақласин, хунук одам эмас, ўзи замонавий киши: қулоқларини бекитиш учун гажак қўяди, газета ўқийди. Гапирганда қочирлиқ гаплар қистириб гапириш-

ни, ёшлар билан улфатчиликни яхши кўради... Туппа-тузук йигит! Тўғри у билан муомаласи қандайдир ғалати-роқ: ҳеч вақт Роҳиланинг ёнида ўтириб икки оғиз жиддий гап гапирмайди. Гап ташлайди-ю, дарров бурилиб ё синагокка ёки бозорга жўнаб қолади. Вақт топиб одамларга ўхшаб хотини ёнида чақчақлашиб, ундан-бундан гапиришиб ўтириш деган нарса йўқ — ўтакетган ёввойи!

Қаллиқ бўлиб юрганида Роҳила бундай бўлишини ўйламаган эди. Менинг ажойиб эримга ҳамманинг ҳаваси келади деб ўйлаган эди. Бутун дунёни қидириб ҳам Мойше-Мендлдан яхши одамни (дарҳақиқат, у чоғда жуда яхши эди!) топиб бўлмайди, бахтли хотин бўламан деб ишонган эди... Ҳозир-чи?! Унинг дугоналари шодхуррам фароғатда яшамоқдалар: биттаси эри билан катта шаҳарга кўчиб кетиб, ундан қувончга тўла хатлар ёзмоқда; бошқаси ҳам ўзларига ҳовли олиб, мустақил яшамоқда; ҳатто тақдир тақазоси билан бешта болалик тул бир кишига тегишга мажбур бўлиб, қайғуриб юрган Хана-Мирл ҳам ҳозир бахтли яшамоқда. Роҳила-чи? Афсуски, мақтанадиган ери йўқ. Бутун ҳафта бўйи қафасдаги қушдай уйда бекиниб ўтиради. Ейди, ичади, ухлайди. Қайнатаси билан қайнанаси десангиз, кечаю кундуз Роҳилага парвона бўлиб, жонига тегадилар. Индамас Мойше-Мендл унга ким ўзи? Жим... кимдир эшикни тақиллатяпти. Мойше-Мендл бўлса керак. Қайнанам эшик очгани чиқиб кетди.

— Мойше-Мендл?

— Ҳа? Нима?

— Мойше-Мендл. Сенми бу? — деб сўради она.

— Ана, ялло,— деб ғулдурлади Мойше-Мендл.— Қуриб кетгурлар-эй-й!... Брррр.

— Нимага тўнғиллаяпсан, Мойше-Мендл,— деди она.— Дарров ечиниб ёта қол!

— Ҳаай, қурғурлар-ей! Тоза маст бўлдик, а! Берл-Менаше, хо-хо-хо!

— Ё худо, нимадар деб алжияпсан, Мойше-Мендл! — дея қичқирди Двоя-Малка гугурт чақиб.

— Кўрмайсизми, ойна, у ғирт маст-ку! Шам ёқинг ойна-жон, тагин бошини уриб бурини пачоқ қилиб қўймасин.

— Бррр!.. Яна биргина рюмка бўлса!.. Қуриб кетсинлар!

У яна бир нималар деб ғўлдиради-да, каравотга йиқилди ва шу ондаёқ қаттиқ хуррак торта бошлади. Двоя-Малка ҳам ухлаб қолди. Болалар қаттиқ уйқуда эдилар. Ҳуштак ва хуррак овозлари уйни босиб кетди. Бу уйда ҳамма шприн уйқуда. Фақат Рохиланинг кўзига уйқу келмайди. Ухлашнинг иложини ҳеч тополмаяпти! Деразада ой ёғдуси. Ойнинг нури кумуш тасмадай чўзилиб Мойше-Мендл уйқусида бегоҳат бўлиб ётган каравотга тушиб турибди. Унинг оғзи очилган, боши орқага ташланган, бўйин чўзилган, кекирдаги хунук бўлиб кўтарилиб турибди. Қарасанг кўнгли айнибди!

Рохила қарамайман деса ҳам беихтиёр кўзи тушади. Эри унга ҳеч қачон жирканч кўринган эмас эди. Беихтиёр уни бошқа киши билан, ўша еигилтак Стемпено билан тенглаштиряпти. Наҳотки, бу ҳали яқиндагина қайлиқ бўлиб юрган, чехрасидан табассум аримайдиган, оқ юзли, тетик кўзли, чиройли Мойше-Мендл бўлса? Қани энди унинг хушбиним қомати, ёқимли қилиқлари, зийраклиги? Наҳотки, бу ўша Мойше-Мендл?

Рохила яна эрини беихтиёр бошқа одамга — Стемпенога тенглаштиради.

Йўқол, йўқол ножўя ўйлар. Одобли хотиннинг кўнглига васваса солманг!

VIII

«РҰМОЛ ҰРАШ»¹ УДУМИГА БАҒИШЛАНГАН ЗИЁФАТДА

Никоҳнинг эртасига синагогнинг югурдаги Хена Двося-Малка ёнига келиб келиннинг онаси, келиннинг ўзи, куёв ва барча қудалар Двося-Малкани ва унинг оиласини тантанали зиёфатга чақирганликларини хабар қилди. Роҳила бошини ўраган, аёллар кийими тикадиган шурлик машиначи Довуд-Механикнинг модасига мувофиқ кийиниб бўлган эди. Роҳила кийим модаси одатда бир неча йил кеч келадиган Мазеповкада расм бўлган, яъни оқ кружева тутилган, кенг енгли ҳаво ранг кўйлак кийган эди. Бошини бутун қоплаб олган ғоят нафис шойи рўмоли тагидан пешанабоғи ва иккита қилиб ўрилган сочи кўриниб турарди. Аммо бу соч ўзиники эмас эди, ўзининг майин малла ранг сочи аллақачон олинган ва кишилар кўрмайдиган қилиб умрбод бекитилган эди. Сўнгра у шу кунга жуда муносиб хар хил зеб-зийнат буюмлари: бир неча шода марварид, узун олтин занжир, тўғнағич, узук, билагузук, исирға тақиб олган эди.

Роҳила ясанганича ўз хонасида ўтирар, эри Мойше-Мендл бўлса ҳали ҳам кечасидаги оғзи очилган, кекирдаги бўртиб турган ҳолатда қаттиқ хуррак тортиб ётарди.

¹ Яҳудийларнинг диний қоидаларига мувофиқ хотин-қизларнинг сочларини эркакларга кўрсатиши ҳаром деб ҳисобланган. Ҳатто каттароқ қизлар ҳам эркаклар олдида сочларини бекитиб юришлари лозим бўлган. Қиз эрга текканидан кейин никоҳнинг иккинчи куниёқ сочини олдириши ёки қирқтириши, баъзан ясама соч кийиши ва бошига албатта рўмол ўраб юриши шарт бўлган. Келиннинг сочини олдириб рўмол ўраш удуми тантанали вазиятда ўтказилган, бунга бағишлаб зиёфат берилган, зиёфатда музика чалинган рақс тушилган (Ред.).

«Илгариги Мойше-Мендл билан ҳозирги Мойше-Мендл ўртасида катта тафовут бор,— деб ўйларди Рохила. — У Мойше-Мендл жозибали эди, кўзлари никоҳ маросимида ёқиладиган шамдай ёниб турар, овози майин жаранглар, юриш-туриши, ҳаракат ва муомаласи ёқимли эди. Ҳозиргиси-чи? Қандай бесўнақай! Кўкраги тор, бели букчайган! Юзида сийраккина сап-сарик соқол ўса бошлаган. Унда бундай эчки соқол қаердан пайдо бўлди экан?»

Унинг фикри беихтиёр яна ўша валакисалангга, кечаси билан мижжа қоқмай чиқишига сабаб бўлган сиймога қайтар эди.

«Беғалва бошимга ғалва ортганини қаранг энди! — деб ўйлайди яна Рохила. — Йўқ, мен ўзим айбиман, ўзим, ўзим! Степеню бошимга бало бўлди! Нимагаям шу созанда билан гаплашдим-а? Нақадар уят иш бўлди! У билан гаплашаётганимми одамлар сезганида яхши бўлмас эди албатта, хайриятки, атроф тўс-тўполон эди... Мойше-Мендл нима деярдими?»

У очиқ юз билан кулимсираб эри ёнига келиб эгилди-да, номини айтиб уйғотди. Мойше-Мендл кўзларини очиб, ҳеч нима тушунмасдан хотинига анчагача тикилиб турди.

— Мойше-Мендл! — деди Рохила бошини яна қуйроқ эгиб. — Мени танимаяпсанми, Мойше-Мендл! Нега менга бундай тикиляпсан? Сенга жуда ёқиб қолдимми?

— Қўй, мени безовта қилма!.. Уйқум келяпти! — дея Мойше-Мендл орқасини ўгирди-да, шу замон яна қаттиқ хуррак торта бошлади.

— Куёв билан келин, уларнинг ота-оналари ва барча қариндошлари сизни, сизнинг қайнанангизни ва эрингиз-

ни «рўмол ўраш» удуми муносабати билан бўладиган зиёфатга чақиряптилар!

Синагогининг югурдаги Хена эшикка бошини суқиб ана шу гапларни бирданига айтиб солди. Аммо Рохила эрининг каравотига энгашганини кўриб дарров бошини ўгирди.

Рохила келинникига келганида ҳали унга рўмол ўралмаган эди. Одатда иккита ёш келин учрашиб қолганида уларнинг гапи кўп бўлади; Рохила билан ёш келин ўртасида ҳам қизғин мусоҳаба бошланди.

Меҳмонлар бирин-кетин кела бошлади. Дастурхон ёзилган: стол устига анвойи таомлар: асалга қорилган турп, ҳар-хил пряниклар, тешиккулча, хамири асалга қориб пиширилган нон во бошқалар териб қўйилган.

Кечагидек бугун ҳам гадойлар ва синагог ходимлари зиёфатда ҳозир эдилар. Келиннинг отаси, духоба шапка кийган Хаим-Бенцион хонада чопиб юрибди. Келиннинг онаси эса, гарчи овози хириллаб қолган бўлса-да, бирини у ёққа бошқани бу ёққа ҳайдаб, ишга солар экан зўр бериб қичқирарди,

— Сизлар мени адойи тамом қилмоқчисизлар, худо сақласин! Торт билан асалга қорилган турпни жойига қўймабсизлар, у жойга арақ билан рюмкаларни қўйиш керак эди. Шўрим қурсин, худойим! Кошки қўлим тўрт-та бўлса! Тўям тўй бўлмади! Шунча пул сарфлабмизу натижасини кўринг. Созандалар ҳам келмади. Алам қилмайдими, ахир?

— Секин! Овозингни ўчир!— деб қичқирди Хаим-Бенцион. Бунча бақирасан! Бирор иш қилиб бердингми? Бир пуллик иш қилмайсану, бақирганинг бақирган. Хўш, нимага бақирасан? Биринчи марта қиз чиқараёт-

ганинг йўқ-ку. Уни қаранг, бақиравериб овози бўғилиб қолибди. Деярли бутун шаҳарни зиёфатга чақирибсан, энди бекордан бекорга бақираверасанми? Нима кераги бор бунинг!

— Ким бақиряпти, жинни! Бақираётган ким ўзи бу ерда?

— Ким бақираётганини билмадим. Ўзинг айта қол, эшитайлик.

— Ҳар ҳолда мен эмас, сен ўзинг.

— Мен? Шундай дегин! Демак аксинча экан-да!

— Мана, сен Хаим-Бенцион бақиряпсан. Бир бало бўлдим сенга?

— Салом, куёв билан келинга, салом уларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғларига, салом барча азиз меҳмонларга! Музика, тўйлар муборақ!

Хайкл-қизининг ана шу табриги билан яна тўй таптанаси бошланди. Созандалар асбобларини қўлларига олдилар... Ана шундан кейин меҳмонлар енгларини шимариб, қўлларини ювиб, узун сюртуқларининг этакларига артдилар. Ҳамма узун стол атрофига тизилиб ўтирди ва шу билан тантанали тўй зиёфати бошланди...

Ана Стемпеню скрипкасини қўлига олди. У худди кечаги сингари, балки ундан ҳам ошириб, яна бир қанча янги куйларни қўшиб мўъжиза кўрсата бошлади. Халойиқ уни жуда диққат ва завқ-шавқ билан эшитди. Ҳамманинг нигоҳи Стемпенюга тикилган эди. Фақат Рохила унга қарамас, умуман, созандалар ўтирган томонга қиёбоқмас, аммо шундай бўлса-да, уни кўрар, унинг тикилганини сезиб ўтирарди. Стемпеню чалиб бўлиб, ғовур-ғувур бошлангандан кейингина Рохила бошини кўтарди ва... Стемпенюни кўрди.

— Нима дейсиз? Қанақа, а? — деб сўради индамай эшитиб ўтирган ёш келин.

— Кимни айтяпсиз? — деб сўради ёш келиннинг гапига тушунмасдан Рохила.

— Стемпенюни айтяпман! Ростдан ҳам яхши, а? Зўр! Рохила жавоб бермади. У қизариб кетаётганлигини сезди.

— Рохила, исиб кетдингиз дейман? — дея сўради ёш келин, — ростдан ҳам исиб кетяпсиз!

— Ҳа, иссиқ, жуда ҳам! Бирпас соф ҳавога чиқиб келай, — деб жавоб берди у ва чиқиб кетди.

Чиқаверишда унга рўпара келган эл улуглари ва уларнинг хотинлари ҳурмат билан йўл берардилар, аммо бу Рохиланинг ўзидан кўра унинг шойи кўйлагига кўрсатилган ҳурмат эди. Итариб-суриб эшикка бориш осон бўлмади. Аввало созандалар ёнидан ўтишга тўғри келди, улар унга суқланиб қараб: «Жа, кетяворманми? Хўп гаплашадиган экан-а!» деб луқма ташлашди. Стемпеню тикилиб қараганда Рохиланинг юраги ғалати тепа бошлади. Бунгача у ҳеч вақт бунақа ҳолга тушган эмасди. Бундан у баттар қизариб кетди. Баданига аланга ёлқиндай иссиқ урди. Аксига олиб худди остонада ёш келиннинг отаси Хаим-Бенцион билан тўқнашиб қолди: Хаим-Бенцион ғоят художўй одам бўлиб, хотинлардан шайтондан қўрққандек қўрқарди. У Рохилага тўқнаш келган замон дарров орқага қайтиши керак эди, афсуски, у ўзини ўнгга олди. Рохила ҳам худди шу томонга қайрилиб, сал бўлса бир-бирларига пешаналарини уриб олай дедилар; шунда Хаим-Бенцион ўзини чапга олди, бахтга қарши Рохиланинг бошига ҳам шу фикр келиб, у ҳам шу томонга бурилди. Хаим-Бенцион энди дарров ўзини ўнгга олиш кераклигини пайқади, аммо у ўнг томонга қадам босиши билан Рохила ҳам қасддан қилгандай яна ўнга рўпара бўлди. Ниҳоят, шу пайт хирилдоқ бека келиб қол-

маганда, ким билсин, улар яна қанчагача рўпарама-рў-пара туришар эди. Бека келиб одатдагича шовқин солиб эри билан нима устидадир талаша бошлади-ю, Рохила лип этиб ташқарига чиқиб олди.

IX

РОХИЛАНИНГ УТМИШИ ВА ХАЕ-ЭТЛ МОЖАРОСИ

Ташқари уйдагидан ҳам иссиқ эди. Жазирама июль кунларидан бирини, чоштгоҳ эди. Қуёш найзага келган, аёвсиз ўт сочарди. Мазеповка кулбаларининг тахта ва похол ёпилган томларида сароб жимирайди. Бундай ҳолларда хедер талабалари: «Бу фароғат худонинг раҳмати биландир» дейдилар.

Рохила кенг ва хилват бозор майдонига келди. Қизил парда тортилган дўкончалар очинқ, дўкончаларнинг эшиклари олдида курсиларга ўтириб олган аёллар ниҳоятда чаққонлик билан пайпоқ тўқимоқдалар. Ён томонда қатор қилиб ҳар хил мевалар, чапати, кулча уйиб қўйилган саватлар тизилган. Бир эчки шу саватлар томон пусиб келаётган эди-ю. уни ҳайдаб юборишди. Майдон бошидан қўш ҳўкиз қўшилган арава келмоқда. Арава орқасидаги чанг булутини ичида жуда катта барра телпак кийган, орқасига халта ва узун қамчи осган яланг оёқ бола, ёнида тилини осилтирганича ҳаллослаб ит чопиб келяпти.

Рохила одатдаги бу таниш манзарани анча томоша қилиб турди, уни ўзининг байрам кийимлари, ҳаво ранг шойи қўйлаги, марвариди, узук, благазуқлари ва исирғалари билан солиштирди. У ўзини бу оддий, кундалик муҳитда бегона сизди: Рохила аслида ким ўзи? Бозор-

даги ана ўша пайлоқ тўқиб ўтирган дўкондор ҳам эмас, графиня ҳам. Оддий халқ фарзанди, ҳар қандай ташвиш ва хизматдан холи яҳудий аёли: эрга тегиб, қайната билан қайнана қўлида тайёрга айёр бўлиб, совуқ сувга қўл урмасдан ҳаёт кечиради. Эри бўлса синагогга боради ёки ҳасса ушлаб, бозорда дуч келган ҳар бир киши билан ҳазиллашиб санқиб юради.

Роҳила мана шу топда кўчада табиат оғушида нима мақсад билан яшаётганлиги ҳақида эҳтимолки, умрида биринчи марта ўйланиб қолди. У бирданига ҳаётида нимадир етишмаслигини пайқади. Нима етишмаслигини билмайди-ю, аммо бир нимадир етишмайди.

Роҳила оддий яҳудий аёли бўлиб, ҳеч қандай хусусияти билан бошқалардан фарқ қилмасди. У аёлманд онлада туғилиб катта бўлди, ота-онаси ҳам уни аллада азиз, тўрвада магиз қилишмаган, энди кўришибдими бундай қизни!

Туғилибсанми, соғ-саломат ўсавер...

Уйда бекор тентираб юрмасин, биттаси кам бўлиб турсин, деб уни болалигида акалари билан бирга ўқигани хедерга юборишган, сал улғайгандан кейин қизларга хат ёзишни ўргатувчи Мотл Шпрайзга беришган.

Ана ўшанда ўқиб юрганида ўзидан катта-кичик дугоналар орттирган. У кўпинча ўзидан каттароқ қизларга аралашган. Чунки улар кўп воқеаларни, кўпгина қизиқ-қизиқ ҳангомаларни билишарди. Уни дугоналари чиройли овози учун яхши кўрардилар.

— Биронта ашула айтиб бергин, Роҳила, қани айта қол жонгинам. Уялма, йигитлар йўқ.

Роҳила йигитлар ёки каттароқ кишилар олдида ашула айтишга уяларди. Дугоналари ҳам эр йигитлар ол-

дида ашула айтиш уят бўлади, ярамайди деярди-лар...

— Қани, бошла, Рохила! Ялиниш керакми сен-га?

У ўзининг майин овози билан ашула бош-ларди:

Нола қилиб кўк каптар
Гув-гувлар, йиғлар танҳо —
Қайлардадир севгилим,
Қошимга келмас аммо!

Рохила бу ашулани ишқ-муҳаббат нималигини ту-шунгандай юрагидан чиқариб айтарди. Дугоналари ал-батта бу ҳис қанақалигини жуда яхши билар: Рохила шу ашулани айтган замоно ўйга толар, оҳ тортар, баъ-зида ҳатто кўз ёши ҳам қилардилар.

Рохиланинг ашулаларини ҳаммадан ҳам ёши катта-роқ дугоналаридан бири, ғоят зебо етимча Хае-Этл ях-ши кўрарди. Унинг таржимаи ҳоли жуда кўп яҳудий қизларникига ўхшаш сув ичиш олдидан ўқиладиган дуодек қисқа эди. Хае-Этл ҳаётининг бутун тасвири ана шу.

Бир неча йил бурун Сквир шаҳрида ака-ука яшар экан. Бирининг исми Арн, иккинчисиники Лейб бўлган. Арн кўп яшамаган, унинг вафотидан кейин кўп вақт ўт-май хотини ҳам дунёдан ўтган. Улардан биттаю-битта қиз Хае-Этл қолган. Амакиси Лейб бечора етимчага ачиниб, уни отасидан қолган мерос билан бирга ўз қара-моғига олган. Тўғриси айтиш керакки, амакиси етим жиянига ачинмаган, одамларнинг айтишича уч мингга яқин меросни олгану, қизни ярамас бир одамга узатган, у қизга не-не азобларни кўрсатган... Бечора Хае-Этл

жуда ёш, йигирма икки баҳорни кўрганида дунёдан ўтган.

Хае-Этл Рохиланинг энг яқин дугонаси бўлган. Қизлар бир-бирини ниҳоятда яхши кўришган. Шанба кунларидан бирида улар иккаласи ясаиб дераза олдида ўтиришган эди. Рохила одатдагича хиргойи қилар, Хае-Этл эшитиб ўтирарди. Ашуласи оддий ашулалардан эди:

Мени ғариб янглиғ ташлаб
Оҳ, бундан кетмоқчисан
Оҳ, бундан кетмоқчисан...

— Рохила, азизим, яна бир айтгин шу ашулангни,— дея ялинди Хае-Этл.

— Яна? — деб ҳайрон қолди Рохила.— Майли, хоҳласанг айтаверман:

Мени ғариб янглиғ ташлаб
Оҳ, бундан кетмоқчисан
Оҳ, бундан кетмоқчисан...

Бирдан Рохила Хае-Этл бошини қўлларига қўйганини, елкаси қалтирай бошлаганини кўриб қолди. Хае-Этл пиқиллаб йиғларди.

— Ё худо! Нимага йиғлаяпсан, Хае-Этл? Бекордан бекорга, кўз ёши-я! Сенга нима бўлди? Бирданига йиғига тушдинг!

— Рохила!— деди Хае-Этл йиғлаб.— Рохила! Бу ашула... сенинг ашуланг...

— Менинг ашулам? У оддий ашула-ку! Унинг нима-сига йиғлайсан?

— Сўрама, Рохила азизим, суриштирма. Қайғум зўр. Юрагимда ўт-олов. Кўряпсанми, мана бу ерда гувиллаб

бняпти? — деб Хае-Этл кўкрагини кўрсатди. Рохила паришон ҳолда, таажжубланиб унга тикилди.

— Нега бундай тикиласан? Тушунмаяпсанми? Сен тушуна олармидинг? Менга жуда оғир, якка-ёлғизман, ғарибман, мен сенга аҳволимни, бошдан-оёқ гапириб беришим керак!

Кейин Хае-Этл ўзининг кичкина дугонасига ҳаётда кўп учрайдиган бўлса-да, бошидан кечирган мусибатларни амакисн Лейб ва ундан ҳам кўра шум келин ойнисини қанақа хўрлаганини гапириб берди. У, агар амакимнинг кенжа ўғли Бинёмин бўлмаганида аллақачон уйдан қочиб кетган ёки ўзимни дарёга ташлаган бўлардим,— деди. Ҳаётда бирдан бир овунчоғи Бинёмин билан улар бирга ўсганлар. Хае-Этл уни туғишган акаси-дан ҳам яқин кўрган, аммо у Хае-Этл ғам-ғуссада қолганига қарамай худди бегона кишиндай уни ташлаб жўнаб кетган.

— Тушунмаяпман, Хае-Этл, нега бунга шунчалик куйиниш керак экан? Ўзингнинг туғишган аканиг кетиб қолганида ҳам ҳечқиси йўқ. У-ку амакиваччапг, кетса кетаверади-да.

— Оҳ, Рохила, унинг менга нақадар яқин бўлганлигини сен тасаввур ҳам қилолмайсан, умр бўйи у менинг қалбимда қолади. У туғишган акамдек; йўқ, ишон, ундан ҳам ортиқ эди! Бинёмин кўз олдимда бўлганида кўнглим шод бўларди, аммо у кетгандан кейин...

— Ахир, Бинёмин уйлангандан кейин кетмай иложин йўқ эди-ку, Хае-Этл.

— Оҳ, Рохила, буни менга гапирма, бу гапни эшитишга тоқатим йўқ! «Бинёмин уйланди». Бу сўзлар менинг бутун орзу-умидларимни пучга чиқарди. Бу сўзларни эшитганимда жоним бўғзимга келади. Сен Рохила, буни тушунмайсан, илоҳим умрингда тушунмагин ҳам. Бундай тикилма менга, Рохила! Бинёмин сенга уйлана-ман деб менга сўз берган ва қасам ичган эди.

— Бўлмаса нега у сенга уйланмади?

— Сен Рохила, болаларча савол берасан. Демак, менга насиб бўлмаган. Демак, бахт унга, бизни бир-биримиздан жудо қилганга қараб кулган...

— Ахир у сенга уйланамади деб қасам ичган-ку.

— Қасам ичса нима бўпти! У دادаси билан гаплашмоқчи бўлди-ю, лекин юраги бетламади, сен амаким Лейбнинг қанақалигини биласан-ку, кундан кун галга солиб келди, кейин уни унаштирдилар. Мен бу ҳақда унга гапирсам, ҳали тўйга анча вақт бор, гаплашаман, деди. Фурсат ўтаверди... Бутун ҳаётимда энг машъум кун ҳам етиб келди... Мен унинг тўйида бўлдим. Қаллиғининг қўлига никоҳ узуги таққанини ўз кўзим билан кўрдим, пичирлаб дуо ўқиганини ўз қулоғим билан эшитдим. Ҳофиз ашулачилар билан ашула айтди, шунда Бинёмин мени кўрмаслик учун кўзларини ерга тикди, аммо барибир мени кўриб турарди! Э, Рохилажон, бундан кейин энди қандай яшаб бўлади? Бу азобга чидаш учун куч қаерда дейсан?

— Ундай бўлса сенинг Бинёмининг ғирт ёлғончи экан. Ер ютмаганига ҳайронман уни.

— Ундай дема, Рохилажон! Сен Бинёминни билмайсан, унинг ажойиб одамлигини тасаввур ҳам қилолмайсан! Кўнгли тоза, олижаноб киши у! Бутун айб бераҳм Лейб амакимда, фақат унда; дадамнинг хуни учун одил худо унинг жазосини берсин!

— Сенга жуда оғир-а, Хае-Этл?

— Оғир дейсанми? Ажалим яқин, Рохилажон. Кучим адо бўляпти... Оғир ҳам гапми?

— Айтгин-чи Хае-Этл, унинг ўзи чиройлими?

— Қим?

— У-да... Бинёминнинг хотини.

Хае-Этл бу гапни эшитиб, ранги қув ўчиб кетди, доқалек оқ юзида қизил доғлар пайдо бўлди. У вақтда Ро-

хила ўз саволига Хае-Этл нега жавоб бермаганлигини пайқамаса-да, саволни қайтариш ўринсиз эканини тушунган эди. «Индамагандан кейин гапиришга ҳожат йўқ. Балки унга жуда оғирдир, шунинг учун гапиргиси келмаётгандир», деб ўйлаган эди.

Бир қанча вақтдан кейин Рохила Хае-Этл билан тўйла кўришди, Хае-Этлнинг тўйи эди. Ҳамма келинлар сингари у ҳам жим ўтирди, кейин никоҳ маросимига жўнади. Никоҳнинг эртасига одатдагича рўмол ўралди. Тўғри, ранги бир оз оқарган, чеҳраси ўйчан, тунд эди. Аммо ҳечқиси йўқ. Никоҳнинг иккинчи куни ёш келинларнинг ҳаммаси шунақа бўлади. У ўйинга тушмайди-ку!

Аммо кўнглидан нималар кечаётган эди? Ким билсин! Қиз кўнглини пинҳон тутеди, биров уни дарров оча олмайди. Унга қўл солиш эркакларга муносиб эмас, одобсизлик бўлади.

Х

ЯНА РОХИЛА ҲАҚИДА

«Хае-Этлнинг кўнглидан нималар кечаётган экан?» Рохила дугонасининг тўйида ўтирганида ана шу савол устида жиддий ўйланиб қолди. Рохила бу фикрларини ҳеч ким билан ўртоқлашмади, аммо энг қадрдон кишиси Бинёмин, ҳозир қаердадир олисда ўз хотини билан ўтирган чоғда Хае-Этлга ўз қайлиғи, бегона одам ёнида ўтириш кўнглили эмаслигини сизди... Шу пайтда Рохила Хае-Этлдан Бинёмин қалай, хат ёзаяптими, деб сўрагиси келди. У дугонаси ёнига келиб унинг докадай оқ юзини, тез-тез хўрсиниб ўтирганини кўргач, уни гапга солишга юраги бетламади.

Уша пайтда Рохила бунақа масалалар устида энди,

биринчи марта бош қотираётган эди десак хато қилмас-миз... Кўпинча, ҳаяжонга келтирадиган бирон ҳаётний воқеа ўнлаб китобдан кўра кишида кўпроқ фикр туғдиради ва кучлироқ таъсир кўрсатади. Тўғри, Роҳила оддий бир қиз бўлиб, бирон катта фазилати билан бошқалардан фарқ қилмаса ҳам, табиат унга расо ақл берган эди. Ана шу табиий ақли унга кўп нарсда ёрдам берарди. У роман ўқимаган, адабий қаҳрамонлар ҳақида тасаввур ҳам йўқ эди, аммо шундай бўлса-да, ўзининг тоза кўнгли билан бировнинг алам-ситамини ҳис қилар, яқин кишининг қийналиши ва азобини тушунарди. Ҳае-Этлнинг баҳосиз муҳаббатини кўриб Роҳила бирдангина бир неча ёш улғайгандай бўлди.

Бу вақтда Роҳиланинг ўзи вояга етиб, бировнинг қаллиғи бўлиб қолган эди. У ўзининг қайлиғи Мойше-Мендлнинг мақтовини жуда кўп эшитган ва ўзини дунёда энг бахтли қиз деб билган эди. Унга ҳар томондан гапиравериш кулоқ-миясини еб юборган эдилар:

— Бахти кулганини қаранг, илоё кўз тегмасин!

— Ҳазинага йўлиқди! Жаноб Айзик-Нафтоля бадавлат одам, у Мазеповканинг энг ҳурматли кишини. Ўғли бўлса, бирдан бир фарзанди, яна қандай фарзанд денг! Роҳиланинг омади келган экан-да!

— Чиндан ҳам, Мойше-Мендл ёқимтой манаман деган йиғит эди: чаққон, талмуд ҳикматларини ичворган, тавротни ҳам яхши ўрганган эди, ҳуснихатлигини айтмайсизми! Унга бутун Мазеповка ҳайрон. Ҳатто қизлар муаллими Мотл Шпрайз ҳам лавлагидай қип-қизил бурни устига кўзойнагини қўндириб олиб, Мойше-Мендлнинг Роҳилага ёзган хатига узоқ тикилиб турган ва ҳақиқий билимдон сифатида: қайлиқнинг қўли олтин, вақти келиб унинг хати ғоятда нафис бўлади, деб эътироф қилишга мажбур бўлган эди.

Роҳила ўзининг тўйингача қайлиғи билан суҳбатла-

шолмаган эди. У қаерда эди-ю бу қаерда эди! Мазсповка билан Сквирә ўртасидаги масофа анча келади. Улар фақат бир марта, шундайм бори-йўғи икки соат учрашган эдилар, бунинг устига уй бегона кишиларга тўла бўлиб қайлиқ бир хонада, қаллиқ бошқа хонада эди. Аммо улар бутун йил бўйи деярли ҳар ҳафта хат ёзишиб турдилар. Тўғри, бу ёзишмада ростини айтиш керак, муаллим Мотл Шпрайзнинг иштироки катта бўлди. Чунки куёв бола хатларида уч тилни: қадимги яҳудий, рус ва немис тилларини билганлигини намоён қилса, Мотл Шпрайз қаллиқни ҳам уятга қолдирмаслик учун астойдил ҳаракат қилиши лозим эди. Мотл Шпрайз мактабидан қизлар бошқа ҳуснихат муаллимларининг мактабидан чиққан сингари нодон бўлиб чиқмасликларини амалда кўрсатиш учун, куёв боланинг уч тилига тўртинчи — француз тилини қўшиб қўярди, яъни ҳар бир хатга французча сўзларни ёзарди, бунга эса муаллим жуда уста бўлиб қолган эди. Умуман, қайлиқ билан қаллиқ бутун йил бўйи ишқ-муҳаббат изҳор қилиб хатбозлик қилдилар дейиш мумкин. Уларнинг бу ўйини тўйга жиддий тайёрлик кўрила бошлагунча давом этди.

Тўй ҳамма яҳудий тўйларига ўхшаб ўтди. Келиннинг ота-онаси куёв боланинг онасига унча ёқмади, улар одоб сақламадилар... Куёв боланинг ота-онаси хафа бўлиб, қизнинг отасини мазах қилишди ва секингина, асоссиз эмас албатта, одам эмас, тўнғиз экан дейишди. Аммо бундан қудалик муносабатларига зиён етмади: ҳар икки томон ҳам вино ичиб ўтиришиб бир-бирларини кечиринди, дўст бўлиб қолаверишди. Ёш келин ота-онаси ва қариндош-уруғлари билан хайрлашди, улар уни шаҳардан чиққунча кузатиб бордилар, йиғлашиб, сўнгги марта ўнишиб хайрлашдилар, шу билан қутулдилар! Қиз тайёрга айёр бўлиб кун кечирини учун қайната билан қайнаганикига жўнади.

Рохиланинг янги ҳаёти бошланди. Қайната уйида уни ҳамма яхши кўриб қолди. Шундай бўлиши табиий эди. Ҳар нима десангиз ҳам бирдан бир келин, яна қанақа келин денг — гавҳар! Ҳамма унинг кўнглини олишга интилар, хоҳлаган нарсаси муҳайё эди. Қайнанаси Двоя-Малка бўлса худо шундай овунчоқ ато қилганидан бениҳоя бахтиёр, келинга нима хизмат бўлса қилаверади, унга жонини беришга ҳам тайёр. Рохиланинг номини оғзидан қўймайди. Гўштининг яхши жойи, энг ширин овқатлар Рохилага бўлсин, Рохила есин! Эрта билан Рохила уйқусидан туриб кўзини очганда стол устида кофе тайёр туради. Ҳолбуки, Двоя-Малка иш билан жуда банд хотин, бозорда унинг дўкони бор, шунга қарамасдан қачон қарасангиз, Рохила ёнида парвона бўлганини кўрасиз, келинига зарур бўлган ҳамма нарсанинг ўз вақтида тайёр бўлиб олдида туришини назорат қилади.

— Ойижон, нега шунча овора бўласиз, ахир!

— Ҳечқиси йўқ! Ич, Рохила, е, Рохила!

Қайнана кўпинча бозордан қайтиб келиши билан югуриб кухнияга кирар ва бақириб-чақириб кухаркаларни қарғар эди.

— Нима бўпти, ойижон? — деб сўрарди баъзан Рохила.

— Сен аллақачон тургандирсан деб ўйлабман, сут бўлса қайнаб-қайнаб тугай деб қопти, қарамабди-да, қиз ўлгур! Мен ўзимни у ёққа ураман, бу ёққа ураман, ахир ўзимнинг қайси дунёда эканимни ҳам билмайман. Дўкон, кўз тегмасин, шундай тикилинчки, асти қўясан. Валенеъматим, овунчоғим эрим бўлса тўйга келган сов-

чидек қўлларини чўнтагига суқиб қаққайиб туради. Мен унга:

— Уйга бор, мана шу иссиққина тешиккулчадан икки-тасини Рохилага обориб бер, деб қанча ялинмай пиангини бузмайди. Мен тешиккулчаларни доим Лейцнинг хотинидан оламан. У кулчани жуда ширин қилади. Бошимдан зар қўйганларида ҳам бошқа одамдан олмайман. У хотиннинг шўрлик бошидан кечирган кулфатларини айтмайсанми, худо унга мададкор бўлсин. У бечора пианиста эридан не азоблар кўрмади! Унинг эрини айтяпман — ер ютмасдан чидаб турганига ҳайронман. Раҳматли отасининг, илойим жойи жаннатда бўлсин, хотирасига иснод келтиряпти!.. Ҳа, айтгандай, мен нима демоқчи эдим? Бошда, худо кечирсин, минг хил хаёл. Шошма, ана, ниҳоят, таппознинг ўзи ҳам келиб қолди! Ҳа, қаерда эдинг?

Шўрлик кухарка Рохилага қайнатилаётган сутга, Рохилага аталган кофегга, Рохиланинг нонуштасига тайёрланадиган овқатларга қарамагани учун роса қарғиш эшитди.

Қайнана эртадан кечгача ўз ишлари билан банд бўлса-да, келинидан хабар олиб туради, уни эътиборидан сира четда қолдирмайди.

Рохила ҳаддан ташқари бундай ғамхўрликни, очигини айтганда, ёқтирмасди, унга малол келарди бу ишлар, шуни ҳам айтиш керакки, улар Рохилага шунчалик кўнгил қўйган бўлсалар-да, Рохила уларни унчалик ўзига яқин кўрмасди.

Уларни деганимизда биз унинг қайнанаси билан қайнатасини назарда тутамиз. Асосий қаҳрамонимиз Мойше-Мендл бу ҳисобга кирмайди. Ёшлар ўртасидаги муносабатни яхшиям, ёмонам деб бўлмасди. Ёшлар бир-бирлари билан камдан-кам суҳбатлашардилар, суҳбатлашишга фурсат ҳам йўқ эди. Мойше-Мендлдай тавозели

ёш йигит хотини билан гаплашиш учун қандай қилиб куппа-кундуз кунни уйда ўтириши мумкин, ахир! Баъзан кечқурунлари улар якка ўзлари қолган вақтлар ҳам бўларди-ю, аммо бу узоққа чўзилмасди: қарасанг, бирпас ўтмасдан ё болалардан хабар олгани Айзик-Нафтоля кирар ёки шайтон амри билан ҳали хурмача, ҳали кўвача кўтариб, товоқ ёки коса ушлаб Двося-Малка бўзчининг мокисидек қатнаб турарди.

— Мана бу мураббони татиб кўр-чи, Рохилахон!

— Ё худо! Мен бу мураббони минг марта татиб кўрган бўлсам керак, ойижон!

— Қўй, гапирма қизим! Бекор гап! Сен бу мураббони ҳали кўрганинг ҳам йўқ.

Шундан кейин бечора Рохила жонига теккан мураббони минг биринчи марта татиб кўришга мажбур бўларди.

— Ё парвардигор! Рохилажон рангинг кетиб қопти-ку! Овқатни жуда оз ейсан-да. Билмадим, қанақа қилиб юрасан. Сквираликлардан биронтаси кўриб қолса ҳойнаҳой менга лаънат ўқийди: «Заи яхши қайнанаси бор экан-да, ўлиб кетгани яхши! Битта келинини боқа олмас-я? Қилтиллаб қопти. Бунақа қайнанани осиб ўлдирса арзийди!» деяр. Шўрим қурсин! Бирон нарсасанг-чи, Рохилажон, жўрттага бўлсаям егин!

— Худо ҳаққи, қўйинг ойижон. Қорним жуда тўқ, илоё умр бўйи шундай бўлсин!

— Қизгинам, менинг кўнглим учун ол! Гоҳ-гоҳ қайнанинг ҳам гапига кирса бўлади. Сеи мени ўз онамг деб бил. Озгина, жичча бўлсаям ол, бекорга хафа қилма мени, Рохилажон!

Рохила яна бир луқма олиб, тиқилиб-тиқилиб ейишга мажбур бўлади. Рохила бу уйда ҳамма яхши кўришини, бениҳоя содиқ эканлигини билса-да, бундаги ҳаёт оғир бўлиб уни зериктирар, юрагини эзарди. Бу уйда жондан

бошқа ҳамма нарса бор, борди-ю Рохила анқолинг тухумини топиб келтиришни сўраса унияма топиб олиб келишга тайёр эдилар: «Бас, Рохила хоҳлар экан, топиш керак. Бу ҳақда гап бўлиш мумкин эмас!»

Аммо одам ҳўкиз ҳам эмас, ғоз ҳам эмаски, уни яхши боққанликлари билан қаноатланиб яшаса. Одам, агар унга соядек эргашиб юрсалар, ундан сира назарларини олмасалар, қадам босган жойининг чангиниям дарров пуфлаб тозаласалар, у еяётган ҳар бир луқмага кўз тикиб турсалар, умр бўйи унга парвона бўлиб, ҳатто ухлаб ётгандаям ўз ҳолига қўймасалар, бундай ҳаётдан қанақа маза топиши мумкин? Хуллас, бутун ҳаёти бировларнинг қўлида бўлгандан кейин одамнинг турмушида ҳаловат бўлмайди.

Биз баён қилаётган воқеа Рохиланинг ана шу тариқа дилшикаст бўлиб турган ва ўз ҳолини бировга гапириб тасалли топиш имкони бўлмаган бир пайтда содир бўлди. Ста-онаси уни дунёда энг бахтли хотин деб биларди. Улар ўзларининг мактубларида шод-хуррамликлари, завққа тўлиб тошганликларини, қизларига шундай катта бахт ато қилган худодан миннатдорчиликларини изҳор қилардилар. Рохиланинг уларга ёзган хатларидаям: «қувонч ва роҳат», «бахт ва омад», «худого шукур», «худоё, бундан кейин шундай бўлсин» деган сўзлар кўп учраб турарди; мактублари эса доим «хурсандчилик ва фароғатдаман... кўнглим қувончга тўла» деб тамомланар эди.

Аммо кўнглининг ич-ичида Мойше-Мендлдан ҳафа эди, чунки у ўзини четда олиб юрар, халойиқ ичида мўтабар ҳар бир яҳудий эрга лозим бўлганидек Рохилага менсимайроқ қарар эди. Ахир у қандай қилиб ўзини хотини билан тенг тутиши мумкин ахир, агар у дарҳақиқат, хотинини ўзига тенг билса, бу ғалати ғайри табиий бир ҳол бўларди. Мойше-Мендл хотинини севмасди деб

бўлмайди, албатта. Аксинча, у Рохилага жуда садоқатли бўлиб уни чин кўнглидан ва соддадиллик билан яхши кўрарди. Бир вақт Рохила бир неча кун бетоб бўлиб ётиб қолганида Мойше-Мендл унинг ёнидан бир қадам ҳам жилмади, оҳ-вой қилди, ғам чекди.

— Ачинаман унга, раҳмим келади! — деди у кўзига ёш олиб онасига. — Докорми, фельдшерми чақиринч керак. У бечоранинг қийналишини кўринч оғир менга, бутун бадани ўт бўлиб ёняпти. Ачинаман унга!

Касал бошланганининг учинчи кунин Рохила ўзинга келгач, хотинининг ёнидан бир дақиқа ҳам жилмай ўтирган Мойше-Мендл беморнинг бош томонига келиб ўтирди. Ўзининг жонажон гўзал Рохиласи билан самимий суҳбатлашиш учун бундан ҳам кўра қулай фурсат топилармиди? Очиғини айтиш керак: улар иккисиям шундай суҳбатни жуда хоҳлар эдилар. Мойше-Мендл хотинига яна яқинроқ келди, шунда Рохиланинг оқ рўмол билан ўралган чиройли боши эрининг қўллари устида пайдо бўлди... Рохила шахло кўзлари билан эрига тикилиб унинг гап очишини кутди. Мойше-Мендл бошини эгиб ерга тикилди. Рохила кўзларини ундан олгач, у Рохилага тикилди, аммо Рохила яна унга қараши билан у юзини дераза томонга ўгирди. Икки ёш узоқ вақтгача ана шу тариқа чурқ этмасдан кўз қирлари билан бир-бирларига қарашиб туришди. Тўйларидан кейин ўтган бир йил ичида мана эндигина бир-бири билан гаплашиш имконияти туғилган эди. Аммо дастлаб гап очишга Рохиланинг ҳам, Мойше-Мендлнинг ҳам юраги бетламади, гапни нимадан бошлашни ҳам билишмади. Рохила хотин киши бўлганлигидан гапни эрим бошлар деб унга қараб туриши тўғри эди, аммо Мойше-Мендл тавозели эр сифатида хотинига қараб ўтирди. Шундай қилиб, уларнинг иккисиям узоқ вақт бир-бирларига кўз югуртириб, индамай ўтиришди.

- Нима, Мойше-Мендл?
- Нима?
- Нега менга тикилдинг?
- Ким тикилди?
- Ким билсин, сен-да.
- Мен тикилибманми?
- Бўлмаса, ким?

Рохила юзини деворга ўгириб ётди, Мойше-Мендл эса соқолининг учини тишлаб хотинига узоқ қараб турди-да, чуқур хўрсиниди. Ниҳоят, Рохила юзини эрига ўгириб, Мойше-Мендлнинг жиддий тикилиб турган кўзларига қаради.

- Нима бўлди сенга, Мойше-Мендл?
- Нима экан?
- Нега хўрсинасан?
- Ким хўрсинади?
- Сен, албатта.
- Мен хўрсинаётган эканманми?
- Бўлмаса ким хўрсинади?

Эру хотин яна жим бўлишди.

Мойше-Мендл хотинига яна яқинроқ келиб, йўталиб олди-да, юрак ютиб гап бошлади:

— Биласанми, Рохила, менимча сенинг...

Аммо шу он эшик очилиб хонага шовқин-сурон билан Двося-Малка келиб кирди.

— Нима, куркалар бутун идишларимни синдиришини мен билмовмидим? Унга курка зарур бўлиб қопти! Аҳволинг қалай, Рохила? Биласанми, қизим сенга нима демоқчиман? Менимча сенда... нима эди оти қурғур... а... иситма. Мен сенга, Рохила, бошяланг кўчага чиқма деганман. Ҳозир яна Екусиел табибни чақиртирдим. Айзик-Нафтолянинг ўзи кетди уни чақиргани.

— Нега шунча овора бўласиз, ойижон? Шундай ҳам ўтиб кетади. Озроқ шамоллаганман, холос.

— Озроқ эмиш... Озроқ шунақа бўлар эканми? Бекор гапни гапирма, болам! Қани, бирпас ўтириб турай.— Двося-Малка стул олиб келиб, беморнинг каравоти ёнига ўтириб олди.

— Биласанми ойн,— бирданига унга мурожаат қилди Мойше-Мендл.— Дўконингга борсанг яхшироқ бўларди. Рохила ёнида ўзим ўтираман.

Эру хотин бир-бирларига қарадилар, Рохиланинг кўзлари гўё:

«Жуда ақллисан-да, Мойше-Менда!» деяётгандай туюлди Мойше-Мендлга.

— Гапингни қара-я! — деди Двося-Малка стулини каравотга яна яқинроқ тортиб келиб.— Дўконга борар эмишман! Бориб нима қиламан? Ҳозир савдо бор дейсанми? Илойим, бутун душманларимга шундай савдо насиб қилсин, чин қалбимдан шуни тилайман. Ундан кўра сен Мойше-Мендл менинг ётоғимга кириб даданнинг каравотида дам олиб олсанг бўларди, ахир кечаси билан мижжа қоқмай чиққансан.

Қўл-оёқлари боғлиқ, бахтиёр ёшлар ана шу тариқа, тайёрга айёр бўлиб, эркин нафас олишга ҳам имкон бермайдиган, аммо уларга бениҳоя содиқ ота-оналарнинг доимий васийлигида яшайдилар. Лекин эри ҳам, унинг ёш хотини ҳам бундан бир-бирига ҳеч қачон нолимайди, шикоят қилмайди.

Бу кишанлар Мойше-Мендлга ҳар ҳолда унча оғирлик қилмайди. У баъзан китоб мутолаа қилади, дадасининг ишларида озми-кўпми қатнашади, тенгқурлари билан учрашиб туради, улар билан бирга синагогда ёки бозорда учрашиб қолганида ўйин-кулги қилиб, кўнгил очишдан ҳам қайтмайди. Хуллас, Мойше-Мендл ҳар ҳолда мустақилроқ ҳаёт кечиради.

Рохиланинг ҳаётиям ҳаёт бўптими? У ейди, ичади, кунига йигирма марта мураббо татиб кўради, совуқ сув-

га қўлини урмайди, ҳеч ким билан учрашмайди. Айзик-Нафтолянинг келини «ҳар бир дуч келган одам» билан ошначилик қилолмайди, «ҳар бир дуч келган одам» ҳам Айзик-Нафтолянинг келини билан ошначилик қилмайди. Айзик-Нафтоля ўзини Мазеповканинг энг бой ва мўътабар кишиси деб билади, у «ҳар бир дуч келган одам» деб ҳисоблаган кишилар эса, аксинча, ўзларининг Айзик-Нафтолядан кўра пулдорроқ ва мўътабарроқ ҳисоблайдилар. Шундай қилиб, Рохила қайната билан қайнана уйида худди тутқундагидек ғам-ғусса ичида яшайди... Қилган иши овқат ейиш ва ухлашдан иборат бўлиб, кун и бўйи ҳали чойнак, ҳали қиём солинган банка, ҳали бошқа ҳар қандай идиш кўтариб кирган тинмас ва чарчамас қайнарасини кўради, холос. Бутун йил бўйи, худонинг берган кун и аҳвол шу...

XII

РОХИЛА КУЙЛАЙДИ

Рохила ана шу ҳолатда, тантанали тўй зиёфатидан тоза ҳавога, кўчага чиққанида унинг кўз олдида ўша бозор, дўконлар, уларнинг олдида курсида ўтирган савдогар хотинлар, бир жуфт бесўнақай хўкиз қўшилган арава, жуда катта барра телнак кийган бола намоён бўлди.

Рохила ана шу ҳолатда экан, унга машҳур Стемпенюнинг завқли музикасини яна эшитишга тўғри келди.

Рохила болалигидаёқ музикани яхши кўрарди, жуда яхши кўрарди! Музика унга қувонч берарди. Янги ашулани у бир марта эшитганидаёқ ўрганиб олар ва уни майини овози билан дугоналарига айтиб берар-

ди. Ота-онаси қизларидан ўзида йўқ хурсанд эдилар.

— Ақлли, эркалардек ақлли,— деярдилар улар.— Хайриятки, қиз бўлиб туғилади, ўғил бола бўлиб туғилганида дунёни остин-устун қиларди бу.

Рохиланинг ота-онаси қизларида қандайдир куч борини сезган бўлсалар керак; биз ҳозир бу кучни талант деб атаймиз. Аммо патриархал ҳаёт кечирувчи кўҳна одамлар қизнинг ҳар хил куйларни тез ўрганиб олиши ва уларни дарҳол айтиб бериш қобилиятини ақллилигидан деб билганлар ва шу сабабдан Рохилаи эркалардек ақлли деганлар. Маълумки, бош бизда энг асосий ўринни тутади. «Қалла жойида! Қалласи жуда ишлайди!» деган гаплар бизда кишини мақташнинг чўққиси бўлади...

Рохила ҳар нима бўлсаям ўн беш-ўн олтига киргунча озод қуш каби ашула айтиб юрарди. У ҳасиддаги янги куйларни эшитадими, синагогда ҳофиз айтган янги ашулани ёки тўйда созандалар чалган куйни илиб оладими, дарҳол, ўша пайтдаёқ ўзининг нафис, тоза овози билан айтиб берарди. Унинг ашуласини мазза қилиб эшитишарди!

Рохилаи унашганларидан кейин ойиси:

— Чирқиллашингни бас қиласан энди, қизгинам! Айттайлик, қайната билан қайнананинг уйида, улар олдида бирданига чирқиллаб юборсанг, уят бўлмайдими?! — деди.

Рохила бунинг беодоблик эканини дарров тушунди ва шу пайтданоқ ашула айтмай қўйди. Аммо мутлақо ашула айтмаслик, уни тамомила тарк этиш осон эмас эди. Баъзан, ашула ўзидан ўзи, оғзидан беихтиёр чиқиб кетарди. Ашула ўзи беихтиёр оғиздан чиқса нима ҳам қиласиз! Жилғанинг боши қаердалигини билмасангиз оқимини тўхтатиб бўладими?.. Рохила тўйдан кейин ҳам

баъзан хаёл суриб, қиз чоғидаги каби хиргойи қилиб қоларди. Бундай пайтда нарироқда қайнанаси ўтирганини, ҳар бир сўзини эшитиб турганини ҳам унутиб қўярди.

— Ё худо! Шўрим қурсин! — деб қичқириб юборарди у қайнанаси ўтирганини пайқаб.

— Ҳечқиси йўқ, қизим, ҳечқиси йўқ! Хафа бўлма, арзи-майди! — деб уни хотиржам қилгани шошиларди қайнанаси харсиллаб ва гўё ҳеч нарса эшитмагандай. Шундан кейин дарров ўрнидан турарди-да, банкада мураббо олиб келиб келинига тутарди ва:

— Қўряпсанми Роҳила, шу крижовник мураббом шакар боғлармикин деб қўрқиб турибман,— дерди.—Бултур ҳам шунақа бемаза ҳодиса бўлган эди, ярим пуд мураббом бузилганди.

Роҳила қайнанасидан уяларди, эри тўғрисида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас: Мойше-Мендл олдида ашула айтишга асло рози бўлмасди. Эри олдида оғиз очиб, ашула айтиш-а? Бу жуда бемаъни, хунук иш бўларди. Мойше-Мендл унинг ашуласини эшитишдан қайтмасди, мазза қилиб эшитардику-я. У хотинининг хиргойи қилганини тасодифан бир неча марта эшитганди ва унинг малаклар овозидай хуш овози борлигини биларди. Ахир қанақа мўътабар эр куппа-кундуз куни хотини ёнида унинг ашуласини эшитиб ўтириши мумкин. Тавозели ёш кишига ярашадиган иш эмас бу. Тасодифан эшитиб қолсанг-ку майли, ҳечқиси йўқ. Бундай ҳол камдан кам бўлса-да, учраб турарди. Бундай вақтларда у эшик орқасида туриб хотинининг овозини мазза қилиб узоқ эшитиб турарди. Ниҳоят, тўсатдан келиб қолиши билан Роҳилани дилсиёҳ қилмаслик учун аввал қаттиқ йўталиб, кейин ҳеч нарса билмагандай ва ҳеч нарса эшитмагандай уйга кетарди.

Роҳила ўзини севадиган, ўзига содиқ ва яхши киши-

лар орасида ана шу тариқа йўл бўйи якка-ёлғиз яшади. Бу ерда унинг турмуши ёмон эди деб бўлмайди, албатта. У ўз кишилари ичида ўзини бегона, қариндошлари ичида ёлғиз, ўзини севадиган кишилар ичида ғариб ҳис қиларди.

Роҳила кашта тикаётиб, одатда хиргойи қилиб ўтирарди. Бирданига юраги сиқилиб кетарди-да, болалиги ўтган ерларни қўмсарди.

Мовий денгизлар узра
Қанот қоққан олтин қуш,
Шудир сендан ўтинчим:
Қел, бир зум ёнимга туш.
Водийлардан учиб ўт,
Ортада қолсин дарёлар
Қайноқ дил саломинини
Еткиз онажонимга!
Эй, сен мовий осмонда
Қанот қоққан олтин қуш,
Яна бир ўтинч сенга,
Салом айт падаримга!

Двоя-Малка кўп вақт келгани қанақа ашула айтаётганини билиш ниятида оёқ учида Роҳиланинг хонаси олдида келиб қулоқ соларди.

— Нима бўлди сенга, Роҳилажон! Даданг билан ойингни соғиниб қолдингми?

— Йўқ, йўқ, ойижон! Мен шундай, ўзим... — дея кўз ёшларини артиб, табассум билан жавоб берарди Роҳила.

ХIII

СТЕМПЕНЮНИНГ МАКТУБИ

Биз Рохилани ўйга чўмиб кенг бозор майдонига тикилиб турган ҳолда қолдириб кетувдик. Бизнинг абжир йигитимиз Стемпеню унинг фикрини бўлиб қўйди.

Ҳавоёи бу тап тортмас йигит дидига ёққан Рохиланинг жойидан туриб кетганини дарров пайқади. У бирпас сабр қилиб турди-да, кейин ташқарига чиқиб эшик ёнида кўчани томоша қилиб турган Рохила ёнига келди. Стемпеню Мазеповка тўғрисида ва Рохиланинг туғилиб катта бўлган Сквирани тўғрисида суҳбат бошлади. Стемпеню Сквирани, унинг кўркем жойларининг барини жуда яхши биларди. Сўнгра Ёгупец шаҳри ҳақида гап очилди. Стемпеню Рохиланинг Ёгупецда бўлганлиги ҳақида қандай қилибдир эшитган эди. Рохила Стемпенюнинг саволларига тахминий жавоб берарди.

— Айтинг-чи,— деди бирданига Стемпеню,— сиз нега сайр-томоша қилгани шанба кунлариям, байрамлардаям кўчага чиқмайсиз? Сиз қарийб бир йилдан бери, балки йилдан ортиғроқ бу ердасиз, аммо Бердичев кўчасида сизни бирон марта учратмадим. Жуда олис жойга, шаҳарчанинг бир бурчагига кетиб қолибсиз. Мен сизнинг бу шаҳарчада эканингизни билганим ҳам йўқ. Фақат кеча тўйда кўриб билдим... Сиз билан гаплашмоқчи эдим, имконият бўлмади. Бизнинг шаҳарчамизни билмасангиз керак. Бу ерда дарров гап қила бошлайдилар... Менга қаранг, сиз шанба куни кундузи Бердичев кўчасига сайрга чиқинг... Шаҳарчанинг бутун халқи у ерга чиқади... Албатта келинг, хўпми? Худо ҳаққи келинг, шанба куни, кундузи, Бердичев кўчасига!

Рохила Стемпенюнинг таклифига жавоб бериб улгуролмади, Двося-Малка унинг зиёфат столи ёнида йўқли-

гини кўриб, дарров келинини излагани чиқди. Содиқ қай-
нана Роҳилани Стемпеню ёнида кўриб бошда «Қанақа
қилиб булар иккови учрашиб қолди?» деб ҳайрон бўлди.
Аммо ҳар қандай қийин аҳволдан ҳам қутулиш йўлини
топа биладиган ва шайтонниям алдай оладиган Стемпеню
дарҳол Двося-Малкани гапга солди.

— Биз Сквиря цадикининг тўйини гапириб ўтирув-
дик. Мен цадик қизининг тўйида чалганимда сизнинг ке-
линингиз қиз бола эди. У тўйни ҳатто эсламас ҳам экан.

— Албатта, қанақа қилиб эсида бўлсин,—деди Двося-
Малка.— Цадикнинг тўйи менинг аниқ эсимда. Биз у
тўйда эрим билан бирга бўлган эдик, кечаси далада ёт-
дик, одам деганинг тиқилиб кетган эди.

— Тиқилиб дейсиз-а, тиқилмай бўлармиди?.. Мен
сизга ундан кўра қизиқроқ воқеани гапириб берай.

Стемпеню Двося-Малкага ҳар хил воқеа ва можаро-
ларни гапира бошлади.

Роҳила шу орада лип этиб уйга кириб кетди-ю, ёш
келин ёнига келди.

Биз юқорида Стемпенюнинг гапга чечанлигини айтиб
ўтган эдик. Кези келганда Стемпенюнинг яна бир қоби-
лиятини айтиб ўтиш керак: у ёши қайтган хотинлар
билан тил топишга, улар қизиқадиған мавзуларни топиб
гапиришга жуда уста эди. Хуллас, бун жуда дўндира-
ди. «Оддий жодугардан илм олган жодугар хавфли» де-
ган мақол бор. Дарҳақиқат, Стемпеню жуда яхши мак-
таб кўрган, шу туфайли гапга чечан эди. Хайр, бу ҳақда
ҳали кейин гапирамиз.

«Беорликни қаранг! — дея ғазоби келди Роҳила-
нинг.— Мени Бердичев кўчасига таклиф қилади-я! Ўйлаб
топган гапини айтмайсизми? Албатта шанба кун кун-
дузи Бердичев кўчасига келинг-а! Яна худо ҳаққи эмиш!
Журъат қилганини айтинг! Фақат созанда шунақа қи-
лиши мумкин!»

Рохила ана шундай ўйлар билан тўйдан уйига қайтиб келди.

Шанба куниям келди.

Тушки овқатни еб бўлиб қайната билан қайнана ва Рохиланинг эри Мойше-Мендл ҳар қачонгидек шанба уйқусининг гаштини сўрмоқ учун ётиб олишди; яҳудийлар шанба уйқусига азалдан катта эътибор бериб келадилар. Рохила бўлса, одатдагидек, дераза олдига ўтириб олди-да, хиргойи қилиб кўчадаги ўткинчиларни томоша қила бошлади. Ҳар бир шанба кунидегидек, сочларига оройиш берган, кокилларига пушти ва кўк тасма боғлаган, сўнгги модага монанд қизил, сариқ ёки яшил ранг кўйлак, қўлларига қўлқоп, оёқларига янги, ялтироқ ва ғарчли бстинка кийган қизларнинг товланиб ўтиб кетганини Рохила деразадан томоша қилиб турди. Уларнинг ҳаммаси ўша томонга, Бердичев кўчасига «сайр қилгани» кетаётган эди. Унда улар ўзларининг пушти ва кўк тасмаларини, қизил, сариқ ва яшил ранг кўйлакларини кўз-кўз қиладилар. Улар сездирмасдан, гўё шундай ўтаётиб, нанка шим, соябони ялтироқ шапка кийган чиройли йигитларга киприклари тагидан кўз ташлайдилар, ана шунда қизларнинг юзлари лоладек қизаради, юраклари тез-тез ура бошлайди... Хуллас, Бердичев кўчасида одам яйрайди.

Рохила буларнинг ҳаммасини жуда яхши билади. Ахир, нега билмас экан? Ҳали яқиндагина сочига пушти, ҳаво ранг тасма тақиб, шанба кунлари бошқа қизлар билан бирга кўчада сайр қилиб юрарди... Ҳозир бўлса...

Рохила хонани кўздан кечирди. Ҳамма ухляпти, мазза қилиб хуррак тортишяпти. Ҳамма, ҳамма! Фақат у якка ўзи қийналиб, зерикиб ўтирибди, ўзини тирик кишилар орасида эмас, гўё мурдалар орасида яшагандай ҳис қилляпти. У қўлларини чеккасига тираб, ўйга толди. Ёшли-гида айтиб юрган қўшиғини эслади:

Елғизликдан хафаҳол
Турарман тошдек гунг, лол.
Дардимни айтай кимга?
Ўз-ўзимга сўзлайман,
Ўз-ўзимга бўзлайман
Қоврилиб ўз ёғимга...

— Шанбангиз қутлуғ бўлсин!

Рохила бошини кўтарди... Стемпеню...

— Шанбангиз қутлуғ бўлсин! — деяпман.

«Бу қанақа гап? Қандай қилиб бу ерга келдингиз?»
деб юбораёзди Рохила, деразадан орқага тисарилиб.

— Сизниям! — беихтиёр оғзидан чиқиб кетди-ю, ло-
ладек қизарди.

— Сиз гапимга кирмадингиз, Бердичев кўчасига
сайрга чиқмадингиз. Сизни кутавериб кўзларим ниго-
рон бўлди. Мен хоҳлаган эдимки... Менга керак бўлга-
ни... Яхшиси мана буни ўқиб қўя қолинг...

Стемпеню тўрт букланган қоғозни Рохилага узатди-
да, ғойиб бўлди.

Рохила бу қоғозни нима қилишни билмай, нега керак-
лигини тушунмай узоқ вақт қўлида ушлаб турди. Ниҳоят,
ўзига келиб мактубни очди, у каттагина нота қоғозига
ёзилган мактуб эди. Мактуб яҳудийча йирик ҳарфлар ва
жуда кўп хатолар билан ёзилган эди.

«Қимматли фариштам! Биринчи марта сенинг ёрқин
сиймоингни кўрганимда икки кўзим нурга тўлди, сенга
бўлган оташин муҳаббатимдан юрагимни аланга олди.
Жоним, сенинг мовий кўзларинг, ёрқин юзларинг бирин-
чи дақиқадаёқ мени жазб қилди, негаки сен менинг
жонимсан, жаҳонимсан, ҳаётимнинг ҳаётисан. Мен кеча-
лари мижжа қоқмай чиқаман, сени тушларимда кўра-
ман, сендан бошқа ёрқин қуёш ҳам кўзимга хира кўри-
нади, мен сени ширин ҳаётимдек севаман, сени доим

кўрмоқ, умр бўйи севмоқ ва висолингга етмоқ орзусида куйиб кул бўляпман. Бутун умр сени севаман, хокипо-йингни кўзларимга сураман, кўзларингдан ғойибона ўпа-ман.

Степеню».

XIV

«ҚАҲРАМОН ЖУВОН»ДАН «ҚАҲРАМОН ЙИГИТ»ГА

«Қаҳрамон жувонимиз»ни ҳозирча жойида қўйиб «қаҳрамон йигит»дан гапирайлик. Роҳилани эсдан чиқариб турайлик-да, Степенюдан гап очайлик.

Тўғрисиини айтганда, ҳозиргина сўзма-сўз кўчириб келтирилган мактубни чуқур ўйлаб ёзилган, маънодор мактуб деб бўлмайди. Ахир нима қиласиз? Степеню ўзи лушбичим, мард, камдан кам учрайдиган моҳир созанда, ҳар жиҳатдан етук бўлса-да... ёзишга келганда... қаламининг мазаси йўқ эди. Раҳматли дадаси Берл-бас ўғлининг музикага ҳаваси жуда баланд, аммо илмга унчалик ҳуши йўқлигини илгариеқ пайқаган эди. Бола ўқишни хоҳламади, бурдалаб ташласанг ҳам, ўтга ташлаб куйдирсанг ҳам, барибир хоҳламагандан кейин бўлмас экан. Шундан кейин дадаси уни раъйига қараб ишга солди, асбобларнинг ҳаммасига ўргатиб, сынаб кўрди, ниҳоят, скрипка манзур бўлди. Берл-баснинг уй тўла ўғиллари бўлиб, бари созанда эди. У Степеню музикага бўлган истеъдодини буvasи Шмулик-трубаддан мерос қилиб олган деб айтарди (Шмулик-трубач машҳур скрипачи Паганини билан таниш бўлган дейдилар). Степеню ўн икки ёшидаёқ келинни «муборақбод» қилишга ўрганган, яҳудийлар тўйида чалинадиган куйларнинг барини чаладиган бўлган эди.

Берл-бас ҳамма болаларидан кўра кўпроқ Стемпенюни яхши кўрганлиги бежиз эмас эди. Унинг ҳамма болалари жулдур кийимларда бўлар ёки бугунлай қип-яланғоч чопишиб юрарди. Гарчи, қаттиққўл командир сингари, арзандасини тез-тез қулоғидан бураб, ўлгудай савалаб турса-да, уни уйнинг кўрки, энг қимматбаҳо дурдонаси, қариганида овунчсги деб биларди. Дадаси баъзида Стемпеню ҳақида оталик ғурури билан:

— Бу итваччани кўрасизларми? Қариган кунимда у менга нси беради. Ишонинглар, ундан умид қилса бўлади, — дейрди.

Аммо кекса Берл-басга арзандасини ўз ёнида асраш насиб бўлмади.

Стемпеню ўн беш ёшида чўнтагида уч сўм пул, қўлтигида синган скрипка билан жаҳонгашталиikka жўнади. У беҳисоб шаҳар ва шаҳарчаларни кезди, ҳар хил созандаларни кўрди. У доим олисга — Мазеповкадан Степовкага, Степовкадан Корецга, Корецдан Балтга, Балтдан Старокопстантиновга, ундан Бердичевга интиларди. Шу тариқа узоқ жойларга интилавериb, Одессагача етиб борди. Аммо буидан нари кетмади, келган изига қайтгуси келди ва яна ўша кичикроқ шаҳар, каттароқ қишлоқларни кезиб юрди, табиийки, бу ерларда донг чиқариш, шон-шуҳрат қозониш осонроқ эди.

У кузатган мақсадига эришди ҳам: у қаерга бормасин, донги ўзидан олдинда юрадиган бўлди. Ҳамма ерда скрипка чалишда тенги йўқ жаҳонгашта Стемпеню ҳақида овоза тарқалган эди. Шунинг учун ҳам Стемпеню ўз капелласи билан пайдо бўлган жойда шов-шув бўлиши табиий эди. Стемпеню ўн саккизга кирганида ўзига тўда тўплаб фақат бой ва зодагонларнинг тўйидагина чаладиган бўлиб қолди. Вақти келиб Стемпеню бошқа ҳамма оркестрларни; анчагина машҳур «Қонотоп созандалари», «Смелянск тўдаси», «Вииница», «Шаргородск»

ва бошқа шу каби ҳамма ёққа донги кетган кўпгина оркестрларни орқада қолдириб кетди.

Маълумки, Стемпеню бошқа созандаларнинг нонини яримта қилгани учун улар орасидан анча душман орттирди, улар унга туҳматлар ёғдирдилар. Шундай бўлсада, кўз ўнгиди унга хушомад қилар ва ҳар ким уни қалбидан ҳурмат этарди: ҳар қандай уста созанда ҳам Стемпеню скрипкасини қўлига олгандан кейин бошқа созандаларнинг бир чеккага чиқиб туришдан бошқа иложи йўқлигини жуда яхши биларди.

Созандаларнинг муболағига мойиллиги азал-азалдан маълум. Улардан ажойиб ҳикоялар, афсоналар, ғалати уйдирмаларни кўп эшитасиз. Стемпеню ҳақидаям ақлга сиғмайдиган ҳар хил уйдирмалар тарқалган эди, ҳаттоки, унинг скрипкасини қачондир бир вақтлар Паганини чалган дердилар.

Стемпенюнинг бирон шаҳарчага келиш хабари эшитилганда маҳаллий созандалар ғазабга келардилар. Уларнинг хотинлари эса унга, худо сақласин, қанақа лаънатлар ёғдирардилар.

— Йил бўйи қийналасан, ярим оч яшайсан, қулоғинггача қарзга ботасан, сўнгги лаш-лушларингнинг гаровга қўясан, тишингнинг кирини сўриб катта умид билан биринчи Элулада¹ катта бойнинг уйида бўладиган тўйни кутиб ўтирасан. Натижада ҳамма умидлар чиппакка чиқади. Аживами, иблисми қандайдир Стемпенюни бу ерга олиб келар экан; ана энди у сенинг оғзингдан сўнгги бурда нонингнинг тортиб олади, илойим ўлиб кет, ўлигингнинг итлар есин!

Аммо Стемпенюни чини қалбдан ёмон кўрадиган душманлари ҳеч қаерда йўқ эди. У ҳамма билан тил топи-

¹ Яҳудийларнинг ой ҳисобида йилнинг ўн биринчи оғи, тахминан август-сентябрь ойлари.

шиб кетадиган, кўнгли очик йигит эди. Тўй-томоша ўтгандан кейин у маҳаллий созандаларни тўплаб уларга катта зиёфат берар, бу зиёфат дастурхонига ичимлик, закуска, ноз-неъматларни тўкиб ташларди, кетаётганида эса созандаларнинг болаларига совға улашарди... Хуллас, ўзининг энг яхши фазилатини кўрсатарди.

— Биласизми,— дейишарди кейин ўзаро созандаларнинг хотинлари,— одамни кўриб, яқиндан билмай туриб уни ёмонотлиқ қилиб бўлмас экан.

Созандаларнинг қизлари Стемпенюни айниқса яхши кўрардилар, негаки, у ҳар бир шаҳарча ва кентда деярли улардан биронтасига совчи қўярди. Кўпгина қора кўз ва кўк кўзларни ўзига ром қилган эди. Стемпеню қизга муҳаббат изҳор қилганида дарҳақиқат чин кўнглидан ошиқ бўлган бўларди (созандаларнинг қизлари кўпинча жуда гўзал бўлади). Аммо Стемпеню шаҳарчадан жўнаб кетиши билан унинг муҳаббати тутундай тарқалиб йўқ бўлиб кетарди. Бошқа шаҳарчага келиб яна бирон созанданинг қизига хуштор бўлар, яна сени севаман деб қасам ичар, хокипойингизни ўпаман, сизсиз ҳаёт менга ҳаёт эмас деяр, хуллас, янги хушторига ҳис туйғулари-ю чиройли гапларини аямасди. Сўнгра хайр-маъзур қилиб жўнаб қолар ва... ғойиб бўларди! Янги жойда бундай воқеа яна такрорланарди...

Бу ишқ можаролари қаллиқ учун доим беташвиш, хотиржамлик билан тугарди деб бўлмайди. Дуруст, қизларнинг ҳам кўпи Стемпенюни ўзига ўхшаб бирпасда эсларидан чиқарар ва бошқа созандага тегиб кетардилар. Аммо Стемпенюнинг маҳбубалари ичида қайсарлари ҳам чиқиб қолар, улар бу енгилтакка ошиқ бўлиб, ишонч боғлар, бир кун келиб никоҳ ўқитиб олиб кетар деб умид қилардилар. Шўрлик қизлар сўлиб, шамдай эриб борардилар. Стемпеню бирон қоронғи уйда яши-

риниб бирои созанданинг қизи билан ўпишиб турган бир пайтда, бошқа бир пастқам жойда Стемпенюнинг собиқ қаллиқларидан бири бошини ёстиққа буркаб бевафо маҳбубидан нолиб, ўзининг машъум қисматига ачиниб йиғларди.

Стемпеню келиб кетган ҳар бир шаҳарда ана шундай бахтсиз қилинган қаллиқ топиларди дейиш мумкин. Лекин ҳадеб омад юравермайди. Баъзан шундай қоқиласанки, қоқилган жойингдан туролмай қоласан. Стемпеню ҳам қоқилди, сира кутилмаганда шундай балога дуч келдики, бунақаси ҳеч қачон тушига ҳам кирган эмас эди. Чинакам оила қуришга у мутлақо қарши бўлса-да, ноилож уйланишга мажбур бўлди.

XV

СТЕМПЕНЮНИНГ КУТИЛМАГАНДА УЙЛАНИШИ

Стемпеню бир куни оркестри билан Мазеповкага келиб қаторасига учта тўйда маҳаллий созандаalar билан бирликда скрипка чалди. Маҳаллий созандаalar ўзларини оркестрга қўшишни қаттиқ талаб қилдилар ва талаблари бажарилмаса скрипкачининг қовурғаларини синдиришга сўз бердилар. Табиатан, кўнгилчан Стемпеню уч тўйда маҳаллий созандаalar билан бирга соз чалишга рози бўлмаса уларнинг гапи қуруқ дўқ бўлиб қолмасди, бунга албатта амалга оширган бўлардилар.

Икки тўй ўртасида созандаalar бир неча кун бекор туришди. Стемпеню ана шу бекорчиликдан фойдаланиб, скрипкачи Шайканинг қорачадан келган, дўмбоққина йигирма икки ёшлардаги чиройли қизи билан танишиб олди. Стемпеню ҳар қачонгидай, қизга жиддий хуштор бўлиб, у билан ўпишди, эркалади ва ҳақиқий қайлиқ си-

фатида унга совғалар олиб берди. Тўйлар тугаб Стемпеню кетадиган бўлгач, қорачадан келган қиз (оти Фрейдл эди) ундан пайсалга солмай дарҳол ўзига уйланишни талаб қилди. Қизларнинг бунақа жасоратига ўрганмаган Стемпеню бундан бўйин товлашга уриниб кўрди ва бир нималар деб бидирлади-ю, аммо ҳеч нима қиллолмади. Фрейдл «бало» чиқди, Стемпенюни шундай исканжага олдики, қимирлай олмай қолди ва фотиҳа қилдиришга мажбур бўлди. Созандалар машҳур қайлиқ шарафига жуда катта зиёфат беришди. Азиз куёв ва ҳурматли созандалар бошқа шаҳарга кетгунча скрипкачи Шайка уйда уч кун базм бўлди.

Ўз-ўзидан маълумки, Стемпеню Мазеповкадан чиқиб кетиши биланоқ қорачадан келган қизга унашганлиги дарҳол эсидан чиқиб кетди. У аввалгидек бир шаҳарчадан иккинчисига, ундан учинчисига ва бошқаларига ўтаверди, тўйларда скрипка чалди, ҳамма жойда ишқий можаролар қилди ва ҳаётнинг мазасини татиб юрди... Аммо бирданига... дунёда абадий қоладиган ҳеч нарса йўқ. Ҳамма нарса маълум бир вақтгачагина бўлиб туради. Стемпенюга ҳам ўтмишда қилган гуноҳлари учун жавоб бериш куни келди. Унинг бошига катта бахтсизлик тушди, эркин ёшлиги тугади. Энди унинг қандай балогоа гирифтор бўлганини эшитинг.

У Малороссия шаҳарчаларидан бирида чақирилган тўйда оркестри билан иштирок қилаётган эди. Чиройликкина бир қиз, найчи Гершнинг қизи билан эндигина ишқмуҳаббат можароси бошлаган эди. Стемпеню унга уйланамади деб қизни ишонтириб ҳам қўйган эдики, бирданига ногорачи Мехча пайдо бўлди.

— Стемпеню, уйга юр! Сени бир қиз кутиб ўтирибди,— деди айёрона кўз қисиб.

— Қиз дейсанми? Қанақа қиз?

— Қорачадан келган, қўй кўз.

Стемпеню уйга кирса, скрипкачи Шайканинг қизй, унашилган қаллиғи, қорачадан келган Фрейдл ўтирибди.

— Нега бақраясан, Стемпеню? Танимаялсанми? Уни қаранг, кўзларини пирпиратишини, тикилишини қаранг! Ахир, бу мен Фрейдлман, сенинг қаллиғинг, скрипкачи Шайканинг қизиман...

— Шундайми? Биламан. Ҳа, албатта. Нега билмас эканман. Аниқ биламан. Аммо сен қаердан келиб қолдинг Фрейдл? Қандай қилиб бу ерда пайдо бўлдинг?

— Қандай пайдо бўлдинг эмиш. Шундай. Ўз оёқларим билан келдим. Аранг қидириб топдим. Қаердан келиб қолдинг дейсанми? Уйдан.

— Шунақами? Ундай бўлса, нима янгиликлар бор? Уйдан қачон чиқдинг, кўп бўлдимми?

— Бизда янгиликлар нима қилади, Стемпеню? Ҳаммаси эскича. Уйдан чиққанингга кўп бўлдимми деб сўрадингми? Олти ҳафтача бўлиб қолди, балки етти ҳафтаям бўлгандир. Бутун дунёни кезиб чиқдим. Қаерга борсак ҳам биттагина жавоб: келувди, кетиб қолди. Аранг изингга тушиб олдик. Ўзингнинг аҳволнинг қалай, Стемпеню?

— А? Аҳволимми? Бир нав... Аҳволим қандай бўларди? Юр Фрейдл, биз нимага бу ерда тикка турибмиз? — дея сўзни бўлди. У атрофларини ўраб олиб қорачадан келган, узун қора соч ва қўй кўз қизни томоша қилиб турган созандаларни кўриб.

— Бўпти, айланиб келсак ҳам бўлади, — дея Стемпенюнинг таклифига розилик берди Фрейдл.

Стемпеню елкасига енгилгина пальго ташлаб, қўлига ҳасса олиб қаллиғи билан чиқиб кетди. У ён атрофга кўз-ташлаб, уларнинг гапини эшитадиган ҳеч кимса йўқлигини билгач жиддий гап бошлади:

— Марҳамат қилиб айтгин-чи, бу нима қилиқ?

— «Бу нима қилиқ» деганинг нимаси?
— Нимага бу ерга келдинг?
— Ўзини аҳмоқликка солганини қаранг. Туя кўрдингми — йўқ, бия кўрдингми — йўқ.
— Менга қара, Фрейдл,— деди Стемпеню жаҳл билан.— Мен бунақа ҳазилларни ёмон кўраман. Мен сендан бу ерда нима қилиб юрибсан деб сўрасам, сен ҳазиллашасан.

Фрейдлнинг қўй кўзлари ялтиллаб кетди. Қора кокилларини қўли билан орқасига силтаб, у ҳам жиддий оҳангда гапира бошлади.

— Бу ерда нима қилиб юрганимни билмоқчимисан? Сени деб келдим бу ерга, Стемпеню! Фотиҳада сен кўпи билан икки ҳафта ичида хат ёзиб, тўй кунини маълум қиламан деб ваъда берувдинг. Биз хатингни икки ҳафта эмас, икки ой кутдик, сендан хат ҳам, хабар ҳам келмади. Шундан кейин биз ўйлашиб дом-дараксиз кетган одамни қидириб сафарга чиқишга қарор қилдик. Сени қидириб биз бутун дунёни айланиб чиқдик, мана, худога шукур, унинг ёрдами билан топдик...

— Айтгин-чи менга Фрейдл, «биз» деганинг ким? Сен «биз кутдик», «биз қарор қилдик», «биз айланиб чиқдик», «биз топдик» дейсан.

— Биз икковимиз-да. Мен ва ойим.

— Ойинг! — деб қичқириб юборди Стемпеню тамомила саросимага тушиб.— Ойинг шу ердами? Нима қилади у бу ерда?

— Секинроқ гапир, Стемпеню, бунча бақирасан? Сен нима деб ўйловдинг? Қиз бола ҳеч вақтда якка ўзи узоқ сафарга чиқармиди? Сен нима дейсан бунга?

— Хўш, бунда менинг нима дахлим бор? Ойингнинг менда қанақа иши бўлиши мумкин?

— Ў сенинг қаллигининг онаси бўлади, Стемпеню, яқин вақт ичида қайнананг бўлиб қолади.

— Сен чиндан ҳам менга тегаман деяпсан шекилли.
— Сен нима деб ўйловдинг, Стемпеню? Ҳазиллаш-моқчимидинг?

— Бемаънилик!

— Нега бемаънилик бўларкан?

— Шундай бемаънилик-да, мен уйланишни хаёлимга ҳам келтирган эмасман.

Фрейдл бирпас жим қолиб Стемпенюнинг кўзларига рўй-рост тикилиб турди-да, ён атрофга кўз ташлаб секингина гап бошлади:

— Менга қара, Стемпеню, мен билан ўйнашма, мен лавашанг эмасман, сен мени лақиллатолмайсан. Мен сенинг ичи-ташингни билиб турибман. Мен сенинг ширилатон эканингни, ҳар ҳафта янгидан янги қаллиқ топиб олишни яхши кўришингни биламан. Аммо бунинг ҳеч қиси йўқ. Ҳар нарсанинг ҳам вақти соати бор... Сен яхши одамсан. Кўнглинг мумдан ҳам юмшоқ, чиройлисан, сендақаси кам учрайди, скрипкани сайратиб юборасан, яхши пул ҳам топасан, хотинингни бемалол таъмин эта оласан. Шунинг учун ҳам сен менга ёқиб қолгансан, сенга тегаман ва текканда ҳам яқин куллар ичида тегаман. Аммо сенинг терслигингдан, қайсарлигингдан ҳеч бир фойда чиқмайди, ишсиз гапимга, бекорга овора бўласан, Стемпеню. Қулоғингни яқинроқ олиб кел, бир гап айтман.

Қорачадан келган Фрейдл унинг қулоғига бир нима деб шивирлади-ю, Стемпенюнинг бутун баданини қалтироқ босиб кетди. У оғиз очиб гапиролмай, кўчанинг ўртасида ёғочдек қотиб қолди. Худди шу пайтда сариқ ногорачи Мехча келиб қолиб ажойиб иш қилди, у шаҳарчанинг катта боёни тўй муносабати билан маслаҳатга чақираётганини айтди.

Стемпеню бошини қимирлатиб Фрейдл билан хайрлашди ва хўрсиниб:

— Биз ҳали сен билан учрашармиз, Фрейдл,— деди.
— Бўлмаса-чи! Албатта учрашамиз,— дея жавоб берди Фрейдл ва вақти хуш ҳолда азиз қайлиғи билан хайрлашди.

Шу кунн тўйда ҳозир бўлган Стемпенюнинг бўзарган юзини ва паришонлигини кўриб ҳамма ҳайрон қолди. У жуда ўзгарган эди, одатда мурданинг ранги ҳам бундан кўра дурустроқ бўлади. Унинг хушчақчақлиги ва ғайратидан асар ҳам қолмаган эди. У эркининг тамом бўлишини, энди бундан кейин шу кенг дунёда озод қушдек юролмаслигини сезарди. Оғир бўйинтуруқ киядиган бўлди энди, кийганда ҳам бутун умрга. Алвидо, ёзги нашь-али кечалар, алвидо, созандаларнинг қизлари билан ўрмон ва далаларда бўладиган сайр-томошалар! Алвидо, узун хушбўй сочлар, шаҳло кўзлар, ширмон юзлар! Алвидо, кумушдек ёрқин ой!..

Стемпеню уйланишдан бўйин товлаш учун яна анча тихирлик қилди, тўрга тушган балиқдай ўзини у ёқдан бу ёққа ҳўп урди, бор кучи билан курашиб ва ҳатто ҳийла ишлатиб ҳам кўрди. Аммо бундан ҳеч фойда чиқмади. Фрейдл билан онаси қиёмат қойим даракчисидай кўз олдидан сира нари кетмади. Айниқса Фрейдлнинг ойиси, яъни бўладиган қайнанаси уни безиллатиб қўйди. Кампирнинг қоп-қора лаблари худди ботинка ипи билан тикилиб қўйилгандай бир-бирига зич ёпишиб турар, юзлари ўтдек ёнарди. У ҳар бир дақиқада Стемпенюга ёввойи мушук каби ташланишга ва кўзларини ўйиб олишга шайланиб турарди. Бахтига кўра қизи унинг ҳовурини босиб турарди.

— Унга тегма, ойи! Қайтага ишни бузиб қўясан. Сен назарингдан қочирмасанг бўлди, аммо жим ўтир! Лекин ҳар бир қадамини кузатиб тур, қочиб кетмасин. Сен хотиржам бўл ойи, ҳамма иш тўғри бўлади. Стемпеню меники! Ҳа, меники!

САМСОН ДАЛИЛАНИНГ ОЕФИГА ИИҚИЛДИ

Фрейдл сурбетлик қилиб муддаосига етди: у Стемпенюга «Мусо ва Исроил қонунига мувофиқ» никоҳлаб берилди. Фрейдл унинг дарҳол бурнидан ип ўтказиб олди. Бу ишда Фрейдлга Стемпенюни куёв қилиш иштиёқида ёнган онаси ёрдам берди, шундан кейин Стемпеню дўзах азобига дучор бўлди. Куёв билан ёш келин Мазеповкада жойлашиб олдилар, оркестр ҳам шу ерга жойлашди.

— Тамом! Дайдишни бас қил Стемпеню! Жаҳонгашталикини қўй энди! — деди Фрейдл эрига.

Стемпеню тамомила хотинининг ҳукми остида қолди. Хотин нимани хоҳласа шуни қилдирарди, аммо фақат яхшилик билан мақсадига эришарди.

Стемпеню учун янги ҳаёт, аввалги ҳаётига мутлақо ўхшамайдиган янги ҳаёт бошланди. Тўйдан кейиноқ унинг бўйдоқлик вақтидаги қилиқлари тутундай тарқалиб йўқ бўлди. Машҳур созанда хотинининг қаттиқ чангалига тушиб қолди, аввалги дабдабаси, жасорат ва дидиллигидан асар ҳам қолмади. Стемпеню уйда индамас, мўмин бўлиб қолган эди.

— Сен, Стемпеню, ўз ишингни бил, созандалару тўйларни ўйла. Пулни нима қиласан, тентак?

Фрейдл эрининг пулини тийинигача қўймай тортиб оларди.

У ҳаддан ташқари пулга ўч эди... чунки у ҳаят қашшоқ оилада туғилиб пул юзини кўрмай ўсган эди. Энг зарур ва арзимаган бир нарсага ҳам анчагина кўз ёши тўкиб эришарди. У ўн беш ёшигача яланг оёқ юрди, ука ва сингилларини боқди, онасидан ҳам, отасидан ҳам, хусусан, ширакайф бўлиб уйга келганида жуда кўп кал-

так еб вояга етди. Унинг эгнидаги қўйлаги яланг оёғига монанд эди. Оилада қорин тўядиган дуруст овқат бўлмасди. У «Пурим»¹ байрамидагина бир неча тийин пул ишлаб оларди. Шаҳарчадаги уйларга байрам совғалари таширди. Фрейдл ишлаб топган тийинларини ойиси тортиб олмасин учун қўйнига бекитарди. Бировларнинг совғаларини, ташиб топган чақаларини кечалари ҳам ўзи билан бирга олиб ётарди. Пасха байрамида бу пулларга рангдор тасма ёки тароқ сотиб оларди. Фрейдл ўн саккиз ёшигача ана шундай ҳаёт кечирди. Ота-онаси унинг қадди-қомати келишган, соғлом, чиройли қиз бўлиб вояга етганини сезмаям қолдилар.

Фрейдл Стемпенюнинг қаллиғи бўлиб қолганида қўққисдан қандай зўр бахтга эришганлигини ҳали тасаввур қилолмаган эди. Аммо илоннинг ёғини ялаган онаси бунни дарров пайқаб қизига ақл ўргатди. Қиз эри катта пул топадиган одам бўлишига қарамай ширилатон эканлигини, пулни пўчоқча билмаслигини унутмаслиги керак. Шунинг учун ҳам эрига доим кўз-қулоқ бўлиб, ҳушёр туриши лозим. Унинг рухсатисиз ҳеч ерга қадам босмасин. Онаси скрипкачи Шайкани ҳам худди шундай, ўз ижозатидан бошқа бирон жойга бормайдиган қилиб қўйган эди.

Фрейдл эрга тегар экан, ойисининг маслаҳатларини эсидан чиқармади. У шошилмасдан, пухта ўйлаб, секин-аста Стемпенюга хотиннинг ҳуқуқларини тушунтира бошлади: эр ҳеч нарсани хотинидан сир тутмаслиги керак, негаки «хотин—бегона эмас, ўйнаш ҳам эмас». эру хотин бир тану жон. Хуллас, эр-хотини борлигини

¹ Пурим — пасхадан бир ой бурун баҳорда бўладиган диний байрам. Бу байрамда яҳудийлар бир-бирларига байрам совғалари, ҳар хил ширинликлар юборадилар, совга-саломни камбағалларнинг болалари ташишади.

бир нафас ҳам эсидан чиқармаслиги, бунни ҳис қилиб туриши лозим.

Фрейдл мустақил бека бўлиб, Стемпеню тез-тез олиб келадиган сўлкавой пуллар қўлида жиринглай бошлагач, пулга ниҳоятда ҳирс қўйди, оч одам нонга ташлангани сингари пулга ташланадиган бўлди. Аммо пуллар унга фойда келтирмади. У доим бир нарсадан шубҳаланиб азобланарди: эртага бу пуллар бўлмай қолса нима бўлади? Эри, худо, сақласин, бирданига пул топмай қўйса ҳоли нима кечади? Шу шубҳалар туфайли у пулларни тийингача йиғиб туғиб қўя бошлади.

— Сен нега бунча бахиллик қиласан? — деб сўради бир куни Стемпеню хотинининг қурумсоқлигини кўриб.

— Кўпни биладиган бўлсанг тез қарийсан. Ишинг бўлмасин Стемпеню,— дея жавоб берди Фрейдл кулиб.

Эрининг гапи унга таъсир қилмади, аввалгидек қурумсоқлигини қилаверди, бозордан, баққолликдан, гўшт дўконидан оладиган нарсаларни камайтирди, кундан-кун овқатларнинг мазаси кетаверди, кўпинча тўйиб овқат емас, тийинма-тийин тўплагани тўплаган эди. Анчагина пул тўпланиб қолгач уни фойдага берадиган бўлди. Бу иш аввало тасодифий равишда қарз беришдан бошланди: қўшни хотинлар, масалан, қисқа муддатга бир неча сўм қарз сўрайди, биров муҳтож бўлиб қолган экан ёрдам бериш керак, ахир. Аммо Фрейдл бунақа ёрдамдан маблағи ортганини, маълум вақт ичида бир сўми икки сўм бўлганини кўриб иштаҳаси зўрайиб кетди ва тезда чинакам судхўр бўлиб қолди. У бизнинг баъзи боёнларимиз — аммо бировга айта кўрманглар, орамизда қолсин, жон-дили билан машғул бўладиган бу азиз касбнинг ҳамма қонун-қоидаларини жойига келтириб қиладиган бўлди.

Ажабо! Бунақа тамаъгирлик Фрейдлга қаердан келди? У ўзининг отаси Шайкадан ва бошқа созандалардан

ҳам бунақа бемаъни қилиқни ўрганиши мумкин эмас эди. Пулни шамолга совуришда созандалардан ўтадигани бўлмайди: бугун бир сўм топса, эртага чўнтагида сариқ чақа ҳам қолмайди. Айниқса, ўша вақтлардаги яҳудий созандалар лўдиларга ўхшаган, ўзларига хос жаргонлари, ўз феъл-яъвори ва урф-одати бўлган бир қабила эди. Улар эртага нима бўлишини ўйламасдан доим бепарво ва қувноқ ҳаёт кечиравдилар. Улар ҳаётни нуқул байрамга айлантиришга ҳаракат қилардилар: эртадан кечгача қиладиган ишлари соз чалиш, аския-бозлик, ўйин-кулги ва шўхлик эди. Уйига хотин, бола-чақалари олдига келиб ҳам созанданинг кулгидан оғзи юмилмас, ёвфон овқатни ичиб (кўпинча шу ҳам бўлмасди), ярим оч ҳолатда ўрнига ётарди. Эрта билан бирон-тасидан бир неча тийин қарз олар ёки сўнгги ёстиғини гаровга қўярди... Кейин пул топса аввало гаровга қўйган нарсасини олар ва яна ўша-ўша ҳаёт бошидан такрорланаверарди.

Созандаларнинг қизлари ҳам хушчақчақ, қушдай ҳур бўлардилар. Уларнинг ҳаёти ҳаммага аён бўлиб турарди. Хулласи калом, созандалар жаннатда яшагандай яшашарди. Ахир жаннатда ким эртанги кун ҳақида бош қотиради?

Фрейдлнинг отаси ҳам аламдийдалардан эмас эди. Скрипкачи Шайка ўтакетган қашшоқ эди-ю, аммо хушчақчақ, қувноқ эди. Ишлаб топган тийинини ҳам, сўмини ҳам бирпасда йўқ қиларди. Фрейдлнинг онаси ҳам яхши яшамоқни, яъни яхши емоқни яхши кўрарди. Баъзан эгнида кўйлаги бўлмаса-да, уйда охирги ёстиқ бор экан, тўйиб овқат еярдилар. «Табибга югургандан кўра новвойга югур», «тўйиб овқат ейишдан ҳам зўр бахт бўлмайди, биз шунинг учун дунёга келганмиз-да», дерди Фрейдлнинг онаси. Созандаларнинг хотинлари орасида у исрофгарлиги билан машҳур эди.

Фрейдл хасисликин кимдан ўргандийкин? Бун ким билади? Балки ота-онасининг уйида бошидан кечирган муҳтожлик шу хасислигининг манбаи бўлгандир. Балки бу хислатни табиат бергандир: қандэйдир зиқна одамнинг қалби адашиб созанданнинг қизига ўтиб қолгандир.

Ҳар нима бўлганда ҳам пул тўғрисида гап очилса Фрейдлнинг афти буришиб кетар, уни тер босарди.

Созандаларнинг хотинлари Фрейдлга ҳасадлари келарди.

— Бахтининг очилишини қаранг-а! — деярдилар улар бир оғиздан.

Фрейдлнинг биргина камчилиги бор эди: у фарзанд кўрмади. Ким билсин, балки оналик муҳаббати унга ёт бўлгани учун ҳам бутун эҳтиросини пулга бергандир. Фарзанд кўрмаган хотинлар кўпинча заҳар бўлади. Уларда оналарга хос меҳрибонлик ва мулойимлик етишмайди. Кўпинча ундай хотинларнинг иззат-нафси кучли бўлади, улар фақат ўзларини севадилар. Фрейдлда ҳам ана шу хусусият зўр эди.

Фрейдл эрини яхши кўрмайди дейиш хато бўларди. У нега эрини севмасин? У жуда чиройли, моҳир созанда, бунинг устига (буниси балки ҳаммасидан кўра муҳим) катта пул топади.

— Меним Стемпенюм,— деб мақтанарди Фрейдл қўшни хотинларга, камончасини бир марта югуртирса — бир сўм, икки марта югуртирса — икки сўм, уч марта югуртирса — уч сўм туширади! Тушуняпсизми?

Стемпеню пулга муносабатда хотинининг тамомила тескарисини эди: у пулга ҳеч аҳамият бермасди. У бугун оркестри билан ишлаб чўнтагини пулга тўлдирар, эртага-чи? Бор пулини совуриб бўларди, қўлида сариқ чақа ҳам қолмасди. Пули борида ҳаммага бераверар, йўғида, бошқалардан қарз олаверарди. Стемпеню ҳақиқий ар-

тист бўлиб, у фақат музика билан қизиқарди. Янги бирон куй яратиш, бирон опера увертюрасини оркестр билан машқ қилиб ўрганиб олиш, тўйларда ҳаммани тонг қолдирадиган қилиб чалиш, мана булар унинг энг завқли иши эди.

Бу машҳур бастакор созанда ҳаммадан кўра ўзини ва скрипкасини яхши кўрарди. У доим ўзига оройиш бериш билан машғул бўларди: ясанарди, сочларини жингалак қиларди, олифта кийинарди, хуллас, Фрейдл истеҳзо билан айтганидай «ўзини доим бўйдоқ қилиб кўрсатишга тиришарди».

Степеню ўзига оройиш бериш билан банд бўлганида скрипкасини ҳам эсидан чиқарарди. Аммо скрипкани қўлга олиши билан ўзини ҳам, бутун оламни ҳам унутиб қўярди. У дилгир бўлиб қолганида ўз хонасига кириб оларди-да, бир неча соат муттасил хаёлига келган куйларни чалар, ижод қиларди. Мана ҳазин овоз буралиб-буралиб оқиб келар, скрипка йиғлар ва бирданига фиғон ўрнига ғазаб келарди-да, қалбнинг ич-ичидан нола чиққунча кучайиб борарди. Кейин ғазаб сусаяр ва ғоят майин куйлар, бир-биридан ҳазин нолалар давом этарди...

Тўғри, бу ҳол камдан кам бўларди. Степеню ҳадеб скрипкасини қўлига олавермасди. Аммо қўлига олиб чала бошладими, тамом, уни скрипкасидан сира ажратиб бўлмасди. Санъаткорнинг хаёли булоқдай қайнарди.

Кишилар нотага сиғмайдиган эркин музикани эшитиб тўя олмасди. Улар скрипка нолаларида дилхаста қалбларнинг фиғонларини, раҳм-шафқат сўраб қилинган илтижоларни, арши аълога етадиган ибодатларни эшитардилар... Ружинск шаҳарчасидаги цадикнинг ўз оркестри бўлиб, цадик худога ҳамдлар ўқиётганда у ҳар сафар музика чалиб турган. Бундай олижаноб фикр

қалби ғоят шоирона кишининг миясига келиши мумкин, холос.

— Семиз Кейля, балога йўлиққур! Утган ҳафтанингина процентини тўлади, бу ҳафтаникини келаси ҳафта бераман деди...

Стемпеню уч соатча ижод қилиб ўз хонасида чикаётганида Фрейдл уни ана шундай хабарлар билан кутиб оларди. Стемпенюнинг юзлари ҳали лоладек қизарган, кишиларни мафтун қиладиган кўзлари ярқираб ёниб турарди. Аммо Фрейдлнинг қўй кўзларига рўпара бўлиши билан Стемпенюнинг кўзларида ёниб турган ўт дарҳол ўчиб қоларди.

Стемпеню тўйдан қайтиб келганида Фрейдл уни табассум билан кутиб олар, унга худди мушукдек суйкаларди.

— Сенга пулнинг нима кераги бор, Стемпеню? — дярди у эрининг чўнтақларини қэқлаб. — Нима ҳожати бор сенга пулнинг? Сенга бирон нима етишмаяптими? Худога шукур, нима десанг бор. Оч эмассан, худо сақласин! Яланғоч ҳам эмассан. Агар майда-чуйда харажатингга беш-ўн тийин керак бўлса мен сенга бермас эканманми? Пулларингни менга бера қол, жоним! Амин бўлгинки, меним қўлимга кирган пул сира чиқмайди. Қани, бер бу ёққа, бер!

Стемпеню бўлса бирон гуноҳ қилган мактаб талабасидай хотини олдида довдираб туради ва ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмасдан унга итоат қилади. У мана шу қорачадан келган хотинга бутунлай итоат этади...

Стемпеню, сенга нима бўлди? Қудратли Далила худди Самсоннинг оёғига йиқилгани каби Фрейдлдек арзимас бир хотинни бошингга чиқариб қўйибсан, ўзингни лақиллатишга йўл қўйиб беряпсан, уят эмасми, Стемпеню, шармандалик-ку бу!

ҲАЛИ УМИД ҚИЛСА БУЛАДИ...

Стемпенюнинг ҳоли хароб!

Аммо қаҳрамонимизнинг аҳволи сиз тасаввур қилганингиздек тамомила нажотсиз эмас ва унга ортиқча ачинишга эҳтиёж йўқ. Стемпеню уйда латта бўлса-да, у ўзига шундай доира ясаб олдики, Фрейдл нақадар ҳушёр бўлмасин унинг чувини чиқаролмайди. Стемпеню ўша доирасида ўзи хоҳ, ўзи бек бўлиб, ҳатто бахтиёр ҳам эдики, буни ҳали кўрамиз.

Унинг ярим куни «репетиция»га, оркестри янги куйларни машқ қилишига, ўртоқлар билан бўладиган ўйин-кулгига сарф бўларди. Кулиш ва мазах қилишга доим битта-яримтаси топилаверарди. Қизиқчи кўпроқ ноғорачи Мехчани аския қиларди, чунки уни аския қилишни яхши кўрарди ва бутун маҳоратини ишга солар эди. Созандаларда бирон қизиқ ҳодиса доим сақланиб туради. Ахир тўй ҳеч қачон можаросиз бўлмайди-ку; баъзан қайлиқ ваъда қилинган сепни қўлига нақд бермагунча никоҳ чамбарагини кийишдан бош тортиб қолади: ваъда берган экан, чўзиб қўйсин-да! Қаллиқ бўлса чамбарак олдида йиғлайвериб, ниҳоят, ҳушидан кетиб қолади, уни аранг ҳушига келтиришади (қизиқчи шу муносабат билан қаллиқ ҳақида ўткирроқ гап ташлаб айниб ҳам қўяди). Бошқа бир тўйда бундан ҳам баттар ҳодиса рўй берибди: зиёфат тугаб танца бошлангач... худди замбаракдан отгандай ҳамма барала қаҳ-қаҳ уриб юборади ва гапираётган кишининг гаплари кулги остида қолиб кетади.

— Нимага куляпсизлар? Қаҳ-қаҳангизни қаранг! — деб қичқиради Фрейдл ўз хонасидан.

— Ишинг нима? Бизнинг ишимизга аралашма деб минг марта айтганман! — дея жавоб беради Стемпеню хурматини сақлаб.

Ана шу пайтда Стемпеню ўзини ўз уйида тўла ҳуқуқли хўжайин, чинакам ҳоким деб ҳис қилади.

Репетициядан кейинги бўш вақтларини Стемпеню ясан-тусанга сарфларди: кийимларини тозалар, этикларини ёғлар, қора сочини жингалак қилар, крахмалли оқ манишқасини дазмолларди. Сўнгра дастаси фил суягидан ишланган ҳассасини олар, ялтироқ соябонли қора шапкасини кўзига бостириб кияр, жингалак сочлари елкасига тушиб турсин учун бошини кўтариб шаҳарчада сайр-томоша қилгани кетарди. Унда ўзининг таниш-билишлари билан учрашар ва кўнгилли вақт ўтказарди. Дўконлар ёнидан ўтар экан, у ёш савдогар хотинлар билан саломлашарди. Улар ҳали яқиндагина—қиз чоғларида Стемпеню билан ошна бўлиб юрганликларини эслаб қизарардилар... Ажойиб вақт эди! Ҳозир-чи? Ҳозир бу ишларга қўл тегмайди!

Зотан, ёш жувонлар, ундан ҳам кўра қизлар орасида ҳозир ҳам дўкон эшиги олдида Стемпеню билан ҳанга-малашишга, кулишиб ўтиришга ишқибоз бўлганлар йўқ эмас эди...

Бундай учрашувлар доим силлиққина ўтиб кетаверган эмас, синчков қўшни хотинлардан битта-яримтаси кўриб қолиб, буни бошқасига, бошқаси яна бошқасига гапирар ва шу тариқа бутун шаҳарга овоза бўлиб кетарди... Ғийбатчи хотинларнинг тилига тушиб қолгундай бўлсанг, тамом...

— Қани айт-чи, Стемпеню, яна сенинг ҳақингда ҳар хил гап-сўзлар юрибди, нима гап ўзи? Яна биронта дардисарни илаштирдигми? — дея сурништирарди Фрейдл.

— Қанақа дардисар? Бу гапни қаердан топдинг?

— Яна мендан сўрайди-я! Қанақа дардисар экани маълум! Ҳеч кимни қўймайсан-а! Бутун шаҳарда сенинг тўғрингда дув-дув гап.

— Мақсадинг нима ўзи, тушунолмаямпан, Фрейдл?

— Мақсадимми? Сең эски қилиқларингни ташла. Бас энди! Шаҳарчада бирон қиз ёки ёш келин кўзингга илинса бўлди, албатта у билан танишасан, соатлаб алжиб ўтирасан, хуллас, ёпишиб оласан.

— Ҳа, сен Авром-Яковнинг қизи Эстер билан гаплашиб ўтирганимга шама қилаётган бўлсанг керак.

— Ҳай, Эстер дея қолайлик. У нима, фаришта эканми?

— Биз у билан иш тўғрисида гапиришдик, ахир.

— Иш тўғрисида!.. Сенинг ишларинг қанақалиги аён менга, Стемпеню.

— Сен ҳеч нимани билмайсан, бутун гап ана шунда. Авром-Яков қизининг тўйини Егупецда ўтказмоқчи. Бошига келган аҳмоқона фикрни қара! Эстерни кўриб қолиб, табиий дарров шу ҳақда гап очдим: шундай тўйни қўлдан бой бериб бўладими? Сен нима дейсан?

— Ақлини еб қўйибди! Тўйни Егупецда ўтказиш фикри қаёқдан унинг миясига келибди-а? — дейди безовта бўлиб Фрейдл.

Унинг қўй кўзлари чақнаб кетди, пул ҳидини сезганда унинг кўзлари доим ана шунақа чақнайди.

— Бир қайнови ичида бўлгандан кейин нима бўларди, ақл билан иш кўрармиди? — деб жавоб берди Стемпеню ва одатдагича сувдан қуруқ чиқиб кетди.

Стемпеню ана шундай қилиб бир можародан кейин, иккинчисидан ниҳоят, ҳаммасидан шу тариқа қутулиб чиқарди. Стемпеню ҳеч қачон эсанкираб қолмасди; у Фрейдлни нима билан қўлга олиши мумкинлигини биларди.

Стемпеню оркестри билан бошқа жойга чиқиб кетганида аввалги эркин ҳаёти бошланар, уйга қайтиб келишни мутлақо истамас эди. Бунда унга худо берарди: тамомила эркин нафас оларди. Яхши-ёмон можаролар кетма-кет рўй бераверарди. Стемпенюнинг ҳамма томони берк, ўз доираси бор эди. Фрейдл бу доирани ёриб киришга кўп уринган бўлса-да, эплай олмаган, эплай олмас ҳам эди. У ногорачи Мехчани ўзига тортмоқчи бўлиб кўрди-ю, уддасидан чиқолмади. Стемпеню ўзининг хусусий доирасида бутунлай бошқа киши эди, ўз уйида Фрейдл билган Стемпенюга мутлақо ўхшамас эди.

XVIII

МУҲАББАТ КУЧАЙИБ БОРЯПТИ

Стемпеню ўзи учун тузган тор доира ичида яшарди. Рохила унинг ҳаётида борган сари кўпроқ, баъки асосий ўрин олиб бораётган эди. Стемпенюнинг Рохилага деразадан ташлаган хати чин юракдан ёзилган хат эди, чунки у Рохилани Бенцион Глок қизининг тўйида кўрган замони хуштор бўлган эди.

Стемпенюда хат ёзиш фикри бирданига туғилган эмас эди. Рохиланинг шаҳло кўзлари Стемпенюнинг юрагига солган ўт алангаланиб кучли гулханга айлангунча бир неча кун ўтди. Ўшанда у ўзини тутиб туролмай, одатда ноталар кўчириб ёзадиган ўз хонасига кириб бекиниб олди-да, нота қоғозига нота ёзадиган перо билан Рохилага хат ёзди.

Стемпеню бу хат устида озмунча меҳнат қилмади, у ҳеч қачон мактаб кўрмаган, ўқиш-ёзишни ўз-ўзидан ўрганиб олган эди. Шунинг учун ҳам ёзишда унча ўткир бўлмаганлигига таажжубланиб бўлмасди.

Стемпеню хатни Рохилага топширишнинг иложини қилолмай, бир неча кун чўнтагида сақлаб юрди. Бошқа жойларда бунақа ишларда ногорачи Мехча яхши ёрдам берар, аммо бу ерда, Фрейдлнинг кўз олдида бунақа почтачини ишга солиш хавфли эди.

Стемпеню шанбани чидамсизлик билан кутиб олди. У худди қизларга ўхшаб ясаниб-тусанди: бошига энг сўнгги мода баланд шляпа кийиб ҳар шанба кунги сингари Бердичев кўчасига сайрга чиқди, у бунда Рохила-ни учратарман деб ўйлаган эди. Афсус! Жуда кўп қизлар ва ёш келинлар Стемпеню кўз олдидан ўтди. Кўплар уни кўриши билан лоладек қизариб жилмаярди. Ҳамма шу ерда сайр қилаётган эди-ю, аммо Рохила йўқ эди. Чўнтагидаги хат унга сира тинчлик бермасди. Қандайдир зўр куч уни Рохилага тортарди.

«Айзик-Нафтоляларнинг кўчасида айлансаммикан? Балки уни учратарман...» — деб ўйлади Стемпеню. У секин-аста дераза олдига келди. Рохила шу дераза олдига ўз фикрлари билан банд бўлиб, бизга таниш ашулани куйлаб ўтирган эди:

Елғизликдан хафаҳол
Турарман тошдек гунг, лол.
Дардимни айтай кимга?
Ўз-ўзимга сўзлайман,
Ўз-ўзимга бўзлайман
Қоврилиб ўз ёғимга...

Рохила қўққисдан «Шанбангиз қутлуғ бўлсин» деган табрикни эшитиб ва олдига Стемпенюни кўриб бошда, тушиммикан бу, деб ўйлади (Стемпенюни у бир неча марта тушида кўрган эди). Аммо нота қоғозига ёзилган хатни очиб ўқигандан кейин, жойидан туриб деразага қаради ва ўз-ўзига:

— Яхшики кетиб қопти. Йўқса тоза адабини берган бўлардим! Фалокатни қаранг!— деб қўйди.

Рохила жаҳли чиқиб Стемпенюнинг хатини деразадан улоқтириб ташламоқчи бўлди. Аммо дарҳол бу фикридан қайтиб, хатини яна бир марта ўқиб чиқди ва уни ўраб, чўнтагига бекитиб қўйди.

Ғазаби қайнаб борарди. У ҳар қанақа қилиб бўлса-да, у билан яккама-якка учрашиб нимага бунақа қилишини суриштирмоқчи бўлди. Унинг бу қилиғини нима деса бўлади? Бундай ишга қандай журъат этди? Рохилага хатлар ёзиш учун у ким бўпти?

У холи жой топиб Стемпеню билан учрашиш тўғрисида бош қотира бошлади. Хаёлига жуда яхши фикр келди.

ХІХ

РОХИЛА СТЕМПЕНЮНИНГ ХОТИНИ ФРЕЙДЛДАН МАРЖОН СОТИБ ОЛАДИ

— Биласизми, мен нима демоқчиман, ойи? Агар жуда қиммат бўлмаса, мен бир шода марварид олсам деган эдим, йирик марварид.

— Қизиқсан-а Рохила; мен сенга неча марта айтганманки, қизим, сен Стемпенюнинг хотини Фрейдлникига бор, унда хоҳлаган нарсанг топилади, деганман. Хоҳласанг ҳозироқ борамиз. У менга арзонроқ қилиб беради.

Фрейдл қарзга пул берганида кўпинча марваридни гаровга оларди, кейин бўлса у марварид билан савдо қиладиган бўлиб қолди. У қарздорларидан марваридни деярли сув текинга олар ва уни бошқа савдогарлардан арзонроқ сотарди. Унинг бу соҳада секин-аста иштаҳаси очилиб, кейин Бердичев ва Бродлар билан савдо муно-

сабатларини қизитиб юборди. Мазеповкада яхши марварид шодасини фақат Стемпенюнинг хотинидан топиш мумкинлигини ҳамма биларди.

Фрейдл савдога жуда қобил бўлиб, харидорлар билан муомалани дўндиради, уларни жуда усталлик билан гапига ишонтирарди. Унинг ана шу хусусиятларига киши ҳайрон қоларди.

Фрейдл Двоя-Малка билан келинини қизғин саломлаб кутиб олди.

— Бср экансизу?! Келсинлар! Аҳволингиз қалай, Двоя-Малка? Мен аллақачондан буён сизнинг келишингизга интизор эдим.

— Меним келишимга-я? Нега Фрейдл?

— Нега дейсизми? Сиз бир йилдан буён шундай азиз, баҳоси йўқ келинни уйингизда сақлаб ётибсиз! Шундай соҳибжамол келинингизга мувофиқ бирон нарсанга танлаб олгани бирров кириб чиқсангиз нима қипти. Ҳай-ҳай, яхши эмас Двоя-Малка! Сиз учун мен уяламан-а?

— Тўғри, минг марта ҳақлисиз, Фрейдл, азизим! Ахир ўзингиз ўйланг, келиним ўзи марварид хоҳламаса, мен айблими? Неча марта унга айтганим билан, бекор-да.

— Ажабо! Нега хоҳламас экан? Демак гапингизни уқтира билмабсиз. Менинг қўлимда бўлганида жуда хоҳлар эди-да.

Фрейдл чаққонлик билан катта яшил сандиқни очди-да, хилма-хил марварид шодаларини битта-битта олиб столга ёйиб ташлади. У ўз молини кўрсатар экан, харидорини мақтаб, яхши ниятлар тилаб хушомад қиларди.

— Биласизми, Двоя-Малка, агар гапимга кирсангиз келинингизга мана шу марваридни олишни маслаҳат қилардим. Сиз бунақасини ҳеч ердан тополмайсиз, бу соф Орлеан марвариди бўлади, илойим, бало кўрмайлик,

сиз ҳам, мен ҳам. Мана, марҳамат,— дея Рохилага му-
рожаат қилди у,— тақиб кўринг-чи, шу марваридни. Ху-
до ҳаққи, бу сизнинг оппоқ бўйингизга жуда ярашади!
Буюрсин! Худоё, келгуси йил қайнанангиз шунақа йи-
рик марвариддан камии беш шодасини олиб бўйингизга
тақсин! Ярашганини қаранг! Қани, Двося-Малка, ўзи-
нгиз айтинг-чи, ахир сиз марвариднинг қадрига етадиган
одамсиз: худо ҳаққи, бу марварид жудаям ярашар
экан!

Фрейдл гапираётиб сандикдан ойнак олди-да, Рохи-
лага тутди. Хурсандчилигидан унинг қўй кўзлари порлаб
кетди, астойдил ҳаракати, ҳадеб онт ичиб хушомад қи-
лаверишидан пешанасини тер босди.

— Стемпенюингиз доим ўз иши билан овора дей-
ман-а,— деди Двося-Малка ажойиб музика овози келаёт-
ган қўшни хонани қўли билан кўрсатиб.

— Ҳа, чалапти,— деди Фрейдл, янгидан янги мар-
жонларни кўрсатиб.

Фрейдл билан Двося-Малка олди-сотди хусусида
узундан узоқ гап бошлади.

Рохила уларнинг гапларига аралашмасдан бир чет-
да турди. У бошқа гапни эшитиб турар, бошқа овозга,
бошқа гапларга қулоқ соларди. Стемпеню чалаётган куй
Рохиланинг қалбига чуқур жойлашарди. У скрипка ово-
зи тиниб эшикда Стемпеню кўрингандагина жойидан
қўзғалди. Уларнинг кўзи бир-бирига тушганда чеҳрала-
ри лоладек қизариб кетди. Стемпеню эшик ёнида қотиб
қолди. Рохила ундан кўзини олмасдан қайнанасига уйга
қайтиш кераклигини айтди. Двося-Малка сесканиб кет-
ди.

— Вой, тавба-ей! Гап билан бўлиб вақт ўтганиниям
сезмай қолибмиз! Хўш, Фрейдл, бу марваридга қанча
оласиз? Мендан ортиғини сўрасангиз гуноҳ бўлади. Сиз
мендан пулни инсоф билан олинг.

— Виждонан айтяпман! Двося-Малка, ўлай агар ёлгон гапирсам. Сося шу марваридим учун ўн саккиз сўм бераман девди, ўзим ва эримнинг соғлиғи билан онт ичиб айтаманки, ўн саккиз сўм девди. Аммо Сося бошқа Двося бошқа. Гапнинг қисқаси сиздан ўн беш сўмдан ортиқ олмайман. Худо урсин, бутун мол-мулким кўкка совурилсин бундан бири тийин фойда қиладиган бўлсам, мана худонинг ўзи гувоҳ.

— Ўн бешни-ку, мен сизга бермайман-а, Фрейдл, нақд ўн икки сўм беришим мумкин.

— Нима деяпсиз Двося-Малка, илойим соғ бўлинг! Худо ҳаққи, савдолашманг,— деди қизишиб Фрейдл ва гўё ҳозир танцага тушмоқчи бўлгандай харидорнинг икки қўлидан ушлади.

Улар қизғин савдолашаётганидан фойдаланиб, Стемпеню билан Рохила озроқ гапиришиб олдилар.

— Менинг сизга бир оғиз гапим бор эди, Стемпеню.

— Менинг ҳам, Рохила.

— Сиз гапингизни айтиб бўлдингиз.

— Қачон?

— Хатингизда.

— У кифоя қилмайди.

— Ортиғи билан кифоя қилади.

— Унда юздан бириниям айтган эмасман.

— Янглишасиз.

— Ҳаётим билан қасам ичиб айтаманки, мен азобдаман. Қаерда учрашсак экан?

— Қаерда учрашиш мумкинлигини айтолмайман.

— Кечқурун учрашсак-чи?

— Қаерда?

— Монастирь кўчасида.

— Қачон?

— Шанба кун. Сиз монастирь боғига кўчанинг нарига томонидан чиқинг.

— Мен хоҳламайман. Чиқолмайман.

— Йўқ, чиқишингиз керак, Рохила, ўтиниб сўрайман сиздан! Бир зумга келинг. Худо ҳаққи, шанба куни кеч-қурун, кутаман.

— Келмайман.

— Балки келарсиз, Рохила!..

— Хўш, қизим,— деб чақирди Двоя-Малка.— Қани, қайтдик энди. Савдолашиб-савдолашиб ўн тўрт сўмга аранг кўндирдим. Мен сизни шунчали эпчил савдогар деб ўйламас эдим.

— Эҳ, Двоя жонгинам! Сиз савдолашиниға жудаям уста экансиз, илоҳим, соғ бўлинг! Хайр! Соғ бўлинг! Янги зийнат муборак бўлсин! Буюрсин!

— Қуриб кетгур! Юрагим қон бўлди-я! — деди Фрейдл эрига харидорлар чиқиб кетгач.—Келинини айтмайсанми, аммамнинг бузоғи! Чурқ этмайди. Унга марварид шундай ярашдики, худди тўнғизга бўйинтуруқ ургандай бўлди.

XX

ЯНА МАРЖОН МОЖАРОСИ

Рохила маржонни бўйнига тақиб уйга қайтиб келиши билан қайнана уни аввало Айзик-Нафтоля ёнига олиб келди. Двоя-Малка ўзида йўқ хурсанд, худди бирор кашфиёт ўйлаб топгандай юзидан табассум аримас эди.

— Мана бу маржонни кўр, Айзик-Нафтоля; арзон, сув текин.

Айзик-Нафтоля Рохила ёнига яқин келиб, жуда биладиган одамга ўхшаб маржонни синчиклаб кўрди ва бўрини билан узоқ нафас олиб, ниҳоят, савол берди:

— Қанча тўладинг?

— Қани, ўзинг айт-чи. Сен савдогарсан, ахир, билишинг керак,— деди Двоя-Малка кулимсираб.

— Мен қаердан билай, арзон тўлаганмисан қимматми?

— Айтипман-ку, сенга арзон деб, анқов, ўғирлик молдан ҳам арзон! Вой-бўй, қанча қоним бузилди менинг, у қаллоб, бети курсин, савдолашавериб, бақиравериб овозим ҳам қолмади! Савдолашишга усталлигини кўр! Бозорда туғилган савдогарнинг ўзгинаси. Бунча усталликни қаерда, қачон ўрганибди! Тилини айтинг, сен бир оғиз гапиргунигча ўн оғиз гапириб бўлади. Дамида ош пишади. Харидор билан гапиришаётганида худди тўрга тушган чўртанга ўхшаб билтанглайди, қуриб кеткур... Нимага жим турибсан, Айзик-Нафтоля? Айт, сенигча бу маржон қанча туради,— қани кўрайлик-чи заршунослигини.

— Бу маржоннинг баҳоси,— деди салмоқланиб Айзик-Нафтоля, соқолини чимдиб,— бундай бир шода марварид туриши керак, ками ҳам йўқ, ортиғи ҳам — шошманг-чи, яхшироқ кўриб олай, чунки бунда хато қилиш ҳеч гап эмас!.. Арзон дейсанми, а? Арзон-а? Ҳмм... Агар дарҳақиқат арзон бўлса сен бу шодага ками беш ярим сўм тўлаган бўлишинг керак, лекин қимматга олган бўлсанг баҳоси етти сўм.

— Тентак,— деди Двоя-Малка шанғиллаб. Айзик-Нафтоля ҳатто чўчиб тушиб, бир чеккага тисарилди.— Бориб турган анқовсан! Эшакмия! Шундай марваридни беш ярим сўмга берар эканларми? Миясини еган ҳайвон! Гунг одам ҳам сендан кўра тўғрироқ баҳо қўйган бўларди. Кўзинг борми йўқми? Яхшироқ, кўр, аҳмоқ!

Двоя-Малка Рохилани қўлидан ушлаб яна Айзик-Нафтоля ёнига олиб келди ва завқ билан: Кўргин-чи, қандай арзон! — дегандай Рохиланинг бошини кўтарди,

эрини сўкиб, калака қилаверди. Бечора Айзик-Нафтоля бирон гап айтишга юраги бетламас, кўзларини пирпиратар, хирллаб нафас оларди. Аммо шу вақт худо ёрдамга келиб ўғлини юборди, у ҳар қачонгидай ҳассасини ўйнатиб сайр-томошадан қайтиб келаётган эди. Энди Рохиланинг оппоқ чиройли бўйнидаги маржонга Мойше-Мендл баҳо бериши керак эди. У маржонга тўппа-тўғри баҳо берди, бу шоданинг нархи муболағасиз айтганда уч сўм деди.

Двоя-Малка шу қадар жигибийрон бўлдики, унинг арзон олган молига ҳеч ким муносиб баҳо бермагани алам қилибми ёки ноинсоф Фрейдл алдагани учунми йиғлаб юборди.

— Сен ҳам заршуноссан-а! — деб бақириб берди Двоя-Малка ўғлига. — Даданг қанақа заршунос бўлса сен ҳам худди шунақасан! Нега муболағасиз уч сўм бўлар экан, ўғлим! Нега арзонроқ эмас экан?

— Чунки унинг асл нархи шу—уч сўм. Ахир бу маржон-ку! Мен умримда марваридни кўп кўрганман. Мен асил марварид шодасини кўрганман, ҳа!

Бутун куни билан учаласи мунчоқ устида тортишдилар, жанжаллашдилар.

— Бундай бемаъни гапни эшитгандан кўра,— деб нолиди Двоя-Малка, юрагимга ханжар урганларида анча осон бўларди. «Беш ярим сўм-а!» Боринг, ўша муттаҳам, ўша қаллоб шу ондаёқ ўлат тегиб ўлиб кетсин! Мени алдаган бўлсин. Аммо мени ҳали шу кунгача бирон киши алдаган эмас. Қуриб кетсин Фрейдлиям, Стемпенюсиям! Лекин бу баҳони айтиб, юрагимга туз сеппиб нима қиладилар? «Беш ярим сўм-а?» Бутун аъзойи беданини мараз боссин! Мен ит оғзидан суяк сугуриб олгандай ўзимнинг ҳалол пулимни тортиб оламан ҳали ундан. Қўймайман, албатта оламан! Лекин одам

деганинг уялмасдан қанақа қилиб «беш ярим сўм» дейиши мумкин?!

Бу можаро Рохилага шу қадар жирканч туюлдики, у кечаси ётиш олдидан маржонни бўйнидан олиб сандиқнинг энг тагига ташлади ва бундан кейин уни мутлақо тақмайдиган бўлди. Энг алам қиладиган жойи шуки, Мойше-Мендл кун бўйи онаси билан маржон устида тортишиб, Рохилага озгина бўлса-да, эътибор бермади. Ҳатто муборак бўлсин ҳам демади. Кун бўйи Рохилани худди сотилаётган сигирдек ҳали биттасининг, ҳали бошқасининг олдига олиб бориб кўз-кўз қилишди. Ҳар қайсиси унинг иягидан тутиб бошини кўтарар, маржонни ушлаб кўрарди-ю, аммо Рохиланинг ўзи ҳамманинг эсидан чиқиб кетган эди.

Рохила табиятан беозор, бировга аччиқ қилишга иқтидорсиз кўринса-да, бу сафар унинг ҳаммага, айниқса, эрига аччиғи келди. Эри бўлса тушки овқатни бемалол еб бўлди-да, шошилганича синагокка жўнади. Шу кечаси синагогда қандайдир тантана бўлганлигидан у тонггача синагогда қолиб кетди. Очиғи бу ҳол тез-тез бўлиб турарди.

Рохила дарғазаб бўлиб, ичидан куйиб-ёниб бораётган эди. Жаҳлидан юзлари қизарган, боши қаттиқ оғрир, қулоқлари шанғилларди. Нима бўлаётганини ўзи ҳам билмас эди... бугун кечки овқатга у ҳатто қўл ҳам урмади. Двоя-Малка бўлса унга одатдагича: «Нега ҳеч нима емайсан? Нега ичмайсан? Нега уни олмайсан, нега буни олмайсан?» — деб сира тиним бермасди. Аммо бу сафар унинг гаплари, илтимос ва илтижолари кор қилмади. Кўзлари шишиб қизарган Рохила ўз хонасига кириб кетди, тезгина ечинди-да, каравотига ўзини ташлади, кўзидан беихтиёр ёш оқа бошлади. У қайноқ ёш тўкиб анча вақтгача йиглаб ётди...

ДИҚҚИНАФАС КЕЧА

Рохила нега йнғлади? Бу саволга унинг ўзи ҳам жавоб беролмасди. У йнғлаганини сезмади. Унинг юраги кўпдан бери ачишиб юрган эди, ана шу кўпдан буён оғриб юрган тугун бирданига ёрилиб кўзларидан ёш оқа бошлади. Юқорида айтганимиздек, Рохила эрининг уйида ўзини ғариб ҳис қилар, унга нималар етишмасди-ю, аммо нима етишмаслигини ўзи ҳам билмас эди.

Унга фақат бир нарса жуда аён эди: ота-онаси уни эрга берди-ю, бўйнидан соқит қилди! «Бўйнидан соқит қилди!» — шу сўзнинг ўзиёқ қиз бола эрга теккандан кейин ота-онасидан, ота-онаси эса қизидан нақадар узоқлашганликларини ҳис қилиш учун кифоя. «Бўйнидан соқит қилди!» деган сўзларни ҳар бир оилада деярли тез-тез эшитишга тўғри келади. «Бўйнидан соқит қилди!» — бу сўзлар ўзининг раҳмдиллиги билан мақтанадиган халқнинг шаънига иснод келтиради, уят-ку!..

Ҳаммадан кўра Мойше-Мендлнинг қилиқлари ва муомаласи Рохиланинг жиғига тегарди. Рохила ўзининг шунчалик гўзаллиги ва олижаноблиги, вафодорлиги ва садоқат билан эрининг ҳаётида арзирли ўрин тутмаганлигини аниқ кўриб турарди. Рохила эри назар-писанд қилмаслигини жуда яхши биларди.

Бундан ташқари кейинги кунларда Рохила умуман, асабийлашиб қолди. Стемпеню унинг тинчлигини ҳазилакам бузгани йўқ. Рохила, диёнатли Рохила, бутун умр бўйи диний ақидалардан жиндек четга тоймаган, дин буюрган ва хотинлар учун мажбурий бўлган қоидаларни сўзсиз бажариб келган ана шундай бокира Рохила бегона бир эркак ҳақида ўйлайди, ундан хат олади, у билан

учрашади ва... ўзини ҳеч айбли деб билмайди. Унинг бу майлида гуноҳга йўлиқтирадиган васваса йўқ албатта, у фақат Стемпенюни кўришни, унинг скрипка чалишсини эшитишни хоҳлайди, холос.

Ахир, у жуда яхши чалади! Жуда ҳам яхши! Емаса, ичмаса, ухламасаяму, Стемпенюнинг скрипка чалганини эшитиб ўтирса. Эшитиб... унга қараб ўтирса... Кўзлари, оҳ, кўзлари! У кўзлар эркалайди, ҳузур бағишлайди...

Рохила қўллари билан бошини чангаллади. Чаккалари лўқиллаяпти, юраги зирқираб уряпти, орзиқяпти. У бошини кўрпага буркаб олган эди, бирданига кўз олдида илоё тупроғи енгил бўлсин, Хае-Этл пайдо бўлди. Раҳматли Хае-Этл билан Бинёмин воқеаси эсига келиб, эти жимирлашиб кетди. Кўрпасини очиб ташлади, шу пайт қулоғига таниш куй, унга жуда таниш скрипка овози эшитилди. У бошда, менга шундай туюлган бўлса керак, деб ўйлади, аммо музика овози тобора кучайиб, чалинаётган куй аниқроқ эшитила бошлади; унинг нафис овози, мулойим навоси ҳамма созларнинг овозини босиб кетди.

Рохила энди жойида ётолмади. У сакраб турди-да, деразани очиб, кўчага мўралади.

Рохила бундай фусункор тунни кўпдан бери кўрган йўқ эди. Гавҳардек ярқираб турган беҳисоб юлдузларга тўла ёрқин осмонда тўлин ой сузарди. Майин, тоза ва ҳаётбахш ҳаво! Монастирь кўчасининг икки четида параддаги солдатлардек тизилиб турган баланд теракларнинг боши қимир этмайди. Аҳён-аҳёнда монастирь боғидаги гулларнинг хушбўй ҳиди таралиб кундузи бутунлай бошқа ҳаво оладиган мазеповкаликларга роҳат бахш этади.

Бу ажойиб кеча мулойим, пок ва ҳимматли Рохилага, малла ранг қуюқ сочлари оппоқ чйройли бўйнига таралиб тушган Рохилага жуда ҳам монанд эди. Шу дамда

унинг сочларини ой билан ушбу роман автори кўриб қолишини у қаердан билсин? Унинг кўзлари мовий осмон каби кўм-кўк ва мусаффо эди, тиниқ юзлари ҳам шу ёрқин ойдин кеча каби бениҳоя гўзал эди. Аммо Рохила ўзи тўғрисида ўйлаётгани йўқ. Унинг бутун фикризикри жозибадор овоз келаётган томонда эди, қалби эса Стемпеню скрипка чалаётган томонга талпинарди.

Созандалар мотам куйи чалаётгандек ғоят мунгли, ҳазин куйни чалардилар. Бизда хурсандчиликда фарёд қилиш, тантанада кўз ёши тўкиш одат бўлиб қолган. Тўйда чалинадиган куйлар ярим кечада, бутун олам ширин тоналган чоғда, айниқса, мунгли эшитилади, ҳазин куйлардан қайтиб келаётган беш ўн одамгина бош қилиб мазада қилиб эшитадилар. Қаерда? Биласизми, худонинг ёрдами билан унинг тўйини ўтказганлар, демак, қилганлар...

Тантаналар кечада Стемпеню скрипкасининг овози билан баландроқ эшитилар, маҳлиё оракларини эзар, ҳаяжонга

Созандалар дераза ёнида музика овозига қулоқ солишга ҳурмат қилишади. У бу ердан қочиб кетмоқчи, деразани тарс этиб ёпиб чиқиб кетмоқчи-ю, аммо қандайдир номаълум куч уни худди магнитдай тортиб турибди. У олисга тикилиб, музика садоси оқиб келаётган томонга диққат билан қулоқ солди; ундан келаётган овоз гўё скрипка овози эмас, Стемпеню музика тилида у билан гапиришяпти, унга ялиниб-ёлворяпти, таъна қиляпти...

Шу сўлим кечада Стемпенюнинг чалаётганини фақат Рохиланинг ўзи эшитаётгани йўқ. Ой, юлдузлар, салқин ҳаво, бутун табиат, барча жон эгаси ярим кеча-

да шунча ажойиб музикани ким чалаётганини, бу майин овоз қаердан келаётганини кўриш учун уйқудан туриб чиқди.

Монастирь боғидаги хонишчи булбул музика садосини эшитиб, Стемпеню скрипкасининг овози билан баслашмоқчи бўлгандек чақчақлаб сайради. Аммо бу вақт июль охири бўлганлигидан булбул Стемпенюдан устун келолмади: у бечора ёз бошидаёқ овозидан ажраб қолган ва чақ-чақлаб сайраш ўрнига синагогда янги йил ашулаларини айтавериш хириллаб қолган ҳофиздек чийилларди, холос... Бақироқ хўроз музика овозини эшитиб тонг ота бошлаган бўлса керак деб, қанотларини қоқдида, чўзиқ «Ку-ка-ре-ку» ашуласини қўйди ва бекордан бекорга безовта қилганликларидан хафа бўлиб яна оромга кирди. Монастирь кўчасининг итлари ярим кеча яҳудий созандалари чалган музикани эшитиб, одатга кўра увиллақ жой танлаб ётиб олдилар. Ҳатто Двося-Малканинг ола сигири ҳам кавшашдан тўхтаб, қулоқларини диккайтирди ва катта гуноҳ қилган хотинга ўхшаб ичидан оғир хўрсиниб қўйди. Қўшинининг икки эчкиси безовталаниб ётган жойларидан туриб ўрин алмашдиларда, сузишиб олдилар. Хуллас, ёзнинг майин, жимжит ажойиб кечасида музика овозини эшитиб ҳамма жонланди, ҳаракатга келди.

Худди шу пайтда бизнинг ҳимматли Роҳиламиз дераза олдида ҳайратланиб, тамомила ганграб ҳайкалдек қотиб турарди. «Кечани қаранг-а? Қандай чиройли кеча, ё худо!» У бутун вужуди билан қулоқ солар ва кўкрагини тўлдириб салқин соф ҳаводан нафас оларди. У ажойиб кечага мафтун бўлиб кўм-кўк осмонга тикилиб тураркан, болалигида ёзги тунларда дераза олдидаги супачага ўтириб, ойнинг кумушдай нурларидан завқланар, тўптош ўйнаб қўшиқ айтарди:

Ярим оқшом, эшикларни
Ёритар ой ёғдуси.
Ана, Перел қўрқиб йнглар
Шўри қурсин!
Ҳаддан зиёд қайғуси,
Ҳаддан зиёд қайғуси!

Роҳила бу қўшиқни у вақтда маъносига тушунмасдан айтарди. Аммо ҳозир жуда чуқур бўлмасаям ҳар ҳолда уи тушунарди, лекин ақл билан тушунишдан кўра, кўпроқ қалби билан тушунарди. Рсхилани соф ҳаво ўзига жазб қиляпти, имлаб чақиряпти. Уй ичи тор, дим, кўнгил айнийди!.. Роҳиланинг бола чоғида остоиага ўтириб олиб қайта-қайта куйлаган яна бир қўшиғи эсига келди:

Мени зор-зор кутиб қирғоқда
Чақиряпсан ҳозир эҳтимол.
Эвоҳ, сенга етиш қаёқда,
Ахир, сузиб ўтмоғим маҳол!
Чақиряпсан, севгилим, аммо
Сузолмайман, шуниси ёмон!

Ахир у жуда яқин ерда-ку! Мана сочлари елкасига тушган Стемпеню скрипкасини ушлаганича турибди, ёниб турган чаросдай кўзлари доим сенга боқади, эркалайди, сени севади. Роҳила шу пайтда унинг ёнида бўлишни, музикасини эшитишни, чиройли кўзларига тикилиб туришни хоҳлайди...

Роҳила бир нарсани тушуниб етолмади: қандай қилиб Стемпеню ярим кечада бу ерга келиб қолдйкин? Тўйдаги меҳмонлар бу ерда нима қилиб юрибди? У қанча бош қотирсаям бунинг сабабини била олмади. Тўғри, бугун бир жойда тўй бўлаётган эди, аммо тўй бу ердан олисда, Синагог кўчасида эди. Тўйдаги меҳмонлар шун-

ча узоқ жойдан бу ерга қанақа қилиб келиб қолишдй-кин? Созандалар, куёв билан келиннинг қариндошлари яқинлашиб, Роҳилалар уйининг рўпарасига келгач, Стемпеню Роҳиланинг худди деразаси олдида тўхтаб аввалгидан ҳам кўра зўр эҳтирос билан чала бошлагач, жумбоқ ечилди. Ана шунда Роҳила Стемпенюнинг қилган ишиин—куёв билан келиннинг қариндошларини, тўйдаги барча меҳмонларни ўша олисдан ўзига эргаштириб атайини шу ерга олиб келганлигини пайқади... Ким учун қилган бу ишни?

Роҳила бошда таажжубда қолди, аммо хурсанд бўлди, қувончидан юраги қинидан чиқай деди. У бенхтиёр қаттиқ кулиб юбордики, ҳатто ўз овозидан ўзи чўчиб кетди. Фақат ана шундагина ўзининг ярим яланғоч ҳолда, деразадан мўралаб, сочини кўз-кўз қилиб турганини пайқади. У дарҳол деразани ёпди-да, ўзини каравотга ташлади.

«Шўрим қурсин-ей, шўрим қурсин!»—деб ўйлади Роҳила.—Хаёл суриш қандай шармандаликка олиб келиши мумкин. Дераза олдида яланғоч туриб бегона эрларга ўзингни намоёиш қил-а! Стемпеню ҳақида бемаъни, аҳмоқона ўйлар билан мянгни банд қил-а! Аҳмоқнинг ақлини қаранг! Ўнлаб кўчадан ўтиб бир тўда одамни эргаштириб келишини айтинг! Нимани деб? Кимни деб? Шунчалик ҳам юзсизлик бўладими! Бунчалик густохликни қаердан олар экан, киши? Мен бунининг юзига айтаман, албатта, айтаман! Бунга барҳам бериш керак. У мени хароб қилмоқчи. У билан гаплашиб олиш керак, узил-кесил гаплашиб олиш керак. «Сўнгги жанжалдан биринчиси яхши» деган гап бежиз эмас. «Севаман деб лақиллатмоқчи! Одобданми шу?.. У мени шанба кун кечқурун Монастирь кўчасига келишимни сўради. Ўша ерда у юрагидаги бор гапни, мендан нима иташини тамомила очиб ташлайди,

албатта. Оҳ, ўша шапба кунн тезроқ кела қолса-чи! Иш-
ма деяр экан? Эшитармиз! Борамаи, қўрқмайман, ал-
батта бораман. Нимадан қўрқар эканман? Фақат ху-
додан қўрқиш керак... Фалокатни қаранг! Қандайдир
шайтон васвасаси! Унинг можаролари тўғрисида жуда
кўп гап юриши бежиз эмас... Аммо нега осилиб қолди у
менга? Менинг ёшлигимни нега хароб қилади? Аммо
бунга ким айбли? Ўзим айблман. Нега мен дарҳол
унинг оғзинга урмадим? Мойше-Мендл уйда бўлганида
ҳамма гапни унга гапириб берардим!.. У қаерда ўзи? У
мени ўйлаб бошини қотирармиди? Менинг азобим, қий-
налишим унга нима?.. Уйқу олдидан ибодат қилиш ке-
рак. Ибодат қилмай ухлаш яхши эмас...»

Худовандо, ишонаман марҳаматингга
Ишонаман, марҳаматинг тутмайсан дариг,
Мададингга ишонаман эй, парвардигор!

Музика овозини эшитмаслик учун ёстиққа мук тушиб
қўрпага бошини буркаб ётди-да, пичирлаб дуо ўқий
бошлади: «Худовандо, ишонаман марҳаматингга...»

Аммо деразадан скрипканинг мунгли, майин овози
эшитиларди. Овоз тобора сусайиб узоқлашиб бо-
рарди.

Рохила такрор-такрор дуо ўқирди:

Худовандо, ишонаман марҳаматингга
Ишонаман, марҳаматинг тутмайсан дариг,
Мададингга ишонаман эй, парвардигор!

Стемпеню скрипкасининг овози зўрға эшитилади.
Сўнгги нолалари сўниб бормоқда. Рохилани мудроқ бос-
япти-ю, аммо лаблари пойма-пой дуо ўқиб пичир-
лайди:

Рохила ухлаб қолди, тушида Стемпеню унга маржон тақаётган эмиш, Фрейдл Рохиланинг қайнатаси — ибодат кийимидаги Айзик-Нафтоляни қаттиқ дўппослаётганмиш. Улгудай маст Мойше-Мендл косов миниб, башарасини жуда хунук қилиб буруштирармиш. Бир чеккада байрам кийимида, маликадай ясашиб-тусанган Хае-Этл ёқимли кулимсираб сон-сапоқсиз шамларни ёқаётган эмиш.

— Нима қиялпсан! Хае-Этл?— деб сўрабди Рохила.— Нега шунча кўп шам ёқяпсан?

— Билмайсанми? — деб кулармиш Хае-Этл.— Шанба келяпти. Шанба шамларини ёқиб ибодат қилиш керак.

Рохила ёрқин ёнаётган шамларга тикилиб турар, Стемпеню бўлса унинг бўйнига маржон тақаётган эмиш. У Рохилага шунчалик яқин келганмишки, унинг нафасини эшитиб турган эмиш. У мулойим кўзлари билан тўғри Рохиланинг кўзларига тикилармиш. Рохила хурсанд, кулади, ашула айтяпти. Стемпеню бўлса ҳамон унинг бўйнига маржон тақяпти.

Бирданига ҳамма шам ўчиб қолди. Хае-Этл ҳам ғойиб бўлди, атроф ҳувиллаб қолди. Қоронғи, совуқ, худди гўрдагидек. Қаттиқ шамол турди, қаердандир ашула свози, ҳазин ашула овози келяпти; скрипка фиғони эшитилади, таниш скрипка овози, ўша Стемпенюнинг скрипкаси. Скрипкачининг ўзи ғойиб бўлди, аммо скрипканинг овози ҳамон эшитилиб турибди. Скрипкада қиёмат кунигаги оқшомги ҳазин ибодатга ўхшаш куй чалиняпти. Қимнингдир йиғиси, ноласи эшитиляпти. У Хае-Этл ҳазон бўлган, туш каби тез ўтиб кетган ёш умрига ачиниб йиғ-

лаяпти, уни ташлаб бошқага уйланган Бинёминдан но-
лияпти, ахир Бинёмин ўзининг Хае-Этлини эсидан чи-
қарди, унутди-ку...

Рохила:

— Вой-ей, онажоним, — деб қичқириб уйғонди-ю, яна
бошқа томонга ағдарилиб ухлаб қолди.

Рохила жуда ғалати тушлар кўрди. Унинг кўзига
Степеню кўрингандай бўлди, йўқ, кўрингандай эмас,
аниқ кўриниб турибди, бутун кечаси билан унинг кўз
олдидан нари кетмади, бўйнига марварид шодаси тақяп-
ти... Яна Хае-Этл пайдо бўлади, қўлида қора шам, йиғ-
лаяпти, ғам чекапти, овоз чиқариб дуо ўқийди. «Ё қодир,
ё ҳоким, подшоларнинг подшоси, султонларнинг султони
яккаю ягона ва ҳар ерда ҳозир улугъ эгам! Илтижомизни
эшит ва қабул қил! Сенинг муқаддас тахтинг олдида
тиз чўкиб илтижо қиламизки, ерда яшаётган, гуноҳга
ботган инсонларга, авлод-аждодларимизга раҳм ай-
ла...»

Хае-Этл баланд овоз билан ибодат қиляпти. У зор-
зор йиғлаб аччиқ кўз ёши тўкади, ўз қисматидан нолиб
йиғлайди ва бирданига ғойиб бўлади...

XXII

АЛАНГА АВЖ ОЛЯПТИ

Мазеповкада бир монастирь бор, у Мазепа даврида
қурилган дейишади. Монастирнинг атрофи баланд, оп-
поқ, ғишт девор билан ўраб олинган, шаҳарчанинг қа-
рийб тўртдан уч қисмини ишғол қилар эди. Деворнинг
бир томонидаги катта-катта токчаларни шаҳарчанинг
энг катта дўконлари банд қилган, иккинчи томонига ер-
тўлалар қазилган. Бир вақтлар гайдамаклар ўзларининг

қуролларини ўша ертўлаларда сақлашган дейдилар. Энди бунда олма ва бошқа ҳар хил мевалар сақланади. Деворнинг учинчи томони чирмовуқ ўтлар билан қопланган ва бу томон монастирь боғидаги баланд-баланд тераклар билан ҳимоя қилинган. Деворнинг тўртинчи томони яланғоч, кўп жойдан сувоқлари кўчиб кетган, баъзи жойларида гиштлари ҳам қулаб тушган, бу нуқсонлар аллақачон тугатилиши керак эди, албатта. Девор рўпарасида яҳудийлар, ҳамда ғайри яҳудийлар яшайдиган уйлар, кулбалар катта-кичик ҳовлилар жойлашган. Деворнинг ана шу қисми билан уйлар ўртасидаги тор кўча Монастирь кўчаси деб аталади.

Бизнинг ошиқ-машуқларимиз, Рохила билан Стемпеню ана шу кўчанинг бошида, монастирь деворларидан ошиб, осмонга бўй чўзиб турган тераклари тагида учрашди.

«Ғоят қизиқ романлар»га ўрганиб қолган шўрлик кикитобхон бизнинг романимизни ўқиб хўп қийналаётган бўлса керак, чунки бунда на юракни эзадиган воқеалар ва на эсанкиратиб қўядиган саргузаштлар бор. Ҳеч ким ўзини отиб ўлдирмайди, ҳеч ким заҳар ичмайди. Графлар ҳам йўқ, маркизлар ҳам. Улар ўрнида оддий одамлар, қандайдир созандалар ва энг оддий аёллар кўрсатилади. Китобхон шанба куннинг кечқурунги вақтини кутиб ўтирибди, албатта, чунки ўшанда Монастирь кўчасида шавқли, қизиқ бир ҳол юз беради. Аммо мен китобхонларни огоҳлантириб қўйишим керакки, уларнинг ҳафсаласи пир бўлади, албатта. Негаки, бунда қизиқ можаролар бўлмайди, чунки Рохила бу ерга бузуқ хотин сифатида, қоронғи кечадан фойдаланиб, худо сақласин, айш қилмоқ учун келгани йўқ!.. У фақат Стемпенюдан бир нарсани сўрагани: қандай қилиб созанда Стемпеню унга, яъни Айзик-Нафтолянинг келини, Мойше-

Мендининг хотинига хат ёзишга, яна қандай хат донг, галати хат ёзишга ботинибди.

— Мен унинг адабини беришим керак,— деди Рохила ўзига ўзи. Унга узил-кесил қилиб, шартта айтиш керак... «Кейинги пушаймондан кўра, бошда шундай қилиб қўя қолиш керак».

Бу фикр унинг миясига қўққисдан келган эмас. Бу тўғрида у бутун ҳафта бўйи, айниқса, ҳафтанинг сўнгги куни—шанба куни жуда кўп ўйлади. Ё худо, бу кун ичида унинг бошидан не-не ўйлар кечди. Васвасага берилмаслик учун қандай қаттиқ курашди. Йўқ, бу ўринда «васваса» сўзи мутлақо жоиз эмас. Ҳеч қандай роман ўқимаган, ишқ-муҳаббат можароларидан мутлақо беҳабар, тавфиқли яҳудий аёлининг қалбига васваса бирдан нига қаердан келиши мумкин? У эшитган бирдан бир ишқ можароси ўзининг раҳматли дугонаси, жойи жаннатда бўлсин, Хае-Этлнинг Бинёминга муҳаббатидир, буни биз юқорида баён қилганмиз. Демак, унга васваса-ю ишқ қаердан келиши мумкин? Беҳуда гап! У қиз бола бўлганидаям бир гап эди. Қиз бола ҳар ҳолда эркин қуш каби бўлади. Ҳар ҳолда ҳали сочи бекитилмаган, демак, ўзига хон, ўзига бек. Аммо эрга теккан, тавфиқли ва бунинг устига яхши оиладан чиққан хотин қандай қилиб бегона эркак тўғрисида ўйлай олади. Унинг ўз-ўзига ғазаб келиб, ўзини бурда-бурда қилиб ташлашга тайёр эди, ўзини қаёққа қўйишини билмай қолган эди, гоҳ ўзини каравотга ташлар, гоҳ алаҳлагандай бирданига сакраб турарди-да, ўзи ҳам билмай қаёққадир югуриб кетмоқчи бўларди... Унинг кўнгли айний бошлади, жони чиққудай бўлди... Тўсатдан сесканиб турди-да, «Тайч-хумеш»ни¹ қўлига олди ва шошиб-пишиб варақлай бошлаган эди, қуйидаги сатрларга кўзи тушди:

¹ *Тайч-хумеш* — панжикитобнинг (тавротнинг биринчи қисми) ҳозирги яҳудий тилидаги изоҳли таржимаси.

«Йианинг қизи Дина ўша ер қизларини томоша қилгани чиқувди, уни Хамайронинг ўғли Шхем кўриб қолиб номусига тажовуз қилди. Динани севиб қолди. Бехас: Шхем уни кўндирди, деб ёзади».

Рохила келинлигида қайнанаси тортиқ қилган тавротни варақлаб ўтирса-да, фикри Монастирь кўчасида, Стемпеню кутиб тураман деб ваъда берган жойда, тераклар остида эди, у кутади, албатта кутади. Стемпеню эсига тушган замон кўнгли беихтиёр унга интилди, тезроқ кўргиси келди.

— Мен фақат ундан сўрамоқчиман: мендан нимани хоҳлайди, нега у мени хароб қияпти?

Рохила яна дугонаси Хае-Этлни эслади. У шўрлик Бинёмин деб нақадар оғир кулфат тортди. Аммо Хае-Этл Бинёминга амакивачча бўлади, бунинг устига у қиз бола эди. Рохила бўлса «эрли хотин» (яхудий аёли учун бу сўзнинг маъноси жуда зўр). У-чи? Ким ўзи? Созанда! Улар ўртасида нимаям бўлиши мумкин? Рохилага хат ёзишга унинг нима ҳақи бор, у ким унга? Қандай беадаблик! Қандай сурбетлик! Қандай ботинди!

— Йўқ,— дея қатъий қарорга келди Рохила.— Нима бўлсаям мен тўппа-тўғри юзига айтаман! Нимадан қўрқаман? У билан юзма-юз гапиришаман. У ерга бораман... Мени ҳеч ким кўрмайди. Ғир этиб бориб келаман. У жой узоқ эмас, ана икки қадам.

Рохила очиқ деразадан Монастирь кўчасига кўз ташлади. У монастирь боғидаги мағрур теракларни кўрди, қушларнинг чуғур-чуғур қилиб сайрашини эшитди. Фикри уни ўша ерга яна бир соатдан кейин, балки олдинроқ ҳам Стемпеню билан учрашадиган ва юзма-юз гапиришадиган жойга олиб кетди. Юраги уряпти, титраяпти ва ростини айтиш керакки, минутлар ғоят секин ўтаяпти. У кеч киришини, эри билан қайпатаси синагогдан қайтиб келиб шанбани ўтказиш билан машғул бўлишларини,

қайнасаи эса байрам кийимларини счиб ташлаб самовар қўйишу боршч қилишга тутинишини зориқиб кутяпти. Ана шунда Рохила бошинга рўмолини ташлаб, гўё сайр қилган секингина уйдан чиқиб кетади. Унинг уйда йўқлигини ким пайқайди? У ана ўша ерга боради, унда... Ё худо, бутун аъзойи-бадани қалтирайди! Бетлари ловлов ёняпти! Юраги-чи, шўрлик юрак! Мана ҳозир қинидан чиқиб кетай деб турибди... Ҳар бир дақиқа ўтган сари қандайдир куч уни тобора қаттиқроқ ўша ёққа, унинг ёнига тартади. Миясига шундан бошқа нарса кирмайди. Кўзларига Монастирь кўчасидаги баланд тераклар билан кўзлари юлдуздай чарақлаб турган Стемпенюдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди; қулоқлари монастирь боғидаги қушларнинг сайраши ва Стемпеню скрипкасининг жозибадор овозидан бошқа ҳеч нимани эшитмайди.

Рохиланинг бутун вужудини Стемпеню ёнига бориш, у билан бирга бўлиш фикри қамраб олганди. Шу дақиқада уни бу йўлдан қайтароладиган ҳеч қандай куч йўқ эди.

XXIII

УТ ГУР ЭТИБ ЕНДИЮ УЧДИ

Кеч кириши билан Стемпеню ўзининг созандаларини «Змирес»¹ га юборди, ўзиям Фрейдл шубҳа қилмасин деб хўжа кўрсинга скрипкасини олиб кетди. Аммо уйдан чи-

¹ Эски одатга кўра қиз тўйи арафасидаги сўнгги шанба кунини қизлар ўйин-кулги қилган келиннинг уйига тўплашилади. Шу ўтирини «Змирес» (ашула айтиш) деб аталади, баъзи жойларда шанбалик ўтирини дейдилар. *Автор изоҳи.*

қиб кетиши билан скрипкасини погорачи Мехчага тутқизиб, ўзи Монастирь, кўчасига йўл олди. Дарахтлар соясида нари-бери юриб турди, тез-тез тўхтаб сулув Рохила йўлига термилди. Унинг келишига шубҳа йўқ эди. Унинг келишини кўнгли сезарди. У ўша куни маржон олгани Фрейдлнинг олдига келганида кўзларига қараб келишга розилигини аниқ билган эди.

Стемпенюнинг фикри тўғри чиқди. Келганига ҳали чорак соат ҳам бўлгани йўқ эднки, кўчанинг бошида оқ рўмол ўраган бир аёл кўринди. У қўрқа-писа атрофига назар ташлаб илдам қадам босиб келарди. Оқ рўмол бутун пешанасини бекитиб турибди. У бесаранжом, қўллари қалтирайди, тиши такиллайди, тез-тез нафас олади. Негадир бирпас тўхтаб қолди-да, атрофига кўз ташлади ва Стемпенюни кўриб, жадал қадам билан тўғри унга қараб юрди.

— Мен сиздан сўрамоқчи бўлиб келдим, қандай журъат этдингиз!..

— Рохила ўтиниб сўрайман сендан, мен билан сизлашмагин, сансираб гапиришгин,— деб ялинди Стемпеню уни қўлидан ушлаб ва тўғри кўзларига тикилиб.

Рохилага бу кўзлар ўзини мафтун қилган шу ёзги кечанинг кўм-кўк осмонида порлаб турган юлдузлар сингари ярқирагандай кўринди.

Мазеповкалик эркаклар келаётган оддий кунлар ибодатини қилиб бўлиб, Илёс пайғамбар шарафига ҳамду сано ўқидилар. Мусибатли кунлар тўғрисида оҳ-воҳ қилиб, Илёс пайғамбарни ўз кўзи билан кўришга ва у билан қўл беришиб кўришишга муяссар бўлган порсанинг бахтиёр қисматига эришишни орзу қилдилар... Мазеповка аёллари байрам уст-бошларини, зеб-зийнатларини ечиб ташлаб, кундалик рўзгор ишларига киришиб кетдилар. Хуллас, Мазеповка «кунларнинг маликаси шанба»ни ку-

затиш билан овора. Аммо худди шу пайтда тавфиқли Рохила, яъни Двоя-Малканинг келини Монастирь кўчасида созанда Стемпеню билан тавфиққа мутлақо алоқаси бўлмаган нарсалар тўғрисида суҳбат қуриб ўтирганини бутун Мазеповкада хаёлига келтирадиган киши топилмасди.

Фақат кўм-кўк осмон, чарақлаган юлдузлар, Монастирнинг баланд тераклари ва боғда ўз тилларида чуғурлашаётган тунги қушларгина бу суҳбатнинг гувоҳи эдилар. Улардан бошқа ҳеч ким Рохиланинг сеҳрли, ажойиб кечада, монастирь дарахтлари кўланкасида, христианлар кўчасида Стемпеню билан ёнма-ён туриб дунёдаги ҳамма нарсани унутиб ҳузур қилаётганини кўрмади. У бундай роҳатбахш табиат қучоғида ўзини шу қадар яхши ҳис қилардики, умуман, бунақасини сира кўрган эмасди... Бу ерга келаётганида уни босган хавотир тамомила йўқолди. Унга гўё қанот пайдо бўлаётгандай эркин қушдек осмонда бемалол парвоз қилиши мумкиндай туюларди.

Стемпеню унга яна яқинроқ жилиб қўлларини Рохиланинг елкасига ташлади. У сесканиб кетди ва ўзини четга олмоқчи бўлди-ю, лекин жилмади. Фақат Стемпенюга тикилди-да, узун киприкларида икки қатра ёш пайдо бўлди.

— Нимага йиғлайсан, Рохила? — деб сўради Стемпеню унинг ёшларини артиб.

— Оҳ, Стемпеню, сизнинг ёнингизда... сенинг ёнингда бўлиш жуда кўнглили, Стемпеню! Нега мен... нега мен сен...

— Сеники эмас демоқчисан-да! Йўқ, сен меникисан Рохила, меникисан!

— Сеники? Йўқ, сеники бўлиши мумкинми ахир?

— Сен меникисан, меникисан, чунки мен сеникиман, бутун вужудим билан, бутун умр, сўнгги нафасимгача,

қабргача сеникиман! Сен менинг ҳаётимсан! Қувончимсан!

— Бинёмин ҳам шунақа деган эди, қасам ичган эди, амалда бўлса...

— Қанақа Бинёмин? — деб ҳайрон қолди Стемпеню ва оғзига келганини валдираётган болага қарагандай Рохилага тикилди.— Сен қанақа Бинёминни айтяпсан, жоним!

— Менинг дугонам Хае-Этлнинг амакиваччаси Бинёминни айтяпман. Етимча Хае-Этлнинг амакиваччаси бор эди, оти Бинёмин эди. Улар бирга бўламиз деб бир-бирига ваъда беришган эди. Бинёмин унга уйланмоқчи бўлиб қасам ичган эди. Аслда... Ё худо, охири нақадар аянчли бўлди. Шўрлик Хае-Этл ҳалок бўлди, жойи жаннатда бўлсин!... Бинёмин унга жонидан азиз эди, уни соғиниб қийналарди. Бунининг ўзи менга гапириб берган эди. У ҳеч кўз олдимдан кетмайди, у кўпинча гўё менинг ашуламини эшитиб, йиғлаб деразам тагида ўтиргандек кўзимга кўринади ва: «Эркакларга ишонма! Уларга ишониб бўлмайди!» деб мени огоҳлантиргандай бўлади.

Рохила ўзининг раҳматли дугонаси, етимча Хае-Этл ҳақида гапиради, Стемпеню бўлса Рохиланинг қўлларини ўпади, қучоқлайди, кўзига тикилади... Рохила сепгилиси азиз Бинёминнинг ишқи ўтида шамдек эриб, ўчиб кетган Хае-Этлнинг фожияли қиссасини гапиришда давом этарди...

Хае-Этлнинг вафот қилганидан буён бир неча йил ўтиб кетди, аммо Рохила уни унутмайди. Уни тез-тез тушида кўради... Ҳозир ҳам унга гўё кафанга ўралган Хае-Этл монастырь девори устидан Рохилага қараб тургандай ва Стемпенюни кўрсатиб: «Бу ерда нима қилиб юрибсан?» деб бошини чайқагандай бўлди.

— Сен нега, Рохила, жоним буни гапиряпсан? Бемаҳалда нега ундай нарсаларни эсга оласан? Ундан кўра

сен ўзингнинг гўзал кўзларинг билан менга боққин! Улар худди икки гавҳардай ярқираб...

Аммо Стемпенюнинг гапи оғзида қолди, Рохила қўққисдан шундай шиддат билан унинг қўлидан отилиб чиқдики, Стемпеню ҳатто чўчиб кетди.

— Рохила, жонгинам, нима бўлди сенга?

У яна Рохилани қўлларида ушламоқчи бўлди-ю, аммо Рохила қўймади. Бутун баданини қалтироқ босиб:

— Кўряпсанми, ана у! Ана тикка турибди! Бизга тикилиб турибди!...— дея пичирлади.

— Ким тикка турибди? Қаерда турибди? Нимани гапиряпсан, Рохила? Менга яқинроқ кел, жоним, бер менга қўлларингни!..

— Оҳ, тегма менга, тегма, Стемпеню! Қўйинг мени! Кўряпсизми? Ана нимадир оқ турибди... Вой-ей, ана, Хае-Этл! Хае-Этл!.. Тегманг менга! Қўйиб юборинг! Қандай қилиб журъат этасиз?.. Хайр сизга... Хайр...

Рохила дарахтлар кўланкаси ичида ғойиб бўлди. Бошидаги рўмолининг икки учи иккита оқ қанотга ўхшаб Стемпеню кўз олдидан ўтиб кетди. Олижаноб фаришта ана шундай ғойиб бўлади, ширин туш ҳам худди шундай тугайди...

Рохила уйга келиб қаерда бўлганлиги ва ким билан гапиришганлигини ҳаммага гапириб бермоқчи бўлди. Аммо бутун оила ва яна бир неча меҳмон дастурхон ёзилган стол ёнида ўтиришар, катта самовар қайнаб турар эди. Ҳамма қандайдир иш устида ҳангамалашиб ўтирган эди. Яҳудийларда азалдан шунақа расм бор: шанба кун кечқурун биронтанинг уйида йиғилишиб, бутун кун дам олиб бўлгандан кейин иш устида, бўладиган ярмарка ҳақида, сиёсат, у-бу тўғрисида ҳангамалашиб ўтирадилар.

— Мен ярмаркада палатка қурмайман,— деди газ-молчи семиз савдогар.— Қуриб кетсин ярмаркалари! Мен

уларни жуда яхши биламан. Ярмаркани эндигина кўраётганим йўқ. Ташвиш тортиб хуноб бўлганинг қолади.

— Нега энди,— дея эътироз билдирди Двося-Малка, қўлларини қовуштириб.— Тушунмадим, жаноб Юдл, нечук ярмаркаларни ёқтирмайдиган бўлиб қолибсиз. Ўтган ярмаркада савдонгиз, кўз тегмасин, жуда чаққон бўлудини-ю. Қошки, ҳамма шунақа савдо қилган бўлса. Кунни билан пул ишловдингиз.

— Пул ишлашдан бошқасини билмайсан,— дея Двосянинг сўзини бўлди чўт ураётган Айзик-Нафтоля хотинига қарамасдан.

— Менинг учун индинга очиладиган ярмарка,— дея гапга аралашди кирим дафтарини варақлаб ўтирган Мойше-Мендл,— ўтган ярмаркадан кўра яхшироқ бўлишини кутаман. Тушунмайман, нега буни яшириш керак экан?

— Сизлар бировнинг гапига ишонмайсизлар,— деди Юдл,— бутун гап ана шунда. Бировнинг дўконида ўн-тача одамни кўриб, сизлар хўп пул ишлайди деб ўйлайсиз, дарров ҳасад қиласиз, аммо улар бирон нарсани уриб кетиш пайида кўз олайтиришдан бошқани билмайди.

— Биласизми нима, жаноб Юдл,— деди ғилай ёш йигит,— ярмаркаси қуриб кетсин! Ўртада ҳали бир кун бор, ҳали кўрасиз, у ярмарка ҳамманинг жонига тегает! Ундан кўра бошқа бирон нима тўғрисида гапиришайлик.

Ғилай йигитнинг гапи маъқул тушди, энди бошқа ҳар хил масалалар: синагогдаги ишлар, жаҳондаги воқеа ва табиий, урушга боғлиқ масалалар ҳақида қизгин суҳбат бошланди. Уйни шовқин, ғала-ғовур ва шақиллаб турган самоварнинг овози билан тамаки тутуни босиб кетди. Кухнядаги печка қаттиқ иситилган: унда «кунларнинг

маликаси шанбани кузатиш» шарафига ғоз ичак-чавоғидан боршч тайёрланыпти.

— Сен қаерда эдинг, Рохила? — деб сўради Двоя-Малка келинидан.

— Шу ерда. Монастирь кўчасида эдим.

— Ташқари қалай экан? Об-ҳаво дуруст эканми? Худоё, ярмарка тамом бўлгунча дуруст бўлиб турсин-да. Нега рангинг ўчиб кетди, Рохила? Бошинг оғрияптими, ё? Хонанга кириб, ётиб дам ол.

Ҳамма бурилиб Рохиланинг рангсиз юзига қарашди ва бир оғиздан ис теккан деган фикрга келишди.

Рохила ўз хонасига кириб, каравотига чўзилди. Залда ўтирганларнинг суҳбати учун янги мавзу топилди. Ис тегиш тўғрисида ҳангама бошланди. Тутун ҳеч нарсага арзимайдиган, аҳамиятсиз бир нарсая, шунча ба-лога гирифтор қилади-я одамни! Тутундан бўғилиб ўлиш ҳоллари кўп бўлган. Меҳмонлардан бири бир кун бува-сининг уйида ис тегиб бутун оиланинг нариги дунёга равона бўлишига сал қолганлигини гапириб берди. Бошқа меҳмон ундан ҳам кўра фожиали воқеани ҳикоя қилди. Амакисининг оиласи «Маринка» деган балиқни еб заҳарланибди, аранг ўлимдан қутқазилди. Учинчи меҳмон жин, алвасти, жодугар, шайтон ва бошқа шу кабилардан гап очди. Гап айланиб-айланиб ўлим мавзун устига келди.

— Нима тўғрисида гапирманг, — деди меҳмонлардан бири, — барибир ўлим тўғрисида гапирмай илож йўқ.

Бу вақт Мойше-Мендл «Илёс пайғамбар» сурасидаги оятларни куйлаётган эди.

«Илёс пайғамбар...» кириб кўришим керак... «Тишбилик Илёс», менинг рафиқам... «Гилодлик Илёс...» нима қилаётган экан...

У жойидан туриб Рохиланинг хонасига қараб кетди.

XXIV

РОХИЛА ҲАҚ ИҶЛГА ҚАЙТАПТИ

Бирданига:

— Дод! — деб қичқирган овоз эшитилди.

Ҳамма Роҳиланинг хонасига чопди. Роҳила каравотда узала тушиб ётар, боши каравотдан солиниб тушган эди... Қўрққанидан ранги қум ўчиб кетган Мойше-Мендл унинг ёнида ёғочдек қотиб турарди.

— Нима бўлди? Нима гап? Ҳушдан кетибдими? Сув! Тез, сув беринглар!

— Сув! Сув! — деди ҳамма, аммо ҳеч ким жойидан жилмади.

— Ё худо, шўрим қурсин! — деб қичқирди Двоя-Малка қўллари ёйиб. У тезгина кружкада сув олиб келди-да, хўплаб Роҳиланинг докадай оқарган юзига пуркади.

— Докторга одам юборинг! — деб қичқирди Мойше-Мендл ғалати овоз билан.

— Доктор! Доктор! — дея такрорлашди меҳмонлар бир-бирларига тикилишиб.

— Қўллари рўмол билан боғлаб, бурнини қисинг!

— Бурнини! Бурнини! — деб қичқиришарди меҳмонлар худди михлаб қўйилгандай қимир этмай.

— Ҳа, баракалла, Двоя-Малка яна қаттиқроқ! — деб меҳмонлар бекага далда беришарди; у бўлса Роҳиланинг чаккаларини ишқалар, бурнини қисар, зўрлаб кўз қовоқларини очар, юзига сув пуркар, хуллас, жонжаҳди билан ҳаракат қиларди. Ниҳоят, Роҳила ўзига келди.

У туриб ўтирди ва худди уйқудан уйғонгандай ён-атрофга кўз ташлади.

— Мен қаердаман? Нафасим қайтиб кетяпти!

— Худо хайр берсин чиқиб туринглар! — деб буюрди Двося-Малка, меҳмонларни залга жўнатиб, ўзи бўлса ўғли билан бирликда эрига тикилиб турган Роҳила ёнида қолди.

— Нима бўлди сенга, қизим? — деб сўради қайнана.

— Роҳила, сенга нима бўлди? — деди Мойше-Мендл хотини устига эгилиб.

— Ойим чиқсин, — дея пичирлади Роҳила эрининг қулоғига.

— Ойижон, сиз боринг, илтимос қиламан, меҳмонларингиз олдига боринг, — деди Мойше-Мендл.

У онасини кузатиб Роҳила ёнига келди.

— Қани айт, нима бўлди сенга? — деди у биринчи марта навозиш билан хотинига мурожаат қилиб.

— Оҳ, Мойше-Мендл! Ҳеч кимга айтмайман деб қасам ич. Бутун гап орамизда қолишига онт ичсанг гапириб бераман. Мен сенга қарши... қилган гуноҳимдан кечиншга сўз бергин... Хае-Этл бўлмаганида, жойи жаннатда бўлсин, агар Хае-Этл мени огоҳлантирмаганида эди... Оҳ, Мойше-Мендл, азизим!

— Ўйлаб кўр, нима деяпсан ўзинг? Алаҳдаяпсанми, ё? Хае-Этлинг нима? Ахир, унинг ўлганига неча йиллар ўтиб кетди.

— У тушимга кўп кирарди. Аммо бугун... ҳозиргина... Оҳ, Мойше-Мендл, менга яқинроқ эгил... яна яқинроқ... ана шундай... қўрқяпман... тавба қилдим... тавба...

Роҳила эрига яқинлаша-яқинлаша ниҳоят, унинг қучоғига кириб олди. Хона қоронғи эди. Фақат залда ёниб турган лампанинг нури эшик тирқишидан тасмадек чўзилиб тушиб турарди. Роҳила билан Мойше-Мендл бир-бирларини аранг кўрардилар. Бир-бирига тикилиб қолган кўзларида нур чарақларди, фақат ошиқ-маъшуқларгина дастлабки учрашувларида, тил эмас дил, сўз эмас

кўз гапирадиган вақтда ана шундай бир-бирига тикилишлари мумкин.

— Айтгин-чи Мойше-Мендл жоним, мен сенга чинакам азизманми?

— Шу ҳам гапми? — деди Мойше-Мендл. — Сен қалбимдан шундай жой олгансанки... Буни мен сўз билан ифода қилишга ожизман.

Мойше-Мендл Рохилага бўлган муҳаббатини бошқача изҳор қилолмасди. Аммо бу гапларини у чини қалбдан айтганлигига, қалбдаги бу ҳисни гапга чечан одамлардан ҳам кучлироқ туяётганига ишониш мумкин эди.

Бу бахтиёр эр-хотин ҳозирча қоронғи хонада қолаверсин. Ахир улар уйланишгандан бери ўтган бир йил ичида фақат энди бир-бирлари билан чин кўнгилдан гаплашиш имкониятига муяссар бўлган эдилар-да. Майли, улар икки каптардек бемалол ухлайверсинлар. Бутун йил бўйи ҳар иккисининг қалбида чуқур яшириниб ётган ҳис энди юзага чиқди.

Рохила енгил тортди, унинг ёнига ўтириб олган Мойше-Мендл ҳам дуосини оҳиста ўқий бошлади:

— «Илёс пайғамбар, Тишбилик Илёс, Гилодлик Илёс».

Рохила унинг дуосини бўлди:

— Сенга бир илтимосим бор, Мойше-Мендл. Айтгин-чи, бажарасанми?

— Нима гап ўзи? Қанақа илтимос? Айтгин, Рохила, мен сенинг ҳамма илтимосингни бажаришга тайёрман. Осмондан ойини олиб бер десанг, шуни ҳам қиламан...

— Ота-она қарамоғида яшашимиз бас энди, Мойше-Мендл. Ахир сен синагог бекорчиси эмассан-ку. Озроқ дастмоямиз бор, худога шукур. Катта бир шаҳарга — Егупецга кўчиб кетайлик. Унда қариндошларим ва та-

ниш-билишлар ўртасида икковимиз ўзимизни бахтиёр ҳис қилармиз. Мустақил ҳаёт кечиришимиз керак. Тайёрга айёр бўлиб яшашга хотима берайлик, бунақа ҳаёт жонимга тегди, ишонасанми, ҳаётнинг ўзи менга жирканч бўлиб қолди... бу ерда — оилангга биз бегонамиз, бутунлай бегонамиз.

Мойше-Мендл бирпас ўйга толди ва ҳайрон бўлиб Рохилага тикилди. Сўнгра яна аввалгидек тебраниб: «Илёс пайғамбар»ни куйлай бошлади.

— Бўпти, жуда соз... «Илёс пайғамбар...» Менга деса... Нега бўлмас экан?.. «Гилодлик Илёс...» Шу ҳафта десанг ҳам кетаверамиз.

— Мен учун ҳар нарсага тайёрсан, а, Мойше-Мендл!— деди Рохила меҳр билан.— Тўғрими? Биз ўзимиз, мустақил оила бўлиб яшаймиз. Рўзгорни ўзимиз тебратамиз, овқатингга, уст-бошингга қарайман, кўз қорачиғидай сақлайман сени... Оҳ, Мойше-Мендл! Шу қадар парижонхотирсанки, иссиқроқ сўз ҳам эшитиб бўлмайди сендан. Аммо бугун сен бошқасан, бутунлай бошқа кишисан.

— «Илёс пайғамбар»,— дея куйлайверди пичирлаб Мойше-Мендл,— «Тишбилик Илёс... Гилодлик Илёс...»

Шу пайтда залда уй эгалари билан меҳмонлар ўртасида тамомила бошқа бир мавзуда ҳангама бўлаётган эди.

Рохиланинг тўсатдан беҳуш бўлиши сабаби ҳақида ҳар ким ўз фикрини баён қиларди. Бири кўз теккан деяр, бошқа бири, шамоллаган деярди. Ниҳоят, учинчиси, бир неча ўғлини уйлантирган ва ёши анчага бориб қолган бир киши бундай бир фикрни баён қилди:

— Эшитинглар-чи, мен нима дейман. Мен учта келли кўрганман. Бунақа нарсаларда анчагина тажрибам бор. Сизларни ишонтириб айтаманки, унинг беҳуш бўлиши

бўладиган муҳим воқеадан дарак беради. Сиз, жаноб Айзик-Нафтоля бува бўлишга тайёрлик кўраверинг... Сизни Двося-Малка чин қалбимдан табриклайман! Сизнинг келинингиз... Хўш, хўш, бунинг уяти борми? Уяладиган иш йўқ Двося-Малка! Ҳаётда бор гап.

Двося-Малка ўзида йўқ хурсанд бўлди: у бунақа хурсандчиликни кўпдан бери бетоқат бўлиб кутарди.

— Бе! Қўйинглар бу гапни! — дея жўртага аччиқланган бўлди у.— Қўйсаларинг-чи, шу ҳазилларингни. Қани, мен ошхонадан бир хабар олай-чи, боршчим нима бўлди-кан? Бугун негадир тез пишмаяпти, боршчим ҳеч қачон бунчалик узоқ қайнаган эмас эди.

XXV

БИР ЙИЛДАН КЕЙИН

Қаҳрамонлари ўзини осиб ёки отиб ўлдирадиган ёхуд сувга ташлаб ё бўлмаса заҳар ичиб ўладиган, оддий муаллим графга, чўри қиз маликага, синагогдаги ҳофиз алламабалога айланадиган «мароқли» романлар ўқиб юрган китобхон бизнинг ушбу асаримизни ўқиб «маза-маграси йўқ қисса!» деб айтиши мумкин. Аммо нима қилайликки, бизларда граф ҳам, малика ҳам бўлмаса, бизда фақат оддий кишилар, оддий яҳудий аёллари ва тўйда музика чалувчи созандалар бор, холос... Аммо ўзимизни оқлаб ўтиришдан нима фойда? Энди китобхон нима деса дейверсин; бас, уни мана шу ергача ўқишга мажбур қилиб олиб келган эканмиз, энди охиригача бизнинг кетимиздан бореверади, чунки Роҳила нима бўлади-ю, Стемпеню нима бўлади? Ахир китобхон бун билишга қизиқади-ку.

Ўртада бутун бир йилни ташлаб кетамиз (киши ҳаётида бир йил нима деган нарсаси?) ва шанба кунни кечқурун Айзик-Нафтолянинг уйига киришимиз. Қирсак, бу ерда бундан бир йил бурун ўтирган кишиларни кўрашимиз ва худди бултур гапирилган гапларни эшитамиз, ҳуллас, ҳеч нарсаси ўзгармаган. Гап ярмарка, фойда устида, болалар ҳақида бораётир, ниҳоят, гап айланиб Егупецдан истиқомат қилаётган Мойше-Мендел билан Рохилага ўтди.

— Қани, Двося-Малка, болаларининг Егупецдан юборган мактубини ол-чи,— деб Айзик-Нафтоля хотинига мурожаат қилди.— Сиз жаноб Юдл ўқиб беринг.

— Анов ўқисин,— дея икки кўзи ғилай йиғитни кўрсатди қўли билан Юдл. Ғилай хатни олиб, равон ўқиб берди:

«Севикли дадам, доно ва олим, заковатли маърифат эгаси ва ажойиб эр бўлмиш ғоят муҳтарам жаноб Айзик-Нафтоляга!

Ва сўнгра Абокира ва Бенуқсон ойимга Эсфирь ва Авигаил сингари шонли, олийҳиммат ва маърифатли Двося-Малка бибига!

Сўнгра уй ичидаги ҳаммага чин қалбимдан салом йўллаيمان ва бутун умр илтифот ва муруватга сазовор бўлишларингизни тилайман!

Мовий осмонда қора булутларни ёриб оламни ёритган қуёш сингари, тун қоронғисини ҳайдаб зангори осмондан қуйилаётган заррин нурлари сингари...»

— Йўқ, йўқ, униси керак эмас,— деб қичқиришди меҳмонлар,— булар фақат хатга безак бериш учун ёзилган пуч гаплар, беҳуда гаплар, болаларга овунчоқ! Наринг томонини ўқинг!

Ғилай мактубни айлантириб иккинчи бетни ўқий бошлади:

«...Дадажон, сен сўраган нарсага келганда, яъни Егупецдан нима билан савдо қиладилар ва нима билан

савдо қилиб кўпроқ фойда оладилар деган саволларга келганда айтишим керакки...»

— Ана! Шундан бошласанг бўлар экан-да,— дейдилар тўла қаноат ҳосил қилиб меҳмонлар.— Қани, ўқинг!

«...Айтишим керакки, бунда ҳаммадан кўра кўпроқ газмол билан, шунингдек атторлик моллар билан савдо қиладилар. Аммо атторлик газмолдек кўп фойда бермайди. Баққоллик молларнинг кетиши ҳам дуруст, сизнинг Мазеповкадагидан кам эмас. Жун газламанинг баҳолари бу ерда юқори, олтин бараварида юради. Қандун ва кепак ҳам катта фойда беради, бу хил моллар чет элларга жўнатилади ва бу моллар билан савдо қилувчилар катта пул ишлашади. Хуллас, Егупец жуда фаровон ўлка. Шаҳарнинг ўзи жуда катта, томоша қилишга арзийди. Бу умуман, бутунлай бошқа олам. Сиз бунда ташқари кўринишдан яҳудийларга мутлақо ўхшамайдиган яҳудийларни кўришингиз мумкин. Қогоз ҳам бу ерда мол. Егупецда ҳамма нарса мол, ҳамма нарса сотилади. Одамлар биржада тинмай югуришиб юрадилар, ҳар хил акциялар сотадилар, сотиб оладилар, бу ишда даллоллар жуда катта пул ишлашади.

Менинг рафиқам Рохила биби ҳам сизларга чин қалбидан салом йўллайди. Унинг ўзи ҳам сизга бир-икки калима ёзмоқчи. Худоё, бизлар ҳам сизлардан шундай хушхабарлар эшитишга муяссар бўлайлик, омин!

Баъдаз маълум бўлсинки, мен ижарага олган магазин Александр кўчасининг ўртасида бўлиб, савдомиз, худога шукур, хийла дуруст. Рафиқам Рохила биби, илоё умри узоқ бўлсин, савдо-сотиққа бир оз ўрганиб харидорлар билан муомалани эплайдиган бўлиб қолди, аммо мол олгани ярмаркага якка ўзим бораман, у кишим бормайдилар. Москва ва Лодзе бойлари менга молни қарзга беришади. Москва билан олди-сотди қилиш жуда кўнгилли, Москва молни инсоф билан сотади ва яҳудий

харидорларни яхши кўради. Мабодо, бирон кўпас сениб қолгудай бўлса Москва уни қўллаб-қўлтиқлайди, бутунлай хароб бўлиб кетишига йўл қўймайди.

Бу ерда, билсангиз уйларни жуда қимматга ижарага беришади. Кухняси билан икки хоналик квартирага йилига бир юз етмиш беш сўм тўлайман, сув пули билан уйни иситиш пули бунга кирмайди. Бунда умуман, ҳамма нарса қиммат, олтин баравар юради. Шаҳарда аксарият даллоллик қилади ва катта пул ишлашади. Егупец шундай шаҳарки, бунда кун кўриш учун бинойи пул топиш мумкин.

Худойим сизларга соғ-саломатлик, куч ва ғайрат ато қилсин ва сизлардан тасалли берувчи хабарлар эшитайлик.

Сизга салом йўллаб ва бахт-саодат тилаб, ушбу мактубнинг котибил қалами мазеповкалик, олий ҳурмат ва иззат эгаси бўлмиш Айзик-Нафтоля ўғли *Мойше-Мендл*дирман.

Азиз амакимга ва қадрдон холамга ва ҳамда болачақаларига кўпдан кўп салом йўллайман.

Баъдаз ҳурматли боён жаноб Юдлга, рафиқаси ва бола-чақаларига кўпдан кўп саломимни етказгайсизлар.

Баъдаз ҳурматли боён Симхе-Герш жанобларига, рафиқаси ва барча бола-чақаларига бизлардан кўпдан-кўп салом дейсизлар.

Баъдаз ҳурматли боён жаноб Дойв-Берга, рафиқаси ва барча бола-чақаларига кўпдан-кўп салом.

Баъдаз биби Стисе-Бейлега ва барча бола-чақаларига кўпдан-кўп салом.

Шунингдек, ўғлим Юсуф ҳам умри узоқ бўлсин, сизларга чин қалбидан салом йўллайди.

Каминангиз»

«Мен ҳам кўп ҳурмат ва иззат эгаси бўлмиш қайна-
там билан жонажон қайинамга салом йўллаб, бахт-сао-
дат тилайман! Сизга маълум бўлсинки, ҳозир соғ-сало-
матман ва бундан кейин ҳам худо соғлиқ берсин!

Меним Юсуфчам ҳам, қадрдон ойнажон, сизга салом
йўллайди ва юборган кўйлагингиз учун бешпоя миннат-
дорлигини изҳор қилади. Бу совғангиз эвазига, у агар
худо умр берса, худо хоҳласа, яна уч-тўрт йилдан кейин
хедерга боришга ва яхши ўқишга ҳамда, худо хоҳласа,
диёнатли яҳудий бўлишга сўз беради. Илоё умри узоқ
бўлсин. Омин!

Қадрдон ойнажон! Агар сиз Юсуфчамга жундан бир
жуфт пайпоқ ва бошига бирон нарсa тўқиб юборолса-
нгиз ғоят мамиун бўлардим, ўзим бўлсам эримнинг иш-
лари билан жуда бандман, Юсуфчам учун махсус боқув-
чи тутини истамайман, арзимаёди. Мен фақат битта
қизни ёлладим, унга тўрт сўм тўлайман, уст-бошини ҳам
ўзим қилиб бераман. У болага қараб туради, сигирни по-
дага ҳайдайди. Сиз мен сотиб олган сигирни бир кўрса-
нгиз эди! Тўрт кварта сут беради, сутини кўрсангиз баай-
ни қаймоқ дейсиз! Худога шукур, мана ҳозир ўзимизнинг
сутимиз, қаймоғимиз, сузмамиз бор. Аммо азизим, Мой-
ше-Мендл сутли овқатларни бирданига ёқтирмай қўйди.
Ўтинаманки, бунинг учун у кишининг таъзирини бериб
қўйинг. У кишим ўзига ҳеч раҳм қилмайди. Юсуфчам
бўлса йиғлайди, у бечоранинг егиси келади, ё худо, унинг
келгусидаги барча гуноҳлари учун сенинг қошингда мен
жавоб берай! Хатини мухтасар қиламан. Ҳамма хешла-
римизга ва барча ёр-биродарларимизга мендан салом де-
гайсиз. Худо ҳаққи, сизлардан жавоб ёзишларингизни сў-
райман.

Бахт-саодат тилаб содиқ келнингиз

Рохл»

— Ўҳ-ху! — деди семиз Берл, хат ўқиб бўлингандан кейин, — худоё бизнинг болаларимизга ҳам шундай кун насиб қилсин!

— Гуноҳкор бўляпсиз, Двося-Малка! — деди Юдл. — Тўғри айтяпман. Гуноҳкор бўляпсиз...

— Албатта, худога минг шукур! Болаларимнинг, кўз тегмасин, турмушлари фаровон. Аммо соғинаман. Рохилам бир дақиқа эсимдан чиқмайди. Жаноб Юдл, дош беролмайман, соғинаман!

Рохиласини эсидан чиқаролмаганлигининг исботи учун Юдлга келинининг фазилатларини, унинг бутун юриш-туриши ва феъл-атворини битта-битта санаб кетди.

Яна қизғин суҳбат бошланди. Аммо энди гап Егупец ҳақида ва Егупецдаги ишлар тўғрисида борарди. Сўнгра рюмкаларни тўлдириб уриштирдилар ва қўлларида узоқ вақт ушлаб туриб, бир-бирларига соғлиқ, яхши тилаклар, бутун халққа хушнудлик бало-қазодан ва дард-аламдан холи бўлишни тиладилар. Ниҳоят, боршч келтирилиб дастурхонга қўйилди, унинг хуш ҳиди бутун уйни тутиб кетди. Кайфлар чоғ. Овқат ғамида тезда Мойше-Мендл ҳам, Рохила ҳам, Егупец шаҳари ва бошқалар ҳам эсдан чиқиб кетди.

XXVI

ДУЗАХ АЗОБИ

Гўзал Рохилани фақат биргина киши ҳеч унутолмайди.

Гапимиз Стемпеню устида бораётганлигини китобхон пайқаса керак. Ҳа, худди ўшани гапиряпмиз. Унинг қанақа ғам чекаётганини ким тасвир қилиб бера олади? Унинг қалбидани дард ва аламинини ким тушуна олади?

«Бу аламга қандай чидаш керак, ахир! — деб ўйларди Стемпеню.— Шармандалик-ку! Кетиб қолаверди, мени эсига ҳам келтирмабди, индамабди ҳам. Кўнгил учун, қуш тилидай хат ёзиб: маълум бўлсинким, мен кетяпман, деса бир ери камайиб қолармиди? Қандай расогарчилик-а!»

Стемпеню бунақасини сира кўрган эмас эди. У ҳар қанақа мушкулликларга дуч келган, баъзида саргузаштлари фожиали бўлиб, айрим ҳолларда жанжал билан тугаган бўлса-да, ҳеч қачон ҳозиргидек шармандаликка йўлиққан эмас ва шундай бўлар деб ўйлаган ҳам эмас эди. Цадик саройида катта ҳурмат ва иззатга сазовор бўлган, ўша эзгу зотнинг қизлари билан ҳазиллашиб юрган Стемпеню, панларни қойил қилган ва ҳатто графиня Бжежевскаяни мафтун қилиб унга бир неча марта файтон юбориб ўз ҳузурига келтирган ва у билан французча гапиришган, ана ўша Стемпеню доғда қолди, оддий яхуди аёли шарманда қилиб кетди.

— Юрагим ўртанади унинг ҳажрида!— деб дангал тан оларди Стемпеню созандаларга.— Юрагимни босиб ололмайман, қўмсайман, соғинаман шу хотинни. Агар... агар анов бўлмаса... унинг кетидан жон деб Егупецга кетардим.

Стемпеню шу гапларни айтганида ён атрофига кўз ташлар ва кўзи билан кимни қидираётганини созандалар жуда яхши билишарди.

Созандалар Стемпенюни чин юракларидан севар ва ҳурмат қилар, у деб ўзларини ўтга ва сувга ташлашга ҳам тайёр эдилар. Лекин Фрейдлини кўришга кўзлари йўқ эди. Унинг хасислиги, зиқналигидан ва бемаза хулқидан безор эдилар.

— Бўйдоқ эканида,— деярдилар созандалар ўзаро,— у пулнинг бетига қарамасди. Ундан бир неча сўм пул олиш ҳеч гап эмасди: баъзан ундан қиёматда оларсан

деб уч сўм, бошқа вақтда беш сўм ҳам қарз олаверардинг, баъзида эса ўзи шундай бериб қўя қоларди. Уша ялмоғиз, ер юткур, ўз чангалига қисиб олгандан буён бир тийинга зор бўлиб юради, кўча харажатига сариқ чақа пули бўлмайди. Эски, яхши замонлар ўтиб кетди, Стемпению уйида бўладиган зиёфат-базмлар барҳам еди, кўнгил очишлар тугади. Очингдан ўлиб қолсанг ҳам бировдан ёрдам ололмайсан. Қуруқ нонга муҳтож кунлар ҳам бўлади. Тўй мавсумини кутиб ўтирасан. Наҳотки, кўнгил учун бир пиёла чой тутса-ю олдинга бир бурда нон қўйса, илоё қурт-қумурсқаларга ем бўлсин!

— Ишонасизми, очимдан ўлсам ўламанки ўша ялмоғиз дастурхонга олтин тўкиб қўйса ҳам қўл урмайман, у илоннинг қўлидан бир бурда нон ҳам олиб емайман.

— Стемпению ўша қурбақа билан қанақа қилиб яшар экан, ўтакегган аблаҳ-ку! Агар у менинг хотиним бўлсачи, аллақачон осиб ёки заҳар бериб ўлдирган бўлардим. Нариги дунёга, жаҳаннамга жўнатмасам, эркак номини кўтариб юрмасдим...

— Эҳ Стемпению, Стемпению! Хўп, қўлга тушибсан, бояқиш, дўзах азобидасан.

Созандалар ўзаро шундай дердилар, улар Стемпениюнинг аҳволи қийинлигини билар, гарчи унинг ўзи оғиз очиб нолимасаям қайғусига шерик эдилар.

Улар Фрейдл бозорга кетганида ёки қарздорлари ва харидорлари билан банд бўлганида жонлари кирарди: Стемпению шерикларини тамаки билан сийларди. Шериклари бўлса текин тамакини бемалол тортиб ёйилиб ўтиришар, ўтмишдаги шўхликларини эсга олишарди. Фрейдл кўриниши билан ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлиб, хонадан бирин-кетин чиқиб кетишарди.

— Буни қаранг энди, буни қаранг, шунча чекишибди-я! Уйни майхонга айлантириштипти! — дерди Фрейдл бурнини жийириб ва хийла камайиб қолган тамаки қу-

тисига маънодор қараб қўярди.— Чекишади, уйни тутунга тўлғазишади, ҳарсиллаб ўтиришади! Бу тутундан менинг бошим огрийди, кўнглим айниydi! Сиз шу чекишларнинг билан мени ўлдирмоқчисизлар шекилли! Сен чекишни фойдали деб ўйласанг керак, а, Стемпеню? Ион, ахир, сен бу билан ўзингни хароб қиласан. Гапимга қулоқ сол, Стемпеню, ташла чекишни, жонгинам!

— Менинг соғлиғим ҳақида бу пуч гапларнинг нима зарурати бор, Фрейдл? Очигини айта қол, сен уч мирилик ярим пайса тамақини қизғанасан. Майнабозликнинг нима кераги бор?!

— Ана холос! Майнабозлик эмиш! Мен унинг соғлиғини ўйласам, у бунинг майнабозлик дейди-я! Бугун менга фақат сенинг гапларинг етишмай турувди! Эртадан бери бақиравериб, жанжаллашавериб хириллаб қолдим, бир мири ҳам даромад қилолмадим. Бунинг устига мени худди чўрини койигандай сўкишиб, расвойи жаҳон қилишди. Мол бўлса ана турибди, чириб кетяпти.

— Шунинг айт-чи, менга Фрейдл шунча оворагарчиликнинг нима кераги бор? Сенинг эпқнализинг, тамаъгирлигинг нега керак? Болаларинг очидан ўлиб кетяптими?

— Аммамнинг бузоғини қаранг! Унга ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганинг ҳисоб эмас, олдига қўйгин-да, чайнаб ҳам бергин. Мен топанганимни ойнимга обориб беряпманми? Шунақами, Стемпеню? Балки ҳаммасини ўзим еб, ўзимга сарф қилаётгандирман? Хотининг ўтакетган исрофгар-да! Ё худо, ўзинг инсоф бер. Шундай демоқчимисан? Қани кўзимга қара-чи, Стемпеню. Шундай демоқчимидинг?

— Сен ҳаммасини еб тугатяпсан, деяпманми? Аксинча, бунинг тескарисини гапиряпман, мен айтяпманки...

— Сен айтяпсанки... Нима дейишингни биламан мен! Яна сен норозисан, Стемпеню, шунақами? Худо сенга

мана шунақа исрофгар хотини ато қиптики, у бир чақани икки қилади, кечаю кундуз фақат сени ўйлайди. Айтгинчи, сенга нима етишмайди? Нега индамайсан? Гапир? Мендай хотининг бўлмаганида, Стемпеню, билмадим ўзинг нима бўлардингу, скрпканг нима бўларди?

— Бай, бай, бай! Сен бўлмасанг ўлиб кетар эканман-да!

— Ҳа, албатта ўлиб кетардинг! Уйланганинггача қанақа эканлигингни эсингдан чиқарган бўлсанг керак, на устингда кўйлагинг, на оёғингда тоза пайпогинг, на ёстигинг ва на тузук кўрпанг бор эди, ахир ҳеч нарсанг йўқ эди-ку! Ҳолбуки, катта-катта пул топардинг, шу пулларингни қаёққа қўярдинг?

— Бўйдоқлик ҳаётимдан сенга ҳисобот бериб ўтирарканманми?

— Ана, бутун бало шунда, Стемпеню, тўғри гапга тоқатинг йўқ. Сен хотинингга маломат ёғдиришдан бошқани билмайсан, аммо хотининг бўлса сени деб ўлар-тириларига қарамай терга ботиб ишлайди, ҳузур-ҳаловатни ўйламайди, тўйиб овқат емайди, азоб-уқубатда яшайди? Хўш, буни у ким учун қилади, а? Сен учуи, ҳа! Бунинг эвазига у нима қилиб берарди? Қабримга олтиндан ҳайкал қўярдимми? Шўрим қурсин эй, шўрим қурсин!

— Нима қилдим сенга? Ҳеч нарса деётганим йўқ-ку!

— Нима қилдим-а? Кўп иш қилдинг. Ёшлигимни, ҳаётимни хароб қилдинг. Ёш, маъсума қиз эдим, сўзамоллигинг билан бошимни айлантирдинг, катта-катта ваъдалар бердинг, алдадинг, йўлдан урдинг! Мен сени кўрмаганимда қандай яхши бўларди. Ўзимга тенгини топган бўлардим. Стемпенюнинг хотини бўлмасам бўлмасдим. Сенга хотин бўлиб шохим чиқдимми? Ё бахтим очилдимми?

— Балки сен афсус қиялгандирсан, Фрейдл? Афсус

қиладиган бўлсанг иложи топилади. Мазеповкада раввин бор, дарё ҳам бор¹, ажралиб қўя қолайлик.

— Э, шунақами? Ажралишни хоҳлайсанми? Ниҳоят, асл мақсаднинг айтдинг, фақат шунга муштоқ бўлиб туришингни мени билмайди деб ўйлайсанми? Мендан қутулиб олмоқчисан-да! Биладан, Стемпеню, ҳаммасини биладан. Аммо сен мени алдаёлмайсан! Мени кўрганни кўзинг йўқ, Стемпеню. Тўғрими? Хўш, айтгин-чи, мени нима ёмонлик қилдим сенга? Виждонан айт-чи, нима ёмонлик кўрднинг мендан? Буни биланш менга зиён қилмаса керак...

— Бор-э!— деб Стемпеню ўз хонасига кириб кетди ва деворда осиглиқ скрипкасини қўлига олди!

Скрипка Стемпенюнинг бирдан бир дўсти ва бирдан бир овунчоғи, у скрипкасини чалиб юрагидаги дардини эсидан чиқаради, уни чалиб ёшлигини ва тамомила қўлдан бой берган эркинлигини хотирлайди! Скрипка чалганда қалбига яқин кўпгина кишиларини эслайди. У камончасини тортиши билан жуда кўп ёрқин ва қувноқ сиймолар кўз олдига келади. Кўз олдига келади-ю, хиёл ўтмай ғойиб бўлади.

Ўтмишнинг беҳисоб манзараларидан унутилмас бир сиймо — очиқ чехрали, киприкларини узун, бўйни оппоқ, мовий кўз Рохиланинг сиймоси кўз олдига тез-тез намоён бўлади. Унинг ёқимли, мулойим кўз қарашлари-чи? Унинг ана шу кўз қарашлари учун Стемпеню жонини ҳам беришга рози.

Скрипка сайрайди. Кўз елдимдан Рохила кетиб қолмасин деб скрипкасини узоқ чалади. Рохиланинг сиймосини ғира-шира тасаввур қилиб турса ҳам рози. Унинг ҳақидаги ўйни ҳам ҳар нарсадан қиммат билади.

¹ Яҳудийларнинг шарият қонунарига кўра, эр билан хотиннинг албатта дарё бор жойда фақат раввин ажратиши мумкин.

Стемпеню ўша вақтда чалганидек завқ-шавқ билан ҳеч маҳал чалган эмас эди. Унинг санъати ниҳоятда ўсиб кетди. Ўша чоғда Стемпенюнинг чалишини эшитмаган киши, чинакам музикани эшитмабди.

Баъзан биз қафасдаги қушнинг сайрашини эшитиб завқланамиз. Унинг кўз олдига ям-яшил япроқлар, очилган гуллар, барг ёйган куртаклар, соф ҳаво, бепоён далалар келади ва ўз дард-ғамини сайраб куйлайди. Куйлайди, чақ-чақлаб куйлайди, ғам чекади, биз бўлсак завқланамиз, маза қиламиз.

— Соғинаман, уни ҳеч унутолмайман,— дейди Стемпеню қайта-қайта.— Мен уни соғинаман. Энг яқин кишини соғингандек соғинаман. Мен уни қидириб Егупецга борар эдим, аммо...

Стемпеню ён атрофига кўз ташлайди ва Фрейдлини кўради. У қандайдир харидорга мунчоқ, шойи рўмол, жун калава кўрсатиб уни аврапти. Фрейдл уйни секин-аста бутун бир магазинга айлантирди ва ўзи дўкондор хотинларга ўхшаб чинакам савдогар бўлиб олди.

Фрейдлиникига онаси семиз Ципойра тез-тез меҳмонга келиб туради. У қизига:

— Даданг скрипкачи Шайка сени жуда соғинибди, бориб ҳол-аҳволидан хабар олиб келгин деб мени юборди,— дейди. Аммо қизи онасининг гаплари ғирт ёлғон эканини, уйда қорни тўймай қийналганидан, бу ерга ширин-ширин овқатларга қониб олиш пиятида келганлигини жуда яхши билади.

— Биласанми, қизим, сен менга бир вақтлар сенга пиширганим каби ўрама ширмой булкаларни пишириб бер. Бир стакан цикорий билан булка даво бўлади. Агар булкага қалин қилиб сариёғ сурсанг яна яхши. Нонуштага, айтнинг, устига пиёз сепиб роз ёғининг жиззасини беришсин. Агар эсингда бўлса, даданг бу овқатини жуда

яхши кўрарди. Соғлик дори-дармонда эмас, қизим, қозонда...

Ципойра ҳар куни яланиб нонуштага, обед ва кечки овқатга ҳар хил янгидан янги таомлар ўйлаб чиқаради. Фрейдл онасининг бунақа қилиғидан хурсанд эди деб бўлмайди албатта... Бошда бир неча кун ғижина-ғижина онасининг қонмас иштаҳасини қондиришга рози бўлиб келди. Аммо бир ҳафта ўтиши билан Фрейдл ва онаси бир-бири билан ғижиллашиб қолди. Стемпеню уларнинг даҳанаки жангини эшитиб хотини билан қайналасини муросага келтиришга ҳаракат қилиб кўрар, аммо натижада ҳар икки томоннинг ҳужуми остида қоларди.

— Ишинг бўлмасин, аралашма! — деб хотини оғзига урарди, — ташвиш тортма, сенинг мулкингни ойимга бериб қўймасман, кўнглинг тўқ бўлсин, Стемпеню.

— Куёв ҳам шунақа бўлар эканми? — деб мингилларди ўз навбатида қайнана. — Ҳўкизнинг тили узун бўлса-да, сўзи йўқ. Виждони бор, андишали куёвлар қайнани ўз онасидек ҳурмат қиладилар, аммо бунга нима! Қизим мени қарғаганини икки қулоғи билан эшитиб турибди. Қарғаяндаям шундай қаргайдики, одам боласи чидаб туrolмайди, шу пайтда ер ёрилса-ю, юғиб юборса розисан. У бўлса ғинг демайди! Шуям эр бўлтимиз? Скрипкасини ғитиллатишдан бошқани билмайди, ё худо, жонига тегмас экан-да ҳеч! Менинг қизим нимага кеккаяр экан? Ҳеч тушунолмайман. Иши ўнгидан келганининг ҳўкизиям сут беради. Бунақаларни кўп кўрганмиз! Сенинг қайнатанг, Стемпеню, жуда зўр скрипкачи эди, сендан сира қолишмасди. Аммо нима ҳам дердик, янги супурги яхши супуради деган эканлар. Ҳар ишда омад бўлиши керак. Шундай гап бор-ку: «Худо хоҳласа йўқдан бор қилади». Мен дангал бетингга айтганимдан хафа бўлмагин, Стемпеню. Ҳар бир ит ўз уясида хўжайин деган гап бўлса-да, мен сенга бегона эмасман, ҳар қалай

мен сенинг қайнанаңман. «Мушук билан ўйнар экансан, тирноғидан хафа бўлмайсан».

Ципойра икки сўзнинг бирида мақоллару маталлар келтириб гапирди. Бир гапга тушиб кетганидан кейин уни сира тўхтатиб бўлмасди. Стемпеню қайнанасининг гапларини охиригача эшитиб ўтирмасди. У юраги эзилганида доим скрипкасини чаларди. Скрипкасини қўлга олар экан хотинини ҳам, қайнанасини ҳам ва барча балло-ю баттарини ҳам эсидан чиқариб юборарди. Мовий кўз Рохила яна кўз олдига келарди.


— Юрагим ҳажрида ёнади, бир кўрсам эди! — деб пичирларди Стемпеню. Биргина марта бўлса ҳам уни кўриш ниятида бу ердан қочиб кетишнинг минг хил йўллариини хаёлидан кечирарди... Хом хаёллар! Даври ўтганини, ҳаётнинг энг гўзал чоғи орқада қолиб кетганини тушунмайди у. Стемпеню ўзининг елкасига таралиб тушган қоп-қора жингалак сочининг спйраклашиб, кўзида ёниб турган нур хиралашиб, оппоқ пешанасини чуқур-чуқур ажин босиб бораётганини сезмайди.

Тентак паҳлавон! Йўлдан озмагин! Қара: ёнингда Далиланг, хотининг Фрейдл ўтирибди. Тавротдаги Далила ўзининг паҳлавон Самсонини қандай қилган бўлса, сенинг Далиланг ҳам аллалаб, бошининг тиззасига қўйиб ухлатиб қўйди-да, узун сочларининг секингина қирқиб олди, сени кучингдан, бутун паҳлавонлик кучингдан маҳрум қилди... Энди биргина овунчоғинг қолди, у ҳам бўлса, скрипка.

Чал Стемпеню, скрипкангни чал! Чал, эштайлик...

МУНДАРИЖА

СУТЧИ ТЕВЪЕ 7
СТЕМПЕНЮ 203



На узбекском языке

**Шолом-Алейхем
ТЕВЪЕ-МОЛОЧНИК**

Перевод с издания Гослитиздата 1959 г.

Редактор *М. Мирзоидов*
Рассом *М. Козаров*
Расмлар редактори *Г. Бедарса*
Техн. редактор *Л. Нарнихўжаев*
Корректор *М. Жўраса*

Босмахонага берилди 19/V-66 й. Босишга рухсат этилди
23/VII-66 й. Формати 70×108¹/₃₂. Босма л 10,25. Шартли
босма л 14,35. Нашр л 13,98. Тиражи 15000.
«Тошкент» бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий
кўчаси, 30. Шартнома № 112-65.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот Давлат
Комитетининг 2- босмахонасида, 1- қозоғга босилди.
Янгийўл, Чехон кўчаси, 3. Заказ № 29. Баҳоси 55 т.